АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ

ОШИҚНОМА

1-КИТОБ

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:
ПРОФЕССОР С. Р. РЎЗИМБОЕВ

«ХОРАЗМ» НАШРИЁТИ.

УРГАНЧ - 2005 Й.

Ушбу нашрга Хоразмда кенг тарқалган ишқий-саргузашт мавзусидаги «Ошиқ» туркуми достонларига яқин бўлган ва негизида эртак сюжетлари ётган ишқий-фантастик достонлар жамланди. Мажмуага киритилган достонларнинг барчаси тошбосма ва қўлёзма нусхалар асосида нашрга тайёрланди. Мазкур достонлар ҳам китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади, деган умиддамиз.

Таҳрир ҳайъати: Азимбой Садуллаев, Сафарбой Рўзимбоев, Абдулла Аҳмедов, Матназар Абдулҳаким, Ҳамдам Абдуллаев, Сотим Аваз, Баҳодир Бобожонов, Зарифбой Дўсимов, Исмоил Оллоберганов.

Нашрга тайёрловчилар: С. Р. Рўзимбоев, Г. О. Эшчонова,

С. С. Рўзимбоев, А. Аҳмедов.

Тақризчи: филология фанлари доктори, профессор
Жумабой Юсупов.

Рассом: Ҳ.Раҳимов.

Мусаҳҳиҳ: Ё. Иброҳимова.

«Хоразм» нашриёти – Урганч - 2006 йил.

ИШҚИЙ-ФАНТАСТИК ДОСТОНЛАР ҲАҚИДА

Фантастика, сеҳр-жоду, ғайритабиий ва фавқулодда юз берадиган ғаройиботлар негизида қурилган сюжетларнинг халқ оғзаки ижодида яшаб келиши энг қадимий анъанадир. Бу типдаги асарларда инсон образлари билан бир қаторда девлар, парилар, қанот боғлаб учувчи отлар ҳам иштирок этишиб, улар ҳамиша асар қаҳрамонлари хизматида бўлишади, инсонлар билан доимий мулоқотга киришади. Ушбу анъана аксарият эртак жанрига хос хусусият бўлиб кўринса-да, ўз навбатида улар достонлар мазмунидан ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бу турдаги достонларда иштирок этувчи бош қаҳрамонларнинг саргузаштлари ҳам кўп ҳолларда туш кўришдан бошланади. У тушида баъзан гўзал бир қизни кўриб, уни олиб келишга жазм қилади. Саргузаштнинг бошланиши аксарият ҳолларда худди эртаклардаги каби уч йўл бандига: «борса келар», «борса келмас», «борса гумон»га бош қаҳрамоннинг дуч келиши ва улардан бирини танлаш воқеаси билан бошланиб кетади. Албатта асардаги асосий образ «борса келмас» йўлини танлайди ва турли-туман ғаройиботлар билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар гирдобига ташланади. Бу гирдобдан қутилиб чиқиш жараёнида унинг образидаги турли хусусиятлар-эпчиллик, жасурлик, чидамлилик, курашчанлик ва бошқа қатор фазилатлар аста-секин намоён бўла боради. Асар бош қаҳрамони айни пайтда ҳайвонлар ва қушлар билан мулоқотда бўлганлиги сабабли унинг сиймосида забардаст қаҳрамонга хос бўлган сифатлар билан биргаликда афсунгарлик, сеҳргарлик каби ҳунарларни ишлата билиш қобилияти ҳам намоён бўлади. Жумладан, у соч толасини куйдиргани заҳоти ёнида паризод ҳозир бўлади. Ёки у бир афсун ўқиши билан тилсимотлар очилиб кетади. Мазкур достонларда қаҳрамон танлаш масаласида ҳам эртакларга хос хусусиятлар кўзга ташланади. Яъни бош қаҳрамонлик вазифаси кўп ҳолларда ака-укаларнинг кенжаси зиммасига юкланади.

Достонларда тасвирланган ёвузлик, ғайри инсоний ҳатти-ҳаракатлар шундай бўрттириб тасвирланадики, баъзан асардаги бош қаҳрамон ушбу масалаларни бир ёқли қилиш, улардан устун келиш борасида ожизлик қилиб қолади.

Ана шундай вазиятларда қаҳрамон фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган сеҳрли ёрдамчилар пайдо бўлади. «Сеҳрли ёрдамчининг бу ҳал қилувчи роли аслида сеҳрли эртакнинг ёрқин белгисидир». [1] Бу ёрдам натижасида ёвузлик ва разолат устидан софдиллик ва адолат ғалаба қозонади. Демак, бу достонлардаги фантастик бўёқ, афсонавий руҳ ҳал қилиниши мушкул бўлган масалаларни ижобий тарзда ечиш борасида асар қаҳрамонларига ҳомийлик қилиш, ёрдам кўрсатиш учун киритилган ўзига хос бир фон бўлиб хизмат қилади. Албатта, достонларни мифология ва эртакларга хос бўлган мотивларсиз тасаввур қилиш қийин. Лекин бу мотивларнинг салмоғи достонларнинг ҳар бир туркумида ўзига хос равишда намоён бўлади. Масалан, Хоразм «Гўрўғли» туркуми достонларида бундай мотивларнинг ишлатилиши

[1] Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. М., 1986,с. 287.

унчалик кўп эмас. Бироқ «Ишқий романик достонларда эртакларга хос фантастика, бадиий уйдирмалар жуда кўп ишлатилади, баъзан сюжетнинг стержени, композицион тузилишининг асоси бўлиб қолади». [2] «Ошиқ» туркумига бирлашадиган қатор достонларда ҳам эртак мотивлари катта ўрин эгаллайди. Ишқий-романик достонларнинг бошқа туркумлардаги достонлардан тубдан фарқ қилувчи томони шу ердаки, унинг шаклланиш заминида асосан эртак ётади. Ушбу достонлар таркибига ўша эртаклардаги мифологик эпизодлар ҳам ўтган. Эртак асосида шаклланган достонлар ўз характерига кўра, дастлабки ҳолатидан анча узоқлашишга улгурган. Жумладан, эртакларда ҳамиша кенжа ботир номи билан юрган ижобий қаҳрамон достонда ўзининг хусусий исмига эга. Воқеа ўрни масаласида ҳам достонларда конкретлик мавжуд. ҳатто парилар, девлар образи ўзининг конкрет исмига эга. Масалан, Қақнус дев, Ҳаштируқ дев каби. Парилар фаолиятида эса инсонларга хос бўлган барча хусусиятларни ўзида тўла мужассамлаштирган. Бинобарин, эртак сюжетида мавҳумлик, умумийлик кучли. «Достон сюжет составини ташкил этган эпизодлар таърифида эса, реализм нисбатан кучли; ҳикоя қилинган қаҳрамонлар саргузашти, воқеа ва ҳодисалар комплекси гўё халқ тарихидан бир лавҳа янлиғ намоён бўлади».[3] Шу сабабдан уларда ҳаётда юз бериши мумкин бўлган эпизодларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. «Ҳурилиқо ва Ҳамро» достонидаги иштирок этадиган қозининг порахўрлиги ва ахлоқсизлиги, «Шаҳриёр» достонидаги кундошларнинг бераҳмлиги ва шоҳнинг золимлиги ифода этилган лавҳалар бунга мисол бўла олади. Эртаклар негизида шаклланган мазкур достонларда образларнинг «иккинчи ҳаёти» ҳам қизиқиш туғдиради. Эртаклардаги кўпгина образлар қаҳрамоннинг куч-қувватини намойиш қилиши тақозоси билан достонга ўтган бўлса, айримлари «сеҳрли ҳомий» тарзида асардан асарга кўчган. «Жаҳон фольклорида энг кўп тарқалган аждарҳо билан кураш сюжети» [4] достон воқеалари тақозасига кўра улар таркибида барқарор яшаб келмоқда. Чунки, асар бош қаҳрамони қанчалик даҳшатли ва кучли махлуқот билан курашиб, уни енгса, ўзининг шунчалик куч-қудратга эга эканлигини намойиш қилади. Аждарҳо, дев каби махлуқотлар эса мифология билан алоқадор бўлган, қаҳрамоннинг қадимий рақибларидир. Айрим манбаларда аждарҳолар билан боғлиқ эпизодларнинг эрамиздан илгариги биринчи минг йилликларда яратилган ёдгорликлардаёқ тилга олиниши қайд қилинади.[5] Девлар эса, достонларда рақиблик хусусиятини тарк этиб, асар қаҳрамонининг мушкулини осон қилишида ҳомий кучга айланган.

Девлар фаолиятидаги бу ўзгариш инсон ақл-заковати натижаси ўлароқ юзага келган. Чунки, бу махлуқот қанчалик куч-қудратга эга бўлмасин, лақма ва нодон бўлиб, инсон ўз эпчиллиги билан ундан беқиёс устунликларга эга. Инсонга ҳомийлик қилувчи семурғ, жаҳонгир дулдул каби образлар ҳам достон воқеаларига мос келиши натижасида улар таркибидаги образлар қаторида «яшаб» қолган. Фақат эртакларгагина хос бўри, тулки, шер каби бир қанча

---

[2] Жалолов Ђ.О. Ѡзбек фольклорида жанрлараро муносабат. Т.,1968,83-бет.
[3] Имомов К. Эртак ва достонларда идеал šаќрамон talšини масаласига доир. «Пўлкан шоир», 128-бет.
[4] Пропп В.Я Русский героический эпос, Л., 1955, с. 173.
[5] Кидайш-Покровская. О дастане «Рустамхон», в кн. «Рустамхан», М., 1972, с.26.

анъанавий образлар эса эртаклардан достонга кўчмаган. Негаки, бу образларга боғлиқ бўлган воқеаларнинг аксарияти болалар аудиторияси билан алоқадор бўлиб, ўз-ўзидан достон талабларидан четга чиқиб қолади.

Достонларда Семурғ ва Жаҳонгир дулдуллар образининг яшаб қолиши уларнинг қадимдан бошлаб ижобий образ сифатида талқин қилиниб келиши ва культ билан алоқадордир. Ана шу сабаблар билан боғлиқ ҳолда «Ҳурилиқо ва Ҳамро» достонига асос бўлган «Чўлоқ бўри», «Булбулигўё» эртакларидаги қаҳрамонга ҳомийлик қилувчи чўлоқ бўри ва маймун-парилар образини ҳам достон вариантида жаҳонгир дулдул алмаштиради. Зотан, достонларда семурғ ва жаҳонгир дулдуллар образи таъсирчан ва эстетик завқ бера оладиган қудратга эга бўлган образлар даражасидаги ўз мавқеларини барқарор сақлаб қолганлар.

Тасвир масаласида ҳам достон ўз имкониятларига кўра эртаклардан беқиёс устун туради. Достонларда воқеалар жуда кенг берилади, персонажлар эса фаол ҳаракатга эга. Эртакларда тавсифийлик нақадар кучли бўлса, достонларда тасвирийлик шунчалик устун туради. Масалан, «Шаҳриёр» достонининг шаклланишида асосий база сифатида роль ўйнаган «Ҳасан ва Зуҳра»[7] эртагини олиб қарайдиган бўлсак, унда барча воқеалар олти-етти варақни ташкил қилади. Эртак финалида Зулфиянинг болалари билан учрашуви эртакчи томонидан айтиб ўтилади. Достон вариантида эса асарнинг мазкур эпизоди энг ҳаёжонли ва таъсирчан деталлар орқали кенг ҳамда батафсил тасвирланади. Шу ерда Анжум парининг онасига қараб айтган «Каъбам онам кўришайлик», Гулчеҳранинг эса фарзандларига бағишлаб айтган «Фарзандларим юзин кўрдим» каби шеърий парчалар бериладики, бу парчалар мазмуни воқеага янада жон бағишлайди, унинг эстетик кучини эса яна бир карра оширади. Албатта бу ерда сўз фақат Хоразмда тарқалган «Шаҳриёр» билан «Ҳурилиқо ва Ҳамро» достонларигагина тааллуқли эмас. Бундай характердаги достонлар Ўзбекистоннинг барча худудларида ҳам кенг ёйилган. Фозил Йўлдош ўғли репертуруаридаги «Рустамхон», «Зевархон» каби достонларда, шунингдек Ислом шоир репертуаридаги «Орзигул» достонида биз таҳлил қилаётган асарларга қараганда романтик руҳ янада кучлироқ характер касб этади. Бу достонлар замирида ҳам том маънода эртак сюжетлари ётади.[8]

Мазкур достонларнинг шаклланиш жараёнини бир қанча заруриятлар натижаси сифатида изоҳлаш мумкин.Биринчидан, эртакларда илғор гуманистик ғояларнинг тасвирланиши уларни тор ва чекланган аудиториядан кенг доирага эга бўлган оммавий аудитория томон сижишга олиб келди. Иккинчидан достончиликка бўлган талабнинг ва эшитувчилар нуфузининг ошиши унинг интенсив тарзда ривожланишини тақозо этди.Натижада инсонпарварлик ва адолатни улуғловчи кўпгина эртаклар янги достонларнинг вужудга келишида тайёр сюжет сифатида хизмат қилди.

---

[7] «Ойжамол», Тошкент, 1969, 114-121-бетлар.

[8] Бу ќašda šaранг: Имомов К. Достонларда эртак мотивлари. «Фозил шоир», 97-104-бетлар; Саримсошов Б. «Орзигул» достони юзасидан бир неча šайдлар. «Ислом шоир ва унинг» халš поэзиясида тутган ўрни,Т.,1974, 27-бет.

Бу типдаги достонларнинг аксарияти Хоразм регеонида индивидуал ижод билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Дарвоқе, уларнинг эртак вариантидан достон вариантига кўчишда қиссахонлар ҳамда кучли импровазаторлик қобилятига эга бўлган бахшиларнинг роли бениҳоя каттадир. Мазкур достонларда ёзма дабиётга хос бўлган мухаммас, ғазал, туюқ каби шеърий шаклларининг ишлатилиши фикримизга далил бўла олади. Бундан ташқари, айрим ғазалларда баъзи бир исмлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, «Шаҳриёр» достонининг қўлёзма нусхасидаги ғазалларда Муҳаммад Ризо исми икки-уч жойда тилга олинади.

Албатта ушбу факт достоннинг автори маълум деган фикрни келтириб чиқармайди. Негаки, бу исм котибга тегишли бўлиб, фақат ўша ғазал унинг ижодига мансуб бўлиши ҳам мумкин. Достонни конкрет муаллифга нисбат беришнинг мураккаблиги шундаки, бу қўлёзма нусхалар жуда кўп котиблар томонидан қўчирилган.Уни куйлаган қиссахон ва халфалар томонидан муайян таҳрир ҳамда тузатишларга учраган. Мана шу омилларнинг ўзи ҳам бу достонларни коллектив ижодга томон яқинлаштиради. Ушбу достонларнинг туркман ва қорақалпоқ версиялари ҳам қўлёзма нусхалар билан яқиндан алоқадордир. Бироқ, ўз навбатида бу достонлар бахшиларнинг оғзаки репертуарининг кучли таъсири остида каттагина ўзгаришларни бошдан кечириб, халқчиллик руҳи юксак поғонага кўтарилган. Тил ва услуб жиҳатидан сайқаллашиб, оммавийлик касб этган ва халқ оммасининг кенг қатламларига ёйилган. Бу хусусиятларни достонларнинг ёзма ва оғзаки вариантларини қиёслаганда яққол кўриш мумкин.

Биз ушбу мажмуага асосан ишқий-фантастик типдаги достонларни жамладик. «Ошиқлар бўстони» китобининг 1-чи томига ҳам ушбу типдаги «Шаҳриёр» достони киритилган эди. Бу тоифа достонларининг «Ошиқ» туркумидан асосий фарқи уларнинг қиссахон халфалар томонидан қироат билан ўқишга мўлжалланганлиги ва асосан ёзма нусхалар орқали оммалашиб келганлигидир. «Ошиқ» туркуми достонлари оғзаки ва ёзма вариантларда яшаб келган бўлса, бу тоифа достонларнинг оғзаки вариантлари жуда кам учрайди.

¡йлаймизки, ушбу тоифа достонлар ҳам китобхонларда катта қизиқиш туғдиради.

С.Рўзимбоев-профессор,
Г.Эшчонова-доцент.
С.С.Рўзимбоев-ф.ф.н.

САЁД ВА ҲАМРО

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Озарбайжон вилоятида икки киши бор эрди. Бирини Ошиқ Аҳмад ва яна бирини Ошиқ Муҳаммад дер эрдилар. Иккиси бир-бирига яқин қариндош эрди. Уларнинг хотини ҳомилали эрди. Бир кечада иккисининг ҳам фарзанди бўлди.

Алғараз, иккиси ҳам халойиқға тўй-томоша қилиб, фарзандлариға от қўйдилар. Ошиқ Аҳмаднинг ўғлиға-Ҳамро, Ошиқ Муҳаммаднинг қизиға-Салбиниёз деб ном бердилар. Ундан сўнг, етти ёшида, отаси Ҳамрони суннат қилдирди. Ҳамро бирла Салбиниёзни муллоға бердилар. Бир неча вақтлар иккиси мактабда ўқиб юрдилар. Кунлардин бир кун Салбиниёзнинг китобидин оталарининг хат-муҳрлари чиқди. Ўқиб кўрсалар, иккиси бир-бириға адоғли эрканлар. Сўнг Ҳамро айди:

--Эй Салбиниёзжон, иккимиз бир-бировимизға адоғли эрканмиз. Эмди иккимиз бир-биримизға аввалгидан ҳам муҳаббатлироқ бўлайлик, -деди... бу сўз оталариға етишгач, Салбиниёзни никоҳ қилиб Ҳамроға бердилар. Не-не қизлар Салбиниёзнинг қошинда,тамом яхши йигитлар Ҳамронинг бошинда бўлиб, ҳар қайсилари соз—суҳбатға машғул бўлдилар.

Қора Будоқ деган бир савдогар бор эрди, кўп вилоятларни кезиб кўрган эрди. Ўзи ҳам Ошиқ Аҳмаднинг қадрдон ошнаси эрди. Ошиқ Аҳмад бу савдогарни тўйға чақириб келтирган эрди. Унга Ҳамронинг ёнидан жой берди.

Ҳамро айди:

--Эй савдогар оға, кўп элларни, кўп юртларни кезиб кўрган эркансиз, манинг ҳеч бир камим борми?- деди. Анда савдогар айди:

--Санинг ҳеч бир каминг йўқ, аммо яна ҳам бир каминг бор -Қизилолма шаҳарида Муҳаммадхон подшоҳнинг қизи-Саёдхонни кўрдим, бунда сени кўрдим. Иккингиз бир олмани икки бўлгандек. Агар шуни ҳам олсанг, бошқа ҳеч каминг йўқдир,-деди. Ҳамро бу сўзни эшитиб «Қайдасан Қизилолма шаҳари»,-деб кетар бўлди. Ота-онасиға, ёр-жўраларига кетишини баён қилиб, бир сўз айди:

Кел кўнглим, кетали узоқ йўллара,
Бир дилбарнинг савдосина тушмишам.
Қардош-дўғон бошимиздан на кечар,
Бир дилбарнинг савдосина тушмишам.

Узундир бўйлари, лаблари шаккар,
Йиғлабон кўзларим қонли ёш тўкар,
Ҳар кўрган-кўрмаган орзувин чекар,
Бир дилбарнинг савдосина тушмишам.

Дийдам ёши оқа-оқа сел бўлди,
Ишқингда гул юзим сарғайиб сўлди,
Булбул учиб, манзилгоҳим чўл бўлди,
Бир нозлининг савдосина тушмишам.

Ошиқ Ҳамроҳ деяр, бас ман найларам,
Фалакнинг жабридин қонлар ютарам,
Тавалло айламанг, турмай кетарам,
Хон Сайёднинг савдосина тушмишам.

Алғараз, ёру жўралари ҳарчанд тавалло қилдилар, Ҳамро қайтмади. Андин сўнг жўралари оқ фотиҳа бериб узатдилар, Ҳамро йўлға тушиб равона бўлди.

Салбиниёз жўраларидин бу хабарни эшитиб,бир қора от миниб ва қора либос кийиб, бир манзилда Ҳамронинг изидин қувиб етди. Ҳамро уни кўриб, менинг изимдин нега қора кийиб келасан?-деб, Салбиниёзға қараб бир ғазал ўқиди:

Мужгонинг эндириб, читма қошингни,
Кел, эй Салбим, сен кийинма қорани.
Хумор-ола кўздин тўкма ёшингни,
Кел, эй Салбим, сан кийинма қорани.

Сан ул шоҳсан, Макка тахтингда бордир,
Қаро киймак санинг бахтингда бордир,
Сабр айла севдигим, аҳдингда бордир,
Кел, эй Салбим, сан кийинма қорани.

Кўк юзинда меҳри моҳни севарсан,
Ер юзинда гар Ҳамрони севарсан,
Қирмиз кийин, бир оллони севарсан,
Кел, эй Салбим, сан кийинма қорани.

Ошиқ Ҳамро деяр: ҳамиша жўшмас,
Оташи бўлмаса луқмаси пишмас,
Қирмиз кийгин, қора, ёрим, ярашмас,
Кел, эй Салбим, сан кийинма қорани.

Алғараз, Ҳамро йўлға равона бўлди. Салбиниёз ҳам унинг изина тушиб кета берди. Ҳамро отни жиловини тортиб, Салбиниёзға қараб, қол деб, зор-зор йиғлаб бир ғазал айди:

Кўчди кўнгул, манзилина етишди,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.
Буюк-буюк тоғлар ороға тушди,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Қаҳбо фалак неча ишлар қайирди,
Оч кўзларим тупроқ била тўйирди,
Мани сандин, сани мандин айирди,

Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Сиёҳ зулфинг тўртдин ўрсанг-ўрмасанг,
Бизнинг бирла даврон сурсанг-сурмасанг,
Хуш қол эмди, яна кўрсанг-кўрмасанг,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Олти надир, етти надир, беш надир?
Қавм надир, қардош надир, хеш надир?
Кўзларингдин оққан қонли ёш надир?
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Ошиқ Ҳамро тушди ишқнинг йўлина,
Сўналар ғарқ ўлди чашмим кўлина,
Бош қўймишам хон Сайёднинг йўлина,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамом қилиб, «Қайдасан Қизилолма шаҳари?»,-деб йўлиға равона бўлди. Салбиниёз ҳам отини суриб, йўлнинг қиррасинда бориб бошини Ҳамронинг йўли устинда қўйиб ётди. Эрса анда ҳам Ҳамро Салбиниёзга қарамай ўта берди. Шул ерда Салбиниёз бечора зор-зор, чун абру навбаҳор йиғлаб, оқ қўлини ойдек юзига қўйиб, бир сўз деди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Ёр бу кун кетмали бўлди,
Сарим қўйдим йўл устина,
Ёр босиб кетмали бўлди.

Ман чекдим жабру жафони,
Ким сурар завқу сафони,
Аввалги аҳду вафони,
Эмди унутмали бўлди.

Кўринг фалакнинг ишини,
Оқизди кўзим ёшини,
Ёт ўлкалара бошини,
Ёр олиб кетмали бўлди.

Ёзимни дўндирди қиша,
Дардим кўпдир бошдин Оша,
Ситам айлаб ожиз боша,
Севар ёр кетмали бўлди.

Кетди дунёга овоза,
Шу кун бўлди дардим тоза,

Ситам айлаб Салбиниёза,
Ҳамрожон кетмали бўлди.

Алғараз Салбиниёз сўзини тамом қилиб, бошини ердан кўтармади. Ҳамро отдин тушиб келиб Салбиниёзнинг бошини ердан кўтариб:

-Эй Салбиниёзжон манго оқ кўнглинг бирла рухсат этиб оқ фотиҳангни бергил, деб бир сўз айди:

Бўйнинг буриб, маълул бўлма,
Йиғлама гул юзли Салбим,
Хазон урган гулдек сўлма,
Йиғлама гул юзли Салбим,

Сени ҳам кўздин солманам,
Кетар йўлимдин қолманам,
Этган таваллонг олманам,
Йиғлама гул юзли Салбим.

Ишқ оташи етди жона,
Кул бўлмишам ёна-ёна,
Ошиқ бўлдим Сайёдхона,
Йиғлама гул юзли Салбим.

Ал кўтариб, фотиҳа берсанг,
Бизинг бирла даврон сурсанг,
Тақдирда не борин кўрсанг,
Йиғлама гул юзли Салбим.

Ошиқ Ҳамро тушди йўла,
Кўзламайин соғу-сўла,
Рухсат бергил кула-кула,
Йиғлама гул юзли Салбим.

Алқисса, Ҳамрожон товланиб келиб, Салбиниёзнинг бошини ердин ўтариб айди:

--Эй Салбиниёз, манга оқ кўнгул бирла жавоб бериб, оқ фотиҳа бер, -деди. Салбиниёз айди:

--Ҳар нечук бўлса ҳам Ҳамрожоннинг кўнглина тегмайин, деб, Салбиниёзжон зор-зор, чун абру навбаҳор йиғлаб, бир ғазал айди:

Мунди кетар бўлсанг бошқа эллара,
Бор Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.
Кулинжи айладинг мани эллара,
Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.

Шоҳимардон устимизда далдадир,
Булбулнинг орзуси тоза гулдадир.

Кўнглим паришондир, кўзим йўлдадир,
Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.

Булбул эрдим, айро ушдим гулимдин,
Айроиқни баттар билдим ўлимдин.
Қўрқим кўпдир сен чиқарсан алимдин,
Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.

Салбиниёз дер, энди келдим оона,
Бир арзим бор, дерам, соҳиб замона,
Шод ўлан кунларим бўлди ғамхона,
Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.

Алғараз, Ҳамрожон айди:

--Эй Салбиниёзжон, манинг йўлим узоқроқдир, манга от еми бесанг небўлғай?-деди.

Анда Салбиниёзжон айди:

--«От ризқи олдиндадир», санга берар ёли от емим йўқдир.

Анда Ҳамро отдин тушиб, Салбиниёздин кўп бўсалар олмоқчи бўлди. Икковлари талашдилар. Шул ерда Салбигиёзнинг инжуси узилди. Салбиниёз инжусини тўплар бўлди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй Салбиниёзжон, бу инжуларни тўплама, санга Қизилолма шаҳриндан кўп инжу олиб келурман,-деди.—бу бир белгили ер бўлди, ҳар вақт бу ерга келганда сани ёд этарман, -деди. Андин сўнг Ҳамро Салбиниёздан кўп бўсалар олиб, Қизилолма шаҳрина равона бўлди. Салбиниёз худога зор-зор йиғлаб бир ғазал айди:

Қаҳбо фалак неча ишлар қайирдинг,
Олдинг мани ширин жоним, оҳ эмди.
Ёрни мандин, мани ёрдин айирдинг,
Сан айладинг эмгакимни зой эмди.

Чўх савдолар солдинг манинг бошима,
Раҳминг келмас кўздин оққан ёшима,
Ёрим учун қиёматлар бошима,
Бугун қўпар охир замон, вой эмди.

Ола-ола хумор кўзларинг бирла,
Олдинг жоним ширин сўзларинг бирла,
Тутди оҳим доғу дузларинг бирла,
Алиф қаддим ғам уйинда ёй эмди.

Салбиниёз дер, ёр жабрина дўзарам,
Ўтган кунларима дафтар ёзарам,

Мажнундайин чўлдин-чўлға кезарам,
Чиқиб ҳарён чексам нола, оҳ эмди.

Алғараз, Салбиниёз бу сўзни айтиб, Ҳамро бирлан оллоёрлашиб изига қайтти. Йиғлай-йиғлай келур эрди, Ҳамронинг отаси Ошиқ Аҳмад ҳам Ҳамронинг кетганин эшитиб келур эрди. Салбиниёз Ошиқ Аҳмадга қараб, зор-зор йиғлаб, бир ғазал айди:

Оға бегим, эшит арзим,
Севар ёримдин айрилдим.
Жасадимдин чиқди жоним,
Ширин жонимдин айрилдим.

Боғланибдир манинг бахтим,
Йиқилибдир тожу тахтим,
Сар ҳовузим сарви рахтим,
Ман чиноримдин айрилдим.

Ёр билан боғда кездигим,
Ўйнаб олмасин уздигим,
Ҳар бир жабрина дўздигим,
Вафодоримдин айрилдим.

Салбиниёз деяр, кетганим,
Мулки жойини сотганим,
Ёр сўзларин унутганим,
Ман Ҳамроҳимдин айрилдим.

Алқисса Салбиниёз сўзини тамом этди, Ошиқ Аҳмад айди:
--Эй Салбиниёзжон, юринг, Ҳамрони қўрқитиб қайтарурмиз,-деб икковлари қувиб Ҳамронинг изидин етдилар. Ҳамрога қўрқув бериб, Ошиқ Аҳмад бир сўз деди:

Қулоқ солғил болам оҳу додима,
Кетма-кетма, болам, йўлларинг дошдир..
Субҳу шом тушарсан манинг ёдима,
Кетма-кетма, болам, йўлларинг дошдир.

Сан бўлмасанг бу дунёни найларам,
Ҳижрон ўти бирла бағрим доғларам,
Ман ўзимни биру бора чоғларам,
Кетма-кетма, болам, манзилинг дошдир.

Булбулдек тушарам оҳу фиғона,
Энги раҳминг келмас бу ширин жона,

Қўйма болам мени доғу ҳижрона,
Кетма, болам, борур манзилинг дошдир.

Отанг Аҳмад айтар, кўнгилда зорин,
Ҳеч топмассан келиб ғариб мозорин.
Чиқорғил кўнгулдан Олма диёрин,
Кетма-кетма, болам, манзилинг дошдир.

Алқисса, Ошиқ Аҳмад ҳарчанд тавалло қилди, Ошиқ Ҳамро қабул қилмади. Сўнг Салбиниёзнинг синасида тобу тоқат қолмай, зор-зор йиғлаб, бир ғазал айди:

Аввалдин одоғли жоним, Ҳамроҳим,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?
Тоғларни эритар бу чеккан оҳим,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?

Йўлдош айлаб мани олғил ёнингга,
Айланайин отинг бирла тўнингга.
Ман қурбонам шавкатингга, шонингга,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?

Бир гул эдим уздинг тоза япроғи,
Сийнам узра қўйдинг ҳижроннинг доғи,
Кел Ҳамроҳим, бугун айролиқ чоғи,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?

Кўтардим пардани гулдек юзимдин,
Оқил бўлсанг маъни олғил сўзимдин,
Салбиниёз дер, ёш оқизиб кўзимдин,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?

Алғараз Салбиниёз сўзини тамом этди. Ҳамрога бу сўзлар таъсир этмади, У кетар бўлди. Ошиқ Аҳмад айди:

-Эй Ҳамро, сен қайтмасанг, менинг дунёда не ишим бор? Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам шу ерда бўламан, де бота-ўғил иккиси йўлга равона бўлдилар.

Салбиниёз бечора зор-зор йиғлаб дўланиб, изига қайтди. Ота-ўғил тиркалишиб, беш манзил йўл юриб, Озарбайжон юртининг устидин чиқдилар. Ошиқ Аҳмад бу боришдан не-не ваҳмлар ёдига тушиб, кўнгли бузулуб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Чоҳлар дош қолди, дош қолди,
Бўз буланиб оққан селлар,
Сойлар дош қолди, дош қолди.

Дарё ичида балиқлар,
Дўсту ёру халойиқлар,
Ҳуру пари, малойиклар,
¡злар дош қолди, дош қолди.

Солланганда соз этганлар,
Қиш кунларни ёз этганлар,
Кўзин сузиб ноз этганлар,
Қизлар дош қолди, дош қолди.

Ошиқ Аҳмад чекар армон,
Ёрим бирла даврон сурмон,
Мадад берса Шоҳимардон,
Пирлар дош қолди, дош қолди.

Алғараз Ошиқ Аҳмад сўзини тамом этди. Яна бир неча манзил йўл юриб очиқиб, сувсираб бир тоғнинг устидин чиқдилар. Бу тоғлар жуда хавотирли эрди. Ошиқ Аҳмад шунда тоғларга қараб бир сўз айди:

Эриди қори эриди,
Бу тоғларнинг, бу тоғларнинг.
Бозиргонлари юриди,
Бу тоғларнинг, бу тоғларнинг.

Мен найларам додим етмас,
Ҳеч ким нолишим эшитмас,
Тепасидан думон кетмас,
Бу тоғларнинг, бу тоғларнинг.

Ажал паймонамиз тўлса,
Очилган гулларим сўлса,
Ғўч йигит устинда ўлса,
Ҳайфи келмас, бу тоғларнинг.

Саҳар вақти эса еллар,
Сайрашар шайдо булбуллар,
Боша тушса ёвуз кунлар,
Раҳми келмас, бу тоғларнинг.

Хўжа Аҳмад чиқмас йўлдан,
Ғаним келар соғу сўлдан,
Ихтиёрим кетса қўлдан,
Зулми чўхдир, бу тоғларнинг.

Алқисса, андин сўнг ота-ўғил бу тоғлардин омон-эсон ошиб тушиб йўлға равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юриб, бир чашманинг бошиға келиб тушдилар. Аммо Ҳамро бир соат фароғат қилайин деб ётди. Чашманинг бошина қибла тарафдин бир бўлак қизлар келди. Ичинда бир қиз улуғроқ эрди. Ошиқ Аҳмадга кўзи тушиб, уялиб, сувга келмади. Сўнг ҳаммаси сувга келдилар. Ошиқ Аҳмад уларга қараб айди:

--Эй қизлар, мани ит-эшак ўрнинда ҳам кўрмадингизми. –деб улуғ қизға бир сўз деди:

Кўзасина сув тўлдириб келган қиз,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.
Ошиқин ўддириб, жонин олган қиз,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Соллона-соллона кетарсан қиша,
Икки маманг бир-бирина ёпиша,
Қурбон ўлам, кўксиндаги нақша,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Қурбон ўлам белиндаги қушоға,
Бош бўлибсан сен бир бўлак ушоқа,
Бизни кўриб юзинг солма ошоға,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Қурбон ўлам юзингдаги холингга,
Умидим бор лабингдаги болингга,
Мис кўзани кўтарибсан долингга,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Ажал келса боқмас пира-жувона,
Сенинг ишқинг этди дали девона,
Хўжа Аҳмадни сан келтирдинг амона,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Алғараз, қизлар кулишиб юра бердилар. Эрса Ошиқ Аҳмад ҳам то бориб жавоб олмасам бўлмас деб, қизларнинг ўнгина ўтиб, кўндаланг бўлиб турди. Анда улуғи айди:

--Эй кўппак, қайда борсак олдимизда турибсан! Энди буни тузук ўхшатали,-деб қўлиға таёқ олиб равона бўлди. Келиб ошиқ Аҳмаднинг гарданига бир таёқ урди. Ошиқ Аҳмад ҳам қизнинг бўйниндин қучоқлаб олиб, юз-кўзиндан ўпа берди. Эрса, қиз Ошиқ Аҳмадга қараб, «Бу иш санинг ҳолингга лойиқ эрмас»,-деб бир сўз деди:

Туркманнинг хўжаси қайдин келурсан?
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

На ошиқсан синалари доғлисан,
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

Чақираман, икки қардошим келур,
Бошингни узибон, жонингни олур.
Ватанли жойингдан, беватан қилур,
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

«Сувга кет» деб, қари онам қуймади,
Сарғайибон гулдай мангзим сўлмади,
Налар этдим, хўжа киши қўймади,
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

Не одамсан менинг йўлимни тўсдинг?
Шаҳбоздек тўлғаниб қўлимни тутдинг,
Магар бугун манинг жонимда қасдинг?
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

Хонпари дер, манга хилъат сочилди,
Кўксим узра гули раъном очилди,
Тур ўрнингдан, кўппак қари, қоч энди,
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

Алқисса, андин сўнг Ошиқ Аҳмад қочиб, Ҳамронинг ёниға бориб, Ҳамрони уйғотти. Ҳамро туриб отасининг юзига қараса отасининг юзи-кўзи тирналиб, момоталоқ бўлибдир. Отасиға айди:

--Эй ота, нима бўлди?,- деди. Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй Ҳамрожон, шу ерда бир қиз кўрдим, санга олиб берайин,-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй ота, ўзингиза даркор бўлса олинг, манга Сайёдхондин ўзга қиз даркор эрмасдир,-деди. Андин сўнг иккиси йўла тушиб равона бўлдилар. Бир неча кунлар йўл юриб, бир чорбоққа етдилар. Боғнинг тошини уч марта айландилар, кирарга ер топмадилар. Охир, обимўридин кирса бўлур.-дедилар. Ҳамро айди:

--Эй ота, шул боғ ёримнинг боғи бўлса керак. Ман бир хабар олиб келайин,-деди. Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Бу боғ яна бир парининг боғи бўлмасин, ман ўзим хабар олайин, -деди, -Ман ёшимни ангрисиға етибман. Бир санач унни кўпроқ ебман. Ҳарна бўлсам ман бўлайин, сан отларни тутиб ўтир,-деди. Ошиқ Аҳмад боғнинг обимўрисидин кирди. Кўрдики, ажаб бир боғдир. Олмалар, мевалар пишиб, булбуллар сайрашиб, қумрилар дам тортиб, булоқлар ҳар тарафга оқиб борадир. Ошиқ Аҳмад олмаларни қоқиб емакка бошлади.

Энди сўзни Маматхон подшоҳнинг қизи--Сайёдхондин эшитинг:

Сайёдхон чошгоҳ чиқиб боққа назар солди, кўрса бир қари бобо дарахтларни йиқиб, юмириб борадир. Саёдхон ўзича: «Агар юрт одами бўлса кира билмас эрди, тўйиб чиқиб кетсин», -деди. Аммо Ошиқ Аҳмад тўйғандин

сўнг олмани ярмини еб ярмини ташлар эрди, ёғочларни силқиб синдирар эрди. Андин сўнг қўлиға таёқ олиб уриб, япроқларни синдирар эрди. Сайёдхон ани кўриб, икки канизини чақириб: «Бир ўғри боғни хароб қилди, қувлаб ташқари чиқариб юборинг»,-деди. Канизлар келиб:

--Эй бобо, бу боғ подшоҳнинг боғидир, тез чиқиб кетгил, агар боғбон кўрса, терингга сомон тиқур,-дедилар.

Анда Ошиқ Аҳмад: «Кимнинг боғидир?»,-деб яна таёқ бирла урмоқ бошлади. Эрса канизлар ҳам Ошиқ Аҳмаднинг қўлиндин тутиб, урмоққа бошладилар.

Анда Ошиқ Аҳмад деди:

--Эй кўшакларим, соғ қўлима уринг, чап қўлимда созим бор, синмасин, -деди. Анда канизлар айди:

--Андоғ бўлса Сайёдхонга айтиб келали,-деб, Сайёдхонга келиб канизлар:

--Эй шоҳи олам, қари бобо созанда эркан, -дедилар. Сайёдхон айди:

--Андоғ бўлса, бобони мунда олиб келинглар,-деди. Канизлар бориб , Ошиқ Аҳмадни қўлидин тутиб Сайёдхонга олиб келдилар. Ошиқ Аҳмад салом бериб, таъзим қилиб турди. Сайёдхон саломин олиб сўради:

--Эй бобо, қайдин келиб, қайға борурсан?-деди. Анда Ошиқ Аҳмад Сайёдхоннинг жамолини кўриб, ишқ савдоси бошина тушиб, ўзича айди: «Ўғлим Ҳамро ёшдир, анга бир яхши қиз олиб берурман, бўлмаса Салбиниёз ҳам бўлур», -деб ич кўнглиндин Сайёдхона ўзи ошиқ бўлди. Аммо Сайёдхон, Ошиқ Аҳмаддин савол сўради. Ошиқ Аҳмад ошиқлигини баён қилиб жавоб берди:

Сайёдхон:

Хўжа киши, гуноҳингга қойилсан,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?
Гўзалларни жамолина мойилсан,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?

Ошиқ Аҳмад:

Пари пайкар, улуғ гуноҳ этмишам,
Термишам бир неча олма боғингдин.
Боғнинг эгасиям, боғбон дегилам,
Термишам бир неча олма боғингдин.

Сайёдхон:

Муҳаббат йўлиндин гузар этмадинг,
Боқиб ўз-ўзингга назар этмадинг,
Манинг ғазабимдин ҳазар этмадинг,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?

Ошиқ Аҳмад:

Санинг оти овозингга келмишам,
Ҳарна деганингни қабул этмишам,
Бир қулингман, хизматингда бўлмишам,

Ўлдириб, қонима қолма боғингда.

Сайёдхон:

Боғбонларим қўл узатмас боғима,
Бинолар қилмишам сўлу соғима,
Берухсат кирибсан менинг боғима,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?

Ошиқ Аҳмад:

Боқишинг мангзатдим олғир лочина,
Бир холинг берманам Чини Мочина,
Муродим бор кирсам қўйнинг ичина,
Бу ғариб жоними олма боғингда.

Сайёдхон:

Сайёдхон қиз, дерлар, шоҳи, хўбондир,
Кулиб- ўйнашмоққа ширин забондир,
Урарман –сўкарман ҳукмим равондир,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?

Ошиқ Аҳмад:

Ошиқ Аҳмад деяр, кўпдир гуноҳим,
Ёзиғим кечиргил қодир Оллоҳим,
Илтимосим будир парилар шоҳим,
Парвонадек ўтга солма боғингда.

Алқисса бу сўзни эшитгандин сўнг Сайёдхон айди:

--Эй канизлар, бу хўжа киши: «Муродим бор-кирсам қўйнинг ичина», -деб, мани ўзига лойиқ кўриб, манга ошиқ бўлиб, айтиб турубдир,-деди. Сайёдхоннинг қаҳри келиб:

--Қирқ таёқ келтиринг, далини таёқ енгар,-деди. Канизлар қирқ таёқ тайёр қилдилар. Аммо Бону деган бир каниз бор эрди, кўп ақлли-зийрак эди. Бону каниз:

--Эй Сайёдхон биби, қирқ таёқ урсангиз, бунинг бадани тикка-тикка бўлиб кетгай. Унинг қўлина аввал соз беринг, яна соз қилсин, созина қулоқ солали, маъноси бўлмаса урали,-деди. Сўнгра Ошиқ Аҳмаднинг қўлина соз бериб, айтғил, дедилар. Ошиқ Аҳмад: « Бошинга дўнайин, ман чин ошиқман, қўйнингга солгил»,-деб, дуторини баланддан созлаб, Сайёдхоннинг юзина қараб бир ғазал айди:

Парим сайла чиқмиш боғ орасина,
Оройиш айламиш будоғи олма.
Боғинг эгасиям, боғбон дегилам,
Истасам берурсан будоғи олма.

Ғунчанинг севдиги будоғ дегилми?
Лоланинг севдики будоғ дегилми?
Синама чекилган бу доғ дагилми,
Лолани севарсан будоғи олма.

Мани қитмир этиб, қўйнингга солғил,
Бирга йўлдош этиб, қўйнингга солғил,
Биби, норинг каби қўйнингга солғил,
Кўтар, сан қўйнингга будоғи олма.

Тўкилди кўзиндин ёши Аҳмаднинг,
Ориф бўлон билур ёшин Аҳмаднинг,
Сайёдхон сийлайбер ёшин Аҳмаднинг,
Тўкилур сел каби будоғи олма.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад бу сўзни тамом қилди. Сўнг Сайёдхон:

--Эй канизлар, бу сўзга тушундингизми?,-деди. Анда канизлар: «Бизлар тушунмадик»,-дедилар.

Сайёхон: «биз билдик»,-деди. «Мани қитмир этиб, қўйнингга солғил»,-дегани,-мани никоҳ этиб қўйнингга солғил деганидир. «Биби норинг каби»дегани,-мамаларинг каби қўйнингга солғил деганидир. Бунга қирқ таёқ уриб, қорнини йиртиб, кучуклара беринг,-деди.

Анда Бону каниз айди:

--Андак сабр қилинг, яна бир тилинда айтур: «Кетди кўзиндин ёши Аҳмаднинг», -«Ман сани қайнотангман», «Ориф бўлган билур ёшин Аҳмаднинг»,-дегани ёш ўғлим бор, «билмасдин кўзимдин оқиздинг, ёшим» дегани, магар ёш ўғли бўлғай,-деди. Эрса, бу сўз Сайёдхоннинг кўнглига маъқул бўлди. Шул вақтда Ошиқ Аҳмад Сайёдхоннинг қаҳри келганин билиб, Ҳамрони баён қилиб, бир сўз деди:

Ногоҳондин келиб боғбон бўлмишам,
Кўзларим соташди нор олмасина.
Гуноҳкорам, гуноҳимни билмишам,
Гардан узатмишам нор олмасина.

Боғбоннинг маскани боғ яхши керак,
Ёр кўнглин олмаға ёр яхши керак,
Фиғон бағрим ёши, ёр яхши керак,
Куяр кўнглин йиқибдир ёр олмасина.

Ман севмишам париларнинг бирисин,
Бири «лом»дир, бири «жим»дир, бири «син»,
Бири овдир, бири овчи, бири син,
Бири ов қонлидир, ёр олмасина.

Келди қора булут, бир ёғин айлар,
Тутти кўк юзини, бир ёғин айлар,
Мушкул ҳол ўланда бир ёғин айлар,
Сайёдхон муроди ёр олмасина.

Бир жоним бор фалак санга берманам,
Ман сиримни ҳеч кимсага деманам,
Гўзаллик ҳуснини санга берманам,
Ҳамроҳим кеч боқди ёр олмасина.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад бу сўзни тамом қилди. Эрса Сайёдхон айди:

--Эй канизлар, бу хўжа кишининг сўзини фаҳм этдингизми?-деди. Анда Бону каниз айди:

--хўжа айтур: «Боғбоннинг маскани боғ яхши керак», -дер. Бунинг маъноси: «Ман боғбон эрмасман»,-деганидир. Яна ҳам айтур: «Ёр кўнглин олмаға ёр яхши керак»,-дер. Анинг маъноси: «Сенинг ўзинга муносиб ёр керак»,-деганидир.

Анда Сайёдхон айди:--«Келди қаро булут, бир ёғин айлар»,-дер. Маъноси буки: «Ёнингга келиб, бир иш бажарурман»,-дер. Яна айтур: «Мушкул ҳол ўланда бир ёғин айлар». Анинг маъноси нимадир?-деди.

Бону каниз айди:

--Магар мунинг бир ёш боласи бор бўлғай,-деди.

Анда Сайёдхон:

--Йўлдошинг борми?-деди.

Анда Ошиқ Аҳмад:

--Бир ўғлим бор-отина ошиқ Ҳамро дерлар. Ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор. Ғойибона санинг отингга ошиқ бўлиб, санинг хизматингга келтирдим,-деди.

Анда Сайёдхон айди:

--Эй хўжа киши, бу сўзни аввалдин айтсанг бўлмасмиди? Бунда азоб – ҳақоратлар кўрдинг,-деди.

Сўнг Сайёдхон:

--Андоғ бўлса ўғлингни олиб кел,-деди. Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй кўшаким, ота ўғилга чақилиқчи бўлурму? Хайр сени сўзинг синмасин,-деб Ҳамрони чақириб бир сўз деди:

Кел, болам, истарлар сени,
Истагинг боғдадир-боғда.
Болам, қазонгни олайин,
Истагинг боғдадир-боғда.

Моҳи мунаввардир юзи,
Шакардин ширидир сўзи,
Маматхон подшоҳнинг қизи,
Сайёдхон боғдадир-боғда.

Синаси доғларнинг қори,
Мамаси гуржистон нори,
Қирқ инжа қизнинг сардори,

Сайёдхон боғдадир-боғда.

Суҳбати бор созлар билан,
Ўрдаги бор ғозлар билан,
Ўн уч, ўн тўрт қизлар билан,
Сайёдхон боғдадир-боғда.

Ёр боғина кирар бўлсанг,
Қизил гуллар терар бўлсанг,
Сайёдхонни кўрар бўлсанг,
Истагинг боғдадир-боғда.

Кел Аҳмад уйғил оллоға,
Юзинг дўндар қиблагоҳа,
Дедилар келсин Ҳамроға,
Сайёдхон боғдадир-боғда.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад бир соат турди, Ҳамро келмади. Анда Сайёдхон:

--Эй киши, сенинг сўзинг алдам, макр, ҳийладир, деди.

Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Манинг ўғлим зиёда зийракдир, у ота чақириғига келмас, сан бир киши юборсанг, бориб олиб келса.

Андин сўнг Сайёдхон икки канизни чақириб, «Бориб олиб келинглар»,-деди.

Канизлар бориб, боғнинг эшигин очиб кўрсалар бир нозанин ўғлондир. Ингички белли, қалам қошли, инжу тишли, зарафшон кокилли. Канизлар ани кўриб беҳуш йиқилдилар. Бир соатдин сўнг ҳушлариға келиб, канизлар айдилар:

--Эй Ҳамрожон, ҳар қайсимизга бўса бергин, бир бўса олғин,-дедилар. Анда Ҳамро айди:

--Эй канизлар, сизларга берадиган бўсам йўқдир. Сизлардек қиз менинг юртимда ҳам кўпдир. Агар бўса берсам Сайёдхонга берурман. Олсам ҳам Сайёдхондин олурман, мунда Сайёдхон учун келибман,-деди.

Анда канизлар: «Сайёдхон ҳам бизлардин зиёда қиз эрмасдир»,-дедилар.

Анда Ҳамро:

--Бир неча йўллардин сизлар учун келганим йўқ,-деди.

Канизлар:

--Ундай бўлса, бизларни таъриф этиб, бир достонча айтғил,-дедилар. Ҳамро канизларни таъриф қилиб, Сайёдхонға ошиқлигин баён этиб, бир ғазал ўқиди:

Оғалар бир пари кўрдим,
Сочи оёғина тушар.
Тақинибдир ҳайкал-тумор,
Ҳар дам қучоғина тушар.

Қўллари чиқмас хинадин,
Фарқ этиб бўлмас сўнадин,
Айрилиб ота-онадин,
Жаннатнинг боғи тушар.

Бу боғларнинг гул-лоласи,
Чўлу даштлар қандоласи,
Фарҳоднинг оҳу ноласи,
Шириннинг доғина тушар.

Келди яна сайл чоғи,
Пиёлани кетур соқи,
Икки зулфи бўлиб ёғи,
Ҳардам ёноғина тушар.

Ул парининг кўран чоҳда,
Лолалар очилур боғда.
Узун бўйли, оқ қучоқда,
Ҳавасим долина тушар.

Якка бошим қолди дарда,
Ақл ҳуш қолмади сарда.
Меҳмон бўлмас ўзга ерда,
Ёрнинг ўтоғина тушар.

Кўнггил ҳар дам қайнаб, жўсмас,
Ишқнинг ўтина туташмас,
Ҳамро ўзга ерга тушмас,
Ёрнинг қучоғина тушар.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Сўнгра канизлар сўзламадилар. Сўнг канизлар Ҳамронинг қўлидин тутиб, Сайёдхонга олиб бордилар. Ҳамро Сайёдхонни кўргач, икки қўлини алиф лом қилиб салом берди. Сайёдхон ҳам туриб алик олди.

Эрса, Ҳамронинг қора кўзига, кулар юзига, ширин сўзига, қалам қошиға, инжу тишига, писта даҳанига, тилла суви билан кумуш суви берилган кокилига Сайёдхоннинг кўзи тушуб, беҳуш бўлиб йиқилди. Бир соатдин сўнг ҳушина келиб ҳайрон бўлиб турди. Ҳамро ҳам кўрдики, тилло тахтнинг устида шоҳ сифатли бир қиз турибди. Юзи тарлон боқишли, ошиқлар жонин ёқишли. Сайёдхонни кўргач ошиқ Ҳамро масту беихтиёр бўлиб қолди. Эрса Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй Сайёдхон, ўғлимнинг қандай айби бор эркан?-деди.

Сайёдхон айди:

--Эй бобо, ўғлингни ҳеч айби йўқдир, аммо бир кичик етишмовчилиги бор экан,-деди.

Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй Сайёдхон пари, сўзингни билиб айтғил! Манинг ўғлимни покизаликдин ўзга айби йўқдир,-деди.

Анда Сайёдхон:

--Айби шулдирки, йигитни соз, суҳбатдин хабари бўлмаса кўп айбдир,-деди.

Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй қурбоннинг бўлайин, Сайёдхон, мунинг билгани соз, эшитгани сўздир,-деди.

Анда Сайёдхон:

--Ҳамрога соз беринг,-деди.

Канизлар соз келтириб бердилар. Сўнг, Ҳамро бир фасл соз чалди. Саёдхон Ҳамронинг созина кўп хушвақт бўлиб:

--Эй ўғлон, боракалло, созингга ҳам сўзингга, эшитдик, -деди.

Ҳамро назар қилса, тўққиз қат ҳарир либосларнинг остида Саёдхоннинг мамалари маълум бўлиб турар эрди. Ҳамро ани кўриб, ақлу ҳушу сарсон бўлиб, масту беихтиёр бўлиб, Саёдхондин уялмай, мамаларига қараб бир сўз деди:

Кетанда зимистон, келанда баҳор,
Савсонли,сунбулли оқ мамаларинг.
Юзинг кўриб кетди ақлу хаёлим,
Душарми қўллара оқ мамаларинг.

Қаршидин рақиблар на дерлар биза,
Ошиқлар маъшуқнинг жабрина дўза,
Саҳарлар чоғинда кўринар кўза,
Қўйибдир синама доғ мамаларинг.

Қизларнинг алинда олтин пиёла,
Дали кўнгим кўриб кетди хаёла,
Юпқа куйнак кийиб чиқсам шамола,
Юранда титрашар оқ мамаларинг.

Қодир мавлон кўз устина қош бермиш,
Лаълидан,маржондан,дурдан тиш бермиш,
Оқ кўксинда юморланиб бош бермиш,
Куланда титрашар чоғ мамаларинг.

Қизил гулни дасталамиш ёрина,
Ҳар ким орзу чекар ўз дилдорина,
Бўйи мангзар Гуржистонни норина,
Баёзликда гардан оқ мамаларинг.

Юзингни мангзатдим ой билан куна,
Бир тарсо қизидир, ҳеч кирмас дина,
Ошиқ Ҳамро йиғлаб боқар юзина,
Бол билан югрилган ёғ мамаларинг.

Алқисса, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Сўнгра, Саёдхон айди:

--Бу кўппакнинг ўғли айтур: «Тарсо қиз», деб. Отаси ўғлиндин баттар, ўғли отасиндин баттар,-деб Саёдхоннинг қаҳри келиб айди:

--Эй Бону, канизлар, буларни дарахтга осиб, то ўлгунча уринглар,-деди. Анда Ҳамро Саёдхоннинг қўлиндин додлаб бир сўз деди:

Бу кўзи, қоши қаронинг,
Дод алиндан, дўст алиндан.
Сиёҳ зулфи тўрт поранинг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Қиё-қиё боқишлининг,
Жоним ўта ёқишлининг,
Оч қарчиғай боқишлининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Кўзи, қоши бинолининг,
Ўн бармоғи хинолининг,
Биздин кўнгли гиналининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Қўли дуторли, созлининг,
Кўллари ўрдак, ғозлининг,
Саҳар булбул овозлининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Кўзи, қоши сузиклининг,
Ўн бармоғи юзиклининг,
Қўли билак узуклининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Гули очилмиш боғининг,
Майи туганмас соқининг,
Ҳамро деяр шу ёғининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон айди:

--Ҳамрожон бизнинг алимиздан омонлиқ тилади. Мунда олиб келинг,-деди.

Анда канизлар Ошиқ Аҳмадни қўйиб, Ҳамрони Саёдхоннинг олдиға олиб келдилар. Эрса, Ҳамро Саёдхондан мурувват кутиб яна бир сўз айтар бўлди:

Қурбонинг бўлайин сенинг,
Саёдхоним омон-омон,
Кўп интизор этма мени,
Бол Саёдим омон-омон.

Ақл- ҳушим кетди сардан,
Жудо тушдим болу пардан,
Сенинг учун йироқ ердан,
Ман келмишам омон-омон.

Қахр этмагил севар ёрим,
Боғ ичинда олма, норим,
Санга дерам оҳу зорим,
Хон Саёдим омон-омон.

Ҳамро деяр, ёндим ўта,
Қўлларингда гулли бода,
Арз айларам паризода,
Бол Саёдим омон-омон.

Ҳамро сўзини тамом қилди. Бирдан кўзи отасиға тушди. Кўрса осиғлиқ турур. Ҳамро айди: Саёдхоннинг хушвақт бўлган вақтидир, -деб отасини тилаб, Саёдхонга бир сўз деди:

Бир арзим бор гўзалларнинг хонина,
Айтайинми, айтмайинми, на дерсан?
Асли гавҳар, кон келибдир шаънина,
Айтайинми, айтмайинми, на дерсан?

Аввал бошдин хон тахтина хон чиқар,
Йиғлаб кўздин ёш ўрнига қон чиқар.
Нозли ёра арз этгунча жон чиқар,
Айтайинми, айтмайинми, на дерсан?

Ман найлайин жудо тушдим гулимдин,
Айролиқни баттар билдим ўлимдин.
Ман қўрқарам хато топар тилимдин,
Айтайинми, айтмайинми, на дерсан?

Ғариб булбул қўна билмас гулшана,
Ёрдан биза хабар келди-нишона.
Бир сўзим бор айта билман ўшона,
Айтайинми, айтмайинми, на дерсан?

Ҳамро деяр, ичим дарда тўлибдир,
Булбул каби ишим фиғон бўлибдир,

Нозлим сандан бир тилагим қолибдир,
Айтайинми, айтмайинми, на дерсан?

Алқисса, Саёдхон кўрдиким, Ҳамронинг отаси осиғлиқ турибдир. Саёдхон айди:

--Эй ноинсоф канизлар, хўжа кишини тушуриб,ҳужрага элтиб қўйинглар,-деди. Канизлар Ошиқ Аҳмадни элтиб қуйдилар.

Аммо Ҳамрони бир мунаққаш уйга солиб, қирмиз либослар кийдириб, Ҳамро билан Саёдхон иккиси айшу-ишщратга машғул бўлиб, жойи фароғатда ётдилар.

Кунлардан бир кун бир қиз била бир келин гўзалликлари тўғрисида бир-бирина «Ман яхши», «Ман яхши», деб баҳс қилдилар.

Анда Бону каниз айди:

--Саёдхоннинг олдига боринг, -деди. Улар Саёдхоннинг олдиға бордилар. «бизларнинг қайсимиз яхши?»,-дедилар.

Анда Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, буларни қайсиси яхшидир, сан айт,-деди. Ҳамро Саёдхонни сўзини қабул қилиб, уларни бир –бир мақтаб, ҳар иккисига мувофиқ бир сўз деди:

Бир қиз била бир келиннинг баҳси бор,
Келин айтур, ёшил, қизил олим бор.
Тилим ўйнар қанди новвот ичинда,
Лабларимда эмишликка болим бор.

Қиз ҳам айтур, ўхшамишам онама,
Лаъли маржон тақинмишам синама,
Инжитарсан, қўл тегизма синама,
Ёноғимда даста-даста гулим бор.

Келин айтар, деяжагим деярман,
Қанту, асал, шакар, новвот еярман,
Соқолсиз, муртсиз ўғлон севарман,
Ҳар кечада минг туманлик нозим бор.

Қиз ҳам айтар олам биза боқила,
Устимизза кўшки-айвон ёпила,
Бир қалъа бор, оғзи кумуш қопила,
Шоҳ ёнинда ҳункорим бор, қулим бор.

Ҳамроҳ деяр, сизлар кимлар бўласиз,
Иккавингиз қўл бўйнима соласиз,
Ман ўлан сўнг сизлар кима қоласиз,
Ҳеч деманглар айралиқ бор, ўлим бор.

Алқисса, Саёдхон Ҳамронинг бу сўзини эшитиб, «Буларни мундоғ таъриф қилдинг»,-деб, Ҳамрони зиндонға солди. Уч кундин сўнг Саёдхон боғ сайлина чиқди. Томоша қилиб юрганда Ҳамро ёдиға тушди.

--Эй Бону, Ҳамродин хабаринг борми?-деди. Анда Бону :

--Хабарим йўқ,-деди.

Анда Саёдхон:

--Бориб хабар олғил,-деди. Анда Бону каниз ҳам Ҳамрожоннинг ёниға келиб:

--Эй Ҳамрожон, ҳолинг нечукдир,-деди.

Анда Ҳамрожон айди:

--Ҳали жоним чиққани йўқ,-деб, ғариблик ёдига тушиб бир сўз деди:

Ғариб бўлиб, ғам уйинда қолмишам,
Биза чўх-чўх бўлар оли Саёднинг.
Ғалат айлаб бу ўлкага келмишам,
Куйдирди жонимни тили Саёднинг.

Тарлон олиб, бирга сайла чиққанда,
Тўлиб, кўздин қонли ёшин тўкканда,
Лочин солиб табла-бозин қоққанда,
Овлоғи, чашмаси, кўли Саёднинг.

Фикр айлаб, ёрим кетди гумона,
Ёр ханжари бугун етишди жона,
Мани қувмоқ учун айлаб баҳона,
Устимиздин тушди йўли Саёднинг.

Мамат шоҳнинг қизи мани маст айлар,
Ғамзалари жон олмоққа қаст айлар,
Бизи душман билиб, кимни дўст айлар?!
Ман билманам йўкдир эли Саёднинг.

Боқчасинда олма ўла, нор ўла,
Ман билманам сажарларда бор ўла,
Биз кетанда ўзга била ёр ўла,
Ҳамроҳни каж бахти-кўли –Саёднинг.

Алқисса, андин сўнг Бону каниз бу сўзни эшитиб Саёдхонга бориб айди.

Шул вақт ажаб вақтдир. Бир хафаликда, бир хушвақтликда сўзладинг,-деди. Анда Ҳамро Саёдхоннинг келиб турганин кўриб зор-зор йиғлаб бир ғазал айди:

Оға беклар, бир гўзала мойилам,
Тила тушмас арманидир-армани,
Оқшом, сабо ёр жабрина койилам,
Ночоқликда ёмон этди ёр мени.

Устимизда Гуржистоннинг тоғидир,
Чор теграси бизнинг билан ёғидир,
Шул гўзалнинг қучмоқлиқнинг чоғидир,
Қизил гулнинг хирмонидир-хирмони.

Олисдан келанда кўрдим қўчини,
Тўра тушан олғир кўзли лочини,
Ғофил, оқ юзиндин олдим муччини,
Ҳазор дарднинг дармонидир-дармони.

Мастона наргиздир, қорадир кўзи,
¡ртайди ошиғи, ширидир сўзи,
Ослини сўрасанг тарсонинг қизи,
Тила тушмас арманидир-армани.

Қизил гулни даста-даста терарлар,
Дастасини синам узра қўярлар,
Ғофил бўлма панжарадан қарарлар,
Ҳамроҳ деяр, кўра келди ёр мани.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамом қилди. Шул вақтда Саёдхон панжарадин қараб, томоша қилиб туриб эрди. Ҳамро ҳам Саёдхоннинг қараб турғонин билиб, синасинда тобу тоқат қолмай бир ғазал айди:

Панжарадин мойил-мойил боққан ёр,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?
Ширин жоним ишқ ўтина ёққан ёр,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Шул қаро кўзингга банда бўлайин,
Ман сандин айрилиб қанда борайин?
Ман бир тилло узук санда бўлайин,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Саҳарлар эр туриб боқам ҳар ёна,
Ман ёрни кўрмасам қолам армона,
Нега кўзим тушди қолдим ҳайрона,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Кўзларинг жаллоддир олур жонимни,
Кирпигинг ништардир, тўкар қонимни,
Сен тиласанг мен берайин жонимни,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Мункирнинг кўнглингдин кетмас гумони,
Булбулнинг дастинда гулнинг думони,
Сайёдхон Ҳамроҳнинг дину имони,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Алқисса, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Ҳамронинг бу сўзина Саёдхон кулди. Анда Ҳамро ҳам Саёдхоннинг кулганига хушвақт бўлиб бир ғазал айди:

Ногаҳондан савдо тушди сарима,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.
Қаҳбо фалак тегма менинг парима,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Гўзаллар ичинда сан гўзал хоси,
Бир замон кўрмасам бўларман оси,
Қишнинг совуғи-ю, ёзнинг ҳавоси,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Гўзаллар ичинда сен гўзал шовқи,
Кўзимдин оқиздинг қон бирла қўқи,
Қазоннинг алинда ажалнинг ўқи,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Эгнина кийибдир оқдан олалар,
Ани кўриб, шайдо булбул нолалар,
Кўкдин ера энган минг бир балолар,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Боғинда очилмиш рангба-ранг гуллар,
Теграсинда сайрар шайдо булбуллар,
Ошиқ Ҳамро айтар, айролиқ кунлар,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Алқисса, андин сўнг Саёдхон канизлари бирла кўшкига қайтти. Бориб йўрган, тушак, ёстиқларни жой-бажой, ер-ба ер қўйиб, боринг Ҳамрони олиб келинг,-деб икки канизина буюрди. Эрса, канизлар бориб, Ҳампрони олиб келтурганда Ҳамро айди:

--Эй канизлар, бир озроқ мани қўйинг,-деди. Канизлар қўйдилар. Ҳамро сувга тушди. Эрса, Ҳамро сарҳовузнинг бошинда арғувон гулларни кўриб, қўлиға созини олиб бир ғазал айди:

Бандивони бўлиб қолдим,
Бир қадди долли нозлининг.
Юзи гул, кўзлари наргис,
Рухсори лаъли нозлининг.

Айрилиқ ўлимдин баттар,
Мужгонларинг жондин ўтар,
Тузилибдир қатор-қатор,
Оқ юзда холи нозлининг.

Қуббалари ўймоқ-ўймоқ,
Ғалатдир дийдора тўймоқ,
Оғзи сутли, лаби қаймоқ,
Ўткирдир боли нозлининг.

Бўйи бухорий қамишдир,
Тиши урганжий кумушдир,
Баҳор бўлса кўз қамаштир,
Очилғон гули нозлининг.

Холлари бордир холича,
Сайрона чиқсам долинча,
Ҳар зулфининг тори инжа,
Ул қадди доли нозлининг.

Гул терарлар даста-даста,
Арғувон кўндардинг дўста,
Ҳамро деяр, бўлдим хаста,
Куйинда гули нозлининг.

Нозлининг, қизлар, нозлининг
Бандаси бўлсанг қизлининг.

Алқисса, канизлар Ҳамрони Саёдхоннинг ёнина олиб бордилар. Ҳамро бош эгиб салом берди. Бир- икки соат одаб сақлаб турди. Саёдхон гап урмади. Шунда Ҳамро зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Кўп булбулким, гулга чун никоҳ бўлди,
Булбул даста ўйнар кўндардигини.
Ҳижрон чеккан кўнглим бугун шод ўлди,
Лоладай бағрима кўндардигинан.

Чиқибдир эркина бир ўзи билмас,
Ҳақ ўзи қилганин бандаси билмас,
Кўп жафо чекдигин бандаси билмас,
Ҳижроннинг ўтини кўндардигини.

Гулшаннинг ўтина кўп ёнди банда,
Магар тарсо дейиб, кўп ёнди банда,

Бевафо ёр учун кўп ёнди банда.
Ниҳон элчисина кўндардигини.

Ошиқ Ҳамроҳ деяр, ман ўзим деям,
Эранлар сирини ман ўзим деям,
На ҳожат дардимни ман ўзим деям,
Ёр ўзи билмаса, кўндардигини.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон ериндин туриб алик олди. Тахтнинг устина чиқариб ўтириб, Саёдхон Ҳамронинг бўйнина қўл солди. Ҳамро ҳам Саёдхоннинг бўйнига қўл солди. Иккиси айш- ишратга машғул бўлдилар...

Кунлардин бир кун Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, отангни юртига қайтарсак нечук бўлғай? Ҳар нечук бўлса ҳам қайинота оти бордир, унинг олдида ман уялурман,-деди.

Ҳамро:--«Хўп яхши бўлур»,-деди.

Саёдхон:

--Ошиқ Аҳмадни чақириб келтиринг,-деди. Канизлар Ошиқ Аҳмадни чақириб келтирдилар. Саёдхон:

--Эй бобо, ўғлингизни бизларга топшириб, ўзингиз юртингизга қайтинг, бориб мол-мулкларингизни саранжом айланг,-деди.

Анда Аҳмад Ошиқ айди:

--Эй Саёдхон, Ҳамрожон манинг якка фарзандимдир, мундин айрилиб манинг Озарбайжонда на ишим бор?-деди.

Анда Саёдхон:

--Эй бобо, Ҳамрожондин хотиржам бўлинг, ман Ҳамрожонни сиздин яхши парвариш қилурман. Сиз эрта бирла қайтинг,-деди.

Ошиқ Аҳмад бечора на қиларин билмай, Ҳамрожонни Саёдхонга топшириб, Ҳамрожондин бошқа жоним бўлмас»,-деб бир сўз деди:

Ман энди кетарман Озарбайжона,
Саёдхон, Ҳамрони санга топширдим.
Сизларни топширдим қодир субҳона,
Саёдхон, боламни санга топширдим.

Тушибдир қўлингга бир асли доно,
Жамолин берманам ёхти жаҳона,
Юсуфдайин солма яна зиндона,
Сайёдхон, Ҳамрони санга топширдим.

Ҳамро ёшдир билмаганин билдиринг,
Урмай-сўкмай шодиёна кулдиринг,
Ё кўзим кўрмасин,мани ўлдиринг,
Сайёдхон, Ҳамрони санга топширдим.

Аҳмаднинг дунёда бирдир бисоти,

Фалакнинг алиндин айларам доди,
Белимнинг қуввати, кўнглим муроди,
Сайёдхон, Ҳамрони санга топширдим.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад сўзини тамом қилди. Саёдхон:

--Эй бобо, Ҳамрони канизлар ила бирликда ҳеч инжитмасмиз, ўран арқайин бўлиб, хотиржам бўлғил,-деб Ошиқ Аҳмадга қараб бир ғазал айди:

Бобожон, кетарсан Озарбайжона,
Хўжа, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.
Ҳамрони бермасман ёхти жаҳона,
Хўжа, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Бу кун ёр хаёли сарима тушди,
Ақли ҳушим бари бошимдин учди,
Кўкдаги тилагим ерда қовушди,
Бобо, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Ўғлинг учун пинҳон-пинҳон ерим бор,
Неча турли анжирим бор, норим бор,
Бундан зиёд айтсам, ҳаё, шармим бор,
Бобо, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Ёнимдан айрилса ўғлинг йўқларман,
Гулоб сувин бериб кўнглин покларман,
Ўғлинг била бир ёстиқда ухларман,
Хўжа сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Саёдхон дер, айтган сўзинг тутарман,
Бобо, инонмасанг гувоҳ ўтарман,
Қўлим ястаб, юзин елпиб ётарман,
Бобо, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Ёнимда айрилса ўғлинг, йўқларман,
Гулоб сувин бериб кўнглин покларман,
Ўглинг била бир ёстиқда ухларман,
Хўжа, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Саёдхон дер, айтган сўзинг тутарман,
Бобо, инонмасанг гувоҳ ўтарсан,
Қўлим ястаб, юзин елпиб, ётарман,
Бобо, сан ўғлингдан хотиржам бўлғил.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон сўзини тамом этиб:

--Эй Бону, яхши-яхши саруполардин келтир, бир от юки тилло, икки ғуломбачча хизматкор бирлан юборурмиз,-деди. Сўнгра Ошиқ Аҳмадни анжомин битириб, шаҳардин чиқариб, оқ фотиҳа бериб юбордилар.

Ҳамро отаси билан оллоёрлашиб, Саёдхоннинг ёнида қолди. Ошиқ Аҳмад Саёдхоннинг кўшкиндин чиқиб борур эди, эрса Ошиқ Аҳмадни ўнгиндин Маматхон подшоҳнинг қоровуллари чиқиб қолди. Улар: «Эй бобо, қайдин келиб, қайда борурсан, магар сан йўл уриб юрган қароқчи бўлмағайсан?»,-деб Ошиқ Аҳмадни туттилар.

Ошиқ Аҳмад: «Магар ман Саёдхоннинг боғидан келурман, десам, Ҳамрожон бир балоға грифтор бўлмасин»,-деб, булардин қўрқиб, ҳайрон бўлиб турди.

Улар:

--Ҳақиқат йўл уриб юрган қароқчи экан,-деб Ошиқ Аҳмадни ўлдирар бўлдилар. Ошиқ Аҳмад бечора, ўтган пирлардин мадад тилаб бир сўз айди:

Пирим шоҳимардон, ё бобо Қамбар,
Етишар кунларинг келди азизим.
Ошиқларнинг пири- Юсуф пайғамбар,
Етишар кунларинг келди азизим.

Бир тоза гул эдим, сўлдим-хор ўлдим,
Золимлар қўлинда гирифтор ўлдим,
Пирим Али дийдорина зор бўлдим,
Етишар кунларинг келди азизим.

Кимсалар подшо, кимсалар вазир,
Кимсага зулмдир, кимсага жабр,
Аё бобо Дарғон, ё шайхи Кабир,
Етишар кунларинг келди азизим.

Кўпдир бир оллоға нолишим, зорим,
Султон Хубби. бугун бўлғил дастгирим,
Яратғон оллохим, ё биру борим,
Етишар кунларинг келди азизим.

Оллони ёд этар, ёзиқли қули,
¡н икки имомла ул эди вали,
Ҳимматинг етишсинг ё пирим Али,
Етишар кунларинг келди азизим.

Ошиқ Аҳмад айтар, эшитгил сўзим,
Саргардондир сенинг йўлингда кўзим,
Муҳаммад Мустафо уммати ўзим,
Етишар кунларинг келди азизим.

Алқисса, Ошиқ Аҳмад бечора, «Армон бирлан ўлур бўлдим»,-деб, ҳарёна боқар эрди. Кўрдиким, бир бўлак турна Озарбайжона қараб учиб борадир. Ошиқ Аҳмаднинг ўлим ёқосидин тутгандек, ғойибона Озарбайжонадаги қариндошлари бирлан хўшлашиб, турналара қараб бир сўз деди:

Турнам, кетсанг Озарбайжон элина,
Борсанг нозли ёра салом дегайсан.
Юрак бағрим бўлак-бўлак дилина,
Борсанг нозли ёра салом дегайсан.

Армон билан боғладилар қўлимни,
Шоҳимардон банд айлади йўлимни,
Турнам борсанг мани арзи-ҳолимни,
Қавму қардошлара салом дегайсан.

Ёмон йўлда юрган тангридин топар,
Қиёмат кунида оросат қўпар,
Турнам менинг арзим ул ёра обор,
Дийдор қиёматга қолди дегайсан.

Мундин кетсанг Озарбайжон юртина,
Қаро бағрим сув бўлибон, эрина,
Борсанг айтгил қора кўзли Ширина,
«Ошиқ Аҳмад ёринг ўлди» дегайсан.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад бу сўзни тамом қилди. Турналар Ошиқ Аҳмаднинг устида айлана бердилар. Ани кўриб, қорвуллар бошчиси айди: «Магар бу хўжа авлиё бўлмағай, бу кишининг бир каромати бор»,-деди. Қоровуллар айдилар:

--Эй хўжа киши, сан шу турналарни ёнингга тушира билсанг, мол-ашёйингг бирлан сани озодлик қилайлик. Агар тушира билмасанг, сани ўлдирурмиз,-дедилар.

Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Сизлар манинг қўлимға соз беринг, ўзларингиз ҳам бир тарафда пинҳон бўлиб ўтиринг,-деди. Қоровуллар пинҳон бўлиб қараб турдилар. Ошиқ Аҳмад турналарга қараб бир сўз деди:

Тепасидан шоҳлиқ лочин солина,
Ёраб, нечук бўлур ҳоли турнанинг.
Жиғалари тал-тал бўлиб бўлина,
Анда нечук бўлур ҳоли турнанинг.

Бу турналар ҳамдам бўлиб ҳамиша,
Чекилур саҳроға бормас қамиша,
Оға беклар парин қопланг кумуша,
Сайраса кўк ўсар тили турнанинг.

Турнам ҳаво учма кўзинг қамашур,
Неча таъриф этсам санга ярашур,
Ол ҳавода кўзинг узоққа тушур,
Баланд тоғдин ошар йўли турнанинг.

Ман бечора, манинг кўнглим камина,
Эгам шифо берсин кўнглим ғамина,
Ёз бўлса юзланур Ироқ замина,
Қиш бўлса Бағдоддир ери турнанинг.

Энди сизлар келинг менинг ёнима,
Йўқса бу золимлар қолар қонима,
Раҳм айлангиз энди менинг жонима,
Ошиқ Аҳмад ғариб қули турнанинг.

Алғараз, турналар бу сўзни эшитгач, Ошиқ Аҳмаднинг устина ўзларини ташладилар.

Қоравуллар бу кароматни кўриб, Ошиқ Аҳмадга айдилар:

«Эй бобо кароматли киши эркансиз, сиз агар бу турналарни яна ҳам ўз йўлина юборсангиз барҳақ авлиё турурсиз,-дедилар.

Сўнг Ошиқ Аҳмад созини қўлиға олиб турналара қараб бир ғазал ўқиди:

Хабар олдингизлар манинг ҳолимдин,
Энди ўз йўлингга уч, энди, турнам.
Мани озод этдингизлар золимдин,
Бўлум-бўлум бўлиб кўч энди, турнам.

Энди кўзла Озарбайжон йўлини,
Терингглар боғларнинг қизил гулини,
Ширин ёра бориб айтинг ҳолимни,
Озарбайжон сари уч энди, турнам.

Икки турнам кезар оқли, қорали,
Бирисининг андом жони ярали,
Ҳақдинг буйруқ бўлса бизам борали,
Озарбайжон сари уч энди, турнам.

Аҳмаддин ўлимдан этдингиз халос,
Хўжа Аҳмад сиздан кўп кўрди ихлос,
Мадад берсин сизга ул Хизр-Илёс,
Ҳиммат айлаб, тоғдин ош энди, турнам.

Алқисса, турналар ўз йўлина учиб, равона бўлдилар. Қоровуллар бу воқеани кўриб, бир-бирина айтдилар:

--Бу хўжа киши авлиё эркан, унга тегиб бўлмас,-деб, Ошиқ Аҳмаднинг ёниға бориб, саруполарини бериб, тиллаларини ва ғулом баччаларини бериб айдилар:

--Эй бобо, бизлар эткан ишимизга тавба қилдиқ, сиз ҳам бизларни гуноҳимизни ўтиб, бизларга оқ фотиҳа беринг,-дедилар. Ошиқ Аҳмад қоровулларга фотиға бериб, «Қайдасан Озарбайжон»,-деб йўлга тушди.

Бирнеча манзилларни тай қилиб, Озарбайжон вилоятиға дохил бўлди. Омон-эсон, соғ-саломат Гулширин ёрина қовушди.

Энди икки калима сўзни Саёдхон ва Ҳамродан эшитинг: Ошиқ Аҳмадни Озарбайжона узатгандан сўнг, иккиси тилло кўшкининг устинда айшу-ишратға машғул эрдилар, бир кеча саҳар вақти Саёдхон уйқудан уйғонди. Ҳамро уйғонмади. Шунда Саёдхон ўзича:

--Эй Ҳамро, санга бир даста гул бўғиб келтирайин,-деб ериндан туриб боққа кириб кетди.

Бир фаслдан сўнг Ҳамро ҳам уйғонди. Кўрса Саёдхон еринда йўқдир. Ҳамронинг кўнглина Саёдхонни мандан ҳам бошқа ёри бор эркан деган хаёл келди. Шул вақтда Саёдхон бир даста гул боғлаб келди. Шунда Ҳамронинг кўнглина гумон ғулғула солиб:

--Эй Саёдхон, сиздек подишоҳзодаға боққа якка кирмаклик кўп айбдир, деб, бир неча ерлардин тимсол келтириб, бир сўз деди:

Сабо-сабо чиқма, парим гулгашта,
Зулфи паришонинг елдан айбдир.
Бир ёни рақибнинг таъна сўзлари,
Бир ёни улусли элдан айбдир.

Икки ошиқ бир-бирина етанда,
Булбуллар сайрашиб само тутанда,
Оқ билаклар дол гардандан ўтанда,
Шидданг ечилмасин белдин, айбдир.

Севдигим кирибсан юз алвон тўна,
Қўрқарам устингга қарчиғай қўна,
Ғарқилдошманг ғозлар, уркишманг сўна,
Ногоҳ сув чайқалса, кўлдин, айбдир.

Сарҳарлар севдигим, чиқсанг сайрона,
Қўрқарам, ошиқлар ўтингга ёна,
Бежавоб зулфингга текизма шона,
Ногоҳ мўй узилса, қилдин, айбдир.

Ошиқ Ҳамро деяр: диним-имоним,
Мужгонинг ҳанжари оқизди қоним,
Бир қиё боқишинг оладир жоним,
Дедигим фитна сўз тилдин айбдир.

Алқисса, Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, сан уйғонмадинг, ман сани гул бирлан урайин деб келдим,-деди. Андин сўнг яна икковлари ўпишиб-талашиб бу кеча ҳам ётдилар. Эртанг Ҳамрожон чорбоғ тарафга қараса, куннинг шуъласи гула тушиб, гулнинг шавқи куна тушибдур.

Ҳамро келиб айди:

--Ажаб чорбоғ сайл фасли бўлибдир, боғ сайлина борали,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Зулфларим паришон бўлибдир, ман канизларга бажартиб келайин,-деб кетди. Саёдхон ҳеч келмади. Ҳамрожон Саёдхоннинг изидин борса канизлар сочини ўрибдирлар.

Ҳамро кўрса Саёдхоннинг юзинда мунчоқ-мунчоқ тер оқиб, юзи ўн тўрт кечалик ойдек бўлиб ўтирибдир. Ҳамро ани кўриб сийнасинда тоби тоқати қолмай, Саёдхонга бир сўз деди:

Ҳар сабо кезайдим гулу гулшанда,
Боғлар оросинда бўлдим асарли.
Мушки тотор бўйлим, майна гарданлим,
Севдигим алингдин бўлдим асарли.

Асал-шакар лабларингда эзилмиш,
Мушки анбар мўйларинга тизилмиш,
Хуморланиб қора кўзлар сузилмиш,
Зулфи зарафшонли мушки-анбарли.

Муноққош уйларда, оқ ўтовларда,
Булбул фиғон этар сўлу соғларда,
Дубиржоқ-дубиржоқ ол ёноқларда,
Дур, гавҳар тузулмиш чун юзи тарли.

На сабабдин гулдай мангзим сарғара,
Ҳасратингда бағрим боши минг пора,
Мисоли ўхшатдим чўлда марола,
Олма занаҳдонли юзи куларли.

Кўкда булут ўйнар, дарёда моҳи,
Сани кўрган ошиқ кўп чекар оҳи,
Ҳамро бир гадодир, сан жаҳон шоҳи,
Санингдай кўрмадим бир симу зарли.

Алғараз, Ҳамрожон, Саёдхон—иккилари қўшилиб борур эрдилар. Ҳамро Саёдхонга: «Боғ сайлина боролди»,-деб, Саёдхоннинг жамолина қараб бир сўз деди:

Шикастаям, ғам уйида сойилам,
Ишим бўлди нола била зор энди.
Чўх айтдилар, орзуйингни чекарам,
Сўзлаш энди, талаш энди, ёр энди.

Менинг ёрим бу ўлкада соғ ўла,
Қўйнинг ичи жаннат ўла, боғ ўла,
Қувонмишам шитдангдаги оғ ўла,
Қоғоз энди, баёз энди, қор энди.

Лабларингда болдин ўзга об ўлмас,
Валлоҳ, бу ҳуснингча моҳи тоб ўлмас,
Яноғингга гул ғунчаси боп ўлмас,
Норинч энди, турунч энди, нор энди.

Қурбон ўлам булбулина, гулина,
Бол эзилмиш дудоғина, тилина,
Ҳар тарафдин чирмашибдир белина,
Сочинг энди, ўрим энди, мор энди.

Ҳамро деяр, матлубина етишса,
Етишибон ишқ ўтина туташса,
Сенинг бирлан мудом даврон суришса,
Номус энди, ғайрат энди, ор энди.

Алғараз, Ҳамро сўзини тамом этди. Саёдхон гулгун кийиб, қошларина ўсма қўйиб, кўзларина сурма чекиб,юзларига ғоза тортиб канизлари бирлан боғ сайлина равона бўлди. Аммо Саёдхоннинг икки боғи бор эрди. Бирина «Катта боғ» ва бирина «Гулшан боғ» дер эрдилар. «Катта боғ» сайрина бордилар. Ул боғда Саёдхоннинг бир неча кийиклари бор эрди. Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, бу кийикларни кўрдингизми? Сизнинг юртингизда ҳам бундай кийиклар борми?-деди.

Анда Ҳамрожон айди:

--Эй қурбонинг бўлайин Саёдхон! Булар мунда феъли озиб келган жониворлардир. Асли макони бизнинг юртимизда бўлур. Мунга бизнинг элда жайрон дерлар,-деб қўлина созини олиб бир сўз айтди:

Сарим қурбон ўлсин сани кўрана,
Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони.
Феъли озиб, мунда жайрон найласин,
Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони.

Оқар чашмаларим села дўлдирон,
Сарғайтибон гул мангзимни сўлдирон,
Араб отим югурук тозим бўлдирон,

Ўз элимнинг жайронидир-жайрони.

Узоқдин оқ бўлур жайроннинг ўзи,
Тепасинда бордир қўша мўгузи,
Сайр айлаб келандир доғ била дузи,
Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони.

Жайрон кетар доғ бошина дўланиб,
Дўланибон чашмалардин сувланиб,
Ошиқ Ҳамро обдил бўлиб, айланиб,
Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони.

Алқисса, Саёдхон: «Бир неча лочин қушларим бор»,-деб Ҳамрони олиб борди. Анда Ҳамрожон Саёдхоннинг лочин қушларини кўриб бошини чайқади.

Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, на учун бошингни чайқадинг?,-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй Саёдхон, бу қушларнинг асли макони бизнинг юртимиз бўлур,-деб яна ҳунарларини баён қилиб, лочин қушларни таъриф айлаб, бир ғазал айди:

Қишнинг захмин чекиб, ёза чиққанда,
Эрибон тўкилур ёғи тарлоннинг.
Тар чаман устинда табил қоққанда,
Қуёшдан оқ эрур пари тарлоннинг.

Қўшиққа ярашур йўгурук алажа,
Соғиндан отланиб, сўлиндан туша,
Табл боз қоққанда тарлон учуша,
Ботар тирноқлари қона тарлоннинг.

Ҳавоға учганда маст бўлиб дўна,
Овин олиб тарлдон қуёша қўна,
Хатардин айрилан ёшил бош сўна,
Билмаса тушибдир доғи тарлоннинг.

Овин олиб, ол ҳавоға отила,
Арш устинда қанотлари чотила,
Билмасликда минг туманга сотила,
Жиғоси, шикори банди тарлоннинг.

Тарлон учиб устимиздан оғалар,
Тутиб яшил боши санчинг жиғолар,
Ўлтирган ғозилар, турган оғалар,
Ҳамро деяр, кечди ови тарлоннинг.

Алқисса, андин сўнг Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, юринг бизнинг сарҳовузнинг бошина,-деб бориб шосупага чиқдилар. Кўрсалар, ҳовузнинг ичинда яшилбош сўналарнинг бири чўмиб, бири чиқиб юрибдир.

Эрса Ҳамро, бу сўналарнинг кўзини Салбиниёзнинг кўзина мангзатиб, Салбиниёз ёдиға тушиб, Ҳамрожоннинг кўнгли бузулиб, бир ғазал айди:

Борур эрдим яшил боша учрадим,
Сўна бизни кўриб юзмака тушди.
Ўзини ташлади дарё тубина,
Олди қаламларни ёзмақа тушди.

Бир хаёл айладим бу кўлда ётам,
Дастиимни узатиб сўнани тутам,
Бир фикр айладим тош бирлан отам,
Юрагим дўзмайин азмоға тушди.

Эмар эдим лабларини болиндин,
Қучар эдим ёрнинг инча белиндин,
Жудо тушдим хон Салбининг элиндин,
Кўнгул талвас уриб кезмака тушди.

Салбимдин айрилиб тушдим йироға,
Кўзим ёша тўлди, кўнглим фироға,
Сўналар чекдилар ўзин қироға,
Эгрича талларин ёзмаға тушди.

Ҳамроҳ гирифтордир ёрнинг ўзина,
Тер тўкилмиш гарданина, юзина,
Мойил бўлдим сўналарнинг кўзина,
Хумор кўзларини сузмака тушди.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Саёдхон айди:

--Эй Бону, бу ўғлон сўзини ёмон асарли айтар, ҳар сўзинда Салбиниёз деб кўп ҳалок бўлур, магар ўз юртинда ёри бор бўлғай. Агар яна Салбиниёз деб сўз сўзласа таъқиқлаб кўрали,-деб юра бердилар. Кўрдиларки, бир токнинг устинда уч дона каклик сайраб ўтирибдир. Ҳамро ани кўриб, хушвақт бўлиб бир сўз деди:

Куз дўланди, баҳор бўлди, ёз келди,
Овози қулоққа келди какликнинг.
Йиғламадим, ўйнамадим, кулмадим,
Ҳавоси жонимда қолди какликнинг.

Ёноғина тушар қора сочини,

Кўнглим истар ола кўзли лочинни,
Алдаб овдан қўяр олғир лочинни,
Хатти-холи, сиё зулфи какликнинг.

Чўх сайёдлар алданарлар олина,
Кўнглим талвас урар қўша холина,
Баробардир чор кўчанинг молина,
Қаҳ-қаҳ уриб кулиши бор какликнинг.

Кўк жома кийиниб, гашт этар дузни,
Қўллари хол-холдир, ярми қирмизи,
Жиғаси шикорли, сурмали кўзи,
Хатти-холи, сиё зулфи какликнинг.

Ҳамро деяр, ёр ҳамиша хандондир,
Юртимизда қолган ул Салбижондир,
Лаълидир, гавҳардир, дурри-маржондир,
Мурассаъ қуббаси бордир какликнинг.

Алқисса Ҳамро сўзини тамом қилди. Саёдхон Ҳамрожоннинг ёқасидин тутиб:

--Эй Ҳамрожон, юртингда қолган нечук Салбидир, айт,-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй қурбонинг ўлам Саёдхон, Салби деган бир дарахтим бордир, отам еттинчи мартаба ҳаж қилғонда Макка йўлиндин икки ёғоч келтириб экиб эрди. Бири кўп зебо дарахт эрди. Анинг яхшилиғиндин соясинда айшу ишрат суриб ётар эрдим. Ани ҳар маҳал ёдима солурман,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Ҳар начук шохлиқ дарахт бўлса, манинг боғимда ҳам бордир. Юр истаб кўрали,-деб боққа равона бўлдилар. Боғни ҳарчанд кезиб ахтариб кўрдилар, топмадилар.

Ҳамро айди:

--Эй қурбонинг бўлай Саёдхон, Салби деган алмудом қиш-ёз бирдек бўлур, ҳаргиз япроғи тушмас, мудом танаси оқ, япроғи алвон-алвон ўсар, гоҳ қизил, гоҳ кўк, гоҳ яшил ўсар-деди.

Андин сўнг Саёдхон бирлан Ҳамрожон ҳовузга бордилар. Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, манинг сандин бошқа ёрим бўлмас,-деб Ҳамронинг қўлидин тутиб, кўшкка қайтдилар. Яна шул уч какликнинг устиндин келдилар. Ҳамрожон ўз кўнглиндин «Салбиниёзжон, Саёдхон-учимиз ҳам шул уч какликдек бўлиб ўтирсак»,-деб кулиб –ўйнаб, яна айди: «Во дариғо, Салбиниёз яна бир кишига кўнгил берган бўлмағай?»-деб бир ғазал ўқиди.

Ғазали Ошиқ Ҳамро:

Бир дуо айлангиз улуслар, эллар,
Манинг оҳим ёра етишармикан?

Мағрибдан машриққа етган эранлар,
Ошиқ-маъшуқина етишармикан?

Биза ҳиммат берсин улуслар-эллар,
Ани ҳукмидадир зеру забарлар,
Бир оҳ урсам ёнар етти қат ерлар,
Кўнглим ишқ ўтина олишармикан?

Томошаға келар оғалар, беклар,
Сурмали кўзларинг мани чўх эглар,
Ёриндин айрилғон ғариб какликлар,
Яна қах-қаҳ уриб кулишармикан?

Мани кўнглим ғусса билан ғамларда,
Ёр-ёрдин айрилиб кезар ҳар ерда,
Икки пари ҳамдам бўлиб бир ерда,
Бир-бирининг қадрин билишармикан?

Биздин ошнолиғи ёт ўлан Салби,
Бизи ғамда қўйиб шод ўлан Салби,
Аввалдин Ҳамрога аталан Салби,
Ётлар билан ўйнаб-кулишармикан?

Алғараз, андин сўнг Саёдхоннинг кўнглидан гумон кечди, қахри келиб айди:

--Эй ўғлон, «Салби» деган зотинг надур? Айғил. «Ётлар бирлан ўйнаб кулишармикан»?,-дерсан, у на деганинг?-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Салби шундай дарахтким, унинг мевасини сувини ичадилар. Ана шуни бегоналар ичмагай дедим,-деди.

Анда Саёдхон:

--Инонмасман, ўз юртингда ёринг бор,-деди. Анда Ҳамро айди:

--Шарт қилсам инонурмисан?-деди.

Саёдхон айди:

--Албатта инонурман.

Анда Ҳамро:

--Санинг юртингни шартин билмасман, ўз юртимда ғализ шартлар бордир, шул шартни айтурман,-деди.

Саёдхон: «Айтғил» деди.

Анда Ҳамро айди:

--«У тоққа бу тоққа, оёғим тегсин оёққа»,-деб,-ахир мани бу «улуғ» шартга тутдинг,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Мундоғ шарт бўлурми?,-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Бизнинг юртда ёмон шартдир,-деди.

Анда Саёдхон:

-- Бу шартнинг маъносини айтғил,-деди.

Анда Ҳамро:

--Маъноси шулки, у тоққа бу тоққа деганим бу дунёда, у дунёда юзим қора бўлсин деганимдир,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Энди инондим,-деди.

Аммо Ҳамрони бу шартдан кўнглидаги муроди: анда Салбиниёз, бунда Саёдхон дегани эрди. Андин сўнг Саёдхон бир олма искаб туриб эрди қўлидин тушиб Ҳамронинг олдиға думалаб кетди. Ҳамро олмани олиб айди:

--Эй Саёдхон, алдаб қўлингдан олмангни олдим, санинг хабаринг йўқ,-деб бир сўз айди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Холиндин қаро кўзлининг.
Алдадим олмасин олдим,
Алиндин қаро кўзлининг.

Қаро кўз билан кўзлашдим,
Ширин сўз билан сўзлашдим,
Эгилиб шиддасин ечдим,
Белиндин қаро кўзлининг.

Туриб ўтағосин уздим,
Тош уриб ойнасин довдим,
Ҳуркитиб сўнасин қувдим,
Қўлиндин қаро кўзлининг.

Ҳамро деяр, борин олдим,
Олма бирлан норин олдим.
Ман шу кун иқрорин олдим,
Тилиндин қаро кўзлининг.

Алғараз, Саёдхоннинг кўнглина ғубор тушиб айди:

--Магар сан мани алдаған бўлғайсан, бориб Бонудин сўрарман, деб бориб айди:

--Эй Бону, «У тоққа, бу тоққа» деган шарт бўлурми?-деди.

Анда Бону:

--Бундай шарт бўлмас, бунга чўпон шарти дерлар, сани алдабдир ,-деди.

Саёдхон:

--Андоғ бўлса бунинг бирла манинг ошиқлиғим йўқ,-деб кўшкина равона бўлди.

Ҳамро ҳам Саёдхоннинг изидин равона бўлди. Ҳамро бориб кўрса Саёдхон қирмизи либослар кийиб ўтирибдир. Ҳамро Саёдхон бирла канизларга қараб бир сўз деди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Ёр қирмизи кийинибдир.
Оқ юзинда жўра-жўра
Хол қирмизи кийинибдир.

Ёр жиғосин санчар боша,
Қурбон ўлам қалам қоша,
Сийнасинда қўша-қўша,
Ёр қирмизи кийинибдир.

Боқишингиз жайрон каби,
Рафторингиз марал каби,
Икки зулфи шомор каби,
Ёр қирмизи кийинибдир.

Ёрим келур кула-кула,
Кулиши мангзар булбула,
Ёнинда қирқ каниз била,
Ёр қирмизи кийинибдир.

Кел Саёд, кетали боға,
Дўлан боқ, синамда доға,
Ҳамронинг жонин олмаға,
Ёр қирмизи кийинибдир.

Алқисса, Саёдхон Ҳамродан ўпкалаб айди:

--Эй Бону, бу ўғлон ҳардам хаёл эркан, юртинда Салби отли ёри бор эркани маълум бўлди,-деб тарс кўзлаб кета берди.

Анда Ҳамро:

--Кошки манинг юртимда Салби отли ёрим бўлиб, бу сўзингиз чин бўлса эрди,-деди. Яна Ҳамро:

--Саёдхон санинг жамолингни Чин Мочиндек етти шаҳри азимга бермасман,-деб бир сўз деди.

Сабо-сабо ёр жамолин севдигим,
Зулфинг гарданингга дўлашон каби.
Қанду шаккар буланибдир лабина,
Дол гарданли ёрим, гули чин каби.

Ёрим кийинибдир қизил, оқлари,
Арзирумдин келан қизил, оқлари,
Кийганинг қирмизи, чиқар оқлари,
Нозик баданлари дўлашон каби.

Соқий, пиёлани қондир оёғи,
Мажлисда соқининг қондир оёғи,
Сўзинг надур, сақла, қондир оёғи,
Кошки ёлғон сўзлар бўлса чин каби.

Ҳамроҳ дер, ман ҳайрон ёр жамолина,
Мажлисда қувондим ёр жамолина,
Харидор бўларман ёр жамолина,
Етти азим шаҳар бўлса Чин каби.

Алқисса, Саёдхон бир кулиб, Ҳамрога бир коса май тутти. Ҳамро майни ичиб бўлғондин сўнг Саёдхон:

--Эй Ҳамрожон, манинг шу ўтиришима бир сўз айтғил,-деди. Ҳамро Сайёдхонни таъриф қилиб бир сўз деди:

Қодир олло бадр айламиш жамолин,
Таъсир ўлиб, жоним малола тушмиш.
Кўрган сўнг йитирдим кўнглим, хаёлим,
Икки қошинг тархи ҳилола тушмиш.

Ўжа тоғдин анжир ун тушан каби,
Холлар орасина тун тушан каби,
Жами рўзанлардин кун тушан каби,
Занаҳдон холларинг зулола тушмиш.

Жоду кўзларингга тар тушан каби,
Семурғнинг таниндин пар тушан каби,
Дувурчоқ-дувурчоқ тер тушан каби,
Лабингдин бир иссиқ, пиёла тушмиш.

Чекмак ўлмас ошиқларнинг зориндин,
Холинг хирож олур Чин диёриндин,
Ман ақлим олдирдим ҳуснинг бориндин,
Кўрганда бир ажаб хаёла тушмиш.

Ҳамро дер, ақли йўқ тоғ одамининг,
Туҳфаси гул бўлур боғ одамининг,
Саҳро далисининг, тоғ одамининг,
Кўзлари сан каби гўзала тушмиш.

Алқисса, андин сўнг Саёдхон Ҳамрожон иккилари ўйнашиб-кулишиб айшу ишратга машғул бўлдилар.

Кунлардан бир кун Ҳамро айди:

--Эй Саёдхон, кўп хафа бўлдик, боғ сайлина чиқсақ нечук бўлур?

Анда Саёдхон айди:

--Бугун саройлара сайр этали, эртага чорбоғ сайлина чиқармиз,- деди.

Анда Ҳамрожон, Саёдхоннинг ҳусни, жамолина қараб бир сўз деди:

Бу ҳуснингга мойил бўлиб турмишам,
Ўхшатдим кўзларинг ҳумоя бўйла.
Дедим «Ёр кетали чорбоғ сайлина»,
Ёр қўйибдир эртанг сабоя бўйла.

Манинг ёрим гўзалларнинг шоҳидир,
Алмудом чекдигим шунинг оҳидир,
Холи анжум, юзи қўша моҳидир,
Қўл тутишиб кирсак сароя бўйла.

Қаро кўзинг қиё-қиё боқарсан,
Дол гардана тилло ҳайкал тақарсан,
Гулгун кийиб боғ сайрина чиқарсан,
Ярошур бўйлари саллона бўйла.

Сўзладигим нозли ёрнинг сўзидир,
Жаннат ичра ҳуру ғилмон ўзидир,
Али ўғли Мамат хоннинг қизидир,
Ёрим келмиш гулгун қабоя бўйла.

Менинг ёрим сув ичинда сўнадир,
Кўран ошиқ кабоб бўлиб ёнадир,
Қўл узатиб пиёлани сунадир,
Ҳамро деяр, келтир пиёла бўйла.

Алғараз, саройни сайл этиб келиб ўлтирдилар. Шул вақт ташқаридин бир овоз эшитилди. Саёдхон:

--Хабар олинг, ким эркан,-деди.

Канизлар бориб, хабар олиб кўрсалар Гуржистон подшоҳининг қизи Камолжон эркан. «Камолжоннинг изина вакил-оқсоқолларнинг қизлари ҳам тушиб келибдир»,-дедилар.

Саёдхон:

--Андоғ бўлса, сарҳовузнинг бошина борали,-деди. Андин сўнг Камолжонни сарҳовузнинг бошина туширдилар. Обу таомдин сўнг умароларнинг қизлари:

--Эй Саёдхон, Озарбайжон юртинда санинг боғингга бир яхши ўғлон келибдир, деб эшитдик, бизлар ани кўрмоққа келдик,-дедилар.

Анда Сайёдхон:

--Андоғ жондор мани боғима кела билмас, ёт одамнинг манинг боғимда нима иши бордир?! Сизлар яхши кишиға маломат қилибсизлар,-деб ёнидаги канизларни қувдирди.

Камолжон:

--Эй Саёдхон, агар кўрсатмасанг, сани бирла юз кўришмасман,-деди.

Анда Саёдхон Камолжонга:

--Сан кетма,-деб қош бирлан ишорат қилди.

Ул қизлар кетгандин сўнг канизлар Ҳамрога гулгун либослар кийдириб келтирдилар.

Камолжон Ҳамрони кўриб, бармоғини тишлаб ҳайрон қолиб турди. Ҳамрожон ҳам Камолжонни кўриб, ақлини қочириб, бошиндин ҳушини учириб тураверди.

Камолжон айди:

--Эй Ҳамрожон, бир-икки калима сўзингни эшитсак кўп яхши бўлур эрди. Аммо Камолжон форсий эрди.

Саёдхонга:

--Шаънимни таъриф қилиб бир сўз айтсин,-деди.

Бунинг сўзини Саёдхон Ҳамрога тушунтирди.

Анда Ҳамро айди:

--Ман мунинг ҳеч бир ерини кўрмасам, нима дейман?,-деди. Саёдхон Камолжонга тушунтирди:

--Ҳамро айтур, ман бунинг ҳеч бир ерини кўрмасам, нима деб айтурман, дейди,-деди. Камолжон либосларини ташлаб, даройи куйлак кийиб, тилло жиғасини бошиға санчиб Ҳамрони бир у тарафидин, бир бу тарафидин соллониб ўта берди. Гуржи қизининг бели, бўйи ва қадам босиши Салбиниёзга ўхшар эди. Эрса, Салбиниёзни кўргандек бўлиб айди: «Саёдхондин аввал сани кўрган бўлсам олар эрдим. Ҳасрати жонимда қолди»,-деб бир сўз деди:

Бир салотин бўйлим соллониб келди,
Кўзимга соташди холи гуржининг.
Ақлимни олибдир бас ман найларам.
Ҳасрати жонимда қолди гуржининг.

Ўртуги яшилдир, кийдиги ола,
Бўйи Салбия мангзар, қомати дола,
Тиши дура мангзар, лаблари бола,
Ҳайф турки дайилдир тили гуржининг.

Пирим Шоҳимардон давронлар сурмиш,
Гўзаллик ҳуснини гуржига бермиш,
Боди сабо зулфин гарданга ёймиш,
Тўкилур тўрт ёна тали гуржининг.

Боқчасида шайдо булбул ўтишмас,
Оҳ урарман, нолам ёра етишмас,
Дардим кўпдир дармон қўлима тушмас,
Ўтар эграмчидан бели гуржининг.

Ҳамро деяр, терам ёрни боғини,
Тўла ичсам пиёласин соғини,
Кезам қописинда, ёр ўтағини,
Мен бўлам ходими, қули гуржининг.

Алқисса, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Бунга Саёдхоннинг қаҳри келиб:

--Эй Ҳамрожон, бир қизни бунча таъриф қилдинг,-деб аччиқланди: Саёдхоннинг бир Ғаммос қирноғи бор эрди. Саёдхоннинг қаҳри келганини билиб Камолхонга: «Юринг бизнинг боққа борали»,-деб, олиб чиқиб кетди.

Камолхон кетгандин сўнг, Саёдхон айди:

--Неча йилдин бери об ошимни, қизил нонимни едирдим, мани мунча таъриф қилмадинг,-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй Саёдхон, ман сани ҳуснингга Озарбайжоннинг гулистонина бермасман,-деб бир сўз деди:

Бирча кулар юзлим, жаброил парим,
Ман ёхти жаҳона берманам сани.
Жасадимда жоним ҳам устихоним,
Томирдаги қона берманам сани.

Тоғларда маралсан, дузларда жайрон,
Бир тўти боқишлим, бошингга қурбон,
Ганжи Қорабоғим, Шамоҳу Ширвон,
Кулли Озарбайжон берманам сани.

Юзингни мангзатдим бир қатра сува,
Ҳақ сани сақласин, байрама, тўя,
Тобистон, Тавриза, Ироқдан, Хоя,
Курду Гуржистона берманам сани.

Гўзаллар йиғилишиб кетди ҳаммома,
Ҳақ сани сақласин, дўстим, омона,
Ошиқ Ҳамро деяр дўнса замона,
Тахти Сулаймона берманам сани.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилди, Саёдхон анда ҳам тескари қараб ўтирди. Анда Ҳамро Саёдхонга қараб бир ғазал айди:

Бир салотин бўйлим, сарвим санобар,
Лабларингда ширин-шакар бол ўлсин.
Жамолинг қуёшдир қоматинг ар-ар,
Чаманлар ичинда бўйинг дол ўлсин.

Сурмалар чекилмиш ул қора кўза,

Дўстим, ёшинг етсин эликдин юза,
Ман найладим сўнам, на дедим сиза,
Бир ғалат сўз дедим, тилим лол ўлсин.

Юзингни мангзатдим оя-қуёша,
Сенинг билан даврон сурсам ҳамиша,
Осмонда малаклар айлар томоша,
Занахдон теграси жўра хол ўлсин.

Санинг кийганларинг атлас –даройи,
Жонинг жаннат бўлсин, кўшки саройи,
Ҳамро деяр оёғинда дупойи-,
Яшил ковуш, олтин-кумуш лаъл ўлсин.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамомлаб, Саёдхонга бир пиёла шароб тутди.

Саёдхон:

--Номард қўлиндин шароб ичмасман,-деди. Саёдхонинг жамолина тикилиб Ҳамро яна бир сўз деди:

Кел кўнглим кетали гулшан сайлина,
Гулшан боғларининг ёри бор, ёри,
Кўнглим истар Озарбайжон элина,
Муғон тоғларининг қори бор, қори.

Сарғайибон қизил гулим сўлибдур,
Ҳар бир куним менинг минг йил бўлибдур,
Дейдилар севдигинг дилгир бўлибдур,
Магар биздан ғайри ёри бор, ёри.

Ажал етишмайин кафан бичилмас,
Рухсат берилмайин шароб ичилмас,
Қўлим етишмайин банди очилмас,
Магар оқ кўксининг нори бор, нори.

Қорлар эримайдир ола тоғларда,
Булбуллар сайрашар сўлу соғларда,
Соясина кун тушмадин боғларда,
Анда булбулларнинг зори бор, зори.

Аччиқланиб чекма юздин пардани,
Илоҳидин хўб чекилмиш гардани,
Ошиқ Ҳамро, чақир Шоҳимардони,
Ўн бир ўғли билан жаҳри бор, жаҳри.

Алқиса, Ҳамро бу сўзни айтди, Сайёдхон бир кулди, қаҳри кетгандай бўлди.

Ҳамро талашур вақти бўлди деб, бўйнина қўл солур бўлди. Саёдхон қаҳрланиб қўлини силтаб нари ўтирди. Ҳамрони бу ишга қаҳри келиб, «Эй кўнглим бевафодин дўн»,-деб бир суз айди:

Дали кўнглим, кел кетали Ватана,
Анда санга кўзи йўлда қолан бор.
Қосид керак бу йўлларда юрмакка,
Нозли ёрнинг ўлкасинда талон бор.

Гулим-гулим мани айладинг кулинчи,
Юз йиғладим бир шод ўлиб кулинча,
Ал кўтарман этакингда ўлгунча,
Магар бизи ёрдин айра салон бор.

Ажалим етишиб паймонам тўлди,
Гул юзим сарғайиб беҳуда сўлди,
Дедилар: «Севдигинг ёри ёт ўлди»,
Деди: «Балки етти ётдин келан бор».

Ошиқ Ҳамро гирифтордир ўзингга,
Куйди бағрим, кабоб бўлди юзингга,
Инонмадим иқрорингга, сўзингга,
Беиқрорсан, иқрорингда ёлон бор.

Ҳамро сўзини тамом қилди. Саёдхон:

--Эй Ҳамрожон, ман ҳазил қилиб эрдим,-деб Ҳамрони қўлиндин тутиб кўшкининг устина чиқиб ўтирдилар. Шароб ичиб, маст бўлиб ўтириб эрдилар, шул вақт икки отли келди. Саёдхон бориб хабарларини олди. Отлилар:

--Эй Саёдхон, бу буштулуқ бўлсун! Отангиз сизни фалон бекка фотиҳа қилди деб сўйинчи тиладилар. Сайёдхон ҳам: «Хўб яхши хабаринг бор эркан»,-деб ҳар қайсисина бир жом тилло бериб юборди. бу ишни Саёдхонинг чўриси кўриб Ҳамроға айди:

--Эй Ҳамрожон, аввалдин санга кўнгли йўқ эрди. Букун Сайёдхонни отасиндин «Отанг сани фалон бекка фотиҳа қилди» деб икки отли келди. Сайёдхон севинчига ҳар бирина бир жом тилло бериб юборди, деди. Ҳамро бу сўзни эшитиб,қаҳри келиб, Саёдхондек қизни ҳар ердин топарман,-деб бир сўз деди:

Муҳаббатли кўнглим очиб,
Анда оҳу зорим қолди.
Зулфини ҳарёна сочиб,
Қора кўзли ёрим қолди.

Ғарибликда кўнгул чоғим,
Кўп бўлди сийнамда доғим,
Тар очилғон тоза боғим,
Гулшаним, гулзорим қолди.

Ҳар саҳарлар оҳин чекиб,
Кўздин қонли ёшин тўкиб,
Жайрон каби ўйнаб-бўкиб,
Марол кўзли ёрим қолди.

Мансурдай дора чотилдим,
Халилдай нора отилдим,
Юсуфдай Мисра сотилдим,
Бўйла харидорим қолди.

Ҳамро деяр, ўз элимда,
Ҳақ саноси бор тилимда,
Озарбайжоннинг элинда,
Салби отли ёрим қолди.

Алқисса, Ҳамро бу сўзни айтиб, боғдин чиқиб юра берди. Ғаммоз чўри бориб, Саёдхона айди:

--Эй, Саёдхон биби, Ҳамро сизни суйинчи берганингизни эшитиб, ўпкалаб, кетиб борадир. Ҳамро ҳардамхаёл экан. Сизга тил берган экан, ани хаёли бошқа ёрда экан,-деди.

Саёдхон ҳам бу сўзни эшитиб, Ҳамрони изидин етиб қаҳр бирлан деди:

--Эй, Ҳамрожон, йўл бўлсин! Қайда борурсиз?! Ҳамро ҳам Саёдхона дўланиб боқди. Қараса, Саёдхоннинг қаҳри келиб, ҳар кўзи пиёладек бўлиб, ўтдек ёнар эрди. Ҳамронинг бошидин ҳуши кўтарилиб, Саёдхонга қараб бир сўз деди:

Марол каби киприклари сон бермиш,
Хабар олинг хон Саёда на бўлди?
Ошиқин ўлдириб ётга жон бермиш,
Хабар олинг, хон Саёда на бўлди?

Оқ юзинда бордир жўрали холи,
Лабларида бордир шакари, боли,
Ман билманам надур анинг хаёли,
Хабар олинг, хон Саёда на бўлди?

Хабар олинг нозли ёрни нозиндин,
Абришин-ниқобин олинг юзиндин,
Сочи шоҳмор каби ўтар тизиндин,
Хабар олинг, хон Сайёда на бўлди?

Сўзлаганда дур сочилур сўзиндин,
Алифдек қомати, ойдек юзиндин,
Ҳамро деяр, айрилманам ўзингдин,
Хабар олинг, хон Сайёда на бўлди?

Алқисса, андин сўнг Саёдхон: «Эй Ҳамрожон, сен қайда кетсанг ман ҳам бирга кетарман. Сандин ўзга кўнгул ҳушим бўлмас»,-деди. Ҳамрожоннинг ёдина ғариблик тушиб: «Эй, Саёдхон, бери кел, бизнинг юртимизга кетали»,-деб, Саёдхонга бир сўз деди:

Марол кимин на дўланиб боқарсан?
Сўзла, қурбон ўлам ширин тиллара.
Ширин жоним ишқ ўтина ёқарсан,
Қўл узатсам инжа, нозик беллара.

Қошларинг қорадир, кўзинг жейрони,
Сийнам узра сизлаштиринг ярани,
Ман бир ғариб, топа билмам чорани,
Булбул каби парвоз қилсам гуллара.

Тушиб ишқинг дарёсини бўйларам,
Кесиб жигар бағрим кабоб айларам,
Ман бир ғариб, ёт ўлкада найларам,
Оқиб кўзда ёшим тўлди селлара.

Ҳар холингни Чинмо-Чинга берманам,
Ўзга боғнинг олма-норин терманам,
Ҳамро деяр, ман бу ерда турманам,
Кел Саёдхон, юргин бизнинг эллара.

Алғараз, Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, сизнинг юртингизга ой-куннинг ҳисоби билан бир сиҳатли кун уграли,-деб, қайтиб кўшкига келдилар. Саёдхон айди:

-- Эй Ҳамрожон, кел, иккимиз чаман боғлайли, ҳар ким чаманни ярамас боғласа икки бўса берсин,-деб аҳдлашди. Ҳамронинг боғлаган чамани яхши чиқмади. Саёдхон Ҳамродан икки бўса олди, яна кўшкка қайтиб келдилар. Шу зайлда орадин уч йил тамом ўтди. Ҳамро бир кеча уйқусидин оҳ уриб турди. Анда Саёдхон:

--Эй Ҳамрожон, манингдайин нозли ёринг қучоғингда бўлса на учун оҳ урарсан,-деди. Анда Ҳамро айди:

--Рост айтарсан, аммо отамдан уч ой муҳлат олиб эрдим, энди уч йил тамом бўлди. Уч йил уч кундай тамом ўтиб кетди. Отамға шарманда бўлдим,-деб бир сўз айди:

Бўйинг сарви десам, қоматинг туби,

Оқ юзингда холлар ҳиндидир- ҳинди.
Гўзаллар ичининг хўби, маҳбуби,
Сенинг гўзаллигинг индидир- инди.

Худойим сақласин дорул фанодин,
Тилингни айирма ҳамду санодин,
Хон Саёдим бугун ота-онадин,
Кечмали чоғларинг индидир-инди.

Икки қошинг мангзатмишам ҳилола,
Ёрим сени кўриб тушдим бу ҳола,
Лабларинг шакардир, оғзинг пиёла,
Ичмали чоғларинг индидир-инди.

Нозлим бу жонима жабр этма батар,
Мужгонинг ханжардир, жонимдин ўтар,
Сандин бу гўзаллик бир куни кетар,
Қучмали чоғларинг индидир-инди.

Ишқингдин уградим туканмас дарда,
Орзуинг чекарман шому саҳарда,
Ошиқ Ҳамро деяр, бўлиб бир ерда,
Учмали чоғларим индидир-инди.

Алғараз Ҳамро сўзини тамом этди. Анда Саёдхон:

--Эй Ҳамрожон, насиб тортиб сизнинг юртингизга борсак, нима бор-у, нима йўқ?-деб сўради. Ҳамро жавоб берди:

Саёдхон:

Ажам ўғли, менинг ақлим чоширма,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?
Тўғри сўзла, сирринг мандин яширма,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Бизнинг ерда сайла чиқар гўзаллар,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.
Қанду асал, шакар-нобот еярлар,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Сайёдхон:

Сизни деб тушсам ман элдин-эллара,
Булбул бўлиб учсам гулдин гуллара,
Насиб чекиб борсак сизнинг эллара,
Жон Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Юраккинам ўртанибон ёнодир,
Кўллар тўла яшил бошли сўнадир,

Сизинг юрт гўёки ошпаз хонадур,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Сайёдхон:

Ғариб булбул бўлиб кўйинга тушсам,
Сизинг бирла даврон сурсам, ўйнашсам,
Сани дебон отам-онамдин кечсам,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Арчали, гиёҳли тоғлари бордир,
Олмали, анжирли боғлари бордир,
Ўпмали, қучмали чоғлари бордир,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Кел иккимиз бир мақсада етали,
Муҳаббатни муҳаббата қотали,
Ғам емагил сизнинг юртга кетали,
Жон Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Бизнинг элнинг боқчасинда, боғинда,
Булбуллар сайрашур сўлу соғинда,
Нозли ёрнинг нозик, оқ қучоғинда,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Кел, Ҳамрожон ёпишали пирлара,
Баҳовиддин, Шоҳимардон, шерлара,
Насиб тортиб борсак сизнинг ерлара,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Бизнинг ерда олма битар, нор битар,
Қизил гулни теграсинда хор битар,
Хон Салби олдингдин соллониб ўтар,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Ул нечук дарахтдир саллонур бўйла,
Ўт берма жонима, ёқмағил бўйла,
Ёки ёринг борму, ростингни сўйла?
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Ул дарахтга текса ёзнинг еллари,
Саллонишур шохалари, қўллари,
Алвон урар япроқлари, гуллари,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Бизнинг боғнинг олма-норини кўрдинг,

Неча вақтлар мунда давронлар сурдинг,
Баҳор бўлса лолазоримда юрдинг,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Шоҳсупалар манзил-макон жойлари,
Чўла чиқар чорволари, бойлари.
Тўлиб оқар булоқлари, сойлари,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Бизнинг боғнинг боғчасинда гул бўлур,
Сандин айрилғонни умри кул бўлур,
Оросинда неча ойлик чўл бўлур,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Чўлларинда қўйи-қўзи, мол бўлар,
Гўзалларнинг лабларинда бол бўлар,
Оросинда икки ойлик чўл бўлур,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Саёдхон дер, мани этдинг зоринжи,
Сани суйган найлар дунёни, ганжи,
Бизнинг боғнинг олма, нори, тўринжи,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамрожон:

Ҳамро деяр, ранги-рўйим сарғайди,
Ёна-ёна бағрим боши кул бўлди,
Ақлим, ҳушимни Салбиниёз олди,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Алқисса, бу сўздин сўнг Саёдхоннинг қаҳри келиб: «Эй, Ҳамро, аввал Салби дер эдинг, энди Салбиниёз дерсан, бу сўзингдан маълум бўлдики, ёринг бор эркан»,-деди. Анда Ҳамро ҳам қаҳрланиб: «Салби деганим дарахтдур»,-деди. Анда Саёдхон айди:, «Эй Ҳамро, салби дарахт бўлса саллониб ўтарму? Магар Салбиниёз деган қиз бўлғай»,-деди.

Анда Ҳамро қаҳрланиб:

«Эй, Саёдхон манга ҳамиша мункирсан. Эрта баҳор бўлса қибла томондин бир шамол эсар. Шунда дарахтнинг япроқлари у ён бу ён соллонмасми?»,-деди.

Анда Саёдхон: «Энди инондим»,-деди.—Эй, Ҳамрожон, сизнинг юртда яхши саройлардин ва яхши таомлардин нима бордир?-деди. Анда Ҳамро:

--Э, Саёдхон, бизни юртимиздагини борини баён қилойин,-деб қўлина созини олиб, юртини таъриф қилиб, яна бир ғазал айди:

Баҳор бўлиб, ёз ойлари келганда,
Гулинда чирмашур қизил, оқлари.
Олмаси, меваси, нори пишганда,

Ўлкаси тўладир, қора боғлари.

Иккинчидир унинг ар-ари боғи,
Ҳар бир йигитлари асрак, нар боби,
Бек, хонлари кияр зари зарбоби,
Сўфилари кияр яшил, оқлари.

Шаҳри Бағдодинда экин экилар,
Қатор нар-моялар юка чекилар,
Бекларина турли емиш чекилар,
Ола қовун, бек ҳусайни токлари.

Мармардин уйлари, қубба тошлари,
Қўлинда учишар яшил бошлари,
Оғир дастурхонли нони,ошлари,
Тоза қаймоқлари, гавҳар ёғлари.

Баҳор ўлса яна келур ёзлари,
Кўлинда кўп бўлур қуви, ғозлари.
Узун бўйли, ингичка белли қизлари,
Ҳамронинг жонина Салбли доғлари.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон айди:

-Эй Ҳамрожон, юртингнинг ҳавосин кўп баланд этдинг. Агар шул сўзларинг рост бўлса, юртингда ўлгунча санинг бирлан даврон сурмакни насиб қилсин деб, -Саёдхоннинг кўнгли очилиб, чаҳ-чаҳ уриб, Озарбайжона кетмоқчи бўлиб, Бону канизга:

--Эй Бону, бор, отамдин икки тилло жабдуқли от кетир, Ҳамрожон билан шикорга чиқарман,-деди. Маматхон шоҳнинг саройини ораси бирлан Саёдхон чорбоғининг ораси тўрт порсанг йўл эрди. Бону каниз кетгандин сўнг Ҳамрожон Сайёдхоннинг иқрор бўлғониға хушвақт бўлиб, қўлина созини олиб, марднинг сўзи ҳам, мард бўлур деб бир сўз деди:

Сафоли севдигим, мундин кўчганда,
Кўчингни чекмаққа оқ моя керак,
Базм айлайиб, ол шароблар ичганда,
Ағдарилиб, маст бўлиб оқ моя керак.

Булбул орзу айлар ғунча гуллара,
Кўнгул талвас этар муғон эллара,
Оғир қабилалар, узоқ йўллара,
Қаторда нар юки, оқ моя керак.

Сабо ўлса, рақиб йўли тўсила,
Устимиздан ёзнинг ели ўсила,

Ғўччоқ эр йигитнинг боши кесила,
Мард ўғли иқрордан дўнмаса керак.

Ҳамро деяр, беш кун сурали даврон,
Бир куни етишар бул ажал фармон,
Саёдхон отингга бўлайин қурбон,
Гўзал, бир сўзиндан оғмаса керак.

Алғараз, Бону каниз бир неча манзиллар йўл юриб Маматхон подшоҳнинг қошиға бориб, таъзим-тавозеъ бирлан салом бериб турди.

Маматхон шоҳ айди:

--Эй Бону, нима арзинг бор? Айтғил,-деди.

Бону каниз:

--Мани Саёдхон бибим юборди. Бориб отамдин икки дона тилла жабдуқли от кетур, шикора чиқарман деб айтур,- деди. Саёдхон Маматхон шоҳнинг якка фарзанди эрди. Анинг сўзини жони дили билан қабул қилар эрди. Дунёда бўлса, Саёдхоннинг айтгани бўлсин, ман ўлган сўнг мол-хазинам кима қолур?,-деб эрди. Шунинг учун Қизилолма бирлан Урганч орасинда бир бўз майдон бор эрди. Кўшки-чорбоғ қилиб, Саёдхонни анда қўйиб, Қизилолма шаҳарини сан сўрағил,-деб эрди. Маматхон подшоҳ қулига:

-Бориб сайисхонадан икки отни эгарлаб олиб кел,-деб буюрди. Қул бориб отларни эгарлаб олиб келди. Андин сўнг Бону каниз отларни бирини миниб, бирини ҳайдаб йўлга равона бўлди. Бону каниз бир неча вақт йўл юриб, Саёдхоннинг ёниға отларни олиб келди. Саёдхон айди:

-Неча йилдин бери канизлар мани хизматимни этиб келдилар. Буларга ўз қўлим билан бир шароб қуйиб берайин деб, чўриларға шароб бериб маст қилди. Саёдхон бирлан Ҳамро бир хуржун тиллони олиб, Ҳамронинг отини сағрисина қўйиб, ўзи ҳам шоҳона либосларини олиб, яна ҳам ўзини эркак либосларини кийиб, иккиси ҳам отға миниб, «Қайдасан Озарбайжон вилояти!», деб бадар кетдилар. Аммо канизларнинг бириси сирларини англаб, шаробни озроқ ичган эрди. Тез ҳушига келиб кўрдики, Саёдхон Ҳамро бирлан қочибдир.

Бону каниз бундин кетиб, Маматхон подшоҳга бориб арз қилиб: «Озарбайжон вилоятидин ошиқ Ҳамро деган бир ўғлон келиб, кезиб юруб эрди. Саёдхон бибим шу ўғлон бирлан кетибдур»,-деди. Маматхон подшоҳ дарқаҳр бўлиб, на учун аввал хабар бермадинг,-деб канизни ўлдирмоқчи бўлди. Анда Бону каниз:

-Подшоҳларнинг иши бирлан, гадонинг дахли бўлурми?,-деб жавоб берди. Сўнг подшоҳнинг қаҳри босилди. Андин сўнг Маматсўйин сардорни қирқ киши бирлан Саёдхонни изиндин юборди. Саёдхон бирлан Ҳамро бир неча манзилларни қатл қилиб борур эрдилар. Бир тоққа етишдилар. Саёдхон ул тоғда турмай кетар бўлди. Ҳамро ётмоқчи бўлди. Сўнг дарбандга чиқиб қарадилар. Кўрсалар, изларидин чанг пайдо бўлди. Бир Қоратоғ бор эрди, отлилар тиркашиб тоғдин ошабердилар. Саёдхон келиб Ҳамрони уйғотти. Ҳамро ўрнидин туриб қараса бир оз отли келур. Ҳамро ани кўриб ранги заъфарондек сарғайди. Анда Саёдхон Ҳамрога қараб:

-Эй Ҳамрожон, бу тоғларда ғаним қонин тўкмали кундир,-деб савол сўради, Ҳамро жавоб берди.

Сайёдхон: Изимиздин ғаним келиб етишди,
Чопиширмиз, бек Ҳамроҳим на дерсан?
Соқи ажал паймонамиз етишди,
Чопиширмиз, бек Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Изимиздин қўшин қувиб келадир,
Қочишали, жон Саёдим на дерсан?
Ман билмайман булар нечук балодир,
Қочишали, жон Саёдим на дерсан?

Сайёдхон: Сани дейиб кечсам жону саримдин,
Дўғрасалар тебранмийман еримдин,
Қўрқувим кўп, сан чиқарсан алимдин,
Чопишали, бек Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Тўти забон ўлон ширин тиллара,
Қурбон ўлам, тар хиноли қўллара,
Яшилбош сўнадай кўлдин –кўллара,
Учишали, жон Сайёдим, на дерсан.

Сайёдхон:
Бизни элтар хон отамнинг ёнина,
Раҳми келмас ошиқларнинг жонина,
Икки ошиқ бир-бирининг қонина,
Ботишали, жон Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Изимиздин қувлаб келиб тутарлар,
Иккимизни қўлимизни чатарлар,
Мани ўлдирарлар сизни сотарлар,
Қочишали, жон Саёдим на дерсан.

Сайёдхон:
Ғаним келса юз дўндирмай турали,
Маст бўлиб майдонда шўриш қурали,
Тақдир, қисмат надир ҳақдин кўрали,
Чопишали, бек Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Ғанимлар тўп бўлиб келса қошима,
Раҳм этмаслар кўздин оққан ёшима,
Қирқи келиб қилич урар бошима,
Қочишали, жон Саёдим на дерсан.

Сайёдхон:
Мундин кетар бўлсанг Озарбайжона,
Ёрим, етурмаслар сани макона,
Кел, иккимиз букун кириб майдона,

Довушали, жон Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:

Ман билмадим улар нечук балодир,
Ҳар наръа чекиши жоним оладир,
Энди мани жоним чиқиб борадир,
Кел қочали, жон Саёдим на дерсан?

Сайёдхон:

Йигит керак савашмакка қаҳрли,
Жавҳар қилич, юза тутган қолқонли,
Икки ошиқ бир руҳ, бир жон, бир танли,
Олишали, жон Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:

Изимиздин етан бир неча золим,
Тақдирим ёмондир, шумдир иқболим,
Санга десам кўнглимдаги хаёлим,
Қочишали, жон Саёдим на дерсан?

Сайёдхон:

Хон Саёд, дер, чиқдим ғаним қастина,
Шароб ичиб, кундин-куннинг мастина,
Ғаним қонин қора тоғнинг устина,
Сочишали, жон Ҳамроҳим, на дерсан?

Ҳамрожон:

Ман билмадим бу қўшиннинг сонини,
Танимадим султонини, хонини,
Ошиқ Ҳамро деяр, ажал тўнини,
Бичишали, жон Саёдим, на дерсан?

Алғараз, андин сўнг бу сўзни айтишиб, ўзларини бир баландга чекдилар. Маматсўйин сардор йигитларига: «Булар бор эркан, сизлар шу ерда турингглар, ман ўзим бориб хабар олайин, ҳар нечук бўлса ҳам подшоҳзодадир»,-деди. Андин сўнг Маматсўйин сардор яқин бориб салом берди. Саёдхон алик олди. Сардор:

--Эй Саёдхон, бу ишинг подшоҳликда кўп қабоҳат ишдур, кел ҳали ҳам қайтғил,-деди. Анда Саёдхон:

--Эй, сардор оғо, энди ҳар нечук бўлса ҳам, бир ўлимни бўйнимға олибман. Ҳарна тақдира тан бердим. Энди манга қайтмоқ бўлмас,-деди. Анда сардор Саёдхонга қараб бир сўз айди:

Илғор этиб чиқдим сенинг изингдин,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?
Зулфларинг товланар, ўтар тизингдин,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?

Ошиқлиғим билсанг кўпдир, қибоби,
Сийнамда мавж урар ишқинг кабоби,
Хон Саёдим, бергил балли жавоби,

Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?

Ғаним бирла тиру камон отишдим,
Фалак бирла нард ўйнадим, утишдим,
Беш юз йигит бирла қувиб етишдим,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?

Маматсўйин сардор қайнаб тўлмишам,
Сийнам узра чўх савдони солмишам,
Отангни амрини тутиб келмишам,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?

Анда Саёдхон айди:

--Ҳар нечук бўлса ҳам отам сизни улуғ қилиб юборибдир, ман сизни улуғлаб хуш сўз айтаман,-деб Саёдхон Маматсўйин сардорға қараб хушомад қилиб бир сўз деди:

Санга дерам Маматсўйин сардорим,
Элтма мани жон отамнинг ёнина.
Сан-сан мани ховондорим-хўсторим,
Элтма мани хон отамни ёнина.

От олдиға тушиб кетсам пиёда,
Дардим отар кунба-кундин зиёда,
Гул мангзим сўлдириб, қўйма уёта,
Элтма мани хон отамни ёнина.

Ўзинг ўлдир, элтма мани золима,
Раҳм айлагил манинг ғариб ҳолима,
Отам қолур ошиқларнинг қонина,
Элтма мани хон отамни ёнина.

Саёдхон дер, чиқдим чорбоғ сайлина,
Учрадим бир дарда, балоға бўйла,
Азалда қисматим, тақдирим шўйла,
Элтма мани хон отамни ёнина.

Алғараз, андин сўнг Маматсўйин сардор:

--Отангдин ўзим гуноҳингни тилаб олайин,-деди.

Анда Саёдхон:

--Ўқ ёйдин чиққан сўнг, қайтиб келурми?-деди.

Анда Сардор айди:

--Э Саёдхон, бизлар ҳам шунча қўшин бўлиб, сани олиб қайтмасак,-деб дарғазаб бўлди. Саёдхон бирла Ҳамро ўзини бир қароға тортиб, томошани майдонда кўр деб, сардорға қараб бир сўз айди:

Қўйвор мани, ман кетайин йўлима,
Пирдан фотиҳа олдим, йўлим бўш бўлсин.
Савашда бекларинг тушар қўлима,
Истадигим, кўзинг узра ёш бўлсин.

Қаҳримдин қўшининг келар омона,
Тоғда ўқим турмас, кирса камона,
Мундин юрта ошмоқлигинг гумона,
Тушсин ўлим, чош устина чош бўлсин.

Сардор оға ишинг хато қилибсан,
Қўшин чекиб устимиза келибсан,
Бошимиза кўп савдолар солибсан,
«Етдим» дейиб, ажаб кўнглинг хуш ўлсин.

Саёдхон дер, сен ҳам жафо сурарсан,
Мард ўлибон майдон узра турарсан,
Тўғри келсанг насибангни кўрарсан,
Аввал мани ўқим санга душ бўлсин.

Алғараз, Саёдхон сўзини тамом қилди, эрса сардор:

--Эй Саёдхон, бу қирқ кишини қириб ўлдириб кета билурмисан?-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Садоғимда саксон дона ўким бордир, бири хато бўлмас,-деди.

Анда сардор:

--Эй Саёдхон, ҳар нечук бўлса ҳам, сандин бир иш кўриб кетармиз,-деди. Бир маҳрамнинг бир дарбанднинг устина чиқариб ўтиртиб, бошинда бир олмани қўйиб:

--Эй Сайёдхон, ўқчи бўлсанг бу олмани урғил,-деди. Сайёдхон сари ёйини олиб, «Ё шери дарға, дастгири паноҳ»,-деб чекиб юборди. Шул вақт Саёдхонни ўқи олмани ўртасиндин ўтиб, олмани ярми ўқ бирлан кетти, ярми жойинда қолди. Сардор ани кўриб ҳайрон бўлиб:

--Эй йигитлар, муни ҳеч бир важ билан олиб бўлмас, келинг оҳиста қочган номард деб, юртимиза эсон-омон ошали,-деди. Андин сўнг сардор оғо Саёдхонни ёнина яқин келиб:

--Эй,Сайёдхон, Ҳамрони биз ҳам кўрайли, нечук эркан деди. Анда Сайёдхон Ҳамронинг юзиндин ниқобин олди. Эрса Сардор ани кўриб беҳуш бўлиб йиқилди. Маҳрамлар тутиб қолдилар. Сардор ҳушина келиб айди:

--Мундоғ ўғлон онадин туғарми?! Эй Саёдхон, дунёда сан хушвақт бўл, аммо шу ўғлон ўз юртимда бўлса эрди, жиғадек бошима санчар эрдим,-деди.

Яна сардор айди:

--Эй Саёдхон, бу ўғлонни ҳусни зебоси бизларни лол этди.

Анда Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, сардорға бир сухан достон айтиб бер,-деди. Анда Ҳамро қўлина созини олиб, мусофирлиқ ёдина тушиб, бир сўз деди:

Ошно, билиш, қавму қардош бўлганлар,
Дарда мубталоман, ғариб ерларда,
Бир кулар юзлининг ҳамдамидирман,
Умрим зоя кечди ғариб ерларда.

Шум рақиблар йиғилишибон на дерлар,
Сайёдхонним ўзга хаёл этарлар.
Арабдан Ажамга, Табриз кетарлар,
Ўнгинда тўғри йўл, ғариб ерларда.

Қоф тоғи устинда отди каманди,
Чалди зулфиқори, боғлади банди,
Шоҳимардон ўғли, ўнбир фарзанди,
Биза ҳиммат берсин ғариб ерларда.

Ошиқ Ҳамро суйди гул юзли ёри,
Бир замон кўрмаса йўқдир қарори,
Оламни яратган ул биру бори,
Биза ёрни берсин, ғаариб ерларда.

Алқисса, сардор айди:

--Эй Ҳамрожон, овозинг қулоққа қўп ёқти, яна бир достон айт,-деди. Эрса Ҳамро пирлардан мадад тилаб бир сўз айди:

Менинг пирим Шоҳимардон Алидир,
Эранлар сайлина етандан мадад.
Қаҳр айлаб ҳарбарнинг қулфин қўпориб,
Қасд айлаб, осмона отандан мадад.

Шоҳларнинг сарвари, ошиқлар пири,
Бўлди зулфиқори етти қат ери,
¡лдурди аждарни, йўқлади шерри,
¡з-ўзин бозорда сотандан мадад.

Меърожда пайғамбар юзугин олан,
Саждада ўлтуруб, олмани бўлан,
Одамдан етти йил илгари бўлан,
Оқ девнинг бармоғин чатандан мадад.

Сув берибон ташналарин қондирган,
Язиднинг алинда шерни ўлдирган,
Жаброилнинг шопарисин синдирган,

Сулаймон қўлини тутандан мадад.

Сабр айла, сен Ҳамро етарсан ёра,
Соҳиби кавсардир, муродинг бера,
Салбиниёз муштоқдур дийдоринг кўра,
Дарвешлик кўйина етандан мадад.

Алғараз, андин сўнг сардор:

--Эй Саёдхон, сизларга йўл қутли бўлсин, бизларга юрт!-деб қўлин кўтариб, оқ фотиҳа бериб: «Йўлингизни ҳақ очсин!»-деб сардор лашкари бирлан қайтиб бир неча манзилларни юриб, Маматхон подшоҳнинг қошиға келдилар.

Подшоҳ:

--Саёдхон қани, келтирмадингизми?-деди. Анда сардор:

--Тақсир, подшоҳим, қўлимиздан ҳеч иш келмади,-деди. Анда подшоҳ дарқаҳр бўлиб:

--Қирқ киши бўлиб, бир кишини келтира олмадингизми?!-деди. Анда сардор айди:

--Эй подшоҳи олам, шер боласи ҳам шер эркан, деб бир сўз айди:

Арзимни эшитгил, давлатли хоним,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.
Ғазаб айлаб, ноҳақ тўкмагин қоним,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Билман, қайси йўла тушиб кетибдур,
Ё кетман, бир ерда буқиб ётибдур,
Ё бўлмаса ўра чўла чиқибдур,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Кеча-кундуз жабр айладим жонима,
Беш юз йигит ҳамроҳ бердинг ёнима,
Бу кун арз этарман, Мамат хонима,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Маматсўйин деяр, келдим зор йиғлаб,
Тўрт тарафдин ҳеч топмадим сўроқлаб,
Қирқ кун қувдим, йўлда белимни боғлаб,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Подшоҳга бу сўз маъқул бўлиб қаҳри босилди.

Эмди сўзни Саёд бирла Ҳамродин эшитинг. Булар ҳам кўп юриб, оз юриб, Ўжа тоғи деган тоққа етишдилар. Кўрдиларки, Ўжа тоғининг устинда бир

марал оҳ чекар эрди, кўрсалар бир оёғига чўп кирибдир. Ҳамронинг унга раҳми келиб бир сўз деди:

Сафар ойининг ўн тўртина, бешина,
Бу тоғда бир марал ёмон зейранди.
Узоқ дейил Ўжа тоғнинг бошинда,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Биз ҳам тушдик шу маралнинг изина,
Чибинлар тушмишдир хумор кўзина,
Ғубор тушмуш шул маралнинг кўзина,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Душманлар жам бўлиб, келса дошина,
Билман, не савдолар тушар бошина,
Қурбон ўлам кўздан оққан ёшина,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Излая-излая бордик изиндин,
Қаро қонлар оқар икки тизиндин,
Пашшалар учишар хумор кўзиндин,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Бу тоғлардан неча эрлар ўтгандир,
Ўтган эрлар муродига етгандир,
Тебрана билмайин марал ётгандир,
Бу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Ошиқ Ҳамро арзин айтар худоға,
Бу ўтган кунлари бўлибдир зоя,
Тизиндан ошоғи ботибдир лоя,
Чиқа билмай марал ёмон зейранди.

Алқисса, андин сўнг бориб кўрдиларки, бир шер йиқилиб ётибдир. Эса Ҳамро шернинг оёғидин чўпни тортиб олди. Шер ериндин туриб, таъзим қилиб, буларни олдиға тушиб, уч кеча, уч кундуз йўлбошчи бўлди. Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, жониворга ҳамроҳ бўлмак кўп хатардир, ким билсин, уни эли бўлмаса. Бир вақт бизни тўпина элтиб қўяжақдир, бунинг изиндин қолали,- деди. Шунда Ҳамро ҳам уни маъқуллаб бир сўз айди:

Саёдхоним қулоқ солғил сўзима,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.
Бу жонивор ек кўринар кўзима,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.

Йўл юрисак, мундин қолиб борали,
Ҳар на қисмат бўлса, ҳақдин кўрали,
Талашиб, тортишиб даврон сурали,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.

Магар бизни элтар хатарли жоя,
Кўплашиб, бизларни этарлар зоя,
Юзингни мангзатдим бир тўлин оя,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.

Ҳамро деяр бунинг бирла юрманам,
Ёбон жониворни ҳаргиз кўрманам,
Эй Саёдхонам, ёмон ерда турманам,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.

Алғараз,Ҳамро сўзини тамом этгандин сўнг, шердан айрилиб йўлларига равона бўлдилар. Сўнг шерни ўз йўлина юбордилар. Чўл-биёбонга уриб кетти. Сўнгра Саёдхон бирлан Ҳамро борар эрдилар, баногоҳ қибла тарафдин бир шамол эсди, еру кўк ҳеч маълум бўлмади. Охир, отдан тушиб ётдилар. Баногоҳ от оёғининг овози эшитилди. Кўрсалар, бир бўлак отли етиб келди, тишиндан ўзга оқ ери йўқдир. Булар барзанги эдилар. Одам гўштини еб овқат қилур эрдилар. Барзангилар Саёдхон бирлан Ҳамрони тутиб олиб, қўлларини боғлаб юрий бердилар. Ҳамро кўзини очиб қараса, Саёдхон бирлан ўзини қўли боғлидир, кўзина ер-кўк билинмай қоронғу бўлди. Ҳамро кўрса, Саёдхон йиғлайдир. Ҳамронинг бошина қиёмат бўлғандек бўлиб, Саёдхонни юзина қараб, зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Ётар эрдик, барзангилар тўкилди,
Йиғла, ёрим, охир замон бўлгандир.
Бизни кўриб, ойлар, кунлар тутилди,
Йиғла, Саёд, охир замон бўлгандир.

Бир тош эдим, тоғдин-тоққа отилдим,
Фалак бирлан нард ўйнадим, ютилдим,
Ман найлайин ғофилликда тутилдим,
Йиғла, Саёд, охир замон бўлгандир.

Нозик қўллар орқамиза чотилди,
Сизни, бизни кўриб кунлар тутилди,
Соқи-ажал бодамиза отилди,
Йиғла, ёрим, охир замон бўлгандир.

Барзангилар ўлтурмакка чоғлади,
Ҳижрон бирлан юрак бағрим доғлади,
Ман найлайин, нозик қўлим боғлади,

Йиғла, ёрим, охир замон бўлгандир.

Арчали, гиёли тоғлардан ошдим,
Шум фалакнинг савдосина соташдим,
Ошиқ Ҳамро деяр, йўлдин адашдим,
Йиғла, ёрим, охир замон бўлгандир.

Алғараз, барзангилар буларни қалъаларига элтиб, жаллодни қичқирдилар. Бир жаллод пичоқни қўлина олиб, келди. Барзангилар:

--Бу ўғлонни сўйиб, кабоб қилиб келтир,-дедилар.

Саёдхонни жамолини кўриб: «Бонуни соқийбардор қилурмиз»,-деб қўйдилар. Шул вақт Ҳамро дўланиб бир қаради, кўрса Саёдхоннинг кўзидин ёш оқадир.

Ҳамрони жаллодлар ўлдирмакка олиб кета бошладилар.

Ҳамронинг кўнглида ором –қарори қолмай, Саёдхонга қараб бир сўз деди:

Фалак биза жабру ситам айлади,
Айролиқ дардидин бағрим тор ўлмас.
Оллонинг ғазаби келди бошима,
Манингдек ҳеч ерда шармисор ўлмас.

Налар кездим дали-девона бўлиб,
Ғам бирлан куйингда сарғайиб, сўлиб,
Нозик, оқ қўлларинг бўйнима солиб,
Фалакнинг ишина эътибор ўлмас.

Биза бу кун солди доғи ҳижронни,
Энди мен найлайин молу дунёни,
Пирим Шоҳимардон Тангри арслони,
Қаҳри келиб, бугун мададкор ўлмас.

Фалак бизга ёмон кунлар соландир,
Икки қаро кўзим гирён ўландир,
Иккимиза охир замон бўландир,
Фалакнинг ишина эътибор ўлмас.

Ҳамро дер дунёда қолди армоним,
Тоқатим қолмади, танда дармоним,
Дунёда сан соғ бўл эй, Саёдхоним,
Ҳақ суйган бандаси асло хор ўлмас!

Алқисса, андин сўнг жаллод Ҳамрони олиб юрий берди. Ҳамронинг қўл-оёғини боғлаб, бўғзина пичоқ қўёр бўлди. Ҳамро тақдирига тан бериб, қазоға рози бўлиб кўзини юмди.

Жаллод:

-Ўлдирмасдин аввал ман сандин бир оғиз сўз сўрарман, асли зодингни баён қил-деди. Ҳамро зор-зор йиғлаб ўзини тоққа, тошга уриб, ётғон еринда бир сўз айди:

Севар ёрни кўрмаклик қийин ўлди,
Дўст қайсидур, душман қайси билмадим.
Ёлғиз бошим шум рақиба син ўлди,
Кулмак қайси, гирён қайси билмадим.

Ногаҳондин тушдим занги қўлина,
Хазонлар тушмишдир умрим гулина,
Ман душманам бу золимлар тилина,
Нурбат қайси, омон қайси билмадим.

Эй йигит, эшитсанг менинг сўзимни,
Ақлу ҳушим кетмиш, билмай ўзимни.
Ғубор тутмиш менинг қора кўзимни,
Замин қайси, замон қайси билмадим.

Хазона гирифтор қирмизи гулам,
Саҳроларда битган савсон-сумбулам,
Ёриндин айрилган ғариб булбулам,
Гулшан қайси, бўстон қайси билмадим.

Масканимдир Озарбайжон тоғлари
Қаҳбо фалак этди юрак ёғлари,
Бир булбулам, хазон урди боғлари,
Нола қайси, фиғон қайси билмадим.

Ман келмишам Қизилолма шаҳридин,
Ўзим билмам, ҳар сўз чиқар тилимдин,
Айро тушдим, ватанимдин-элимдин.
Манзил қайси, макон қайси билмадим.

Ошиқ Ҳамро дерлар сўрасанг мани,
Одам дейиб гумон айларам сани,
Бераҳм зангилар ўлдирар мани,
Яхши қайси, ёмон қайси билмадим.

Алғараз, бу сўзни эшитган сўнг жаллод келиб Ҳамронинг қўлини ечди. Ҳамро туриб қаради, жаллод барзангиларга ўхшамайди.

Ҳамро:

-Эй жаллод, сан одамизодга ўхшарсан, деди. Жаллоднинг қўҳна дарди қўзғалиб, бошидин ўтганини баён қилиб бир сўз деди:

Ман санга айтайин гул юзли шоҳим,
Фалакнинг алиндин бандивон ўлдим,

Насибам, қисматим, шумдир иқболим,
Золимлар қўлинда бандивон ўлдим.

Ўн тўрт золим изимиздин еттилар,
Ётган ерда қўл-оёқни чоттилар,
Олтимизни тирик кабоб эттилар,
Золимлар қўлинда бандивон ўлдим.

Гашт этиб кезардим, тоғ ила дузи,
Телмуриб йўлларда қолгандир кўзи,
Биби Салбиниёз юборди бизи,
Топмайин дарагин, саргардон ўлдим.

Мани сўрсанг Озарбайжон элидин,
Чаманлар ичинда тоза гулидин,
Беклардин бирининг сўзлар тилидин,
Зангилар қўлинда бандивон ўлдим.

Ошиқ Ниёз айтар фалак нетибдир?
Гул мангзим сарғайиб, рангим йитибдир,
Салбиниёз ошиқи-Ҳамро кетибдур,
Ман анинг изинда саргардон ўлдим.

Алғараз ошиқ Ниёз сўзини тамом этди, Ошиқ Ниёз Озарбайжонда қирқ йигитнинг боши эрди. Ани Салбиниёз етти кишига бош қилиб Ҳамрони топиб келиш учун юбориб эрди. Аммо буларни ҳам барзангилар тутиб олиб, олтисини кабоб қилиб еб эрдилар. Ошиқ Ниёзни жаллод қилиб қўйиб эрдилар. Ҳамро бирлан ошиқ Ниёз танишиб кўришдилар. Ошиқ Ниёз:

-Эй Ҳамрожон, бу золимларнинг қўлига нечук тушдинг?-деб бир сўз деди:

Узоқ йўлдан келган отлиқ шунқорим,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?
Сансан манинг хавондорим-хўсторим,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Фалак биза жабру ситам этибдир,
Айрилиқ ханжари жондан ўтибдир,
Соқи ажал келиб маҳкам тутибдир,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Бир тоза гул эрдим, сўлдим, хор ўлдим,
Золимлар қўлинда гирифтор ўлдим,
Жамолингни бир кўрмакка зор ўлдим,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Ғамдин қутилмади қайғули бошим,
Кеча-кундуз оқар кўзимдин ёшим,

Туркманнинг элиндин келган қардошим,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Ошиқ Ниёз айтар, бизни қўйдилар,
Олтимизни кабоб қилиб едилар,
Тандин бошин олиб, кўзин ўйдилар,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Алғараз, Ҳамро ҳам бошидин ўтганин баён қилиб, зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Дарё каби тўлиб-тошиб,
Туганмас савдоға тушдим.
Баланд-баланд тоғлар ошиб,
Минг турли балоға тушдим.

Ошиқ бўлдим Саёдхона,
Налар чекдим ёна-ёна,
Келиб тушдим чўл Муғона,
Чўлдан чўлистона тушдим.

Бир парига кўнгул бердим,
Айш ила ишратни кўрдим,
Неча вақтлар даврон сурдим,
Чамандин чорбоға тушдим.

Фалак жабрин солди сара,
Ёпишдик эрлара, пира,
Йўлдош бўлиб якка шера,
Ғам билан ҳижрона тушдим.

Қутилмадим доғ-ҳижрондин,
Айрилдим манзил-макондин,
Жудо бўлиб Салбижондин,
Манн бугун зиндона тушдим.

Шум насибам анда элтиб,
Кунба-кундин дардим ортиб,
Тақдирим-қисматим тортиб,
Билмайин тузоқа тушдим.

Ҳамро деяр, гулим сўлди,
Фалак биза ситам қилди,
Шум ажалим шунда тўлди,
Ман шўйла балоға тушдим.

Алқисса, андин сўнг ошиқ Ниёз айди:

-Эй Ҳамрожон, санинг ўлмаслигингга бир сабаб бўла билсам, бўлайин деб,-барзангиларга бориб айди:

-Эй барзангилар, у одам кўп ориқ эркан, андин оғзимиз маза топмас,-деди.

Анда барзангилар айдилар:

-Андоқ бўлса ани боқғил, семиз бўлсин, қўҳна гўшдин кабоб этиб кетир,-дедилар.

Ошиқ Ниёз қассоб, қўҳна гўштдин кабоб қилиб берди. Барзангилар еб, шароб ичиб, маст бўлиб, овға кетдилар. Саёдхон бирлан Ҳамро калитни олиб, хазина эшигини очиб, ахтариб, бир уйдин ароқ топдилар, яна бир уйдин икки дона олмос қилич топдилар. Қилични яшириб қўйдилар. Аммо ароқнинг ичина беҳуш доросини сепиб қўйдилар. Барзангилар овдан келдилар.

Саёдхон келтириб уларга ароқ берди. Барзангилар ароқни ичиб, ҳаммаси беҳуш бўлиб йиқилдилар. Ниёз қассоб, Ҳамро ҳар қайсиси бир отга миниб қочар бўлдилар. Анда Саёдхон:

-Ман буларнинг бошини кесмасдан кетмасман,-деб қўлиға қилич олиб, қирқисини ҳам калласини кесиб, оёқ учинда қўйиб, хазинасини ахтариб, Ҳамронинг отасини заррин камарини топдилар. Андин билдиларки, Ошиқ Аҳмадни ҳам барзангилар еб эркан, деб гумон қилдилар. Андин сўнг Саёдхон, Ҳамро, Ниёз қассоб уччовлари йўлға равона бўлдилар. Аммо, Ниёз қассоб бечорани қазоси етиб, йўлда ўлди. Саёдхон бирлан Ҳамро унинг жасадини дафн қилдилар, андин сўнг йўлга равона бўлдилар. Саёдхон бирлан Ҳамронинг устидин бир бўлак турна дур этиб учиб ўтаберди. Ҳамронинг ёдиға Салбиниёз тушиб, Салбиниёзға саломнома кўндариб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, бир ғазал айди:

Кўча-кўч айлади Бағдод элина,
Кўчинг бўлак-бўлак бўлинди турнам.
Сани, мани яратганнинг ишқина,
Салбима бир хабарим бер энди, турнам.

Ман билурман, Рум элиндин келурсиз,
Сайраб-сайраб ҳар тилларни билурсиз.
Мендин жон Салбима хабар берурсиз,
Тўғрича хабарим бер энди, турнам.

Терар эрдим ғунчасидин-гулиндин,
Қучар эрдим ёрнинг нозик белиндин,
Бемурувват қаҳбо фалак алиндин,
Бағрим шона-шона тилинди турнам.

Бир қул эрдим, чақирурман оллони,
Ғариб қулинг, раҳм айлагин гумроҳни,
Салбима тезликда етир Ҳамрони,
Айрилиқ қўтарди бил энди, турнам.

Алғараз, бу сўз Саёдхоннинг кўнглина малол тушиб, отининг бошини чекиб турди. Ҳамро Саёдхоннинг кўнгли малол бўлганин билиб, анга ёлбориб бир сўз айди:

Арзимни эшитгил севгили ёрим,
Кун-кундин аҳволим баттар кўзингдин,
Ишқингда қолмади номусим-орим,
Шунча жабр айладинг етар кўзингдин.

Мен санинг ишқингдин келибман дода,
Жабр этмагин бўйла ўтар дунёда,
Жоду кўзинг мангзатмишам жаллода,
Мужгон тиғи жондин ўтар кўзингдин.

Қарорим йўқ, кўрсам қаро кўзингни,
Дунё хирожина берман ўзингни,
Маълул бўлиб, каса тортма юзингни,
Кел эмди ниқобинг кўтар кўзингдин.

Арзи-ҳолим айтдим достон боғлайиб,
Шод бўлмадим сандин кўнгил чоғлайиб,
Фироқингда кеча-кундуз йиғлайиб,
Бир кун оҳим сени тутар кўзингдин.

Ҳамро деяр, ортди оҳу-фиғоним,
Симобдай беқарор бу танда жоним,
Сандин бир тилагим эй Саёдхоним,
Қайғу-ла ҳасратни кўтар кўзингдин.

Алғараз Ҳамро сўзини тамом этгандин сўнг:

-Эй Саёдхон, бир сандин бошқа ёрим бўлмас,- деди. Аммо Саёдхон тебранмади. Саёдхонни белинда икки юзли ханжари бор эрди. Ҳамро ул ханжарни суғуриб Саёдхоннинг қўлина бериб айди:

-Эй Саёдхон мундоқ турғондин кўра бу ханжар бирла мани ўлтир,-деди. Анда Саёдхон ҳеч дам урмади. Сўнг Ҳамро Саёдхонга қараб бир сўз деди:

Икки тилли ҳаржойини қўлиндин,
Алиф қаддим дол ўлмали замондир.
Қадам қўйсанг яратганни ишқина,
Сийнам усти йўл ўлмали замондир.

Мани нечун ёвуз куна соларсан,
Ханжар олиб қора бағрим тиларсан,
Не сабабдин қаҳр айлайиб келарсан,
Гўзаллара қул ўлмали замондир.

Севдигим юзингни дўндирма мандин,
Қурбонинг бўлайин айрилмам сандин,

Жасадим бўш қолиб, жон чиқса тандин,
Қури гавда бўш қолмали замондир.

Ошиқ Ҳамро ёрин севмиш жон била,
На ҳадди бор, қул танишса хон била,
Кес бошимни ханжарингни қон айла,
Бармоқларинг ол ўлмали замондир.

Алқисса, андин сўнг Саёдхонни кўнгли боғ-боғ очилиб, ўпишиб, талашиб йўлга тушдилар. Бир неча манзилларни тай қилиб, Озарбайжон вилоятининг бир қирасиндин келдилар. Эрса Салбиниёзжонни инжуси узилган ерга етдилар. Ҳамро ул ерни кўриб, йиғлади.

Анда Саёдхон айди:

-Эй Ҳамрожон, на жин урди, бу ерга келиб йиғларсан?,-деди.

Анда Ҳамро йиғлаганин баён қилиб бир ғазал айди:

Олмасина тош отдиғим нозли ёр,
Отдиғим ёдима тушар, йиғларам.
Қўл узатиб ёр мамасин тутдиғим,
Тутдиғим ёдима тушар, йиғларам.

Булбулли, чаманли, бўстонли боғлар,
Салбиниёз сайр этиб мевасин овлар,
Ёр бирлан бодалар ичдигим чоғлар,
Ичдигим ёдима тушар, йиғларам.

Сан халифа бўлсанг, ман бўлам толиб,
Жон чиқиб жасаддин, гавда бўш қолиб,
Салбиниёз боғинда қолди мўнғайиб,
Қолдиғи ёдима тушар, йиғларам.

Лайли киби Мажнунини йитириб,
Қодир мавлон ҳар мақсадда етириб,
Суяр ёрим қаро зулфин кўтариб,
Ўпдигим ёдима тушар, йиғларам.

Ҳамро деяр, жон жасаддин узилди,
Қора бағрим сув бўлибон эзилди,
Ўйнар эрдик, ёр инжуси узулди,
Уздигим ёдима тушар, йиғларам.

Алғараз, Саёдхонга Ҳамронинг ёри бор эркани аниқ маълум бўлди.

Саёдхон:

-Бир юртдин бир юртга келиб, иккининг бири бўлғонимдин, чўлларда ўлиб кетганим яхшироқ,-деб,- кел кўнглим, бу бевафодин дўн, деб ўз-ўзига ўгит бериб бир сўз деди:

Кел кўнглим, мен сенга ўгит берайин,
Икки тилли бевафодин дўн кўнглим.

Қисматим на бўлса ани кўрайин,
Икки тилли бевафодин дўн кўнглим.

Чин гулни сақласанг минг йилда сўлмас,
Бевафонинг ҳаргиз иқрори бўлмас.
Балки дерам: киши ёри ёр бўлмас,
Икки тилли бевафодин дўн кўнглим.

Ғўч йигитлар бор зотини бор айлар,
Муханнаслар кенг жаҳонни тор айлар,
Бевафога кўнгил берсанг хор айлар,
Кўнгли бошқа бевафодин дўн кўнглим.

Ёрим сен деб, ерда қўймадим сўзинг,
Сен учун сўлдирдим отамнинг юзин,
Бевафонинг оздир ўйдирсанг кўзин,
Иқрори йўқ бевафодин дўн кўнглим.

Асли бевафодин бу кўнглим кечди,
Ишратнинг қушлари осмона учди,
Бошқа ёрим йўк деб қасамлар ичди,
Икки тили бевафодин дўн кўнглим.

Налар чекдим бевафонинг ранжини,
Рақиблар эммасин лабим қандини,
Эшит энди Саёдхоннинг пандини,
Икки тилли бевафодин дўн кўнглим.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон айди:

-Эй Ҳамрожон, ҳарна яхши-ёмон сўз айтишдик- рози бўл. Сани омон-эсон юртингга қовуштирдик, энди санга юрт қутли бўлсин, бизга йўл,-деб, отининг бошини қайтариб бадар кетти. Ҳамро ҳазил гумон қилиб қараб турди. Саёдхон борҳо орани очиб борадир. Ҳамро қўлина созини олиб, баланд овоз бирлан бир сўз деди:

Соллонғонда сижут энар қошингга,
Сан қаён борурсан, дўн қиз, қайт энди.
Дўнам зулфларингга, қурбон бошингга,
Биза ноз айлама, дўн қиз қайт энди.

Олисдин келмишам манзилдин-йўлдин,
Яшилбош сўналар уркишар кўлдин,
Ўпам ёноқларинг, қирмизи гулдин,
Тилинди юрагим, дўн қиз, қайт энди.

Сўна кимин дол гарданинг қолдирма,
Ҳар етар-етмаса сирринг билдирма,

Дўстингни йиғлатиб, душман кулдирма,
Салотин гарданлим, дўн қиз, қайт энди.

Кўнглингга кетарма фикри-хаёли,
Садқа саринг бўлсин, дунёнинг моли,
Ҳамрожонни сансан вафоли ёри,
Қадаминг дийдама, дўн қиз, қайт энди.

Алғараз, Саёдхон отига қамчи уриб, ораси дош бўлиб кўринмас бўлди. Эрса Ошиқ Ҳамронинг юраги ҳавл этиб, Саёдхоннинг кетган йўлини қараб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бир сўз деди:

Ҳар саҳарлар ман саринга дўндигим,
Кетти Саёдхоним кўринмас бўлди.
Ҳилол қошларина сижут индиран,
Саёдхоним кетти, кўринмас бўлди.

Сенинг бирлан бир мақсада етмадим,
Қўл узатиб олмаларинг тутмадим,
Армон қолди мен орқайин ётмадим,
Кетди Саёдхоним кўринмас бўлди.

Қаҳбо фалак оғу қотди ошима,
Раҳм этмади кўздан оққан ёшима,
Ўз тилимдин бало келди бошима,
Кетди Сайёдхоним кўринмас бўлди.

Ҳамро деяр ақли ҳушим олдирдим,
Ғалат этиб, ёра сирим билдирдим,
Ман алимдан Саёдхоним олдирдим,
Кетди Саёдхоним кўринмас бўлди.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни айтиб, Саёдхоннинг изини излаб борур эрди, Ҳамронинг олдидин бир бўлак овчи чиқди. Улар Ҳамродин:

-Эй йигит, бахшимисан, ё созандамисан?-деб сўрадилар. Анда Ҳамро ошиқлиғини баён қилиб бир сўз деди:

Оға беклар тарлон қушим қочирдим,
Соғ алимдин сўл алима олинча.
Нозли ёрнинг қурбониям, қулиям,
Ал айирман этагиндин ўлинча.

Қурбон ўлам нозли ёрнинг тилина,
Тер қуйилмиш гарданина, белина,
Бир гул бердим Саёдхоннинг қўлина,
Жоним чиқар, гулим андин олинча.

Ман кўрқарам қаҳбо фалак алиндин,
Айролиқни баттар билдим ўлимдин.

Бир булбулам жудо тушдим гулимдин,
Қарорим йўқ, гулим қўлға солинча.

Ўзи шунқор, оғалари бек эди,
Биза берган насиҳати ег эди,
Лутф айлайиб, бўйним узса ег эди,
Тарк айлайиб, мани кўздин солинча.

Ҳамро деяр, этган аҳдим бузилди,
Қора бағрим сув бўлибон эзилди,
Вақтим етиб жон жасаддин узилди,
Қарорим йўқ, нозли ёрим келинча.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилиб, Саёдхоннинг отининг изини олиб равона бўлди. Эрса Саёдхон Ҳамродин айрилиб, бар дарбандга чиқди. Кўрса дарбанднинг қибла тарафинда бир курен кўп ўба бор эрди, ул туркман ўбаси эрди. Саёдхон шул ўбага борди. Ул ўбада бир мажлис борур эрди. Саёдхон ул мажлисга кирди. Мажлис ёронлари «Оттутали»,-деб югурдилар. Саёдхонни зулфи белина тушар эрди. Билдиларки, қиз эркан. Эрса қиз-келинлар келиб Саёдхонни отини тутиб туширдилар. Саёдхон мажлисхонага бориб қиз - келинлар орасида ўтирди. Шул вақт Ҳамро ҳам от чопиб етишди. Анга ҳам тўшак солдилар. Ҳамро зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Тўра тушан, оч қарчиғай боқишлим,
Қайда мени қора кўзим кўринмас.
Ширин жоним ишқ ўтина яқишлим,
Қайда менинг қора кўзлим, кўринмас?.

Ул ҳаводин учон лочин мейналим,
Овини олдирон туйғун синалим,
Ўн бармоғи бўғин-бўғин хинолим,
Қайда менинг қора кўзлим, кўринмас?.

Ўтирганда зулфин ера тегдирган,
Турганда қулпоғин белга ўраган,
Ўзи бўз боламан талпиниб турган,
Қайда менинг қора кўзлим, кўринмас?.

Ҳамрожоннинг шопариси қочганда,
Тошнинг раҳми келмас ёшин сочганда,
Парим «Лаббай» дебон оғзин очганда,
Қайда менинг қора кўзлим, кўринмас?.

Алқисса, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Унинг сўзини эшитиб мажлисхонадин узун бўйли, оқ юзли бир келин чиқди. Нима сўзлаб турибсан?- деб, қўлига бир таёқ олиб Ҳамронинг бошига ҳавола бўлди. Анда Ҳамро ул келиннинг жамолини кўриб, хушомад қилиб, бир сўз деди:

Қурбон ўлам, зулфларининг торина,
Сарим қурбон тоза келган нов гула.
Оқ юзинда жўра-жўра холина,
Бошим қурбон тоза келган нов гула.

Билмам на савдоға солди бошимни,
Оллодин тиларман кўнгул хушимни,
Учурдим қўлимдин шунқор қушимни,
Жоним қурбон тоза келган нов гула.

Оға беклар, борми менингдек бўлган,
Боғин хазон уриб, япроғи сўлган?
Ёриндин айрилиб телмуриб қолган,
Сарим қурбон тоза келган нов гула.

Анга фидо бўлсин бу ширин жоним,
Йўлинда сарф бўлсин бу хону моним,
Саёдхондир, манинг дину-имоним,
Бошим қурбон тоза келган нов гула.

Ҳамрожон дер, дали девона бўлдим,
Бир тоза гул эдим, сўлдим хор ўлдим,
Саргардони бўлиб термулиб қолдим,
Жоним қурбон тоза келган нов гула.

Алқисса Ҳамро сўзини тамом этди. Саёдхон бу сўзни эшитиб ичкаридан бир қаҳ-қаҳ уриб кулди. Ҳамронинг сийнасида тоби тоқати қолмай, бир ғазал айди:

Қурбонинг бўлайин вафоли ёрим,
Юзинг оч, кўрмакка кўп ҳавасим бор.
Юзи гулғунчадай сафоли ёрим,
Кўзинг оч, кўрмакка кўп ҳавасим бор.

Кел кетайли бу ерлардин саро-сар,
Сиёҳ зулфинг дол гардана сарба-сар,
Лабларининг ширидир мисоли кавсар,
Оқ юзинг кўрмакка кўп ҳавасим бор.

Ҳумоя мангзатдим қора кўзингни,
Эшитарман ширин-ширин сўзингни,
Бир баҳона билан кўрсат юзингни,
Гул юзинг кўрмакка кўп ҳавасим бор.

Ҳамро ошиқ шифо тилар ранжина,
Жон қуши меҳмондир кўнгул ганжина,
Дастим тама этар кўксинг ганжина,

Оқ юзинг кўрмакка кўп ҳавасим бор.

Алғараз, Ҳамро сўзини тамом этди. Тўй аҳли билдиларки, булар бир-бирина ошиқ-маъшуқ эрканлар. Сўнг унга обу-таом келтирдилар. Аммо Саёдхон: «Лаббайк-лаббайк», деб ичкарида қўбуз чолур эрди. Ҳамро ани эшитиб, синасинда сабру қарори қолмади. Мажлис аҳлининг бир тарафинда ёш йигитлар, бир тарафинда қиз-келинлар ўтирар эрди. Ҳамро Саёдхон жамолини кўриб бир байт ўқиди:

Гул юзли севдигим ман санга дерман,
Қолмишам ман қайғу ғамлар ичинда.
Бу ғариб жонима бўлмадинг ҳамдам,
Чашми гирёнам намлар ичинда.

Соқининг қўлиндин бода сунарам,
Ўлмагунча сандин қачон дўнарам.
Кечалар туташиб, кундуз ёнарам,
Сани кўрсам номаҳрамлар ичинда.

Қоф тоғи устинда қорини кўрдим,
Жаннатнинг ичида ҳурини курдим.
Оқ кўксинда қўша норини кўрдим,
Ўхшатмишам гул-шабнамлар ичинда.

Ҳақиқат ишқ йўлин тут эмди, Ҳамро,
Ошиқлик шарбатин ич эмди, Ҳамро
Бу бевафо ёрдин кеч эмди Ҳамро,
Сен оҳ чекиб бу ҳамдамлар ичинда.

Алқисса, андин сўнг қиз-келинлар йиғилиб, Саёдхонга: «Андоғ бўлманг, бундай бўлманг»,-деб насиҳат қилдилар.

Эрса Саёдхоннинг кўнгли бир оз очилиб юзиндин ниқобни олди. Андин сўнг Саёдхон бирлан Ҳамро иккилари қўшилиб кетар бўлдилар. Эрса Новгул деган бир келин «Сизларга кам хизмат бўлдик»,-деб, бир узук, бир ёвлиқ чиқариб берди. Саёдхон бирлан Ҳамрони узатиб юбордилар. Бир неча манзилларни тўй қилиб бора бердилар. Аммо Саёдхон отининг бошини талпиндириб борур эрди, тўғри юрмас, дам йўлнинг бу қирасидан, дам нариги қирасидан юрар эрди. Ҳамро Саёдхонга ялбориб бир сўз деди:

Ҳасратингдан бўлдим дали-девона,
Қурбонинг бўлайин, йўла дуз юри.
Ноз айлайиб юзинг бурма ҳарёна,
Бошингга дўнайин йўла дуз юри.

Қайрилибон ҳар тарафга боқарсан,
Манинг жоним ҳажр ўтина ёқарсан,
Отинг бошин ҳар ёнларга чекарсан,
Қурбонинг бўлайин йўла дуз юри.

Кел кетали Озарбайжон элина,
Қурбон ўлам, сарингдаги телинга,
Жоним фидо бўлсин, ёрим, йўлингга,
Қурбонинг бўлайин йўла дуз юри.

Неча маҳал фироқингда ёқарсан,
Дол гардана тилло ҳайкал тақарсан,
Ҳамро деяр, кўнглим уйин йиқарсан,
Бошингга дўнайин йўла дуз юри.

Алғараз Ҳамро бу сўзни айтти. Саёдхон ҳеч дам урмади. Ҳамрони кўнгли бузилиб, зор-зор йиғлаб, бир сўз деди:

Жон Саёдим, бугун арзим айтайин,
Дилбар ўлан, бунча золим ўларми?
Юзи тар ғунчадай, вафоли ёрим,
Дилбар ўлан, бунча золим ўларми?

Гул юзли севдигим ман санга зорам,
Кечалар тинмойин, сабо бедорам,
Дардимни билмасман, нечук беморам,
Дилбар ўлан, бунча золим ўларми?

Жафони кўп чекиб, сафо истарам,
Ўз ёримдин меҳри-вафо истарам.
Ҳар субҳи шом завқу сафо истарам,
Дилбар ўлан, бунча золим ўлирми?

Ҳамрожон дардина топмади дармон,
Бевафо ёр учун чекди кўп армон,
Биза қисмат бўлди қайғу ҳам ҳижрон,
Дилбар ўлан бунча золим ўларми?.

Алқисса, андин сўнг Саёдхоннинг кўнгли хурсанд бўлиб, йўлга равона бўлди. Бир неча манзилларни қатъ қилиб борур эрдилар. Озарбайжоннинг йўлинда бир чашма бор эрди., у чашмага бориб тушдилар...

Ҳамро чашмадин ювиниб, тозаланиб, Саёдхон билан айшу ишратга машғул бўлдилар. Сўнг отланиб, Озарбайжоннинг бир қирасиндин эндилар. Озарбайжоннинг боғлари туман босиб кўрина берди. Саёдхон айди:

-Эй Ҳамрожон, юртингизни чўлистон деб эшитиб эрдик, ул сўзлар ёлғон экан-ку!-деди.

Анда Ҳамро:

-Эй Саёдхон, бизнинг боғларни кўрсанг ажойиб-ғаройибларни кўрарсан,-деди ва ўз юртининг боғларини, дарахтларини кўриб бир сўз деди:

Шукр ҳақнинг даргоҳина,
Тоғлар кўринди-кўринди.
Совуқ сувли, сарчашмали,

Сойлар кўринди-кўринди.

Табла тўла, бедов отли,
Кўшки айвон шоҳ сифатли,
Бизнинг бирлан муҳаббатли,
Беклар кўринди-кўринди.

Қўлин ёстаниб ёттиғим,
Мақсад-мурода етдигим,
Ёр бирлан суҳбат туттигим,
Чоғлар кўринди-кўринди.

Гўзаллари инжа белли,
Гуллари шайдо булбулли,
Дегри-доши қизил гулли,
Боғлар кўринди-кўринди.

Оқар чашмаси, булоқли,
Дегра-доши қизил оқли,
Боқчаси бағдод япроқли,
Жойлар кўринди-кўринди.

Қўлимда дузгунли созим,
Ёрга етарми овозим,
Ҳамро дер, Салбиниёзим,
Йиғлаб кўринди-кўринди.

Алғараз, Саёдхон айди:

-Эй Ҳамрожон, сан кўп номард экансан. Ҳарна сўзинг ёлғон эркан,- деди. Сўнг Саёдхон тақдира тан бериб, қисматига рози бўлиб, ўз юртини ёд қилиб, бир ғазал айди:

Санга дерам, ошиқ Ҳамро,
Ёқди мани тилинг санинг.
Рангба-ранг гулларим терди,
Тар хинали қўлинг санинг.

На савдоға тушди бошим,
Ғам чекмакка йўқдир кишим,
Оғам-иним, тенгим-тушим,
Анда қолди элим манинг.

Устимиздин туққан ойлар,
Кўшки айвоним, саройлар,
Манзилим-маконим жойлар,
Анда қолди гулим манинг.

Тахту бахтимдин кўтардинг,
Мани бу жоя етирдинг,
Ёт ўлкалара кетирдинг,
Нечук кечар ҳолим манинг.

Саёдхон дер, ман найлайин,
Сиримни баён айлайин,
Сўзнинг тўғрисин деяйин,
Кетирди иқболим манинг.

Алқисса, Саёдхон сўзини тамом этиб:
-Эй Ҳамро, Салбиниёз ёринг бизча борми?,- деди. Анда Ҳамро:
-Борғанда кўрарсан,-деб, яна Саёдхонга кўнгул бериб бир сўз деди:

Боғларинда алвон гули очилмиш,
Меваси камола келса севдигим.
Оқ юзларинг илоҳийдин битилмиш,
Гул юзларинг холли-холли севдигим.

Ёрим билан суҳбат этиб юрардим,
Дўлашиб ҳар замон лабин эмардим,
Чаман ичра сайр этишиб кезардим,
Сайрон этинг бизнинг била севдигим.

Бўз маралим, оч қарчтғай боқишлим,
Дол гардана тилло ҳайкал тақишлим,
Ошиқларнинг ширин жонин ёқишлим,
Бўз тарлон сифатлим гула севдигим.

Бошима тушибдир юз қайғу алам,
Барҳақ ошиқ сенинг кўйингда ўлам,
Сан гул бутоғисан, ман бир булбулам,
Учиб-учиб қўнсам гула севдигим.

Эгнингга кийибсан қирмизи-ола,
Лабингга ярашур олтин-пиёла,
Ҳамрожон дер, кетма дўстим хиёла,
Кел муродинг биздан тила севдигим.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилди, эрса Саёдхоннинг вақти юз чандон хуш бўлди. От устинда ўпишиб, талашиб йўлға равона бўлдилар.

Энди бир-икки калима сўз Салбиниёз бечорадин эшитинг. Ҳамро кетгандин сўнг орадан уч йил тамом ўтди. Ҳамродин ҳеч хабар, нишона бўлмади. Салбиниёз бечора йўлға қараб ўтирарди. Кеча ва кундуз иши оҳу-фиғон бўлди. Ошиқ меҳри кўнглина тушиб, синасини нам ерга қўйиб йиғлар эрди, яна ташлаб кетгани ёдиға тушиб, илондай тўлғонар эрди. Тўйга, мажлисга чиқмас эрди. Бир кеча Салбиниёз йиғлаб-йиғлаб кўзи уйқуға борди. Туш кўрди. Тушинда Ҳамронинг қўлинда бир лочин қуш бордир. Салбиниёз

ани кўриб ериндин сачраб турди, кўрдиким, шул вақт айни саҳар вақти экан, Салбиниёз ўз тушин ўзи йўриб: Ҳамро Сайёдхонни олиб албатта шу кун келса керакдир,-деб ўтириб эрди. Шул вақт осмондин турна овози келди. Салбиниёз турналарга қараб бир сўз деди:

Кўкдин учган бўлак-бўлак турналар,
Арзирум тоғинда қорни кўрдингми?
Ғофилликда савдо солган бошима,
Фалак айро солган ёрни кўрдингми?

Бизни ғариб қилди қодир худойим,
Қачон ёра етар бу чеккан оҳим,
Во ҳасрато кўнгул ҳушим, Ҳамроҳим,
Фалак айро солган ёрни кўрдингми?

Оқиб кўзда ёшим дўнди селлара,
Булбул учиб, зоғлар қўнди гуллара,
Бошин олиб кетган узоқ эллара,
Фалак айро солган ёрни кўрдингми?

Салбиниёз деяр, бахтим қародир,
Айролиқ дардидин бағрим порадир,
Турналардин бугун хабар сўрайдир,
Фалак айро солган ёрни кўрдингми?

Алқисса, Салбиниёз сўзини тамом қилди. Энди Саёдхон бирла Ҳамродин хабар сўранг. Булар бир неча манзилларни қатъ қилиб, Озарбайжон вилояти ёнидин етишдилар. Ҳамрони отасининг бир кўна харози бор эрди. Ҳамро Саёдхонни отлар бирла анда қўйиб:

-Эй Сайёдхон, сан шунда тур. Ман бориб хабар олайин. Манинг кетганимга кўп вақтлар бўлди, орадин на воқеалар ўтган эркан,-деб йўлға равона бўлди.

Бориб Салбиниёзнинг боғина кирди. Боғбон бобоси бор эрди. Ҳамро уни топиб:

--Эй бобо, манга қўҳна либосларингни бергил,-деди. Бобо берди Ҳамро шоҳона либосларини бобоға бериб, қўлиға таёқ олиб йўлға равона бўлди. Боғнинг ичина кириб кўрдики, Салбиниёз қирқ каниз бирлан қора кийиб ўлтирибдир. Ҳамро буларнинг олдинда туриб Салбиниёзга қараб бир ғазал айди:

Санга дерам, ширин жоним,
Нечун қаро кийинурсан?
Ҳамроҳим, диним, имоним,
Нечун қаро кийинурсан?

Дўсти душманинг қарашар,
Оқ юза зулфинг дўлашар,

Санга қирмизи ярашар,
Нечун қаро кийинурсан?

Гулоби гулнинг ғунчаси,
Қучмоға белнинг инжаси,
Улли байрамнинг кечаси
Нечун қаро кийинурсан?

Ниҳоний беглар ниҳони,
Гашт этиб келдим жаҳонни,
Ҳамроҳининг ширин жони,
Нечун қаро кийинурсан?

Алқисса Ҳамро сўзини тамом этди. Салбиниёзнинг кўзи Ҳамрога тушиб:
--Бу ўғлон нечук ўғлондир, нима сўзлар айтар,--деди.
Анда канизлар:
--Бу бир етим ўғлонга ўхшар,-дедилар.
Анда Салбиниёз:
-Эй канизлар, бу ўғлоннинг овози қулоққа ёқимли эркан,-деб Ҳамрога:
-Эй ўғлон, яна ҳам бир достон айт, сўзинг жонга ва қулоққа ёқар,-деди.
Ҳамро «Хўп бўлади»,-деб бир сўз айди:

Наврўз ўтиб баҳор фасли етишди,
Шажарлар кўкармиш, ёр сани кўзлар.
Алиф қаддинг, жим кўзларинг, мим оғзинг,
Тилим харф ичинда ёр сани кўзлар.

Пўлот анда, темир анда, тош анда,
Дилим қуримасин қайнаб жўшанда,
Ажал паймонамиз тўлиб тошанда,
Қаддим ҳам хам бўлиб ёр сани кўзлар.

Тиллодин билакузук али-дастинда,
Жаллод кўзинг жон олмоқнинг қастинда,
Салбиниёзнинг оқ кўксининг устинда,
Оқ момиқ мамалар ёр сани истар.

Салбиниёзим ўхшар гулга-ғунчага,
Қирқ канизлар бирлан бирла-биргача,
Гулгундир кийдиги катан бўзача,
Дерсина равондир ёр сани кўзлар.

Боғлар нечун бугун қора кийибдур,
Юсуф Зулайҳоси қора кийибдир,
Салбим нечун бугун қора кийибдир,
Магар Ҳамрожонинг, ёр сани кўзлар.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамом этди. Сўнг Салбиниёз:

-Эй канизлар, бу ўғлоннинг овози Ҳамронинг овозига ўхшар,-деди. Анда канизлар:

-Эй биби Салбиниёз, сизнинг ақлингиз чошибдир. Кимни кўрсангиз Ҳамро деярсиз. Бу бир ўғлондир. Боғдан қорнини тўйдирайин, деб келгандир,-дедилар. Анда Салбиниёз:

-Эй ўғлон, хабарчи бўлсанг хабарингни бер, мева есанг боққа бор,-деди.

Анда Ҳамро:

-Эй бибим, ман чўпон бўлурман, боғларни бир кўрайин деб келдим,-деди. Яна айди:

-Эй бибим, бу қизлар нима учун қора кийибдурлар, сан на учун қора кийибсан?-деб сўради. Салбиниёз ҳам жавоб берди:

Ҳамро:

Нозли дилбар, сандин хабар сўрайин,
Сизлар нечун кийинмишсиз қарони?
Ман билманам на сир кечди орадин,
Эй қиз, нечун кийинмишсан қарони?

Салбиниёз

Бошимдин ўтганин баён айлайин,
Анинг учун кийинмишам қарони.
Уч йил бўлди айрилмишам ёримдин,
Ёрим учун кийинмишам қарони.

Ҳамро:

Сўна кимин дол гарданинг эгдирма,
Сарғайибон гул мангзингни сўлдирма,
Дўст-душманинг кўпдир, сирринг билдирма,
Эй қиз, нечун кийинмишсан қарони?

Салбиниёз

Қурбон ўлам ёрни қалам қошина,
Писта даҳанина, инжу тишина,
Ман билманам не келандир бошина,
Ёрим учун кийинмишам қарони.

Ҳамро:

Қурбон ўлам қоматингга, ўзингга,
Шакардин, асалдин ширин сўзингга,
Қурбон ўлам сенинг ойдек юзингга,
Эй қиз, нечун кийинмишсан қарони?

Салбиниёз

Қаҳбо фалак оғу етти ошима,
Раҳм айламас кўздан оққан ёшима,
Анинг учун қиёматлар бошима,
Ёрим учун кийинмишам қарони.

Ҳамро:

Ҳамро Салби дея кўп чекди оҳи,
Муродингни берсин, парилар шоҳи,

Энди билдим чўх истабсан Ҳамрони,
Эй қиз, нечун кийинмишсан қарони?

Салбиниёз

Салбиниёз дер, ёр ҳажрина дўзарам,
Ўтган кунларима дафтар ёзарам,
Мажнун каби чўлдин-чўла кезарам,
Ҳамро учун кийинмишам қарони.

Алғараз, Ҳамро бирлан Салбиниёз сўзларини тамом этдилар. Канизлар айдилар:

-Бу ўғлонни қувлармиз,-дедилар. Анда Салбиниёз:

-Эй йигит, Ҳамродин хабар билурмисан?,-деди.

Анда Ҳамро айди:

-Шул кеча бизнинг уйимизга меҳмон бўлди, ман севинчига келдим,-деди. Анда Салбиниёз:

-Эй канизлар, бу ўғлонга бош-оёқ сарупо бирлан бир чаноқ тилло беринг,-деди. Канизлар саруполарини келтириб: «Кийин»,-дедилар. Анда Ҳамро айди: «Манга молу дунё керакмас. Чин ошиқ бўлсанг мани таниғил»,-деб, бир сўз айди:

Хаёлинг кўнглимни уйина тушди,
Товус тумоғлиғим сўна, Салбиниёз.
Тиғи мужгонларинг бағримни тилди,
Кишти кор айладинг жона, Салбиниёз.

Мажлисингда ол шароблар ичилур,
Кулиб боқсанг, кўнгил банди очилур,
Бу оламга мушки анбар сочилур,
Текканда зулфингга шона, Салбиниёз.

Кел, ярама малҳам айла, хон пари,
Очилибдир боғинг мушки-анбари,
Севдигим ман сани кўргандин бери,
Келмишам имона, дина, Сабиниёз.

Томошангга келур Рум ила Қайсар,
Зулфинг чин-чин ўлиб ҳар ёна ўсар,
Лабларинг ширидир мисоли кавсар,
Эмсам лабинг қона-қона, Салбиниёз.

Томошага келур қизларнинг хони,
Агар чин ошиқсан, маъшуқинг тани,
Эронни, Туронни, бу ширин жонни,
Ҳамро санга қурбон қилсин, Салбиниёз.

Алғараз, Салбиниёз айди:

-Эй жон пари, магар шу ўғлон Ҳамро бўлмағай? Бориб кўр, таниғил,-деди.

Эрса Жон пари келиб Ҳамрони бошиндаги каллапўшини олди. Ҳамронинг икки кокили белига тушиб, ёйилиб ёта берди. Андин сўнг ниқобин ҳам олди. Ҳамронинг юзи ўн тўрт кечалик ойдек бўлиб турди. Салбиниёз ани кўриб беҳуш бўлди. Бир соатдин сўнг ҳушина келиб, кўшкнинг устиндин ўзини Ҳамрога ташлади. Ҳамро ҳам, Салбиниёзнинг белидин қўчиб, ўпишиб, дўлашиб ёта берди.

Бир неча вақтдин сўнг хушларига келдилар. Салбиниёз:

-Эй Ҳамрожон, истаб кетган ёрингни олиб келдингми?,-деди.

Анда Ҳамро Салбиниёзга қараб бир байт айди:

Севдигим сиримни баён айлайин,
Кетира билмадим ёр анда қолди.
Ўз тилимдин бало келди бошима,
Кетира билмадим ёр анда қолди.

Анда қолди менинг жону жаҳоним,
Оқди кўзларимдин обу равоним.
Аввалда матлубим, диним, имоним,
Кетира билмадим ёр анда қолди.

Қаромонли қора тоғлар ошганда,
Неча савдолари бошга тушганда,
Ёр-ёрдин айрилиб ҳамдамлашганда,
Кесилди ихтиёр, ёр анда қолди.

Ҳамро деяр, ястанайдим парини,
Сидқим билан чақирардим Алини,
Уч йил бўлди чекдим дардисарини,
Кетира билмадим ёр анда қолди.

Алғараз, андин сўнг Салбиниёз айди:

-Эй Ҳамрожон, уч йил бўлди мандин қочиб кетдинг, анда ҳам келтира билмадингми?,-деди.

Анда Ҳамро айди:

-Эй Салбиниёзжон, якка кишини ҳам битирган иши бўлурми?-деди. Саёдхоннинг ишқи кўп зўрлик қилди.

Анда Салбиниёз айди:

-Эй Ҳамрожон, қўшин чекиб кетгил, яна уч ой муҳлат бердим, бориб олиб кел,-деди.

Анда Ҳамро айди:

-Эй Салбижоним, мен сани синаб кўрдим, ман Саёдхонни олиб келдим, сен ҳам анинг ўнгиндин чиқғил-деди. Анда Салбиниёз: «Хуш бўлғай»,-деб ҳар нечук бўлса ҳам Ҳамрони кўнглини хушвақт қилайин деб, бошиға тилла жиғасини санчиб, гулгун кийиб, қирқ канизлари бирлан хиромон-хиромон босиб йўлга равона бўлдилар. Эрса, Саёдхон кўрдики, бир қиз келадир, тишлари дур каби тузилган, қошлари ёй каби эгилган, лаблари бол каби эзилган, беллари тол хипчинидек зил чекилган, олма занаҳдонлари момиқдай

бўртиб чиққан, ошиқ киприги қайрилган, гулгун либосли, тилло тумоғали бир овадон қиздирки, кўрмакка кўз керак. Саёдхон уни кўргач ҳайрон бўлиб турди. Аммо Салбиниёз ҳам Саёдхонни кўрдики, боши тилло жиғали, бели заррин камарли, ҳусни ўн тўрт кечалик ойдек. Ҳарир либосли бир шоҳсифат қиздир. Салбиниёз ани кўриб, ақли лол бўлиб, ҳайрон, саросима бўлиб турди. Шунда Ҳамро бир Саёдхонга қараб, бир Салбиниёзга қараб бир сўз деди:

Қурбон ўлам лабларини болина,
Бели гулгун Салбиниёзим, кел эмди.
Ой юзингда жўра-жўра холина,
Холи гулгун, Салбиниёзим, юр эмди.

Шакардин ширидир айтган сўзларинг,
Ғамзаси жон олур жаллод кўзларинг,
Кўзимга доридир босган изларинг,
Бели гулгун Саёдхоним, юр эмди.

Қурбон ўлам ёрни чашми мастина,
Қўша хол ярашар қалам дастина,
Қўйгил қадамларинг дидам устина,
Йўли гулгун Салбиниёзим, юр эмди.

Қурбон ўлам булбулина гулина,
Шакар-шарбат эзилибдир тилина,
Тилло камар ярашадир белина,
Бели гулгун Саёдхоним, юр эмди.

Икки пари гашт айлаюр бу боға,
Ширин жоним иккисина садоға,
Бошинда тўп жиға, тилло тумоға,
Бели гулгун Саёдхоним, юр эмди.

Сабо-сабо ёр жамолин кўранда,
Оқ юзига қора зулфи тушанда.
Ошиқ Ҳамро деяр йўла юранда,
Бўйи гулгун Саёдхоним, юр энди.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон бирлан Салбиниёз- иккиси бир-бири бирлан саломлашиб, қучоқлашиб кўришдилар. Саёдхоннинг ҳусни қиш очилган раънога ўхшаб, Салбиниёзнинг ҳусни ўн тўрт кечалик ойга ўхшаб турдилар. Салбиниёз хуш келибсиз, сафо келибсиз, деб, Саёдхонга иззат-икром бирла хушомад қилди.

Андин сўнг Салбиниёз Саёдхоннинг қўлидан тутиб боққа равона бўлдилар. Ҳамро кўрдики, иккисини бўйи ҳам бир, қадам босиши ҳам тенг, ҳусни ҳам баравардир. Саллониб борур эрдилар. Ҳамро они кўруб, хушвақт бўлиб, бир сўз деди:

Беклар, икки пари суйдим,

Суймакка гўзал ярашар.
Икки парининг олдинда
Турмоққа гўзал ярашар.

Бир-бирина иззат қилиб,
Ширин лабларидин тотиб,
Иккиси тенг одим отиб,
Юрмакка гўзал ярашар,

Чекдим гўзалнинг дардини,
Билмаслар ошиқ гардини,
Гўзал-гўзалнинг мардини,
Билмакка гўзал ярашар.

Чекмишам жабру жафони,
Кўрмишам аҳду-вафони,
Ишратли завқу сафони,
Сурмакка гўзал ярашар.

Мен дуо олмишам пирдан,
Қўл кўтардим номус-ордан,
Икки гўзални бир ердан,
Бормоққа гўзал ярашар.

Ҳамро дўст боғина кириб,
Тоза гулларидин териб,
Кулиб-ўйнаб, сафо суриб,
Юрмакка гўзал ярашар.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон, Салбиниёз, Ҳамро уччовлари кўшкка бордилар. Кўшкнинг устинда бир уй бор эрди. Саёдхонни ул уйга тушириб, обу таом келтирдилар. Андин сўнг Ҳамро Саёдхонни олиб келганини ёру-жўралари эшитиб, кўрмакка келдилар. Бир неча амалдорлар, оқсоқоллар ва қизу-келинлар Салбиниёзга муборакбодлиққа келдилар. Келган қизни кўрайлик, нечук қиз эркан, деб ўйладилар. Сўнг улар келиб кўрдилар. Бир шоҳсифат қиз ўлтирибдур. Ғунча даҳан, мўрча миён, кулар юзли, боши тилло жиғали. Қизлар, келинлар, ани кўриб беҳуш бўлдилар, боз ҳушларига келиб:

-Мундоғ зотишариф қиз ҳам одамдин пайдо бўлур эркан, ҳур паридин ҳам зиёдадир. Яна айдилар:

-Эй Салбиниёз, Саёдхон мусофирчилик чекмасин, боғ сайлина чиқали,-дедилар. Салбиниёз, Саёдхон ва яна бир неча қиз келинлар бирлан боғ сайлина бордилар. Анда Салбиниёз:

-Эй Саёдхон, бу боғларни кўргил, то ўлгунча иккимиз бу боғларни сайрон этиб юргаймиз,-деди. Салбиниёз бирлан Саёдхоннинг ҳуснини кўрган одамлар ақлини олдирур эрди.

Шу дастур бирлан орадин бир неча вақтлар ва бир неча айёмлар Саёдхон, Ҳамро, Салбиниёз-уччовлари боғнинг ичинда айшу ишрат суриб кезар эдилар. Эрса кун икки тарафдин туғди. Халойиқлар бу сирга ҳайрон қолиб келиб кўрсалар бири Саёдхоннинг юзини шуъласи эркан. Саёдхон юзидин ниқобин олса, ой туққан ёли бўлур эрди.

Ул шаҳар подшоҳнинг оти Асадлихон эркан. Бир киши бориб арз қилдики: «Эй подшоҳи олам, Аҳмад кўппакнинг ўғли Қизилолма шаҳариндин бир қиз олиб келибдир. Ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор, ўзи ҳам подшоҳзодадир»,-деб Саёдхонни мақтади. «Андоғ бўлса ул қиз бизга лойиқ эркан, подшоҳ қизи фуқароларга лойиқ эмасдир»,-деб икки ясовулга «Учисини ҳам мунда олиб кел»,-деди.

Ясовуллар Ҳамронинг кўшкина бориб:

-Сизларни Асадлихон чақиради,-дедилар. Анда Саёдхон айди:

-Подшоҳ нима иш учун чақирур?

Анда алар:

-Подшоҳ Саёдхонни олмоқчи эрмиш, подшоҳ қизи фуқароға лойиқ эмас, деб айтур,-дедилар.

Анда Саёдхон:

-Ман мусофирдирман, агар мусофир бўлмасам бурнингни кесиб, ўзингга едирур эрдим,-деб сиёсат қилиб қувлаб юборди. Эртаси эр бирлан Саёдхон, Салбиниёз ва Ҳамрожон-уччовлари ҳар қайсиси бир отга миндилар. Эрса Саёдхон сари ёйини олиб, Ҳамронинг қўлига олмос ханжар берди, Салбиниёзнинг қўлига икки юзли ханжар берди. «Билиб бўлмас, баногоҳ бошимизга иш тушса, бу яроғлар даркор бўлур»,-деб отланиб уградилар.

Подшоҳнинг боргоҳина бориб, отдин тушмайин турдилар. Подшоҳ буларни либосларини ва яроғларини кўриб ваҳм босиб: «Бугун жон жасаддин узилур кун»,-деб ҳайрон бўлиб турди.

Подшоҳ айди:

-«Боринг бу келган одамларни отин тутиб туширинг,-деди. Эрса буларнинг отларини тутиб туширдилар. Подшоҳ кўрдиким, бир шоҳсифат қиздир. Боши тилло жиғали, бели заррин камарли, ҳайбатидин жаҳон-олам титрар эрди. Саёдхон подшоҳни кўриб, «итмисан», «эшшакмисан» ҳам демади. Саёдхон билдики, подшоҳ кўп қаттиқ кўрқди. Саёдхон айди:

--Қўрққан кишига сиёсат қилмоқлик ҳам номардлик бўлур,-деб, подшоҳга хушомад қилиб бир сўз деди:

Ман санга деярман Асадлихоним,
Мани Ҳамроҳимдин айирма, хоним.
Кес бошимни, ерга тўкилсин қоним,
Мани Ҳамроҳимдин айирма,хоним.

Эронни, Туронни бирга кезали,
Хоним, бу жабрингги нечук дузали,
Санга далдир бу дунёнинг гўзали,
Мани ўз ёримдин айирма, хоним.

Пирим Шоҳирмардон кавсар соқийдир,
Сайлгоҳи саккиз жаннат боғидир,
Бизга бу гўзаллик бошдан ёғидир,
Мани Ҳамроҳимдин айирма, хоним.

Ман бир мардман, мардлигимни билдирам,
Душманим йиғлатиб, дўстим кулдирам,
Қаҳрим келса, шоҳим, сани ўлдирам,
Мани Ҳамроҳимдин айирма, хоним.

Саёдхон ҳам йўлга тушиб солланди,
Соллонибон ишқ ўтина тобланди,
Тар мамам тутилиб, кўнглим боғланди,
Мени Ҳамроҳимдин айирма, хоним.

Алқисса, подшоҳ ўз кўнглида: «Бу ажаб бир мард қиз эркан, бизга мундоғ-супойигарчилик қилур, агар қаҳри келса, мени аждаҳодек дамига тортар», -деб омон қолғанига шукр қилиб айди:

--Эй Саёдхон, ман айтган гапимга тавба қилдим. Энди санинг бирлан қиёматлик ота-қиз тутишурмиз,-деди.

Анда Саёдхон «Хўп бўлур»,-деб ота-қиз тутишдилар. Андин сўнг Асадлихон яхши-яхши шоҳона хилъатлар, саруполар бериб учисининг ҳам вақтини хуш қилиб, иззат ва ҳурмат қилиб қайтарди. Булар ҳам омон-соғ кўшкдин чиқиб, душмандин бехавотир бўлиб жойи фароғат, айшу-ишратга машғул бўлдилар.

Энди сўзни Маматхон подшодин эшитинг: Саёдхон Ҳамро билан кетган сўнг бир кеча уйқуси саҳар вақтида қочди. Саёдхондин бошқа фарзанди йўқ эрди. Маматхон подшо оҳ чекиб айди:

-Бир кўнгул хушим Саёдхон эрди, бу ҳам ёт ўлкаларга кетди. Ёт ўлкаларда нечук этиб юргандир,-деб вазир ва вакиллар, оқсоқолларни йиғнаб айди:

-Эй вазирлар, эй амалдорлар ва оқсоқоллар! Манга бир маслаҳат беринглар: Озарбайжон вилоятига бориб, қалъасини йиқиб, кант-кесак этиб ўғул ўлжа, қиз асир этиб, Саёдхонни олиб қайтиб келсак, нечук бўлар?-деб сўради.

Анда ҳаммалари «Балли подшоҳим, яхши кенгаш топдингиз, ишингизни олло-таоло ўнгарсин!»,-деб таъзим қилиб, одоб бирла ўтирдилар. Андин подшоҳ Маматсўйин сардорни ҳам чақириб кетириб:

-Эй сардор, Озарбайжон вилоятига бориб, Сайёдхонни олиб келсак нечук бўлур экан,-деди. Анда Сардор:

-Хўп бўлур, кучимиз етса олиб қайтармиз, агар кучимиз етмаса ундағини унда кўрармиз,-деди.

Сўнг яхши-яхши бедов отли йигитлардин тўрт минг отли лашкар тузатиб, обу озуқ, яроғ асбобларни тайёр қилиб, Маматсўйин сардорни йўлбошчи қилиб, туғ-туғ, байдоқ-байдоқ саро пардалар юклаб, тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Озарбайжон вилоятиға уградилар. Бир неча манзилларни тай қилиб, Саёдхоннинг олма урган ерина келдилар. Сардор Маматхон подшоҳга кўрсатди, ҳаммаси ҳайрон қолдилар. Сўнг яна йўлга равона бўлдилар. Бир неча

манзил йўл юриб, барзангиларнинг қалъасига етдилар. Қарасалар, қалъанинг бир муҳири бордир. Ўқиб кўрсалар «Бу ишларнинг ҳамасини Саёдхон қилгандир»,-дейилган. Андин ҳам ўтиб кета бердилар. Оз юриб, кўп юриб, бир неча кунлар йўл юриб, Озарбайжон видоятига етишдилар. Озарбайжоннинг қирасинда бир ўлка бор эрди, анинг подшоҳининг отини Абдуллахон дер эрдилар. Ул юртнинг атрофинда қоровул қўйиб эрди. Қоровуллар бориб Абдуллахонга: «Устимиза қўшин келди»,-деб хабар бердилар. Абдуллахон етти иқлимга жар солди. Етти лак лашкар жам бўлди. Эрса Асадлихон бош бўлиб, Абдуллахоннинг устига келиб қўшилди. Маматхон подшоҳнинг олдиндин чиқиб саф торттилар. У тоифаға «гўкланг» деб от берур эрдилар. Тўп-тўпхонасини қуриб, байдоқларини тикиб, майдонни ораста ва бераста қилиб саф туздилар, уруш добилини қоқдирдилар, Маматхон подшоҳга элчи юбордилар. Подшоҳ Маматсўйин сардорға «Бу иш нечук бўлғай?»,-деб кенгаш солди. Анда сардор:

-Қўшиннинг ярми ўлмайин қайтмоқ бўлмас,-деди. Сўнгра Абдуллахонга: «Саккиз кун муҳлат бергин, сўнгра урушға чиқармиз»,-дедилар.

Асадлихоннинг юртига: «Қизилолма шаҳридин Маматхон подшоҳ қўшин чекиб келиб Абдуллахон бирлан уруш қилур эрмиш»,-деган овоза тушди. Бу овозани Саёдхон эшитиб:

-Эй Салбиниёзжон, яна омон-эсон келсак кўришармиз, ҳозир олло ёринг, хуш қол,-деб тилло жабдуқли отина миниб Ҳамрожонни ёниға олиб, сари ёйини эгниға илдириб, қалқонини орқасиға ташлаб, Ҳамронинг қўлиға ҳам олмос қилич бериб, ўз белига икки юзли ханжарини тақиб, эркак либосини кийиб, юзларига ниқоб тортиб равона бўлдилар.

Энди сўзни Маматхон подшоҳдин эшитинг:

Муддати тўлгандин сўнг, душман лашкари уруш добилини қоқиб, майдонга чиқдилар.

Эрса Маматхон подшоҳ кўрдики, душман лашкарининг ҳеч сони -ҳисоби йўқдир,бениҳоят кўпдир. Мамтхон ҳайрон бўлиб, яна таваккал қилиб, душман лашкарина от қўйдилар. Шул вақт Саёдхон билан Ҳамро ҳам етишдилар. Булар ҳам кун туғар тарафидин от қўйдилар. Шул вақт Саёдхон билан Ҳамро орқа тарафдин қирар эрдилар. Андоғ жанги мағлуба бўлдики, душманлар шикаст топдилар.

Саёдхон сариёйини олиб ҳар тортиб юборганда 50-60 душман бирдан жон берар эрди. Душманларнинг қони бирлан сойлар тўлиб, ҳарёнга оқар эрди. Душман бениҳоят қирғин топди, кун ботиб, оқшом бўлди. Сўнгра бир дарбандга келиб ётдилар. Эртасига урушға кирдилар. Уч кеча-кундуз тинмайин шу тарзи уруш қилдилар, душман лашкари шикаст топди. Абдуллахонни тутиб, банди қилиб кетирдилар. Маматхон подшоҳнинг ўлган лашкарини рўйхат қилдилар. Икки юз кишига етди. Душман ўлган лашкарини ҳисоб қилиб кўрсалар, тўрт лак қирилибдир. Маматхон подшоҳ буни кўриб ҳайрон бўлди. Аммо Маматхон шоҳ икки суворининг урушга кирганидин хабардор эрди ва лекин уларни танимас эрди. Маматсўйин сардорни чақириб:

-Бу душманлар тамом қирилибдур, буларни ким қирди, билурмисан?,-деди.

Анда сардор:

-Бизлар урушга кирган вақтимизда икки отли келиб урушға кириб эрдилар. Алар нечук одамдир, мен билмасман,-деди. Анда Маматхон шоҳ: «Ким бўлғай, бу душманнинг шаҳринда бизга кўмак берган»,-деб ҳайрон бўлиб туриб эрди. Шул вақт Саёдхон бирла Ҳамро иккиси бир дарбандга чиқиб туриб эрдилар. Маматшоҳнинг кўзи буларға тушиб:

--Ул икки отлини танирмусан?-деди.

Маматхон подшоҳнинг бир қули бор эрди, югуриб бориб Саёдхоннинг отини кўриб, таниб келиб айдики: «Эй подшоҳи олам, у отлар ўзимизнинг сайислаган отимиздир»,-деди. Анда Маматхонподшоҳ ўз кўнглидин:

--Магар Саёдхон билан Ҳамро бўлмағай,-деб Маматсўйин сардорға:

--Бориб ул икки отлини олиб кел! Ҳар ким бўлса гуноҳини ўтдим,-деди.

Анда сардор бориб, Саёдхонга салом берди. Саёдхон ҳам алик олди. Эрса сардор:

--Юринг, сизни отангиз чақирадир,-деди. Андин сўнг Саёдхон бирлан Ҳамро отдин тушиб Маматхон пошоҳнинг хизматига юриш қилдилар. Бориб подшоҳнинг олдида қўл қовуштириб, салом бериб, таъзим-тавозе бирлан турдилар. Маматхон шоҳ алик олди. Аввало соғлиқ сўрашди. Аммо ҳаё қилиб иккиси ҳам таъзим-тавозе бирлан турар эрдилар. Ҳозир бўлганлар буларнинг қайсиси Саёдхон, қайсиси Ҳамро эрканини билмас эдилар. Подшоҳ сардордин:

--Қайсиси Саёдхондир?-деб сўради. Анда Сардор: «Бели заррин камарли Саёдхондир»,-деб келиб Саёдхоннинг ниқобин олди. Андин сўнг подшо қизини таниб, беҳуш бўлиб, йиқилди, яна ҳушига келиб, кўксина қисиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

Сўнгра Ҳамрони кўрдиларки, гўё ўн тўрт кечалик ойдек бўлиб, икки кокили белина тушар эрди. Ҳамронинг ҳусни ва малоҳатина ҳамма ҳайрон бўлди. Саёдхонни ҳусни Ҳамродин зиёда- иккиси бир-биридин зиёдадир. Маматхон подшоҳ ани кўриб айди:

--Баораколло, иккингизни худой таолло бир-бирингизга муносиб қилиб тақдир қилганига деб, иккисининг ҳақига дуо қилди.

Андин сўнг Маматхон подшоҳ айди:

--Эй Саёдхон қизим, энди нима иш қилурсан?,-деди.

Анда Саёдхон:

--Ҳамрожон бирлан Озарбайжонга бориб, тилло кўшкининг устинда вақтимизни хушлашиб ётармиз,-деди. –Ул юртдин чиқмасак эрди, қайтсак бўлар эрди, энди яна қайтиб бориб бўлмас,-деди.

Анда Маматхон подшоҳ айди:

--Эй Саёдхон, бу номаъқул сўзни қўйғил! Менинг ҳам ёшим охирина етибдур, агар мани ажалим етиб ўлсам, тахтим, молду мулким, хазинам кима қолур?! Бир сандин бошқа фарзандим йўқ. Сан бориб тожу тахтима эга бўлғил,-деб Саёдхонга қараб бир сўз деди. Саёдхон ҳам отасига қараб жавоб берди:

Маматхон:

Сўзимни эшитгил, жоним, фарзандим,
Кел қайтали эмди эла, Саёдим.
Жасадимда ширин жоним, пайвандим,

Қўшилибон кетсанг била, Саёдим.

Саёдхон:

Арзимни эшитгил азиз подшоҳим,
Дўниб эмди нечук эла борайин.
Ҳам Маккам-Мадинам, пушти паноҳим,
Дўниб эмди нечук эла борайин.

Маматхон:

Бандаға ҳар қисмат бўлур оллодон,
На чора бор тақдир қилса яродон,
Ақлли фаҳм этар, билмагай нодон,
Кел тушали эмди йўла, Саёдим.

Саёдхон:

Булбулдайдайин талвас айларам гула,
Хижолат тортарам, тушарман тила,
Аввалда қисматим, тақдирим шўйла,
Шарм этарман, нечук эла борайин?

Маматхон:

Дўст бўлан шод бўлур, душманлар оғлар,
Ҳасрат чекиб, юрак-бағрини доғлар,
Эгасиз қолгандур кўшку чорбоғлар,
Боғбон ўлгин бориб эла, Саёдим.

Саёдхон:

Йироқ тушдим элдин эла улашиб,
Тақдир-қисмат аъмолима дўлашиб,
Элдин ҳижл чексам кўп тила тушиб,
Эмди дўниб начук эла борайин?

Маматхон:

Ғариб онанг йўлға боқиб беқарор,
Қавму қардошларинг санга интизор,
Сан бормасанг, менинг бошқа кимим бор?
Кўргин, боқиб, соғдин-сўла, Саёдим.

Саёдхон:

Жоҳилликдин юрдим кўнгул шодима,
Отам-онам ҳеч тушмади ёдима,
Эл таънаси нечук бўлур одима,
Қиблагоҳим, нечук эла борайин?

Маматхон:

Сансиз ман найлайин молу дунёни,
Беармон гашт этдинг фоний жаҳонни,
Соқол эрмас, болам, эрлик нишони,
Эрлик-ҳиммат, ғайрат бўлур, Саёдим.

Саёдхон:

Рўйсиёман сизга, манда кўп хато,
Гуноҳим кечиргай улуғ подишоҳ,

Хоки пойинг кўзларимға тўтиё,
Жоним отам, нечук эла борайин?

Маматхон:

Маматхон подшоҳ дер, бағрим пораси,
Айрилиқ дардини сансан чораси,
Сан бўлмасанг тожу тахтим эгаси,
Билмам кимлар эга бўлар, Саёдим.

Саёдхон:

Саёдхон дер, аввал худо ҳурмати,
Ғариб онам ҳақи, отам ҳурмати,
Ор-номусим ташлаб борсам, борайин.

Алғараз, бу сўзни тамом қилдилар. Эрса Саёдхон:

--Эй ота, ман ўзим якка ўзим эрмасман,-деди.

Анда Мамат подшо айди:

--Эй Саёдхон, худонинг тақдирини бузмоқ, банданинг қўлиндин келурми? Ҳамроҳларинг ҳам менинг фарзандим бўлса керак,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Андоғ бўлса сиз қайтинг, ҳар кимнинг ўзина лойиқ оти, обрўйи бор. Сиз қайтиб бориб Маматсўйин сардорни ияринг, ман ҳам ўзима лойиқ ёр-дўстим бирлан борурман. Ман бу вақт асир бўлғондек, қўшиннинг ичинда кетмасман, ўз ихтиёрим бирла борурман,-деди. Бу сўз Маматхон подшоҳга маъқул бўлиб:

--Эй Саёдхон, ўз билганингни қил,-деди. Сўнг Маматхон шоҳ бирлан Ҳамро хўшлашиб, бир неча хушомад сўзларни айтиб, Қизилолма шаҳрина кўчиб равона бўлдилар.

Маматхон подшоҳ ҳам бориб, тахтига чиқиб қарор топди. Саёдхон бирлан Ҳамро, Салбиниёз-уччовлари тилло кўшкларига қайтдилар.

Алғараз, андин сўнг кеча-кундуз тўй-томоша қилиб, халққа улуғ маърака тутиб, соз-суҳбат бирла айшу-ишратға машғул бўлиб ўтирдилар.

Алғараз, Маматхон подшоҳ ҳам тахтинда қарор топиб, Маматсўйин сардорни Озарбайжон вилоятина узатиб юборди. сардор бир неча манзилларни тай қилиб, Саёдхонни чорбоғина бориб Саёдхонни, Ҳамрожонни ва Салбиниёзжонни авлоди ва аҳллари бирлан олиб Қизилолма шаҳрина равона бўлдилар. Бир неча кунлар йўл юриб, манзил баманзил, кўч бакўч тай қилиб, Қизилолма шаҳрина дохил бўлдилар.

Эрса, Маматхон подшоҳга севинчига келиб: «Саёдхон Ҳамро бирлан келадур»,-деб хабар бердилар. Эрса Маматхоншоҳ сўйинчилаб келганга кўп инъом қилди. Сўнг Саёдхоннинг олдина занон-мардон, қиз ва жувон, улуғ ва кичик пешвоз чиқиб, юз минг соҳиби салтанат бирлан ўз давлатхонасина келтириб туширдилар. Сўнгра Маматхон подшоҳ ул Саёдхонни, Ҳамрони, сўнгра Салбиниёзни қучоғина қисиб, ҳол-аҳволларини сўради. Саёдхоннинг онаси ҳам Саёдхоннинг ўнгидан чиқиб, бағрина босиб, беҳуш боз ҳушига келиб, пешонасидан ўпишиб, ҳол аҳвол сўрашиб, Маматхон подшоҳ бирлан Қизилолма шаҳаринда етти кеча-ю кундуз халойиққа тўй-томоша бериб, шодмонлиқ қилдилар.

Андин сўнг, Маматхон подшоҳ Ҳамроға бег-беги амалини бериб, мулкининг ярмини инъом этди. Эрса Саёдхон ҳам ота-онасина ва қирқ канизина яна сон қовушиб чорбоғда, тилло кўшкининг устинда Саёдхон, Ҳамрожон, Салбиниёзжон –уччовлари айшу-ишратга машғул бўлиб, мурод ва мақсадина етиб қарор топдилар ва орзу дилларина етдилар.

ҲУРИЛИҚО ВА ҲАМРО

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достон чин ривоят қилибдурларким, Миср вилоятида бир подшо бор эрди. Онинг отини Хисрав дер эрдилар. Ничча йил подшолиғ қилди, андин ўғил бўлмади. Алқисса кунлардин бир кун Хисрав шоҳ ўзига андеша қилдиким, ман ким учун подшолиғ қилурман, ўзим ўлсам тахтимга ким ўлтирур деб. Аммо подшонинг ҳеч фарзанди йўқ эрди. Айдиким, ўзимга ўзим зулм қилдим, деб тахтдин ўзини ташлаб, қирқ кеча-кундуз фуқароларга кўриниш бермай, ичкарига кириб кетди. Қирқ кундин сўнг фуқаролар йиғилиб келдилар. Айдиларким, эй подшоҳим, нега тахт устига чиқмассиз, деди. Анда подшонинг бир вазири бор эрди, анинг отини Қосим дер эрдилар. Ул вазир подшоға кўп панду насиҳатлар қилиб, подшонинг фарзанди йўқлигидин тасалли бериб, шоядки, шодмон бўлғаймиз, деб ул Қосим вазири бул ғазални ўқиди:

Эй султоним бу дунёдин,
Кимлар ўтмади ўғилсиз.
Бир худонинг севар дўсти,
Расул ҳам ўтди ўғилсиз.

Бир неча ўтган подшолар,
Оллоҳ деган қаландарлар,
Бир неча ўтган инсонлар,
Алар ҳам ўтди ўғилсиз.

Одам ҳеч бўлди бош билан,
Юзини ювди ёш билан,
Қобил ўлтирди тош билан,
Ҳобил ҳам ўтди ўғилсиз.

Қўлинда уч нажжор ўлди,
Мусо келиб дучор ўлди,
Кўрар кўзи кўрмас бўлди,
Шиис ҳам ўтди ўғилсиз.

Олти ойлик шикор чиққан,
Беша юриб шерни сурган,
Ўн саккиз минг олам сўрган,
Сулаймон ўтди ўғилсиз.

Ўғилсизлар чекар заҳмат,
Қизлиқ уйга ёғар раҳмат,
Худонинг дўсти Муҳаммад,
Алар ҳам ўтди ўғилсиз.

Қаландарлар кияр жанда,

Ҳув деган оллоға банда,
Чоҳ ичинда шоҳизинда,
Алар ҳам ўтди ўғилсиз.

Муножот боғига чиққан,
Умматларнинг журмин ёпқон,
Пайғамбар ҳирқасин кийган,
Ваис хам ўтди ўғилсиз.

Қосим дер ҳаққа бандасан,
Алар ўтган динидасан,
Имонинг бўлса зиндасан,
Сан ҳам ўтарсан ўғилсиз.

Ал қисса андин сўнг, умаро ва фуқаролар подшоға айдилар: эй подшоҳим катхудо бўлдингиз, шояд худо раҳм қилиб, фарзанд бергай дедилар. Подшо буларнинг сўзини қабул қилиб, қирқ қиз олди, ҳеч фарзанд бўлмади. Манго қисмат мундоғ бўлди деб барча заифаларига рухсат берди. Андин сўнг подшо айдиким, авлиёларга бориб, мадади истиноат тилайин деб, қирқ авлиёни тунади, ногоҳ хўжаи Хизр алайҳиссалом учрадилар, айдилар, бўтам, йўл бўлсин, дедилар. Анда подшо ҳазрати Хизр алайҳиссаломга қараб бу сўзни айтди:

Ёзиқ кунлар тушди манинг бошима,
Худоға бир назар сол деб йиғларман,
Агар манинг фарёдима етмасанг,
Барган омонатинг ол деб йиғлайман.

Энди манинг тириклигим гумона,
На манда фарзанду ному нишона,
Бозоргонман кўзим тўлди гумона,
Манга бир фарзандни бер деб йиғларман.

Булбул эрдим хазон урди боғимни,
Кимга дерман сийнамдаги доғимни,
Чархи фалак ёқди юрак ёғимни,
Манго бир очилган гул деб йиғлайман.

*Фироқинг ўтиға кунда ёнаман,
Чархи фалак айди юз минг донаман,
Паримдан айрилган ғариб сўнаман,
Манго бир очилган гул деб йиғларман.

Хисрав айтар, кўнглим оҳ билан кечар,
Ажал келиб бир кун тўнимни бичар,

Ўзим ўлган куним чироғим ўчар,
Манго бир чироғчи бер деб йиғларман.

Алқисса андин сўнг Хизр алайҳиссалом айдилар: ул кўринган Шоҳимардон қабрларидур, анда бориб тилагингни тилаб кўр, деб, рухсат бердилар. Андин сўнг подшо ҳазрати Шоҳимардоннинг қабрлариға бориб, зор-зор йиғлаб бир сўз дегани:

Тангрининг дўстидир Аҳмаду Мухтор,
Сан анинг ноиби бўлғон Алисан.
Ҳийла билан олдинг шаҳри Ҳайбарни,
Кофирларни дина солган Алисан.

Ўлурсан соқий сен маҳшар кунида,
Яшил туғ қўлингда сўли ёнида,
Олтинчи кўк узра меърож тунида,
Расулнинг юзигин олган Алисан.

Мўминни уғротдинг ислом ганжина,
Кофир қолди қиёматнинг ранжина,
Пайғамбара қўйған шири банжина,
Бисмилло деб қўлинг солган Алисан.

Дин учун бошингни солдинг савдоға,
Кофир эли бирлан қолдинг ғавғоға,
Расул эрди ул кунбади ҳазроға,
Чилтанларнинг ёри бўлғон Алисан,

Ғариб Хисрав ўқир васфинг дилида,
Бир зоти шарифсан араб элида,
Охир чоғда бир кофирнинг қўлида,
Қисмат худо бирлан ўлган Алисан.

Алқисса анда подшо зор-зор йиғлаб, кўзи уйқуға борди, тушида ҳазрати Шоҳимардонни кўрди, Шоҳимардон подшоға айдилар: эй подшо бугун санинг учун тўқсон бир мартаба вожибул вужудни даргоҳиға бордим, аммо менинг хотиримдин уч ўғил, бир қиз берди, аммо берса ҳам, аларнинг жонини ўн тўрт ёшида олурман, деди. Ондин сўнг подшо сесканиб бошини кўтарди, манго қисмат мундоғ бўлса, эмди дунёдин кечдим, деб бир сўз деганди:

Телба кўнглим, бу тушима қувонма,
Поёнсиз фарзанддин эътибор ўлмас.
Кетгил бошинг олиб, юртға қувонма,
Бу дунё ҳеч кимга вафодор ўлмас.

На ишинг бор қасд этарсан бу жона,
Ё манда фарзанддин ному нишона,
Бозиргонман кўзим тўлди тумона,
Поёнсиз фарзанддин эътибор ўлмас.

Вафосиз фарзандни олиб нетайин,
Хону моним барчасидин кечайин,
Ўлгунча тангрима қуллуқ этайин,
Ҳаққа қуллуқ этган номус ор эмас.

Кўнглим танимайдур бе ёдигорин,
Бориб тарқатайин Мисрнинг шаҳрин,
Ўтларға солайин дунёнинг борин,
Энди менга ўзга рўзғор кўринмас.

Мушкул эрур тангрим давлат бермаса,
Берган фарзанд қаригунча турмаса,
Бу Хисрав ўлса гар ҳеч ким кўммаса,
Бундин ортиқ ҳеч ким шармисор ўлмас.

Алқисса подшо уйига келди, икки заифаси бор эрди, олдиға чиқди. Подшо айди: эй заифаларим, ман каъбатуллоға борурман, деди. Сизларга рухсат бергали келдим деб бир сўз айди:

Ман кетарман Маккага,
Сизлар манга ёр ўлмангиз.
Бул манинг касофатимга,
Сизлар гирифтор ўлмангиз.

Бу Хисрав аввал бой бўлиб,
Қарриғанда гадой бўлиб,
Ҳоло мунда бажой бўлиб,
Сиз манга шармисор ўлмангиз.

Қувон деб дунё чоғина,
Кирмангиз хазон боғина,
Мандек фарзанднинг доғина,
Сизлар гирифтор ўлмангиз.

Энди сизлар мандин кечиб,
Кетай бошқа юртга қочиб,
Фарзанд чироғин ўчириб,
Сиз мандек ночор ўлмангиз.

Топилмас дунё матлаби,

Манго туғибдур кавкаби,
Бахти қаро Хисрав каби,
Сизлар ҳам бемор ўлмангиз.

Алқисса заифалар айди: Сиз наерда бўлсангиз, бизлар ҳам ўшал ерда бўлурмиз, деди. Андин сўнг подшо хўп бўлур, деди. Алқисса ул кеча подшо ташқариға чиқиб, истибро қилди, кесак топмай олдини бир жомга суртиб туриб эрди, чаён чақди.

Подшо кўп бетоқат бўлиб, ҳакимларни йиғдирди, ҳакимлар айди: то катхудочилик қилмагунча яхши бўлмас, дедилар. Эрса подшо зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, тақдирға чора йўқдур деб, бу сўзларни айтғани турур:

Кўнгил кечмас бу дунёнинг завқина,
Ҳакимлар сўзина амал бўлмаса.
Рози эрдим тангри олса жонимни,
Манго бошдин ўзга касал бўлмаса.

Бизга берган ҳазрат Али улушдур,
Тушадур ёдима яхши тушдур,
Ҳакимлар айтадир, на ёмон ишдур,
Тангрим тақдирина бадтар ўлмаса.

Эътимод бўлмади ки манда бир дам,
Ҳам тақдир бўлди аввал бошда одам,
На ҳад бордир заҳар солса ул каж дам,
Бизга тақдир рўзи азал бўлмаса.

Бошдин ғарибликдур манинг қисматим,
Жонға офат тушди, йўқдур тоқатим,
Кўнгилда йуқ ўзга манинг ниятим,
Магар андин жонға зарар бўлмаса.

Хисрав айтур, бузди манинг шаънимни,
Ўтға ёқди гавҳаримни, конимни,
Ман розиман тангрим олса жонимни,
Бир замон дунёда ҳийла бўлмаса.

Алқисса подшо ҳакимларнинг сўзини қабул қилиб, хотинлари бирла суҳбат қилдилар, улуғ заифаларидин икки ўғил бўлиб, кичик заифасидин бир ўғил, бир қиз бўлди. Яна подшо айдики, эй кўнглим, бу фарзандлар учун хушвақт бўлма деб бир сўз айтғани:

Санго мундин ўғил бўлмас,
Қувонма кўнглим, қувонма.
Гули раънодин гул бўлмас,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Келиб-кетар давлат учун,
Қувонма кўнглим, қувонма,
Бу беш кунлик умринг учун,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Ўзинг кулганингга аёндур,
Фойда йўқ санго зиёндур,
Ҳар на кўрганинг аёндир,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Санго меҳнат қуруқ равот,
Топилмассан охир мурод,
Санго меҳнат зиёдароқ,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Хисрав айтур, бу фарзанда,
Ғойибона бўлма банда,
Сабо бўлурсан шарманда,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Алқисса подшо шикордан қайтиб келди. Ўғлонлариға қирқ кеча-кундуз тўй-томоша қилди, ва яна олам фуқаро, умаро ва ҳукамоларни чақириб, ўғлонлариға от қўйдирдилар. Улуғ заифа туғгон ўғилнинг бирини Феруз, бирини Хуршид қўйдилар. Кичик заифасидин бўлгон ўғилнинг отини Ҳамро қўйдилар ва қизининг отини Гулжамила қўйдилар. Андин сўнг етти ёшга киргунча ўқидилар. Ўн тўрт ёшга кирдилар. Эрса подшо ғамгин бўлди. Тобутларини фикрини қилайин деб. Бу ерда ўлгунча бир юртға бориб ўлгани яхшироқ деб, Қосим вазирни чақириб, ўғлонларини қўшиб, ҳаммасига ўн минг тева берди, ҳар тевага ғалла юклаб берди. Яна Ҳамроға саксон икки гавҳар берди. Ул гавҳари шамчироқ эрди. Буларни узатиб, подшо қўлиға тилло созини олиб, ўғлонлариға бир сўз айтғони:

Кетар бўлсанг чини Мочин юртига,
Ваҳший муродимни санго топширдим.
Яқин келди бизга деган муддати,
Ман найлайин поёни йўқ давлати,
Кўзимнинг равшани, белим қуввати,
Кўнглим оромини санго топширдим.

Ниҳол экиб муродима етмадим,
Сийнам очиб соёсинда ётмадим,
Тўй-томоша қилиб даврон сурмадим,
Гулу-гулзоримни санго топширдим.

Вафосиз фарзандни тангрим бермасин,

Йироғ кетсин бу ерларда турмасин,
Олиб боринг ани кўзим кўрмасин,
Бемурод гулимни санго топширдим.

Ошиқ Қосим сенсан манинг ҳабибим,
Хисрав айтар, тангри берган насибим,
Ёзуқ дарда тушдим йўқдир табибим,
Қўзи-қўчқоримни санго топширдим.

Алқисса андин сўнг подшо ўғлонларини узатиб қайтдилар. Улар бир неча кун йўл юриб Чин Мочинга етдилар. Кўрдиларки, шаҳар кўп оч эркан, Ҳамронинг раҳми келиб, оғайниларига айди: эй оғайнилар бир савоб иш қилайлик. Оғалари айди: биз савдоға келибдурмиз ғалламизни зар бирла баробар берурмиз. Анда Ҳамро айди: эй оғаларим, сизлар ғаллаларингизни манго сотинглар, ман бу халққа берайин, деди. Алқисса оғалари тевадаги ғаллаларини икки гавҳарга сотдилар. Ҳамро уларни олиб бу халққа берди. Андин сўнг Ҳамро айдиким, эй ёронлар, ҳар ким манинг бирлан кетса озуқини берурман, сувсаса сув берурман, деди. Эрса минг уйлик эргашди. Алар Ҳамро бирлан бўлиб чўли биёбонға келдилар, бир жойга тушдилар. Бир чоҳ бор эрди, бориб Ҳамро таҳорат қилиб турур эрди, бир балои ногоҳон пайдо бўлди. Бир кўзи манглайида, бир кўзи пешонасида, келиб Ҳамронинг қўлидин тутди. Айди: эй йигит, санда менинг омонатим бордур, бергил, деди. Ҳамро айди: нима омонатинг бор, айтғил, деди. Ул нимарса айди: санда жон омонатим бордур, бергил деди. Ҳамро айди: эй Азроил, андоғ бўлса бир замон сабр қил токи, ман бу халойиқлар бирла розилик тилай, деди. Андин кейин жонимни ол, деди. Анда Ҳамро айдики, эй халойиқ, билинглар ва огоҳ бўлинглар, ман дорил фанодин дорил бақоға рихлат қилурман деди. Бу сўзни халойиқлар эшитиб фарёд уриб ўринларидин кўпдилар. Айдиларким, аё бори худоё, Ҳамронинг ўрниға бизнинг жонимизни ол, деб йиғладилар. Анда худои таоло буларнинг дуосини ижобат қилиб Ҳамронинг жонини бағишлади ва анинг туфайлидин ҳам икки оғасини ҳам бағишлади ва синглисини ҳам жонини бағишлади. Андин хушвақт бўлиб орқаларига қайтдилар. Шу вақтда Қосим вазир айди: эй Ҳамро, отангизга суюнчиға ўзим борай, деди. Андин сўнг вазир йўлға равона бўлдилар. Бир неча манзил йўл юриб Мисрга етиб келди. Подшо Хисравға бу хушхабарни аввалдин охирини бир-бир баён қилиб, бу ғазални айтғани:

Эй Султоним арзим эшит, жон бирлан жононинг келди,
Чини Мочин шаҳрина кетган хатарлик карвонинг келди.

Боғингга қўнди булбулинг, очилди ҳам ғунча гулинг,
Эгам қайтарди чироғинг орзуи армонинг келди.

Ҳеч қолмади сийна доғинг, очилди мочин булоғинг,
Тангрим ҳал этди мушкулинг, туганмас давронинг келди.

Сўз борди санго қиёси, душманлар ғамни уяси,
Тожи тахтингни эгаси, карамлик султонинг келди.

Қосим дер, қулинг отина, қулоқ сол хабар бодина,
Ҳақ еткурди муродина, кетган ўғлонларинг келди.

Алқисса бу сўзни подшо эшитиб, вақтлари хуш бўлиб, худои таолога шукри бисёр қилғони:

Шукр этайин қолғониға рўзғорим баҳор ўлди,
Хазон урган шабу боғим қайта бошдин гулзор ўлди.
Очинглар ғазна эшигин, битинг дарёлиғ дафтарин,
Кўрдим ўғилларнинг борин, рақиб юзи қаро ўлди.

Етди кўнглимни муроди, яна келди кўнгил шоди,
Очилиб ғамнинг савоби, нима моҳи тобон келди,
Хисрав айтар, кўнглим хуши, келди-кетди ғамнинг қиши,
Қўнди бугун давлат қуши, бағрим ўзи баҳор ўлди.

Алқисса подшо ўғлонларини кўриб шодмон бўлди. Яна подшо бир кечаси туш кўрдиким, бир боғнинг ичига кирди, сайр қилиб юрур эрди, ногоҳ бир жойға кўзи тушди, кўрдики, бир булбул турибдур. Ажаб хуш овоз, ажаб хуш либос, бир тилло қафасда сайраб турибдур. Подшо баякбора кўриб ошиқ бўлди. Еридин сапчиб турди. Ажаб девона бўлди. Қирқ кеча-кундуз уйидин чиқмади. Вазирлар, умарою фуқаролар йиғилиб, подшонинг олдиға келдилар. Айдилар: эй подшо, агар сиз тахтға чиқмасангиз, бу вилоятда кўп фитналар бўлур, дедилар. Анда менинг арзи ҳолимни эшитинглар деб зор-зор йиғлағани бу турур:

Боғда ногоҳ кўрдим кеча ўзимни,
Ақл бу бошимдин барбод айлади.
Қафас ичра кўрдим булбул мунаққаш,
Ободон кўнглимни ношод айлади.

Жам бўлибон анда бир неча қизлар,
Ҳар бири тўтининг сўзини сўзлар,
Эшитинг арзимни соҳиб тамизлар,
Жоду кўзин манго жаллод айлади.

Қафас ичра кўрдим булбул мунаққаш,
Ободон кўнглимни ношод айлади.

Сесканиб уйғониб бўлдим девона,
Ишқ ўтидин офат тушди бу жона,
Бу ишлар одама бўлди баҳона,
Бу қисматни бизга устод айлади.

Хисрав айтар: кўнглим оҳ ила зорим,

Кўрдим, тарк айладим номусу орим,
Кўрмагунча бўлмас сабру қарорим,
Гўё ошиқликдин фарёд айлади.

Алқисса андин сўнг подшо зор йиғлаб айди, эй ёронлар сизлар манинг бу ишимни бир маслаҳат қилмасангизлар бўлмас, деди. Вазир айди: барча халойиқни йиғинг, деди. Хабар бердилар, жами халойиқ йиғилиб келдилар, яна подшонинг аҳволидан хабар олиб, мужассам бўлдилар. Андин сўнг мунажжимлар китоб очдилар ва қуръандозлар қуръа солдилар, айдилар, эй подшои олам, таъбири бу турурким, булбулигўё деган бир жонивор бор турур бисёр мунаққаш ва хушгўё бўлур, яна подшо айди: ул боғ қайда эрур, мунажжимлар айдилар маълуми йўқдур, одам ўғлиға муяссар бўлмоғи мушкулдур, дедилар. Охир подшо айди: ҳар ким муяссар қилса, бўйи баробар олтин берурман, яна озуқиға бир ҳужра зар берурман, деди. Эрса ҳеч овоз чиқмади, подшонинг икки ўғли хизматида туриб эрди, айдиким, эй подшои олам, бу хизматни биз қилурмиз, дедилар ва яна фарзанд бўлиб, сизга муносиб иш қилмадик деб, худодин меҳрибонлик бўлса, келтирали дедилар ва яна подшо хушвақт бўлиб, бир ҳужра зар берди, буларни узатиб солди. Анда Ҳамро мактабда эрди. Оғаларининг кетганини билиб, отасининг хизматиға қўл қовуштириб турди. Эй ота, оғаларимни булбули гўёни келтирмакка юборибсиз, аларнинг орқасидин кетарман, деди. Эрса подшо айди: эй фарзанд, сани юбормасман, деди. Ҳамроға бу сўз қаттиқ тегди. Айдики, эй ота, мани олардин кам кўрдингизми, деди. Анда подшо ҳарчанд тавалло қилди, бўлмади, подшо зор-зор йиғлаб сўз айди:

Оғаларинг санинг учун юбордим,
Сан ҳам турғил жону жаҳон Ҳамроҳим.
Булбулдин зиёда бўлди бу дардим,
Мани қўйдинг ёзиқ куна Ҳамроҳим.

На мушкулдир манинг пандим олмасанг,
Қон йиғлатиб қол деганда қолмасанг,
Мундин кечиб уч ойина келмасанг,
Чулғанурман капин тўна Ҳамроҳим.

Аввал куйдим ўн тўртина кирди деб,
Ўғлонларим паймонаси тўлди деб,
Қувондим ман яна ўлмай қолди деб,
Жудо тушар бўлдим яна Ҳамроҳим.

Кошки ман кўрмагай эрдим бу тушни,
Эшитмаса эрди мандин ҳеч киши,
Чунки, бугун чекар бўлдим ҳоҳиши,
Жафо тиғин чекдим яна Ҳамроҳим.

Хисрав айтур, кима тахмин берайин,
Сан борингда беш кун даврон сурайин,

Ўлгунча меҳмонман юзинг кўрайин,
Насиҳатим будур санго Ҳамроҳим.

Алқисса андин сўнг Ҳамро оғаларининг орқасидин етди, кўрдики, оғалари бир чашманинг бўйида ўлтирибдур. Ҳамро оғаларининг қошиға ўтирди. Айдилар: сен ҳам келдингми, ори келдим, деди. Аммо йўл бу ерда уч айрилиб эрди. Ҳамро айди: оғалар маслаҳат қилинг деди. Уч чашманинг бошида бир тош бор эрди, ул тошда хат битикликдурким, ҳар киши ўнг йўлға борса сиҳат келтиргай, агар ўрта йўлға борса келгай ё келмагай, агар чап йўлға борса асло келмагай, дебдур. Ҳамро айди: эй оғалар маслаҳат улдирким, келадурғона улуғ оға сиз боринг, ўрта йўлға кичик оға сиз боринг, борса келмас йўлға мен борай, деди. Ҳамро сўзини қабул қилдилар. Алқисса андин кейин Ҳамро ничча кун йўл юрди. Ногоҳ бир гумбаз кўринди. Ул гумбаз Шоҳимардоннинг қабрлари эрди. Ҳамро ул гумбазга борди. Эрса чилтанни кўрди. Айдилар: Ё Шоҳимардон, бу ерда ётғон йигит нима учун келибдур дедилар. Бу йигитнинг аҳволидин хабар олмайсиз, дедилар. Шоҳимардон айдилар:Сиз билинг эрам боғида, Шаъбон ибн Шоҳруҳнинг қизи Ҳурлиқони худои таоло шу йигитга қисмат қилғондур, дедилар. Чилтанлар айдилар: бу йигит сизнинг жавобингизни, олмоқ учун келибдур, унинг маъшуқини олиб келиб, мусулмончилик бирлан қўшсак дедилар. Анда киши юборинг дедилар.
Алқисса Шоҳимардон киши юбордилар. Ҳурлиқони олиб келтирдилар. Иккисини бир ерда қўйдилар. Умар ибн Хаттоб Раъзи Оллоҳи Анҳу никоҳ қилдилар. Ҳазрати Вайсил Қарний вакил бўлдилар. Андин кейин Ҳамро билан Ҳурлиқо бир-бирларини қўлларини бўйниға солиб Ҳурлиқо деди: Отамнинг оти Шаъбон ибн Шоҳруҳдир.
Жойимиз боғи Эрамдир, деди. Қиз айди: Эй йигит сизнинг отингиз нимадир, йигит айди отим Ҳамро, отамнинг отини подшо Хисрав дерлар, юртимиз Миср вилоятидур. Яна Ҳамро айди: Боғи Эрам қайдадур, неча кунлик йўлдир, Ҳурлиқо айди: Боғи Эрам қайдадур, неча кунлик йўлдир, Ҳурлиқо айди: бу ердин, беш юз йиллик йўлдир, деди. Манзилим чўли Муғондир, агар ихтиёр қилсанг қирқ кунда борурсан, деди. Шул вақт тушида бир-бирини маконини сўраб қолайин, деб саволи жавоб қилғонлари:

-Сани кўргач кетди ақлу хаёлим,
Қайда бўлур дўстим санинг маконинг.
Паризодим қадди сарви ниҳолим,
Қайда бўлур ёрим санинг маконинг.

-Мани сўрсанг Шоҳруҳ шоҳнинг қизиман,
Ман айтайин эмди санго сўзимни,
Асли зотим паризоднинг қизиман,
Шунда бўлур дўстим манинг маконим.

-Сани кўрганларнинг ақли лол бўлур,
Топилмас ким, иши қилу қол бўлур,
Орамизда неча кунлик йўл бўлур,

Қайда бўлур дўстим санинг маконинг.

-Ошиқ бўлсанг куйиб-ёниб ўтарсан,
Сабр қилсанг дўст илкидин тутарсан,
Юраверсанг беш юз йилда етарсан,
Беш юз йиллик йўлдир манинг маконим.

Аввал бошда тангрим олмади жоним,
Отам панди насиҳатин олмадим,
Қол деганда қонлар ютиб қолмадим,
Беш юз йиллик бўлса санинг маконинг.

-Мани – Сани ёр уғратди бу дарда,
Сирингни билдирма асло номарда,
Бир гузар маконим чўли муғонда,
Қирқ кунлик йўлдир манинг маконим.

-Отим Ҳамро Хисрав шоҳнинг ўғлиман,
Санинг учун синалари доғлиман,
То ўлгунча иқрора боғлиман,
Қирқ кунлик йўл бўлса санинг маконинг.

-Бизнинг ерда бордир олтин-кумушлар,
Сизни ошиқ, бизни маъшуқ демишлар,
Ман париман, манда макон на ишлар,
Ҳар ерда ҳозирдир манинг маконим.

Алқисса бир-бирлари бирла айшу ишрат қилиб, бўсалар олиб хушвақт бўлдилар. Андин сўнг Ҳурлиқо айдиким, эй Ҳамро айши ишрат қилғонимиз ўнгимизми ё тушимизми? Анда Ҳамро айтадики, ўнгимиз Ҳурлиқо уч марта айтди тушимиз деб, Ҳамро инонмади. Ҳурлиқо айди, андоғ бўлса эй, Ҳамро ўрнимиздан туриб бир-биримизни қувлағали, деди, турайлик деб дарҳол ўрнидан туриб эрди, шул замон Ҳамро сесканиб уйғонди. Ёрдин асар топмади, девона бўлиб, маъшуқини дардини Ҳамро зор-зор йиғлаб бу сўзни айтди:

Қодир олло мани солдинг бу дарда,
Ман найлайин ёра баён бўлмаса.
Керак бу мулкимдин келган китоблар,
Манинг бу бахтима гарон бўлмаса.

-Бу чўлларда ким бўларман шарманда,
Боролмаса чўлу Муғон бўлмаса,
Кетар бўлсам бориб келмас йўлина,
Бир йўл борур аҳзари манзилина.

Ақлим шошиб кездим чўлу муғона,

Эмди манго номуси ор бўлмаса,
Аҳмад устод ул гулюзли ёрдин,
Кўнглимни учирди сабру қарордин,
Ахтарурман бу дунёнинг ман борин,
Ранж олғум чўли Муғон бўлмаса.

Алқисса борса келмас йўлиға кириб борур эрди, ногоҳ қирқ кун бўлди йўл юриб ёрдин хабар топмай шул турғонлардин бир жавоб сўрайин деб бир сўз айтди:

Худо бизни яратди,ўзга исён ичинда,
Ўзим ғурбатда қолдим,юрагим қон ичинда,
Жавоб этса кезарман,бу чўлистон ичинда,
Барча кезар ишратда,ман ғамистон ичинда,
Ман ёрни кўрмай ўлсам,балки армон ичинда.

Бу юракни дардини,ҳеч бўлурму давоси,
Ҳар кимки ошиқ ўлса, ўлмоқ анинг давоси,
Маҳшар кунида ҳақдур, ошиқларнинг гувоси,
Ман ёримни куйида,бўлдим анинг гадоси,
Фарҳод каби бўлибман, бу ғамистон ичинда.

Соқий ажал етишгач, қилма оввора мани,
Мансур каби чек энди, кўнглимда дора мани,
Ибролҳимдек ташлағил,ўтға ул нора мани,
Исмоилдек қурбон қил, куйинда чора мани,
Зулайҳодек, Юсуфдек,қолдим зиндон ичинда.

Осмондаги бўзтўрғай,сайрамасанг на бўлғай,
Ғариб бўлғон жонимни,қийнамасанг на бўлғай,
Гўзал ёрдин билурсан,хабар берсанг на бўлғай,
Сўзламакка тилинг йўқ,бирга юрсанг на бўлғай,
Ман йўлимда адашдим,бу чўлистон ичинда.

Бир нечани кўрибман, сафо бирла суҳбатда,
Бир нечани кўрибман, айш бирла ишратда,
Бир нечани кўрибман,адо бўлмас давлатда,
Бир нечани кўрибман,қайғу бирла ҳасратда,
Манки толеи мискин,чўли муғон ичинда.

Ҳижрон ўтға туташдим, куяр бўлди юрагим,
Нечук бўйнингга солмай, кўрсам таки билагим,
Ҳурлиқо юзига,солсам эмди тилагим,
Жаббор эгам бергайсан,эмди менинг тилагим,
Сан ёрни кўрсатмасанг, балки армон ичинда.

Алқисса Ҳамро йўлда борур эрди. Ногоҳ шамол келди, Ҳамро шамолдин Ҳурлиқоға нома юборди:

Боди сабо саломимни, Ҳурлиқо ёрга еткур,
Бу манинг арзи ҳолимни,кўзлари мастонга еткур.

Ёр бизни айлади хаста,булбулим эрди қафасда,
На бўлмай сўради бизда,арзимни жононга еткур.

Мани уғротдинг бу дарда,ман бўлайин санго банда,
Лаби шакар оғзи қанда, пистаи хандона еткур.

Ҳамро айтур, одами,мани бу арзи ҳолими,
Шому саҳар фарёдими, ул қошу камона еткур.

Алқисса саҳар вақтида кўрдиким, Мағриб тарафидин бир офтоб чиқди, Машриқ тарафидин бир офтоб чиқди, Ҳамро ҳайрон бўлди. Айди Машриқ тарафидин ўз кунимиздир, бу нечук ҳодисадур, деди. Алқисса машриқ тарафидаги офтоб юқори чиқди. Мағриб тарафидаги паст бўлиб турди. Ҳамро айди: бу нима воқеа экан, деб Ҳамро ёридин жудо бўлиб, асар топмай ҳайрон бўлиб бир сўз айди:

Еру кўкни халқ айлаган биру бор,
Бир паризод кирди тушима манинг.
Сан Каримсан манда йўқдир ихтиёр,
Ажаб савдо солди, бошима манинг.

Мундин қутилолмас ўзим билурман,
Феълим озиб бу макона борурман,
Бу чўлларда ошу нонсиз ўлурман,
Оғулар қўшилди ошима манинг.

Ёрнинг боғи олмамидур, нормидур,
Манинг ёрим санинг учун зормидур,
Яна эсон омон кўрмоқ бормидур,
Ҳурлиқо кўнгил ҳушима манинг.

Қодир эгам раҳим айлабон еткурса,
Фалак бизни хатаридин ўткурса,
Раҳмон эгам қудрат бирла еткурса,
Оғам-иним кирди тушима манинг.

Алқисса Ҳамро мағриб тарафидаги офтоб сари юраберди, кўрдиким, бир чорбоғ турибдур. Деворлари тиллодин, баландлиги қирқ газ турур. Ўртасида бир кўшк бор турур бўйи 160 газ, тамоми лаъл-зумраддандур. Анинг устида неча қозон, усти ёпуғлиқ, Ҳамронинг қорни оч эрди, қозоннинг қопғоғини кўтарди. Ош тайёр эркан, ош олур бўлди, қопқоғи уриб пешонасини ёрди. Яна кўтарди чўмичи бошини ёрди, охири Ҳамро ночор бўлиб, сайри боғ қилди, андин кейин ҳовузга борди. Ул ҳовуздин Ҳамро сув ичди. Ҳовузнинг атрофидаги гулларнинг орасинда чўзилиб ётди. Эрса бир замондин кейин, бир

бургут келди. Бир ғалтон урди, дев бўлди, яна ғалтон урди, заиф бўлди, яна осмондин бир кабутар келди.

Алар ҳам ғаотон урди. Баъзилари заиф бўлди ва баъзилари заиф-пари, бир тўп кабутар келди, алар ҳам ғалтон урди, ҳар қайси бир қиз бўлди. Бир замондин сўнг қирқ кабутар келди, ғалтон урди қиз бўлди ва яна шоҳ тўти келди. Алар ҳам ғалтон урди, бир пари бўлди, ўн тўрт кечалик ойдек, Ҳамро кўриб ақл-ҳушидин кетди, яна ҳушига келиб, девонавор бўлиб Ҳамро бу ғазални ўқиди:

Қодир олло санъатингдин,
Кўзлар кўринди кўринди.
Анинг шаъми жамолидин,
Жоним тебранди тебранди.

Рухсат бер боға кирайин,
Боғингдин гуллар терайин,
Қадду бўйингни кўрайин,
Саллона юринди-юринди.

Учрадим эмди шоҳимға,
Арзим айтай худойимға,
Оғзимдин чиққан оҳимға,
Тоғлар тебранди-тебранди.

Ошиқман қора кўзингга,
Шакардан ширин сўзингга,
Чулғониб қора зулфингга,
Ҳақдин нур эмди-нур эмди.

Ёр Ҳамро юрагингни,
Бўйнимға сол билагингни,
Барча қулнинг тилагини,
Мавлон бар эмди-бар эмди.

Алқисса Ҳурлиқо айди: қирқ мартаба Мисрга бордим, Ҳамрони кўрмадим, ваъдаси шумикан деб бир сўз деди:

Эй ёронлар мусурмонлар,
Сел бўлдим ёрнинг дардидин.
Ҳажр ўтиға ёна-ёна,
Кул бўлдим ёрнинг дардидин.

Кечаларда фарғат йўқ,
Кундузларда ҳаловат йўқ,
Мундин ортиқ ривоят йўқ,
Куяр бўлдими ёр дардидин.

Фоний оламни қидирдим,

Мисрга қирқ йўла бордим,
Кўрмаган жойларни кўрдим,
Куяр бўлдим ёр дардидин.

Отимиз Ҳурлиқодир,
Фоний дунё бебақодир,
Чекканим жавру жафодир,
Куяр бўлдим ёр дардидин.

Алқисса Ҳурлиқо айди: бу ердин одам иси келадур деб канизакни буюрди, бориб топиб кел, ул канизак топмади. Охири Санам деган бир канизагини буюрди. Топиб олиб келди. Андин кейин Ҳурлиқо Ҳамронинг аҳволидин хабардор бўлиб, қўлиға тилло созини олиб, бу сўзни айди:

Ҳурлиқо: Одамзот ўғли азиз меҳмоним,
Асиринг бўлайин қайдин келурсан.
Тушимдаги ваъда берган жонларим,
Асиринг бўлайин қайдин келурсан.

Ҳамро: Мани сўрсанг элим Миср юртидан,
Санинг учун саргардона келурман,
Қирқ кун бўлди жабри фалак дардидин,
Санинг учун саргардона келурман.

Ҳурлиқо: Киши мунча кеч келурми дўстина,
На йигитсан жон олмоқни қасдина,
Қўйгин қадамларинг дийдам устина,
Асиринг бўлайин қайдин келурсан.

Ҳамро: Умр зоё, юлдуз каби ясолиб,
Ҳасратингдин заъфарондек сароғайиб,
Қирқ кун бўлди бу чўлларни ахтариб,
Санинг учун саргардона келурман.

Ҳурлиқо: Налар қилдим сани оху зоринга,
Сани излаб налар бордим ёнинга,
Жон поёндоз бўлсин ҳоки пойинга,
Асиринг бўлайин қайдин келурсан.

Ҳамро: Чин ошиқман айланурман бошингдин,
Ман ўргилай мисли қалам қошингдин,
Мушк иси келадур ичи тошингдан,
Санинг учун саргардона келурман

Ҳурлиқо: Ҳурлиқо дер, ким кўнгилнинг муҳтожи,
Қирқ канизим олар сендин ҳақ тожи,
Умримнинг хушгоҳи бошимнинг тожи,

Асиринг бўлайин қайдин келурсан.

Алқисса Ҳурлиқо айди: эй Ҳамро сандин бир сўз сўрайин, сан ҳам билурмисан, деди ва ё бехабармисан, деди. Анда Ҳамро айди: ори, билурман, деди. Анда Ҳурлиқо азмойиш учун айди: эй Ҳамро хуш келибсиз, бу паризодларнинг қайсини ҳоҳласангиз, анинг бирла суҳбат қил, деди. Эрса Ҳамронинг кўнгли оғриб, манинг мақсадим, сен деб, бир сўз айғони:

Манинг сўзим будур санго қул бўлсам,
Санинг сўзинг надур, на хаёлдасан?
Алифдек қоматинг, белингдин қучсам,
Санинг сўзинг надур на хаёлдасан?

Ўзингни дўст тутиб келдим ғойбона,
Санинг дардинг бирлан бўлдим девона,
Сўзим санинг бирлан ётсам тўшакда,
Санинг сўзинг надур, на хаёлдасан?

Ғойибона келдим санинг дўст тутиб,
Сан чиқмадинг йўлимга жон ўртатиб,
Манинг сўзим: ётсам санго қувониб,
Санинг сўзинг надур, на хаёлдасан?

Тушимда бир коса ичдим қўлингдин,
Бошим кессанг кетмам сенинг қошингдин,
Манинг сўзим: қучсам сенинг белингдин,
Санинг сўзинг надур, на хаёлдасан?

Алқисса бу сўздин кейин Ҳурлиқо кўрган тушларини бир-бир баён қилғони:

Ҳурлиқо: Саҳар вақти ётғонингда,
Тур, деганлар кимлар эрди?
Тутиб дасти домонингни,
Юр, деганлар кимлар эрди?

На ерга бордилар олиб,
Кимлар йиғилди ўлтириб,
Тахтинг устида ўлтириб,
Коса берган кимлар эрди?

Каноридин тутиб олиб,
Келиб чилтанлар ўлтирди,
Тахт устида ўлтирғизиб,
Никоҳ қилған кимлар эрди?

Сан ҳам кўрдингми бу тушни,
Манам кўрибман бу тушни,
Бўйи узун қора киши,

Вакил бўлғон кимлар эрди?

Ҳамро: Сўрсанг мандин гар бу тушни,
Баён этсам ул дарвиши,
Узун бўйли қора киши,
Вайсул қирон пирлар эрди.

Ҳамро айтур, баён этсам,
Никоҳ қилғон отин айтсам,
Ул Валини аён этсам,
Умар хаттоб пирлар эрди.

Алқисса уч кундан сўнг Ҳурлиқо айди: бугун Ҳамро бизга меҳмон деб қўлиға тилло созини олиб, Ҳурлиқо, зор йиғлаб, бу сўзларни айди:

Бу кеча бўлурсан азиз меҳмоним,
Сура кўр Ҳамроҳим даврон санингдур.
Поёндоз айлайин бу ширин жоним,
Сура кўр Ҳамроҳим даврон санингдур.

Сани дебон кечдим гулузоримдин,
Яна кечдим, кечдим лолазоримдин,
Оқ кўксимда битган қўш аноримдин,
Узакўр Ҳамроҳим даврон сенингдур.

Ошиқ бўлсанг ҳазар этма ўлимдин,
Боғбон бўлсанг тергил тоза гулимдин,
Алифдек қоматим нозик белимдин,
Куча кўр Ҳамроҳим даврон сенингдур.

Эмди билдим бу дунёнинг пандини,
Сўрмайсанми лабларимнинг қандини,
Оқ кўксима тилло дуйма бандимни,
Ечакўр Ҳамроҳим даврон сенингдур.

Ҳурлиқо дер ким келибман ман дода,
Севар ёрим умринг бўлсин зиёда,
Куйлагим зарриндур, иштоним сода,
Ечакўр Ҳамроҳим даврон сенингдур.

Алқисса Ҳурлиқо бирлан қирқ кеча-кундуз айшу ишратда бўлдилар ва яна Ҳамроҳ бир кеча оҳ урди, Ҳурлиқо, айди: эй Ҳамро нима бўлди? Ҳамро айди:

Ота-онам, иним ёдима тушди, андин сўнг Ҳурлиқо айди. Эй Ҳамро санинг мендин ўзга ҳам ёринг борми?: деб эрди. Андин сўнг Ҳамро Ҳурлиқоға бу сўзларни айди:

Ҳурлиқо: Бошингдин ўргилай гулюзли ёрим,

Сан на учун оҳу афғон этарсан?
Сўзинг эшитмайин йўқдур қарорим,
Сан на учун оҳу афғон этарсан?

Ҳамро: Жудо бўлдим энди ватан еримдин,
Яна ман сўзлайин қилу қолимдин.
Бошда ман сўзлайин ўтган ҳолимдин,
Анинг учун оҳу афғон этарман.

Ҳурлиқо: Боғбонсан боғинг ичра аноринг бор,
Анжиринг бор, олма бирла норинг бор,
На йиғларсан мандин ўзга ёринг бор,
Сан на учун оҳу афғон этарсан?

Ҳамро: Булбул учун чиқдим ман бу маҳала,
Бирга туққан қариндошим Жамила,
Уч ой бўлди яна етмам манзила,
Анинг учун оҳу афғон этарман.

Ҳурлиқо: На булбулдур сани излаб чиққанинг,
Айбдур қон йиғлаб манга боққанинг,
Жонинг билан эмди мани қоққанинг,
Сан на учун оҳу афғон этарсан?

Ҳамро: Анинг ҳар бир сўзи мани қошимда,
Ани булбулгўё ҳумо қушинда,
Отам кўрмиш бу булбулни тушинда,
Анинг учун оҳу афғон этарман.

Ҳурлиқо: Ҳурлиқо дер, ким кўнгил муҳтожин,
Биз бир-биримиз қилурмиз иложин,
Илоҳим еткурмиш бошимнинг тожин,
Сан на учун оҳу афғон этарсан?

Ҳамро: Ошиқ Ҳамро дерлар мани отима,
Бир оҳ урсам олам ёнар ўтима,
Қавм қариндошим тушди ёдима,
Анинг учун оҳу афғон этарман

Алқисса Ҳурлиқо айди, эй, ҳаштирук дев, Ҳамрони Сиймин боғиға олиб бор деди. Шул замон Ҳамрони олиб борди. Қафасни кўрди, қўлиға олди. Ногоҳ қафасни эшигини очди булбулигўё Ҳамрони ёт кўриб фарёд урди. Ҳамро беҳуш бўлди. Ногоҳ булбулигўёни овозини Ҳуризаъфарон эшитди. Айди: бориб хабарини олиб келгил, деди, бир пари келиб хабар олди. Бориб айдики, Ҳуризаъфароннинг аччиғи келиб, бир девни буюрди, осмонға олиб чиқиб ерга

ур, деди. Анда дев ҳой-ҳой одамзод деб айди: сени тоғга урайинми ё ҳавоға ташлайинму деб ҳавоға олиб чиқди. Эрса ҳаштируҳ дев кўрдиким, Ҳамрони олиб борадур, анда ҳаштируқ дев боякбор девнинг орқасидан ҳавоға чиқиб, Амуд урди, икки дев урушға машғул бўлди. Ҳамро девнинг қўлидин чиқиб кетди. Ҳавода келур вақтида зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Йўқдин мани бор айлаган биру бор,
Манго бугун мадад берар кунингдур.
Мани бугун зора қўйма интизор,
Манго бугун мадад берар кунингдур.

Барчанинг отаси ул одам Сафи,
Сандин пайдо бўлди сонсиз минг Вали,
Иброҳим, Исмоил, ё Нуҳи Наби,
Манго бугун мадад берар кунингдур.

Ҳақнинг тавротини ўқиган Мусо,
Тўртинчи осмонда ўтирган Исо,
Ошиқларнинг пири Юсуф Зулайҳо,
Бугун манго мадад берар кунингдур.

Қудратинг етгувчи Яздону Субҳон,
Ўзинг раҳм айлагил Воҳиди Раҳмон,
Дев парига подшо бўлған Сулаймон,
Бугун манго мадад берар кунингдур.

Хизр Илёс отинг оламда Вали,
Ғовус бирлан Ғиёс ҳам тўра ҳоли,
Ҳамронинг пиридур Ҳазрати Али,
Бугун манго мадад берар кунингдур.

Алқисса ровийлар айтурларким, Ҳамро муаллақ уриб келаётирғон вақтинда, Ҳурлиқо осмонға қараб кўрдиким, бир нимарса келадур. Аммо ерга тушарга озгина қолибдур. Ҳурлиқо сичраб ҳавода ушлаб олиб қарасаки Ҳамро ёридур. Кўшкига олиб келди, кўрдики беҳуш бўлиб ётибдур. Ҳукамоларни йиғиб, бунинг бир фикрини қилинглар деб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, Ҳурлиқо бу сўзларни айтғони:

Халойиқни табиблари келинглар,
Гўзал ёрға шифо беринг, жонларим.
Қурандозлар қуръа солиб кўринглар,
Шифо беринг, гўзал ёрға жонларим.

Мунажжимлар китоб очиб боқинглар,
Ёр йўлида жоним ўтға ёқинглар,
Устихоним тошлар бирла чопинглар,
Гўзал ёрға шифо беринг жонларим.

Калит беринг ғазинадор қўлина,
Раҳм этмасин бу дунёнинг молина,
Қирқ ҳужрамни бари худо йўлина,
Гўзал ёрга шифо беринг, жонларим.

Ёр йўлинда жоним барбод айлайин,
Йиртиб ёқа доди фарёд айлайин,
Минг қулимни барин озод айлайин,
Шифо беринг гўзал ёрга жонларим.

Ҳамронинг дардидан бағрим порадур,
Ҳурлиқо айтур, бахтим қародур,
Эмди билгил жоним чиқиб борадур,
Гўзал ёрга шифо беринг, жонларим.

Алқисса Ҳурлиқонинг қаҳри келиб, қирқ минг пари бирла Ҳуризаъфароннинг устина бориб, девларни ўлдириб, лашкарларини қирдириб, булбулигўёни олиб келдилар. Андин сўнг Ҳуризаъфарон айди: бир одамзод учун на ишларни қилдингиз, деди. Анда Ҳурлиқо айди: эй, опа онинг қадрини билмассан, деди. Опаси айди: Ман ҳам бир кўрайин деди. Андин сўнг Ҳамрони олиб келдилар. Ҳуризаъфарон Ҳамрони кўрди, ақли ҳушидин кетди. Ишқи сийнасига тегиб, кўнгил сандиғина жой бўлди. Андин сўнг опаси Ҳуризаъфарон синглисига дедиким: манго ёрингизни бир марта беринг, деб бориб, тилло созини қўлиға олиб, Ҳурлиқоға қараб бир сўз айтғони:

Бошингдин ўргилай Ҳурлиқожон,
Гўзал ёринг бир гун барсанг на бўлди?
Тоза гуллар терар боғбон айлабон,
Гўзал ёринг биргун берсанг на бўлди?

Ошиқ ўлур маъшуқининг дардидин,
Умидим бор анжир бирлан норидин,
Кечдим бу дунёнинг кулли боридин,
Гўзал ёринг бир кун берсанг на бўлди?

Бир одам келтирдинг опанг қастина,
Қилич олиб чопсин манинг бошима,
Чиқарсанг ёримни сийнам устина,
Гўзал ёринг бир кун берсанг на бўлди?

Бахтим қаро турур Ҳуризаъфарон,
Фоний дунё бақоси йўқ бепаён,
Бошингдин ўргилай Ҳурлиқожон,
Гўзал ёринг бир кун барсанг на бўлди?

Алқисса Ҳурлиқо айди: эй опа, бу ишинг қабоҳатдур, деди. Опа бирлан уканинг ўртасига никоҳ тушмас, деди. Андин сўнг кўп мунозара қилдилар.

Охируламир қозиға киши қўйдилар. Ҳуризаъфарон айди: Ман илгари бориб қозиға пора бермасам бўлмас, деб қозиға борди, айди: эй қозим, манго йўл топиб беринг, ман сизни дунёдин беҳожат, қиламан деб бир сўз айди:

Бошингдин ўргилай гул юзли қозим,
Қозим манго никоҳ тушар деягўр.
Бир ривоят топиб берсангиз биза,
Қозим манго никоҳ тушар деягўр.

Одамзод элидан биров келибдур,
Манинг ақлим хаёлимни олибдур,
Манинг жоним олиб ўтга солибдур,
Қозим манго никох тушар деягўр.

Қирқ минг от берайин тилло эгарли,
Қирқ минг қул берайин заррин камарли,
Қирқ минг каниз берай семурғ парли,
Қозим манго никох тушар деягўр.

Ман сийминбогини ерин берайин,
Хат кундуз шахрини борин берайин,
Хам ул боғи жаҳон борин берайин,
Қозим манго никоҳ тушар деягўр.

Ҳурзаъфарон дерким ҳарна билганин,
Қабул этсанг қўлинг ҳарна деганин
Дариғ этма кўлдин ҳарна келганин
Қозим манго никоҳ тушар деягўр

Алқисса қози айди: эй Ҳуризаъфарон манго дунё керак эмас манго юзингдин 15 бўса бергил деди. Ҳуризаъфарон қабул қилиб берди. Андин сўнг Ҳуризаъфарон Ҳурликонинг олдиға келди. Ҳурлико кўрдиким опасининг юзида тишнинг доғи турибдур они кўриб қозига борди Қаҳр- ғазаб бирлан Ҳурликонинг бир сўз дегани:

Хабар бергил на ерлардин келурсан,
Қозим манго рост жавобин беракўр.
Ростин дегил аммо йўқса ўларсан,
Қозим манго рост жавобин беракўр.

Хуш тушибсиз, қози бизнинг ороға,
Оқил бўлсанг бўлма мойил порага,
Қонинг дори бўлур оғир яроға,
Қозим манго рост жавобин беракўр.

Эр кишининг ақли бўлса шошарми,
Ақли шошиб ўзи ҳаддин ошарми,
Пораларни олиб ақли тошарми,

Қозим манго рост жавобин беракўр.

Тонгла машҳар бўлур меъзон қурилур,
Гуноҳли бандалар анда лол бўлур,
Бу ўтган кунларинг сендан сўралур,
Қозим манго рост жавобин беракўр.

Ҳурлиқо бўлур тонгла қиёмат,
Бўйнинга қолмасин тонгла маломат,
Ёлғон сўзлаб фосиҳ бўлмоқ на ҳожат
Қозим манго рост жавобин беракўр.

Анда кози айди ман ривоят берганим йук деб онт ичди Бу сўзни Ҳуризаъфарон эшитиб дарғазаб бўлиб қозиға бориб бир сўз айғтони:

Манго ваъдалар бердинг,
Кел жавоб бергил қозим.
Охирда мани нетдинг,
Маслаҳат кўргил қозим.

Билиб қилибсан ишингни,
Топибсан алдар кишингни,
Кесарман охир бошингни,
Имонингни ўгир қозим.

Олиб борай сени дора,
Қилай сани пора-пора,
Чекарман юзингга қора,
Томашалар кўргил қозим.

Ҳуризаъфарон нетсин номинг,
Устингга йикилсин томинг,
Қизинг мандек ошиқ бўлсин
Анда қадрим билгил қозим.

Алқисса Ҳурлиқо онасиға айди эй опа мундоғ ишлар эр кишининг бошиға тушар ишқ мушкул ишдур мунинг айби йўқдур, деб опасиға раъй берди Андин кейин ўз ишратларига машғул бўлдилар Кунлардан бир куни Ҳурлиқо бирлан Ҳамро етиб эрди, ярим кеча Ҳамро оҳ урди. Ҳурлиқо айди нима бўлди? Ҳамро айди эй, раъно, ман отамдин уч ой муҳлат олиб келиб эрдим, энди муҳлат вақти ўтиб борадур, ман отам хизматида шармисор бўлдим, деб йиғлади. Ҳурлиқо айди: андоғ бўлса сизни Миср вилоятиға элтиб қўяй деди. Аммо ҳар вақт бизни йўкласангиз, бир тор сочимни берайин, шул сочни дуд қилсангиз, албатта ҳозир бўлурман, деди. Андин сўнг Ҳурлиқо бирла Ҳамро ваъдалашиб бир-бирлариға бу сўзни айтдилар.

Ҳурлиқо: Мундин кетар бўлсанг Миср юртина,
Ҳамро сени бир оллоға топширдим,
Раъно гулдек очилибон сўлмағил,

Ҳамро сани бир оллоға топширдим.

Ҳамро: Мани кетди дебон маълул бўлмағил,
Кўп йиғлама, паризодим хўш энди.
Раъно гулдек очилибон сўлмағил
Тез келурман, паризодим хўш энди.

Ҳурлиқо: Йиғламай найлайин кўнглим бузилди,
Муҳаббат риштаси энди узилди,
Пешонамда рўзи азал ёзилди,
Ҳамро сани бир оллоға топширдим.

Ҳамро: Мани кетди дебон бўлма саргардон,
Қиё боқишинга жонимдур қурбон,
Беш кун омон бўлса танда ғариб жон,
Тез келурман паризодим хўш энди.

Ҳурлиқо: Кўп тортдим ман жабр бирла жафони,
Кўролмадим завқинг бирла сафонгни,

Сан одамсан бовар этдим вафонгни,
Ҳамро сани бир оллоға топширдим.

Ҳамро: Сандин нозаниндин жудо бўлғунча,
Ўлган яхши сандек ёрдин қолғунча,
Бетоқатлик, бориб қайтиб келгунча,
Тез келурман паризодим хўш энди.

Ҳурлиқо: Келурман деб ақлу-ҳушим олурсан,
Кетарман деб жоним ўтға солурсан,
Ҳола мундин кетиб қачон келурсан,
Ҳамро сени бир оллоға топширдим.

Ҳамро: Сансиз умрим кечар оҳ билан дардда,
Яна қарор топмай танҳо бу дарда,
Ўлмасам келурман энди уч ойда,
Тез келурман паризодим, хўш энди.

Ҳурлиқо: Ҳурлиқо жафо бирла жабрим бор,
Чин ошиқман йўл устинда қабрим бор,
Омон бўлсанг уч ойгача сабрим бор,
Ҳамро сени бир оллоға топширдим.

Ҳамро: Ҳамро айтур бу йўл узоқ бўлмаса,
Ажал етиб шу паймонам тўлмаса,

Жоним чиқиб таним тўзда қолмаса,
Тез келурман паризодим хўш энди.

Алқисса Ҳурлиқо қайтиб жойиға келди ва яна Ҳамро неча кун йул юрди, булбулигўёни олиб, ўшал йўлға келди. Қарасаки, оғаларининг нишонаси йўқ.

Алқисса Ҳамро оғаларини излаб кетди. Булбулигўёни бир тоғнинг камарига беркитиб қўйди. Андин сўнг бир шаҳарга борди. Юрур эрдиким, қараса бир оғаси кулолда ўт ёқадур. Ҳамро таниб олди, андин сўнг сўрадиким, ул оғам қайдадур, ул айди: Совунчида шогирддур. Они топиб олдилар. Алқисса Ҳамро буларга от, тўн олиб берди, бадъзон йўлға кирди. Ўн кунда ўшал йўлға келдилар. Ҳамро булбулигўёни олди. Андин сўнг бир жойға келиб, ётғонларида икки оғаси маслаҳат қилдиларки, Ҳамро бориб айтарки, булбулигўёни ўзим олиб келдим дер ва яна аҳволларимизни айтар. Бири кулолда, бири совунчида шогирд экан деб, бизни шарманда қилур, деди. Алқисса Ҳамро бечорани икки кўзини ўйдилар ва чоҳға ташладилар. Ҳамронинг кўзини булбулигўёга бердилар. Андин сўнг булбулигўёни олиб кетдилар ва яна ҳам Ҳамро чоҳда қолиб арзи ҳолини аларга айтиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бир сўз айтғони:

Мундин кетар бўлсанг золим оғалар,
Ҳарна кўрганингни баён дегайсан.
Ёлғиз ўғлинг жодар қолди чоҳнинг ичинда,
Ўлгани йўқ, эсон-омон дегайсан.

Ёмон савдоларга тушибди бошим,
Кўзим ўйиб чоҳа солди қардошим,
Заҳардир егани, заққумдир оши,
Йўлдоши илону чаён дегайсан.

Анга ҳақдин ўзга қисмат бўлибдур,
Ақл бирлан ҳушин биров олибдур,
Ўзининг оғаси чоҳға солибдур,
Кўнгил ковасини вайрон дегайсан.

Белларига ҳиммат нурин боғлаган,
Фироқ ўти бирла юрак доғлаган,
Кимдур ул деб йўла қараб йиғлаган,
Шоҳ Хисрав отамға салом дегайсан.

Тўққиз ой, тўққиз кун мани кўтарган,
Парво айлаб камолига еткарган,
Саҳарларда манго оқ сутин берган,
Меҳрибон опамға салом дегайсан.

Юрагимдан ҳаргиз кетмас бу доғим,
Вақтиға етмайин сўнди чироғим,
Булбул эрди хазон урди бу боғим,

Гулжамила синглима салом дегайсан.

Ҳажр ўтиға куйди ўғлинг юраги,
Кўзин ўйди йўқдир эмди тилаги,
Охиринда Ҳамрожоннинг тилаги,
Тангридан тилаги имон дегайсан.

Алқисса Ҳамронинг оғалари булбулигўёни отасининг олдиларига олиб бордилар. Анда подшо кўп хушвақт бўлди. Яна айдики: Ҳамрони кўрдингизми? Оғалари айдиким, кўрганимиз йўқ дедилар. Бир неча кундин сўнг подшо айдики, эй булбулигўё, Ҳамрони билурмисан, деди. Булбулигўё айди: жаъми халойиқни йиғиб келинглар, деди. Подшо ҳамма халойиқни ва созандаларни йиғдилар. Бадъазон булбулигўё Ҳамронинг аҳволини подшоға баён этиб бир сўз айди:

Қулоқ солиб арзим эшит Султоним,
Ақли-ҳуши севар ёрдин айрилдинг.
Эмди очилмасдир бахти сиёҳинг,
Гулистону гулзорингдин айрилдинг.

Чархи фалак чархин кеча бузгандир,
Душман билан Ҳамро мажлис қургандир,
Таъқиқ билгил худо сени ургандир,
Олғир қушинг шунқорингдин айрилдинг.

Сиймин деган боғдин мани келтирган
Парвоз этиб камолимга еткурган,
Оғаларин меҳнатидин қутқарган,
Юрт эгаси жавлонингдин айрилдинг.

Ғариб бўлур ғарибларнинг лопаси,
Булбулигўё айтар сўзнинг садқаси,
Кўзингнинг кўрпаси маҳрам кечаси,
Кеча қўзинг, шунқорингдин айрилдинг.

Алқисса подшо бу сўзни эшитиб беҳуш бўлди. Боз ҳушиға келиб, оҳ уриб манго илгари айтсанг бўлмасмиди, деб қўлиға тилло созни олиб зор-зор йиғлаб бир сўз айғони:

Тинмай саҳар фарёд урсам,
Топарманми, болам сани.
Сайр этиб ёқам чок этсам,
Топарманми, болам сани.

Иброҳимбек ўта кирсам,
Исмоилдек қурбон бўлсам,
Довуддек 40 ўғил берсам,
Топарманми, болам сани.

Ёфас каби ўтга ёнсам,
Қуюндек ҳар тараф борсам,
На ерларда отинг сўрсам,
Топарманми, болам сани.

Кўрмак юзинг бўлди гумон,
Манго бўлди охир замон,
Манинг бўлди ишим ёмон,
Топарман, болам сани.

Отим Хисрав бўлдим ғариб,
Қолдим ғамингда сарғайиб,
Икки жаҳонни ахтариб,
Топарманми, болам сани.

Анда Ҳамрони онаси бу сўзни эшитиб фарёди фиғон бирла оҳ уриб йиғлаб Ҳамрони кўрарманми деб бу сўзни айтиб турғон экан:

Тоғлар оҳимдин куядир,
Болам сандин айрилғали.
Субҳи шом ишим фиғондир,
Болам сандин айрилғали.

На савдо тушди бошима,
Чарх қанот қоқди қошима,
Оғулар қўшди ошима,
Болам сандин айрилғали.

Баланд тоғлар ҳам паст бўлди,
Ширин жонима қасд бўлди,
Кўрар кўзларим нас бўлди,
Болам сандин айрилғали.

Меҳрибондур менинг отим,
Юрагимда ёнар ўтим,
Етмас оллоға бу додим,
Болам сандин айрилғали.

Алқисса бу сўзни Ҳамронинг синглиси Гулжамила эшитиб, тилло созини сайратиб бир ғазал ўқиғони:

Ҳасратингдин хаста жон,ўтга ёқарман, жигарим,
Келмади деб оғажон,ҳар ён боқарман, жигарим,
Кунда сени ёд этиб,уйдин чиқарман жигарим,
Ҳажр ўтиға туташиб,сувдек оқарман жигарим,
Изласам энди сани, қайдин топарман, жигарим.

Беркитиб биздин сирини,айтмай ўтди водариғ,

Синди шохи гуллари,очилмай ўтди водариғ,
Фоний дунё мазасин,билмай ўтди водариғ,
Икки оғаси қўлидин,кулмай ўтди водариғ,
Изласам эмди сани,қайдин топарман, жигарим.

Бермади жабри фалак,оғамни ишига ривож,
Нечук айлаб чоҳ ичинда,ётдинг эй, нозик мижоз,
Найлайин мен бандаи,бечорадурман ноилож,
Изласам эмди сани,қайдин топарман жигарим.

Гулшани боғи эрамда,бир гули раъно эди,
Бир латофат ниҳол,бир гули танҳо эди,
Икки дунё ичра бўлғон,гавҳари якто эди,
Карам сўзлик, карам юзлик,бир аслзода эди,
Изласам эмди сани,қайдин топарман, жигарим.

Ҳасратингда энди қолдим,ори саргардон бўлиб,
Ёш тўкиб, йиғлаб отанг,икки кўзи гирён бўлиб,
Ёру дўстинг йиғлашур,васлингда бағри қон бўлиб,
Бу сабабдин ман шикаста, Хотирим вайрон бўлиб,
Изласам эмди сани,қайдин топарман, жигарим.

На учун қодир эгам,бизларни қилмишдир ғариб,
Бу ғариблик бирла қолдим,заъфарондек сарғайиб,
Ман оғамни васфини,дод айлайин кимга бориб,
Термулиб йўлларда қолдим,ман оғамни соғиниб,
Изласам эмди сани,қайдин топарман, жигарим.

Бўлмади бу дунё ичра,зарраи даврон анго,
Тангридин келди қазои,марг ила армон анго,
Айлади халқи халойиқ,барчаси армон анго,
Гулжамила рўзи қилғай,гавҳари имон анго,
Изласам эмди сани,қайдин топарман, жигарим.

Алқисса Ҳамронинг ота-онаси ва ёри-дўсти, хешу ақрабоси, қавму-қариндоши Ҳамронинг устига юриш қилдилар ва яна ота-онаси чоҳга бориб қичқирди. Ҳамро асло овоз бермади. Кўнглида гумон қилиб, айдиким: икки оғам бўлмасин деб. Ондин сўнг Гулжамила чоҳга қараб, Ҳамроға акам борми, деб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бу сўзни айди:

Оғам деб сен мани гумон айлама,
Бахти қаро Ҳамрожоним, бормисан?
Мани рўзғоримни зиндон айлама,
Гулжамила синглим, акам бормисан?

Ҳасратингда кўзда ёшим сел бўлди,

Куя-куя танда жоним кул бўлди,
Қора кўзинг, шаҳло чашминг кўр бўлди,
Ҳамро акам меҳрибоним, бормисан?

Сансиз ўтган куним оҳу ҳижронда,
Акам тириклиги бизга гумонда,
Нечук кечди ҳолинг якка зиндонда,
Меҳрибоним, Дилоромим, бормисан?

Мақсуд муродимни тангрим бермаган,
Бу дунёда беш кун даврон сурмаган,
Жафо чекиб роҳатини кўрмаган,
Нотавоним, меҳрибоним бормисан?

Гулжамила айтур жоним, қардошим,
Фироқингда оқар бўлди кўз ёшим,
Ёлғизликда ҳолинг недур сирдошим,
Ҳамро оғам, нотавоним бормисан?

Алқисса Ҳамро чоҳ тубида Гулжамила овозини эшитиб бир сўз деди:

Ҳамро айтур: тангрим берсин имоним,
Қоронғи чоҳ ичра бўлди маконим,
Ҳеч кимса билмасин яхши-ёмоним,
Гулжамила синглим, жоним санмисан?

Алқисса андин кейин Ҳамронинг чоҳдин тортиб олдилар. Ҳамронинг кўнгли бузилиб, бу вилоятда ким бор, ким йўқ деб қўлиға тилло созини олиб зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Мисрнинг юртидин келган жонларим,
Хабар беринг бизнинг эллар омонми?
Соясига кун тушмаган боғларим,
Ҳам очилған қизил гуллар омонми?

Бу деганинг дунё бир ажиб жойдир,
Баъзилар подшодир, баъзилар гадойдир,
Фоний дунё бу бир карвон саройдир,
Подшо отам меҳрибоним омонми?

Бу деганинг дунё турфа ҳувобдир,
Золимлар ичгани доим шаробдур,
Аввал ҳуррамдурур, сўнгра харобдур,
Гулжамила жоним укам омонми?

Алқисса Ҳамро Ҳурлиқонинг сочини куйдирди. Эрса Ҳурлиқо ҳозир бўлди. Ҳамронинг ҳолини кўриб беҳуш бўлиб йиқилди. Биз ҳушиға келтириб, зор-зор йиғлаб, бу сўзни айди:

Сўзла дўстим, на иш тушди бошинга,
Айланурман қаро наргис кўзингдин.

Ғофил эрди, қулинг келди қошингга,
Айланурман қаро наргис кўзингдан.

Кўтариб оғаси чоҳа солурми ,
Кўзин ўйиб они чоҳа отурми,
Кофирни қилиғи онда бўлурми,
Айланурман қаро наргис кўзингдин.

Бу на офат, бу на ҳасрат жонларим,
Бу на қайғу, бу на кулфат жонларим,
Яхшиликка бу на туҳмат жонларим,
Айланурман қаро наргис кўзингдин.

Ёрим билан мани чоҳа солинглар,
Ёрим учун манинг жоним олинглар,
Кўзим ўйиб, ёр кўзина солинглар.
Айланурман қаро наргис кўзингдин.

Ҳурлиқо бағрим куйди ўтина,
Адо бўлдим куйиб ёрнинг дардина,
Душман кетсин, ёрим қолсин ёнима,
Айланурман қаро наргис кўзингдин.

Алқисса андин сўнг Ҳурлиқо айди: бу йиғламоқдан ҳеч бир фойда йўқ, эмди Ҳамронинг кўзини фикрини равон қилали деди. Ҳурлиқо айди: Ҳамронинг кўзи қайдадур? Булбулигўё айди: менинг қанотимнинг орасинда деди. Ҳурлиқо хушвақт бўлиб, қирқ қулни озод қилди, кўзи топилди, деб. Андин сўнг икки парини буюрдиким Ҳурлиқо, айди; мангулик сувидин сув олиб келинглар, деб амр қилди ва айдиким, эрам боғидин бир оқ гул, бир қизил гул олиб келгил, деди, агар бир соатга олиб келмасангизлар бошингизни танангиздин жудо қилурман, деди. Алқисса сўнг сув бирлан кўзини ювдилар, жойига оқ гул бирла суртдилар. Кўзи жойиға борғунча қизил гул бирла суртдилар. Кўзини жойиға солиб, худои таолоғо зор йиғлаб бу муножотни ўқиди:

Қодир олло раҳм айлагил ҳолима,
Аввало Раҳиму Раҳмон ҳаққи учун.
Эрларнинг тилагин бергил, қулинга,
Етти қат ер, етти осмон ҳаққи учун.

Қаро айла душманларнинг юзини,
Қабул айла ман шикаста сўзини,
Лутфинг бирла очғил ёрим кўзини,
Пайғамбарга келган қуръон ҳаққи учун.

Иброҳим, Исмоил, Юсуф пайғамбар,
Довуд ўғли Сулаймон олами сарвар,

Излаган муродим қодир ўзинг бор,
Абубакр Умар, Усмон ҳаққи учун.

Инжилни ўқиди ҳазрати Исо,
Тавротни ўқиди ҳазрати Мусо,
Тангрининг арслони Али Муртазо,
Фотиманинг бағри бирён ҳаққи учун.

Ҳурлиқо будур манинг тилагим,
Ҳамронинг ўтина куйди юрагим,
Охиринда Ҳамрожоннинг тилагин,
Ўн саккиз минг уламолар ҳаққи учун.

Алқисса Ҳурлиқо айди: эй Ҳамро кўзингни очғил, деди. Кўзини очди. Халойиқларни кўрди. Ҳамро неча вақт жаври-жафо, меҳнату машаққат кўрганига, камчилиги келиб, зор-зор йиғлаб, бир-бир баён қилғони бу турур:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Келинг жонлар кўришали.
Бизинг бирла юриганлар,
Келинг жонлар кўришали.

Ётғон ерим зиндон ичи,
Рақиблардан олай ўчи,
Кўра келган улли-киччи,
Келинг жонлар кўришали.

Ота-онам меҳрибоним,
Қувватим руҳи равоним,
Гулжамила ширин жоним,
Келинг ука кўришали

Мактабда бўлғон сабоқдош,
Бўлған бир-бирига сирдош,
Бошдан-бошина ғуссадош,
Келинг жонлар кўришали

Булбул чекар оҳи-зори
Гулдин бўлмас ғайри ёри
Хўжа Саид улли-қарри
Келинг жонлар, гўришали

Гулни юзида поралар,
Булбул каби овворалар,
Номардлар юзи қоралар,
Келинг ука, кўришали

Ҳамро айтур: ҳақдур ишим,
На савдога тушди бошим,
Икки жаҳонда йўлдошим,
Ҳурлиқо кўришали.

Алқисса, андин сўнг жаъми одамлар келиб кўришдилар, Ҳамронинг кўзи аввалгидек бўлди ҳамма хушвақт бўлдилар. Подшо Хисрав айди: Эй Ҳамро оғаларингни нима қилсак керак, деди. Ҳамро айди: буларни ўлдирманг, бирини кулолға, бирини совунчига шогирд беринг деди, хўп уста бўлсинлар, деди. Яна Ҳамро айди: эй ота бу иш худонинг тақдири бирлан бўлди. Буларнинг гуноҳини кечдим, деди. Подшо Хисрав айди: эй Ҳамро Ҳурлиқони Миср шаҳриға олиб борсанг деди. Ҳамро хўп бўлур, деб Ҳурлиқоға айдиким, эй Ҳурлиқо, бизнинг кулбамизга қадам ранжида қилсалар, деди, бизлар хизматда бўлсак, деди. Ҳамро Ҳурлиқонинг Мисрга таклиф қилиб, тилло созини қўлиға олиб бу сўзларни айтғони:

Юр кетали бизнинг юрта дилбарим,
Яна мундоғ янги замон топилмас.
Ким меҳмон бўлсангиз бу кулбамизга,
Ғанимат тутали меҳмон топилмас.

Бу дунёда беш кун ўтмайин қолмас,
Тонгла ҳар кимсани ҳар гўрда қўюр,
Охир омонатин эгаси олур,
Шукр олло яна бу жон топилмас.

Ғофил бўлма ўтар айролиқ йили,
Ўткарма қўлингдин бу кунни вале,
Аввали ерингда қолди армани гули,
Мундин санго гули райҳон топилмас.

Зулфингни бўйнима боғласин камар,
Бир парисан, отинг юртға муқаррар,
Биз қўшилдек эмди ғам ила дилбар,
Эмди тар очилғон гулинг топилмас.

Ҳамро дер: кетали Миср юртина,
Қўй борали эранларнинг гирдина
Тангир даво берур берган дардина
Ажалнинг дардина даво топилмас.

Алқисса Ҳамро Ҳурлиқонинг Миср вилоятиға олиб борди. Қирқ кеча-кундуз тўй-томоша қилди. Икки ошиқ муродлариға етдилар. Ҳамро Ҳурлиқонинг шаънига тилло созини қўлиға олиб бу байтни ўқиди:

Шукр ҳақнинг даргоҳина,
Сани муяссар айлади.
Бир қўлидин шароб ичиб,
Ошиқлик асар айлади.

Кўп кишига хайрод этдим,
Отамни ҳукмини битдим,
Чинмочин шаҳрина етдим,
Ўлимдин гузор айлади.

Бўлмас ишларни бошқариб,
Булбулигўёни ахтариб,
Қирқ ойгача йўллар юриб,
Жонимни барбод айлади.

Чўх савдо тушди бу боша,
Халойиқ кўрди томоша,
Яхшилик қилиб қардоша,
Ўзима зарар айлади.

Алқисса андин сўнг, бир неча кунлар тўю томоша қилиб, ўйнаб кулиб ошиқлар муродиға етдилар. Илоё ҳамма уммати ҳазрати Муҳаммад Мустафо салиалоҳи алайҳу васалламни ҳам муродлариға еткургайсан. Омин ё оллоҳ раббил оламин ва хайрулнозмин тамматул.

Ройи Чин.

Аммо ровиёни ахбор, осори ширин гуфторлар сўз тайин қилурларким, Чин Мочин шаҳринда бир подшоҳ бор эрди. Отини Папури Чин дер эрдилар. Етти иқлимға ҳукм этар эрди. Оламда анго баробар подшоҳ йўқ эрди. Жами Ҳиндустон, Аҳли Чин Мочин, Хибо,Хитой ва Хўтаннинг шоҳлари анго тобе эрди. Барчаси анинг фармонида эрди.

Папури Чинға худои таоло бир ўғул берди. Жаҳон тахтиға лойиқ баҳодир эрди. Ақида ва ҳусн бобинда Юсуфи Сонийдек жами олам онинг шайдоси турур.

Аммо ҳар вақт сўзласа, оғзидин дур тўкилур эрди. Тақсим қилғонда оламни тўлдирур эрди. Анинг шаниндаги ғазал бу турур:

Васфини десам анинг ҳур нозанин ўғлондур,
Ҳусн ичра ниҳоятсиз кокили фаранг ўғлондур.

Урушда шер, арслондек,ҳам Рустами достондек,
Гўёки Юсуфжондек, ҳам ранг-баранг ўғлондур.

Урушда Музаффардек,донишда Искандардек,
Қаҳр айласа аждардек,Маҳшарда хаданг ўғлондур.

Ҳар кимнинг муродидур, яхши ўғлон айтадур,
Холаса зурриётдур ҳам хушшикан ўғлондур.

Алқисса, ул ўғлон соҳиб хуруж бўлдиким, ҳар ўқ отилғонда икки шер, қоплонни йиқар эрди, тўрт кўҳворни сарнигун қилур эрди.

Аммо вазирнинг бир ўғли бор эрди. Они Шаҳзодаи Ройи Чинға вазир қилиб эрди. Ул икки дилбар бир неча муғбачалар бирлан ва чандон султонзодалар анинг фармонинда эрди. Ҳамиша айшу ишратда, созу суҳбатда май ичиб, ўттуз икки созни бир қулоқдин хушовози нўшбозда эрдилар. Кундуз бўлса, шикори Жамшид қилиб, ов овлаб юрур эрдилар. Ҳамма жондорни тирик тутиб олур эрдилар. Алқисса, яна бир кун шикорға чиқдилар. Ногоҳ ов овлаб юруб эрдилар вазирбача бир жондорни тутиб олди. Андоғ бир нақшли нимарсаким, кўз кўрса хира бўлур, ақллари тира бўлур. Андоғ юмшоқ нимарсаким ақл бобинда марвар тошидек, самузи санги хордек андомининг лаззати сиймобдек эритур эрди. Вазирбача айди:ажаб жонивор, вужуди юмшоқликда одамға ўхшар. Ўлтурғонлар айдилар: Чин Мочиннинг нозанинларига ўхшар. Шаҳзодалар айдилар: Хитойи Хўтаннинг маъшуқлариға ўхшар. Алқисса, ҳар ким ҳар нимарсани тимсол қилдилар. Буларнинг ораларинда бир хунгаштаси бор эрди. Ул айди: ер юзинда оқибат ҳавонинг ели баданларига етушур. Боди ҳавонинг воситаси бирлан тилларидин сухан зоҳир бўлар. Аммо мундоғ бир нақши хушрўй юмшоқбаданлиқ бўлса, қаърия бўлғой. Вазирбача сўради: қаърия деган на турур. Ул айди: ер остинда бир шаҳар бор турур анга Мадинатул Қаърия дерлар. Анинг бир подшоси бор турур, отини Ромшони дерлар. Анинг бир қизи бор турур, отини Қаърия нозанин дерлар. Анингдек эрурким, ҳеч ерда анго баробар нозанин бўлмас, ҳар ким анинг юзин кўрсалар ақлу ҳушин олдуруб, май ичиб, то ўлгунча масти лойақл кезар деб,андоғ тавсиф қилдиким, жаҳонға сиғмади. Вазирбача кўрмай ғойибона ошиқ бўлдилар. Шайдолиқи ҳаддин ошди. Лекин ўзи шоири шайдо эрди. Тамоми илми нужумдин хабардор эрди. Илми жаъфар, илми сеҳрда зиёда устод эрди. Ҳеч тенги йўқ эрди. Тилсим бобинда жўгиликда ҳеч ким олдиға чиқмас эрди. Шаҳзода шикордин қайтғунча бир афсун ўқуб, бошға сувратда бўлуб чандон муддатда Мадинатул Қаърияға етушди.

Эмди сўзни шаҳзода Ройи Чиндин эшитинг. Ройи Чин шикордин қайтиб канизи уйига тушди. Аммо бир канизи бор эрди ҳусн бобинда Бадиъулжамолдин зиёда эрди. Ҳамиша Ройи Чиннинг хизматида турур эрди. Ул каниз Ройға ходимлиқ қилиб оропарвар эрди. Каниз илкина ойна олиб, ўз ҳуснун кўруб таҳсин қолди. Айди: Эй шоҳи оламу эй султони бокарам, сизнингдек султонзоданинг манингдек хушрўй канизи ҳеч оламға келган бўлмоғай деб, ўзини андоғ тавсиф қилдиким, жаҳонға сиғмади. Анда Ройи Чиннинг бир тўтиси бор эрди. Канизнинг сўзига қаҳқаҳ уруб кулди. Каниз хира ва хижил бўлди. Шаҳзодадин сўради. Бу тўти на учун кулар, деди. Анинг таъбирин сўрсанг на? Рой айди:- Эй тўти, сан нечун куларсан? Тўти айди:- Канизнинг ўз таърифина куларман. Таъриф шайи банафс хўб ватан турур. Айтурким, ҳеч жаҳон- оламда мандай хушрўй йўқтурур, дер. Магар эшитган бўлмағай. Ер остинда бир шаҳар турур, отин Мадинатул Қаърия дерлар. Подшоҳини Ром шони дерлар. Анинг бир қизи бор, отини Қаърияжон дерлар. Ҳусн бобинда анго етар нозанин бўлмас, деб шаҳарни, Қаърияни таъриф этиб бир ғазал ўқуди.Ғазали тўти бу турур:

Тингла шоҳим, эшитмишам ҳикоят,
Бир шаҳардур ер остинда деяйин.
Оти Қаъриядур халқи фароғат,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.

Кенгдур шаҳри анинг ёхти жаҳонда,
Билман, қолғон эрмиш неча замонда,
Дарёсининг мавжи шакар равонда,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.

Қиш меваси алвон,алвон бо алвон,
Булоқларин суви чашмаи ризвон,
Юз йилги хастанинг дардига дармон,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.

Юз туман гуллари очилиб сўлмас,
Булбул нола- фарёд этиб туганмас,
Тўти сайрар андин кўнгил узилмас,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.

Одамлари гўё ғилмону ғалтон,
Писта даҳан, ғунчаи лаби хандон,
Паризоддин зиёда ул қиз чандон,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.

Ромшони шоҳи шоҳидур анвар,
Баробар бўлмоғай Жамшид,Искандар.
Адолат бобинда Хуршиди ховар,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.
Анинг бир қизи бор Қаърия отлиғ,
Паризод мангзарлик Ҳуршид сифатлиғ,
Лабининг сувидур шакардин тотлиғ,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.

Боқиши Лайлидур, кулиши Ширин,
Такаллумда Зулайҳодек нозанин,
Юзин кўрган жондин кечар офарин,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.

Анинг-ла коми дил ҳосил айлағон,
Жаннат ичра қолур тоабад ўғлон,
Тўти янглиғ ширин-шакар сўзлағон,
Бир-бир тавсифиндин хабар берайин.

Алқисса, тўти бу жавобни айди. Эрса Рой эшитиб, ошуфтаҳол бўлди, таваккал ақлини етурди. Қаъриянинг ҳуснининг орзуси тушуб, жониға ўт ёпушти. Амри мамлакати тугал фаромуш бўлди. Бир кулбаи аҳзанда юрагин совуқ ерга бериб, ҳеч киши бирла сўзлашмай, оби таом емай, етти кеча-кундуз беҳуш бўлуб ётди. Ногоҳ бир кеча уйқу элитди, туш кўрди. Тушинда Мадинатул Қаърия бориб, Нигори Қаъриянинг кўшки тагинда фарёд қилди. Ногоҳ кўшкдин бир Хуршиди ховардек нозанин бош чиқариб, таъзим ила марҳабо, деб ал қўвшириб, эй Шаҳзодаи Ройи Чин деб бу жавобни айди. Ғазали Қаърия, воқеаи Ройи Чин:

Қадамингиз бош устина, севдугум гулзоримиз,
Дастингни қўйғил дастима, хуш келибсиз нигоримиз.

Алингни солғил бўйнима, фалак ўртансун ўйинима,
Кир эмди ёрим қўйнима, хуш келибсиз нигоримиз.

Келғил бари кўлдашали, ўйнаб кулуб талашали,
Гуллар узуб синошали, хуш келибсиз нигоримиз.

Қаърия бўлса севгилинг, зулфи чин, сочи сунбулинг,
Белимдадур санинг алинг, хуш келибсиз нигоримиз.

Алқисса, Қаърия бу жавобни айтиб, юзиндин ниқобин кўтариб, кўшки устундин бир қараб жилва қилди. Эрса, Ройнинг ҳуши бошиндин кетиб масту лойақл бўлиб йиғлади. Бир неча муддатдин сўнг ериндин турса, аввалғи жойинда ётур, на Қаърия бор ва на кўшки бор. Ўзин ҳар тарафға уруб, бошиға қум совурди ва қўпорди. Ҳарчанд нола қилди. Фиғон кўнгли ҳеч ором бўлмади. Охирул амр кўнглига тасалли учун бу ғазални ўқуди.

Ғазали Ройи Чин:

Жаҳон айвонидин Хуршиди ховар,
Ман билманам манго нечук дил берди.
Жамолингдин жумла олам мунаввар,
Али бирла чаман боғлаб гул берди.

Қучуб белин тутуб хиноли алин,
Дол гардана солиб сочи сунбулин,
Тонг отғунча амиб ул шакар лабин,
Сийнасиндин ман ғариба йўл берди.

На яхши ошиқлар ёхти жаҳонда,
Истар маъшуқини қолмас армонда,
Ҳеч ошиқ бўлмасун мандай армонда,
Мендай мушкул кимсалара қўл берди.

Ҳазрати Одамдин бўлса иноят,
Мушкул ишлар бўлур ёра кифоят,

Кўрмак керак ҳар на бўлса аломат,
Ҳақ зикрина ҳар даҳанда тил берди.

Алқисса, Ройи Чин бу ғазални, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб айди,ўзин ҳар тарафга уруб фиғон қилди. Эрса, охирул амр отаси Папури Чин тарафиндин кўб дилтанг бўлуб, ҳукамолар ҳарчанд тавалло қилдилар, ҳеч бир сўзга қулоқ солмади, оби таом емай ўлмакка етти. Охири Папури Чин айди: ҳар нечук бўлса ўлмагани яхши турур, ҳар на холаса ихтиёриға қўюнг деб киши юбарди.Бориб айдилар, ул айди: ман бошимни анинг йўлинда қўюбман, отам манго рухсат берсун, ҳар на худо холаса, бошимға солса, ани кўрайин, деб жавоб бериб юборди. Подшоҳға бориб андоғ жавоб бердилар. Папури Чин айди: андоғ бўлса, йўл яроғин қилинглар, деб буюриб юборди. Ройи Чин отаси хизматиға келиб бу жавобни айди:

Ман истамасам шоҳим дунёда маломатдур,
Йўлинда жафо кўрсам юз шавқ ила роҳатдур,
Жон бермаган ҳар ошиқ йўлинда қабоҳатдур,
Ишқ ичра бало меҳнат ошиқға саломатдур,
Ёр айрилиқи гўё ул рўзи қиёматдур.

Дилбар йўлинда кўрса ҳар турли бало ошиқ,
Қайтмоғай андин ҳеч юз ҳам жавру жафо ошиқ,
Жонон йўлида айлар жонини фидо ошиқ,
Айб айламанг ошиқни, чекмишдур кўб оҳ ошиқ,
Ёр айрилиқи гўё ул рўзи қиёматдур.

Ҳақ қилса, иноятни дилбар манго ёр ишқи,
Қасд айласаким, душман ханжар манго ёр ишқи,
Ғам етса ҳаво дашдин дилбар манго ёр ишқи,
Гар етса манго зулмат, анвар манго ёр ишқи,
Ёр айрилиқи гўё ул рўзи қиёматдур.

Ҳар лаҳза хаёл борким, дардима дармондадур,
Кўрмай юзини ўлган банда юз армондадур,
Ким маноа бало меҳнат ҳақдин биза фармондадур,
Маъшуқ сайрина ошиқ юз марта қурбондадур,
Ёр айрилиқи гўё ул рўзи қиёматдур.

Айб айламанг ошиқни Ройға жунун етти,
Ишқ боди самум андин бошиға қуюн етти,
Ҳар лаҳзада, ҳар дамда ошиқға афзун етти,
Айтиб хабарин билман ағёра забун етти,
Ёр айрилиқи гўё ул рўзи қиёматдур.

Алқисса, отаси билдиким, агар боши кетса ҳам бу йўлдин қайтмас. Охируламр отаси рухсат берди. Рой эгнига жанда кийиб, бошиға кулоҳ кийиб, ота-онаси бирлан ва ёронлари бирлан видолашиб кетар бўлди. Тамоми ҳалойиқ анинг ҳолиға раҳм этиб ҳамаси дуои хайр қилдилар. Отаси Папури Чин ўғлининг юзига қараб зор-зор йиғлаб бу жавобни айди:

Бошға тушибдур қиёмат, шабға айлданди кундузум,
Қодир оллом қил саломат, санго топширдум ёлғузум.

Ҳазрат Одамдур отамиз, Шиш, Идрис мақтадомиз,
Нуҳ пайғамбар кўб саномиз, санго топшурдим ёлғузим.

Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Наби, Юсуф барҳақ,
Ё Довуд Сулаймон муштоқ, санго топшурдим ёлғузум.

Лут Наби, Ёқуб, Шиис,ҳазрати Яҳё пирим,
Юнус Калимулло,Мусо санго топшурдим ёлғизум.

Юз йигирма тўрт минг наби Исо ҳақнинг севар қули,
Муҳаммад Ҳотам гулшани санго топшурдим ёлғузум.

Абубакр, Умар, Усмон, Расул дўсти Шоҳимардон,
Али ўзи шери яздон, ёлғузум санго топшурдим.

Ёлғузим ёрина етсин,боғ ичра норина етсун,
Папур дер:зорина етсун,санго топшурдим ёлғузим.

Алқисса, Папури Чин бу жавобни айтиб, ўғлини худои таолоға топшурдим деб жамъе халойиқлар билан қайтдилар. Ройи Чин девонавор йўлға тушуб равона бўлди. Бир неча муддат йўл юрди. Вилоятдин чиқиб, дашт биёбондин тарсон пой гоҳ югурар, гоҳ йўртуб, гоҳ ёрнинг васлиндин умид қилиб ғазал ўқуб, бир неча айёмлар қатъе манозил қилди. Ҳеч ердин ном-нишон топмади.На йўлдин хабар топди ва ёрдин асар.Ул неча манзилларни тай қилди. Оёқлари абла бўлуб, ҳеч юрурға мажоли қолмади. Сувсизликдин ичи ёниб, ёри

учун бағри куюб, беҳудлиқдин неча вақтлар анда қолди. Ногоҳ боди сабодин бир руҳ анинг танига ёйилди. Рой беҳуд бўлуб ётур эрди. Баданиға бир совуқ шамол тегди, тамом аъзосиға ёйилди. Гўё ўлук эрди, жон кирди. Ердин турса сувсизликдин чанқаб тамом ғам ғуссаси маҳв бўлуб турур, кўнглига айди: Бу боди сабо ёримдин келган бўлғойму деб бу жавобни ўқуди:

Боди сабо менга тоза жон бердинг,
Оти Қаърия нигоримдин хабар бер.
Гўё ўлик эрдим танга қон бердинг,
Қаърияжон отли ёрдин хабар бер.

Раҳбар ўлуб мени ёра етургил,
Жон қушини ул дилдора етургил,
Кўзум йўлда интизора етургил,
Қаърияжон деган ёрдин хабар бер.

Ўлуб эдим, сани кўруб тирилдим,
Ғам- ғуссаю хижолатдин азилдим,
Маст, мудҳиш, бебок ўлуб айрилдим,
Боғи Эрам гулузордин хабар бер.

Манинг бу қишларим баҳор-ёз бўлур,
Кимса бу хатарда сарфароз бўлур,
Ёр йўлинда мундоқ жафо оз ўлур,
Нола бирла оҳу зордин хабар бер.

Ройдин эшит боди сабо арзим бўл,
Раҳбар бўлуб манго кўрсат тўғри йўл,
Кўзларим боқмасун эмди соғу сўл,
Ғунча янглиғ ул анордин хабар бер.

Алқисса, Рой бу жавобни айтиб, боди сабоға арзи-ҳолин баён қилди. Аммо сўз эшитинг шамол сабодин ҳар вақт шамол олами алавийдин сўз келтуриб, дарёни мавжга келтурур эрди. Олами бо жунундин файз топиб, масти мустағриқ бўлуб, тоғ-тошни билмай, бу биёбон хори муғилонни вайрон қилиб боғу бўстонларни олур эрди. Ўшал шамол эрди. Ройнинг баданиға иҳё қилғон ногоҳ шамолдин садо келди. Рой тафаҳҳус қилиб эшитса, турфа хуш овоз ва нағма танори қулоғиға етушди. Ажаб хуш келиб қулоқиға тутди. Эрса ел бу ғазални ўқиди:

Шоҳо санинг арзингни дарёға баён айлай,
Ишқингға гумон йўқтур, фарёду фиғон айлай.

Дилбар йўли офатдур, ҳам ранжу машаққатдур,
Дунё анго улфатдур ким, бир-бир баён айлай.

Дарёйи Муҳит дерлар, андин топилур гўҳар,

Ул билса керак дилбар ман анда баён айлай.

Сан ҳам етушуб анда, арз айлагил борғонда,
Ҳеч бўлмоғил армонда, ман анда макон айлай.

Ман боди сабо йўлчи, дарёға ман ҳам элчи,
Ҳам элчию ҳам сувчи, сиррингни ниҳон айлай.

Алқисса, Рой шамолдин бу сўзни эшитиб, ажаб хушвақт бўлуб, ериндин туруб равона бўлди. Эмди билмай турур шамол қайси тарафға кетди. Кўнглиға айдиким, во дариғо, ман аҳмоқ эрканман шамолға кўнгил берибман. Охир оқибат дунёни шамол вайрон қилса керак. Ман анго нечук кўнгил берғаймен деб таваккали баҳақ қилиб равона бўлди. Неча айёмлар қатъе манозил қилиб дарёйи муҳитға етушди. Анда ўлтуруб тафарруж қилди. Эрса андоқ дарёйи хунхўр эрурким, одамнинг заҳраси ёрилур. Анинг на учи, на қироғи бор турур. Анинг ичинда ҳар бир жониворлари борким, ҳар тарафдин қичқирушурлар. Одамизодлар тоқат келтира билмаслар. Ногоҳ дарё наъра тортиб овоз бердиким, одамларнинг кўнгли бузулиб зор-зор йиғладилар. Рой бу замон тафарруж қилиб ўзин яхши рост қилди. Андоғ кўнгли ором топди. Дарёға кўзи тушди ва овозиға қулоғи ўрганди. Бир неча муддатдин сўнг боди сабонинг сўзи ёдиға тушуб айди: на бўлғайким, ман бу дарёға туша билман, тушсам ҳам омон чиқмасман, сабонинг ели бир сўз айтиб эрди-ман дарёға баён қилайин, шояд ул баён қилғон бўлғой деб, ман ҳам ҳолимни айтиб, тавалло қилайин, шояд раҳми келиб, манго бир хабар бергай деб дарёға тавалло қилиб арзи ҳолин баён қилиб бу ғазални ўқуди.

Рой:

Беҳишдин оқон дарёсан, нури худо жонинг санинг,
Ҳавзи кавсардин сафолисан дўланиб оқғонинг санинг.
Дур, гўҳарнинг конисан, жумла набодот жонисан,
Чашмаи об ҳайвонисан, дурри гавҳар конинг санинг.
Ҳақ етурсин муродина, жумла умматни шоҳина,
Муҳаммад Мустафо даргоҳина айланиб оқғонинг санинг.

Дарё:

Охир кўруб ёрдин бир қарор ўлса,
Арзим будур нозли ёра етурсанг.
Ман бир обиравон чўла чиқманам,
Пасти кўзлаб баланд ера оқманам.

Мадинутул Қаърнинг шаҳрин йиқманам,
Ҳавас қилманг мушкул ишни султоним.

Рой:

Охир манинг маслаҳатим на бўлур,
Қайғу бирла қизил юзларим сўлур,
Дунё фоний кимдур дунёда қолур,

Арзим будур нозли ёра етурсанг.

Дарё:

Қудратим борича жафо тортайин,
Азиз меҳмонимсан вафо қилойин,
Қўлумдин келганин ато қилойин,
Ҳавас қилманг мушкул ишни султоним.

Рой:

Саҳоват бобинда отинг дарёдур,
Жумла ашё санинг бирла иҳёдур,
Ройа қилсанг меҳрибонлиқ раводур,
Арзим будур нозли ёра етурсанг.

Дарё:

Ҳар ким қудратинча саҳоват айлар,
Рўзи қилса эгам иноят айлар,
Санинг зоринг охир кифоят айлар,
Ҳавас қилманг мушкул ишни султоним.

Алқисса, Рой дарё бирлан бу жавобни айтишуб бўлди. Эрса дарё айди: Мадинатул Қаърияға ернинг тагинда ўзи қуруғ ерда ман анда сани нечук олиб борайин. Мадинатул Қаърияға на шакллик бирлан санго раҳбарлик қилойин. Рой айди: сан мани мулкнинг бир қирғоғина чиқарғил, агар манго ҳидоят рўзи бўлса, анда манго худой таоло бошимға бир роҳи рўзи қилса, дарё хуш бўлғай, деб қўлин тутуб сувға кирди. Бир чўмганда мулкининг бир қироғина еткурди. Андин сўнг дарё қайтди. Рой дарёдин чиқиб худои таолоға шукру санолар айтиб йўлиға равона бўлди. Бир неча муддат йўл юриди, билмаким қайда бора турур. Ҳар тариқа ёрни ёд этиб, нола-фарёд этиб, бу ғазални ўқуди:

Эй сарви саҳи раъно кўйингда фиғоним бор,
Ханжар мужгони зебо ул қоши камоним бор.

Еткурса анго муни билман нимадур кўнгли,
Арзимни десам қули ҳам сирри ниҳоним бор.

Кўйинда бўлуб ҳайрон, кездим неча саргардон,
Билман манго эй жонон қай ерда маконим бор.

Ишқ этди мени афсун, ёр айрилиқи дилхун,
Ул Лайли ман Мажнун, ҳам ғунча даҳоним бор.

Май ичсам аёғидин, мушк исли сақоғидин,
Ёрнинг иштиёқидин юз шарҳи баёним бор.

Рой анда фиғон йиғлар, бағри тўла қон йиғлар,
Ҳажринда замон йиғлар, юз оҳу фиғоним бор.

Алқисса, Рой бу жавобни айтиб, яна йўлға равона бўлди. Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Қаърия ногоҳ бир кеча канизлари бирлан Сайри чаҳор боғға келиб, кўшкнинг устинда неча канизлар бирлан ўюн ўйнай-ўйнай ўлтуруб кўзларин уйқу элитди. Қаърия туш кўрди. Тушинда бир нозанин йигит ҳозир бўлуб келди. Қаърия ани кўруб ақл-ҳушин йитирди. Моҳи жабин,маҳлиқо йигит турур, жаҳоннинг тахтиға лойиқ. Жабҳасида соҳиби хуруж нишонаси бордур. Қаърия сўроди:эй нозанин қайси боғнинг гулисан ва қайси чаманнинг булбулисан ва қайси ошиёндин парвоз қилиб, қайси гулларға қўнорсан? Анда Рой айди: Эй нозанин юзингдин пардани кўтаргил, андин сўнг мандин савол қил дегач, Қаърия юзиндин пардани кўтарди. Жамолини шўъласи гўё офтоб сифат жаҳонға жило берди. Рой Қаъриянинг воқеасинда, олдинда ўлтуруб, бу ғазални ўқуди:

Сўрсанг Хўтаннинг шоҳиман,
Дилбар юзинг кўро келдим.
Чини мочин подшоҳиман,
Дилбар юзинг кўро келдим.

Чекиб юз жавру жафодин,
Хабарин олдим сабодин,
Дарё бўлуб раҳнамодин,
Дилбар юзинг кўро келдим.

Муҳаббат шаробин ичиб,
Йўлингда бу жондин кечиб,
Даҳанимдин дурлар сочиб,
Дилбар юзинг кўро келдим.

Чўллар ичра зардоб ютуб,
Дарёйи Муҳитға ботиб,
Шоҳлиғим гадоға сотиб,
Дилбар юзинг кўро келдим.

Сарима тушди юз савдо,
Санинг ишқинг қилиб шайдо,
Марҳамат айлагил жоно,
Дилбар юзинг кўро келдим.

Роям, риёи эмасман,
Ёра жафойи эмасман,
Зотим гадойи эмасман,
Дилбар юзинг кўро келдим.

Алқисса, Рой бу жавобни айди. Эрса Қаъриянинг юзига боқса жаҳбасиндин нур тўкулуб тамоми оламға жило берур эрди. Эй нозанин барно йигит баён қилғил вилоятингни, асли зотингни теди. Рой шул вақтда оғзингдин дуру жавоҳир сочиб, асли зотини бир –бир баён қилди:

Зотимни баён этсам, аслимки Хўтан шоҳи,
Ҳукмимда Чини Мочин, ҳам Ҳинду Яман шоҳи.

Ишқ этди мани шайдо, ёрнинг йўлинда гўё,
Боғ ичра гули ҳумро, бошингда Хўтан шоҳи.

Юз оҳи афғоним бор, ёр кўйинда жоним бор,
Бу сирри ниҳоним бор, борса Савсан, Суман шоҳи.

Ман куюб адо бўлдим, кўйинда гадо бўлдим,
Ҳам бахти қаро бўлдим,эй ғунча даҳан шоҳи.

Ҳажринда фароғат йўк, сансиз манго роҳат йўқ,
Ошиқға саломат йўқ, бўйнимда каман шоҳи.

Улкун санго ишқ этим, хуноба жигар ютдум,
Даргоҳинга юз тутдим, раҳм айла Суман шоҳи.

Рой ўлди жигар бир ён, йўлинда кўзи гирён,
Кўрдим манго юз армон боғ ичра чаман шоҳи.

Алқисса, Рой бу жавобни айди. Эрса, Қаърия қирқ қулоч сочини кўшкдин узотиб йиборди, андин сўнг Рой нигорининг сочиға ёпушуб кўшкнинг устиға чиқди. Кўрса қирқ каниз бирла ўртада май ичиб анча завқ тамоша бирлан ўлтирурларким, оламдин ҳеч хабарлари йўқдур ва яна ул вақтда Қаърия товусдек жилва қилиб етмиш турлук ранг-баранг тўнларни кийиб, ёрини кўруб, ранг-баранг ўлуб юзиндин ниқобин кўтариб Ройға қараб хуш келибсиз деб, марҳабо эй ёри жоним деб, аҳволини бир- бир баён қилди.

Қадам қўюнг сийнам узра йўлингиз,
Хуш келибсиз юзи холли нигорим.
Белим қучуб дол гардана қўлингиз,
Хуш келибсиз юзи холли нигорим.

Боғинда очилғон ғунча сизингдур,
Ол дугмаю дугмиён инча сизингдур,
Сарви бўйлуқ, нозли мўрча сизингдур,
Хуш келибсиз юзи холли нигорим.

Сақламишам санинг учун омонат,
Омонат санингдур қилма хиёнат,
Азалда ҳақ биза қилса иноят,
Санингдур ёқутли, дурли нигорим.

Фалак дуймас бурун ўйнаб- кулали,
Шафтолилар узуб, гуллар терали,

Мастона-мастона кезиб юрали,
Хуш келибсиз юзи холли нигорим.

Қаърия дер: май ичгали мастона,
Ўйноғоли кезиб боғ майдона,
Рақибдин қолмасун ичда армона,
Хуш келибсиз юзи холли нигорим.

Алқисса, Қаърия бу жавобни айди. Бир неча сабза пўш халойиқлар келиб никоҳ қилиб икки нозанинни бир-бириға қўшдилар. Иккилари бу кеча андоғ суҳбатда бўлдилар. Фалак бемадор бўлди. Ногоҳ вақти саҳар эрдиким икки нозанин дилбар ташқари чиқиб, бир-бирига қўл солишуб юрур эрдилар. Кўрдилар олдинда бир қудуқ пайдо бўлди.

Рой айди: Эй нигорим бизга фармон шундоғ бўлди деб ўзин қудуққа ташлаб юрий берди. Қаърия: Эй Рой деб сачраб ериндин турди. Эрса аввалғи еринда ётур, дариғ, сад дариғ бу на воқеа бўлди деб фарёд қилди.

Ёрнинг ишқидин куюб нола-афғон тортар эрди. Ёнга мақсадга етганда бу на воқеа бўлди деб энди зиёда фарёд қилиб бу жавобни айтур эрди:

Сарим ишрат кўран чоғда бир ажаб сўвдоға етди,
Ал тутушуб сайрибоғда на ёмон ғавғоға етди,

Кўз -кўзга лек тушмади, бахтим мурода етмади,
Ёрим хўшлошиб кетмади, пирим бир балоға етди.

Ёрнинг фироқиндинму, йўлнинг узоқиндинму,
Дард иштиёқиндинму, фиғоним самоға етди,

Бошимни қўйдум йўлунда, дардимнинг дармони қанда,
Тоқатим йўқ жоним танда балки жон қазоға етди.

Алқисса, Қаърия бу жавобни айдиб, ўзун ҳар тарафға уруб, минг доғ аламда юз қайғу ғамда қирқ кеча- кундуз таом емай, киши бирла сўзлашмай, бир кулбаи аҳзон қилиб кеча-кундуз фарёд қилди. Канизлар бу воқеани отасиға Роми сониға бир-бир баён қилдилар. Шоҳо, сарваро, жаҳон парваро қизингиз Қаърияжон қирқ кеча -кундуз бўлди Мажнун бўлуб дурур. Оби-таом емай ҳеч киши бирла сўзлашмас, оғзиға ҳар на келса айтур. Билмаймиз на воқеа бўлуб турур деб подшоҳға бир-бир баён қилдилар. Отаси бу воқеани эшитиб, қуръадозларни йиғуштурди, рамалда андоғ дерким, шоҳи Олам Рой Султони бокарам қизингиз ишқнинг савдосиға тушуб турур тедилар. То анинг иложин қилмасангиз, бу алам бирла ўлар тедилар. Подшоҳ бу сўзни эшитиб қизиға бир хат қилиб йибарди. Айди: Эй кўзумнинг равшани дунёда ҳар нимарсани ихтиёр қилсанг биткарурман. Ҳеч ғам емасун ҳар на дарди бўлса айтсун деб бу номани йибарди.

Ҳолингни баён айла, гар санда хабар ўлса,
Ишқ оташидин етган ҳам оҳи саҳар бўлса,

Ойғил на муродингни ишқ ичра саводингни,
Ҳақ биткарсун додингни ким оҳ шарор бўлса.

Хўтан вилоятини, кўрай жамоатини,
Ҳақ қилса, иноятини топғум на гўҳар бўлса.

Айғил сўзингни фарзанд,мақсадинг бўлса ҳарчанд,
Айлай сени мен хурсанд гар лаъли шакар бўлса.

Бу ишда фароғат бўл, кўйингда саломат бўл,
Дилбанди қиёмат бўл, ёрингдин асар бўлса.

Алқисса, Ром соний Қаърияға бу жавобни айтиб юбарди. Қаърия хатни олиб ўқуди. Эрса отаси мунинг бу ишидин хабарда бўлғонин англаб, бул ҳам бир хат ёзиб отасиға йибарди.

Байт:

Эшит манинг арзим пушти паноҳим,
Олло манго бир иш раво айлади.
Етушди жонима ишқдин аломат,
Бу дунёдин гўё фано айлади.

Бир навжувон манго бир олма отди,
Кўшк устинда келиб белимдин тутди,
Жамоли шуъласи мани ғарқ этди,
Туруб юз тил бирлан сано айлади.

Керакмасдур манго дунё хирожи,
Мамлакат шоҳининг тахт ила тожи,
Мадинатул Қаърия ҳуснни божи,
Мулкимни ёқғали нигоҳ айлади.

Ман истарам гўё шамс моҳини,
Чин мочин, хитою, Хўтан шоҳини,
Будур истасангиз банда оҳини,
Кулиб-ўйнаб завқи сафо айлади.

Онсиз Қаърияға вақо керакмас,
Ёр бўлмаса завқи сафо керакмас,
Ўшал ёрдин ўзга наво керакмас,
Юз нозу карашма адо айлади.

Алқисса, Қаърия бу жавобни хат қилиб, отасиға йибарди. Эрса, отаси ўқуб, анинг ишқиға паришонҳол бўлиб, яна киши йибарди, айди: Эй фарзанди гузидам кўнглунг санинг нимарсани ихтиёр қилса ани қилмоқ

керак теди. Қаърия айди: отам манго боғи мейдон тарафда кўшки Дилкушо бино қилсун. Ман анда қирқ канизим бирла кўшк устунда ўлтурурман вилоятға жар қилдурсун. Бу кўшкнинг остиндин ўтсунлар. Ман ҳар кимни холасам, бир олма бирлан отиб уройин ўшал, кишини манго нисбат қилсунлар, дегач Ром соний буюрдиким, боғи мейдонда бир кўшк бино қилсунлар, гўё беҳиштнинг саройларидек, Қаърияни ўшал кўшк устунда қирқ каниз бирлан қўйдилар, оламға жар қилдурди. Халойиқлар ўшал кўшкнинг остиндин ўтсунлар. Ҳар кимни қизим хоҳласа, олма бирлан урсун, қизимни анга берурман, деб маноди қилдурди.Халойиқлар либос гуногун кийиб, юз завқ-шавқ бирлан гуруҳ-гуруҳ, тўп-тўп, санжақ-санжақ бўлуб, ул кўшкнинг остиндин юрушда етти йил ўтди. Алқисса, Рой неча айёмлар зор-ҳайрон, чашми гирён йиғлаб юруб ногоҳ бир чаҳор боғға етушдиларким, гўёки жаннатнинг боғидек ризвондин ҳикоят,фирдавсдин ривоят қилур. Кўнглига айди: ажаб бўстон эркан бир неча-бир неча сайр қилойин деб ичкари кирди, кўрса гуллар очилиб, мевалар алвон-боалвон шабнамлар тўкулган, абри шомидин бисотлар тўшалган, булоқлар ҳар тарафға оқғон, булбуллар юз алвон тил бирлан сўзлаб, тўтилар зикри сано бирлан машғул бўлғон андоғ боғ эрурким, кўз кўруб, қулоқ эшитган эрмас. Лекин чаҳорбоғни у ён-бу ён кириб кўрди. Эрса, ўртасинда бир сарҳовуз, чини косалар шароб бирлан тўлғон, кабоблар пишган ва яна бир тахти заррин қурулғон. Рой бир соат тағарруж қилиб турди. Майдин, кабобдин, майли боринча нўш қилди. Бир соатдин сўнг икки барно йигит ҳозир бўлди. Ройдин савол қилдилар. Эй навжувон йигит, қайси боғнинг гулисан, қайси чаманнинг булбулисан, қайси чамандин парвоз қилиб, қайси гулзорға қўнорсан? Анда Рой айди: Эй, нозанин йигитлар, ман бир саргардон паришонҳолман, сизларга сиримни ошкоро қилсам ҳеч ким тоқат келтура билмас, деб аларнинг олида ҳолин баён қилиб бу ғазални ўқуди:

Йигитлар арзи ҳолимни эшитинглар баён айлай,
Кўздин оқғон қон ёшимни олдингизда равон айлай.

Сарима тушди бир савдо, етиб ишқдин юз минг ғавғо,
Ажойиб нозанин барно анинг зикрин аён айлай.

Мадинатул Қаърия макони, Ром соний шоҳнинг қизи,
Кўрмай ўлар бўлдим ани,бошим йўлда ғалтон айлай.

Шоҳлиқим гадоя бердим, ман кўйинда сиё бўлдим,
Бу ширин жонимдин тўйдим ёр йўлинда қурбон айлай.

Масоҳиб бебок ўлдим, оёқ остинда хок ўлдум,
Ёр учун сийна чок ўлдум, қай тарафда макон айлай.

Кўрон билан борму ёрдин, Қаърияжон отлиғ ёрдин,

Гул узуб гули бехордин гулистонда сайрон айлай.

Алқисса, Рой бу жавобни айди,эрса, ул нозанин йигитлар айдилар:эй барно йигит санинг отинг Рой эрур, отанг оти Папури Чин эрурми? Айди: ори ўшал зори ишқ турурман дегач, алар марҳабо, деб қучоқлаб пешвоз қилдилар Рой айди: сизлар манинг Рой эрканимни не билдингизлар?. Алар айди:санго Сулаймон пайғамбардин тўрт омонат қолибтурур, аларни олсанг керак, алар бирлан ёрнинг висолиға мушарраф бўлсанг керак. Йўқ эрса санго ёрға етмак маҳол турур. Мадинатул Қаърия деган ер тагинда турур, зиёда улуғ шаҳар турур, анинг подшоҳининг ҳар бир соҳиби хуружлари борким, агар қаҳр қилсалар одамларни сиймобдек йўқ қилурлар. Рой айди:алар нечук омонат турур. Пинҳон қилсанг деб тамаллуқ қилдилар. Алар айди:эй Рой, бизлар отадин икки биродармиз, ул тўрт нимарсани отамиз бир бизларга топшурди. Ройи Чин деган келур анго бергайсизлар, деди. Бири кўлбор ва бири сафол товоқ ва бири устухондин бўлғон қилич ва яна бири йиғочдин бўлғон кафш. Рой айди:аларни олишга даркор турур. Алар айди:ҳар биринда чандон хосиятлар борким, аларға ҳеч бир одамнинг ақли етмас. Кўлборнинг хосияти бу турурким: ҳар вақтки одамзод анинг ичига қўлин олса, хоҳласун тилло талаб, ҳоҳ гўҳар талаб қилсун, ҳар на қимматбаҳо нимарса бўлса андин мавжуд бўлур. Ва яна буким: жаҳоннинг матойин ичига солсалар ҳаргиз тўкилмас, ва яна мисқол оғири бўлмас, аммо сафол товоқнинг хосияти бу турурким: ичиндин ҳар на об-таом ва шира-шарбат, алвон-боалвон мевалар истаса андин пайдо бўлур. Учунчи: кафшнинг хосияти буким: ҳар кимарса оёқиға кийса, ҳар ерга бормоқни тилаб, машриқдин то мағрибни, дунёнинг атрофини сайр қилайин деса, бир дамда сайр қилиб келур. Аммо сўнгакдин бўлғон қиличнинг хосияти бу турурким: намозшом вақтинда бир харобхонаға ё бир саҳроға бориб, ғилофидин чиқарса, бир шаҳри азим пайдо бўлур, бозор қурулур. Ҳар на қимматбаҳо нимарсалар пайдо бўлур. Анча ободонлиқ бўлурким, ҳар кимарса ўз муродича иш қилурлар ва яна тонг отғонда ул шамширни ғилофиға солсалар бозор ва матои ва жами нимарсалар нопайдо бўлур. Эмди сан буларни олғил, муродингға етгил, ҳарвақтки мурод ҳосил қилсанг, қайтиб келгил ва яна алоҳида ишлар кўрарсан деб, кўлбор ва сафол товоқни ва йиғочдин бўлғон кафшни ва сўнгакдин бўлғон қилични Ройға топшурдилар. Рой ул омонатларни олиб худоға шукури сано қилиб, бу ғазални ўқуди:

Шукур ҳақнинг даргоҳина эшитдим ёрнинг хабарин,
Етушсам шамсу моҳина, кўрсам давлатли дийдорин.

Кўрсам боғу гулзорини, терсам гули баҳорини
Эшитса оҳу зоримни кўрсам,давлатли дийдорин.

Чекдим ёримни жафосин, рақибнинг таъни жафосин
Ман ғарибнинг муддаосин, кўрсам давлатли дийдорин.

Май ичиб мастона юрсам, муборак жамолин кўрсам,

Ширин-шакар лабин сўрсам,кўрсам давлатли дийдорин.

Сийнама сийнасин қўйсам, лабиндин май ичиб қонсам,
Рой дер бошинда дўлонсам, кўрсам давлатли дийдорин.

Алқисса, Рой бу жавобни айтиб кўлборни олиб, белига боғлаб, сафол товоқни қўлиға олиб, қилични белига боғлаб, чўбин кафшни оёқиға кийиб талаби Мадинатул Қаърия деб Қаърияжонга еткуруб, сарин сойға тортди, кўз юмуб очғунча Мадинатул Қаърияға еткуруб Қаърияжоннинг кўшкининг олдинда элтиб қўйди. Рой кўзин очиб кўрса, халойиқлар тўп-тўп, санжоқ-санжоқ, байдоқ-байдоқ, гуруҳ-гуруҳ бўлуб кўшнинг олдидин ўтарлар. Ногоҳ Ройнинг кўзи ўзининг вазирбачасиға тушди. Кўрса, сочлари ўсуб, юзлари сомондек сарғайиб, бир кунжида офтобда ўлтуруб турур.

Рой маноди қилди. Ҳой вазирбача, мунда кел, деди. Вазирбача келиб кўрса, ўзининг султони Ройи Чин турур. Келиб оёқиға ёпушуб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, ер ўпди. Рой сўрди: Эй вазирбача сан мунда қачон келдинг теди. Ул айди: етти йил бўлди ман мунда келдим деди. Андин бери мундоғ балоға гирифтор эрурман ва ҳеч ким манго илтифот қилмас. Кеча-кундуз гўллоҳ ўчоғиға ўт ёқарман. Овқатимни ўткариб, бу кўшкни келиб тамоша қилурман. Рой сўрди: бу кўшк на кўшк турур. Бу халойиқлар не учун гуруҳ-гуруҳ бўлуб ўтарлар. Вазир бача айди: Бу шаҳарга Мадинатул Қаърия дерлар. Подшоҳиға Ром соний дерлар. Қизи Қаърия деган туш кўруб бир кимарсага ошиқ бўлуб эрмиш унунг учун отаси бу кўшкни бино қилиб турур. Халойиқларни олдидин ўткарур, ҳар кимни Қаърия олма бирлан урса, қизимни анго берурман, деб ваъдақилғон эрмиш. Ҳар ким бу умид бирлан кунда юз мартаба олдидин ўтур. Ҳар кимни қабул қилмас. Халойиқлар ҳама умид бирлан андин юзларини қайтармаслар деб бир-бир баён қилди. Шоҳи олам сиз ҳам бу кўшкнинг олдидин ўтунг, шояд сизни қабул қилғой. Рой билдиким ўзининг истар маъшуқи эркан, танига титратма пайдо бўлди. Бетоқат ва беором бўлуб юзидин пардани олиб оёқиға чўбин кафшни кийиб кўлборни белига боғлаб, сўнгакдин бўлғон қилични ҳамойил қилиб сафол товоқни бир ёниға осиб кўшк сари равона бўлди. Кўшкнинг остиға бориб кўлбордин жавоҳирдин бўлғон нақшли созни чиқариб, осмонга боқиб, ёр висолиға етдим, деб нолаи фарёд қилиб бу ғазални ўқуди:

Сафар айлаб узоқ ердин нигорим,
Муборак жамолинг кўрмака келдим.
Кетти ақл-ҳушим, сабри қарорим,
Санинг бирлан даврон сурмака келдим.

Чиқдим Чини мочин, Хитой Хўтандин,
Сабил ўлдум молу мулку Ватандин,
Назар қилмай боғда савсан Сумандин,
Санинг бирла даврон сурмака келдим.

Санинг учун банда бўлуб садоға,
Учрамишам турлук -турлук балоға,
Юз тутуб ялбориб қодир худоға,
Санинг бирла даврон сурмака келдим.

Бугун муҳаббатнинг шаробин ичдим,
Муҳит дарёсидин дўлондим, ошдим,
Келиб даргоҳинга бу жондин кечдим,
Санинг бирла даврон сурмака келдим.

Тасаддуқ айлайин эй Қаърияжон,
Азиз жоним санинг йўлингда қурбон,
Зиёфат айласанг ҳуснингни чандон,
Санинг бирла даврон сурмака келдим.

Бошға кийиб қулоҳ, эгнима жанда,
Тоқатим қолмади бу жону танда,
Рой ўлуб тасаддуқ бошинга банда,
Санинг бирла даврон сурмака келдим.

Алқисса, Қаърия ҳам етти йилдин бери пари юлунғон қуш каби пажмурда бўлуб ғаму ғусса бирлан фикр андиша бирла ёр васлина ета билмай умид узиб, беҳуд бўлуб ўлтуруб эрди. Ногоҳ қулоқиға бир овози хуш нағма тамом аъзосиға ёйилиб, сачраб ериндин туруб ер сари боқса, тушунда кўрган Рой Чин қўлунда соз, ажабнамо танноз қилиб ишқ ҳавоси тоза бўлуб, юзиндин ниқобин сар қилиб ташлаб, марҳабо юз жон фидо нигорим деб, хуш келибсиз деб бир ғазал ўқуди:

Етти йилдур кўрдим қадди камолинг,
Энди сайрон айла гулзор, санингдур.
Жонима ўт солди ҳусни жамолинг,
Сарви қад, гул юзли дилдор, санингдур.

Юзимдаги холим, лаб шакар болим,
Ҳам лаби май хандон оби зилолим,
Ол янгоқ сақоқим, чашми ғизолим,
Сийнам узра икки анор санингдур.

Юз уза тутулган хўйи гулобим,
Мушкин сочим, анбар зулфи танобим,
Ғунча кўнглим, ақли ҳушим хитобим,
Ҳар ҳукм истасанг ихтиёр санингдур.

Шакл-шамойилим, мулким хирожим,
Кўшки айвон, шаҳрим, тахт ила тожим,
Қанду асал таним шаккар сирожим,
Ғамзали, шевали дилдор санингдур.

Қаърия дер: жоним жонинга қурбон,
Кўрдим ой юзунгни йўқ эмди армон,
Ширин сўзунг ёрим дардима дармон,
Гул очилди фасли баҳор санингдур.

Алқисса, Қаърия бу жавобни айтиб, ериндин туруб Хуршиди ховардек жило бериб, марҳабо эй, ёри жоним, деб беихтиёр масти лояқал бўлуб ўзини кўшкдин Ройнинг устига ташлади. Қучоқини очиб ерга еткурмай ҳаво юзиндин олиб, икки нозанин бир кишидек бўлуб бир-бирининг жамолини кўруб, масти мадҳуш йиқилдилар. Ушбу вақтда Айёри Мунҳий деган ҳозир эрди, келиб Ром соний подшоҳиға хабар берди. Шоҳо, сарваро жаҳонпарваро ҳозири отар дарёйи мақотир хизматингизда арз буким, севунчи берингиз, қизингиз Қаърия бир навжувони моҳи тобони, юзи гул, кокиллари сунбул, олам ҳама анго бир пул бир нозанин йигит бирлан кўшк устундин ташлаб, иккиси қучоқлашиб ётур, дегач Ром соний ўлук эрди тирилди, жонсиз эрди, жон кирди.Чусти чолок туруб Айёри Мунҳийга кўп-кўп инъомлар берди. Аларнинг устиға бориб саропардаи Искандарни тутуб жами халойиқни қувдирдилар то ақлиға келганча ўшал ерда подшоҳ бошлиқ вазирлар ул икки жафокаш ногоҳ ўзларига келдилар. Ром соний буюрди:Боғи майдонға олиб боринг. Маҳофаи зарнигорға солиб бордилар.

Чаҳор атрофға жар қилдурдилар, тўй яроғин қилмоқ учун. Аммо ул икки ошиқ Боғи майдонда бир-бирининг жамолини кўруб ҳижрон балосиндин қутулуб, бир-бириға бу жавобни айтур эрдилар. Ғазали Ройи Чин:

Висолинг дилбарим билман тушумму ё хаёлимдур,
Юзинг хуршиди ховардур худо берган жамолимдур.

Кўзинг оҳу, юзинг ҳумро, лабинг шакар, қадинг раъно,
Ман ошиқ булбули шайдо талаб қилғон висолимдур.

Етушганда жамолингға, азиз жоним висолингға,
Тараҳҳум айла ҳолимға, лабинг оби зилолимдур.

Фалакдин етмагай шабхун, қилиб бечорани дилхун,
Бу дард узра дарди афзун нигорим арзи ҳолимдур.

Шукур олло агар чиндур, юзунгни кўрганим дилбар,
Санинг васфингни зикр этар ҳоли мақомимдур.

Неча йил, ойи кун жаври жафойингни чекди Ройжон,
Тушумдур ё ўнгумдур жамолинг ё хаёлимдур.

Алқисса, Ройжон бу жавобни айтғондин сўнг Қаърия ҳам ёриға қараб бу жавобни айди:

Нигорим етти йил бўлди тилимда сўзларим санинг,
Фироқинг бағримни тилди йўлунгда кўзларим санинг.

Чун кўшки айвон солиб зар-зевар нақш этиб,
Шамойилдек шакл безатиб, ғамзали нозларим санинг.

Ўйноғоли боғда майдонда, тилло биноли айвонда,
Ўюнчи юз минг алвонда муғанний созларим санинг.

Фалак бози бериб тани висолинг навбати етти,
Етиб ҳижрон қиши ўтди, мевали боғларим санинг.

Қаърия айтур: нигорим сан эдинг бу интизорим,
Боғу бўстон гулузорим булбул овозларинг санинг.

Алқисса, иккиси бу жавобни айтушуб айш-ишратда бўлдилар. Аммо Ром соний шоҳ халойиқға жар қилдурди. Умаро, фузало, фақир-фуқаро, ғариб-ғурабони чақириб Боғи майдонда соз-суҳбатда муғанний созандаларни йиғиштуруб тўй берди. Алвон-боалвон неъматлар ўртоға келтуруб неча айёмлар тўй қилиб, икки жафокаш ошиқни бир-бириға қўшуб, тўйни тамом қилдилар. Аммо икки ошиқ муродиға етиб, ўтган ишларни кўрган жафоларни айтур эрдилар. Гоҳ ҳижрондин ва гоҳ висолдин айтушуб Боғи майдонда айш-ишратда машғул бўлдилар. Алқисса, Ром соний подшоҳ куёвин кўрмакликка чорлар бўлди. Турлук-турлук либослардин дури ёқут, зумрад яқоли тўнлардин йибарди. Аспи самандардин неча отлар йибариб чорлади. Ройи Чин бир либосин киймади ва отларини минмади. Кўлборни белиға боғлаб, қилични эгнига ҳамойил қилиб, сафол лавоқни ёнбошиға осиб, кафшни оёқиға кийиб бу сувратда подшоҳнинг саройиға қадам қўйди. Шоҳ, вазир, вакиллар, иноқлар бу сувратда кўруб айдилар:ҳайф подшоҳнинг қизи ҳурсифат мундоғ девонаға тушуб бу балоға гирифтор бўлубдур, деб юраки қозондек қайнаб, ҳуши бошиндин кетиб, тили йилондек тўлғониб жавоб айтурин билмадилар. Ройи Чин билдиким, бу сифат бирлан келганиға ҳама дилтанг бўлғонин ва ҳам подшоҳ ҳижолатда бўлғонин билди. Эмди булар бу ишлардин хабардор бўлуб подшоҳни ҳам ҳижолатдин чиқорайин деб кўлборға қўл уруб, юз минг тавозе бирлан бир мунаққаш зумраддин бўлғон шиш торли созни чиқориб ҳолини бир-бир баён қилди. Жаҳон оламни нурға ғарқ қилиб бу ғазални айди:

Хижолатда бўлманг хону султонлар,
Ҳар кимса бир ҳунар ато айлади.
Бу тўртини биза соҳибқиронлар,
Ол деб худо биза раво айлади.

Тингланг, хосиятин баён айлайин,
Олдингизда бир-бир аён айлайин,
Буларнинг тавсифин замон айлайин,
Жоми Жамшид жаҳаннамо айлади.

Кўлбора қўл солсам дур ила гўҳар,
Чиқар лаъли ёқут, зумради анвар,
Сулаймон набидин қолғон ёдгор,
Дардлининг дардига дармон айлади.

Кафш кийган сайрон айлар самони,
Мағриб ила Машриқ ёхти жаҳонни,
Етти қат кезар ер йўқтур гумони,
Буларни ҳақ биза бино айлади.

Сафол тавоқ Сулаймон Набидин нишон,
Зоҳир бўлур неъмат алвон-боалвон,
Адо бўлмас еса шакар фаровон,
Андин шира-шарбат раҳо айлади.

Қилични ғилофдин чиқорғон чоғда,
Ё бир хилват ерда, ё бир саҳрода,
Шаҳар пайдо бўлур, гумон йўқ анда,
Қуруғон хуш бозор баққол айлади.

Зоҳир бўлса ҳар кимсанинг муроди,
Муродима олур яхши саводи,
Папури Чин ўғлининг Рой эрур оти,
Булар сифат завқи сафо айлади.

Алқисса, Ройи Чин бу жавобни айди, эрса Ром соний ўлди деб эрди, тирилди. Ройи Чин юзидин ниқобин кўтариб хандон қилиб бир такаллум қилди, оғзиндин дуру жавоҳир тўкулди. Шоҳ бошлиқ умаро, фузалолар кўруб, ҳусни жамолин ҳама ақлин йитирди. Ром соний фаҳм идрокин кўруб беҳуш бўлиб, боз ҳушиға келиб бошиндин айланди. Умаро, фузало таҳсин-офарин, маҳлуқотда мундоғ нимарса пайдо бўлибдур деб ҳама ишқидин волаи шайдо бўлдилар. Ром соний етти кеча-кундуз мажлисин ораста қилиб, ўттуз икки созни бир қулоқдин тузуб, мастимадхуш ўлтуруб бир соатғача бўлмади. Ром соний Ройға рухсат берди. Ўз саропардасиға бориб Қаърияжон бирлан айш-ишратда бўлдилар. Бир неча айёмлар у вазирбача ҳаромзода буларнинг қайда бор эрканин билди. Қай кун бўлғон Ройнинг қўлиндин макр этиб Қаърияни олиб кетгайман деб юруб эрди. Алқисса, бир неча муддат айш- ишратда бўлдилар. Ройи Чин Ром сонийдин ўз вилоятиға кетмак учун ижозат тилади. Бир кун ўлтуруб эрди отаси ёдиға тушуб, вилояти, тамоми ёр-жўраси ёдиға тушуб ёр жўралардин ёд этиб бу ғазални ўқуди:

Кўнглумизда армон эмди қолмади,
Вайрон кўнгулларни иморат этсам.
Манинг учун отам-онам зор ўлди,
Каъбам Мадинамни зиёрат этсам.

Роми соний биза ижозат берса,
Ҳазрати Одамдин шафоат ўлса,
Шишу Идрисдин иноят ўлса,
Каъбам Мадинамни зиёрат этсам.

Нуҳ, Наби Жиржис, Иброҳим Халил,
Исмоилу Исҳоқ, Яъқуб, Жаброил,
Исрофил, Исроил, Малак, Макойил,
Каъбам Мадинамни зиёрат этсам.

Ошиқлар сарвари ё Юсуф наби,
Шаиб ила Мусо жаҳоннинг гули,
Зикриё,Яҳё Ҳақ севар қули,
Каъбам Мадинамни зиёрат этсам.

Ё Довуд Сулаймон, ё Ҳазрат Ота,
Искандар Зулқарнайн, Ҳазрати Исо,
Барчасига раҳбар нури Мустафо,
Каъбам Мадинамни зиёрат этсам.

Абу бакр, Ҳазрат Али, Сулаймон,
Ҳақнинг арслонидур ул Шоҳимардон,
Бобомиз гўё Таҳмурас арслон,
Каъбам Мадинамни зиёрат этсам.

Ройа тушди ота-она хаёли,
Эсди Хитой, Хўтан, Чиннинг шамоли,
Яна кўрсам ёру дўстум жамоли,
Каъбам Мадинамни зиёрат этсам.

Алқисса, Ройи Чин бу жавобни айтиб эрди, Қаърия эшитиб кўнгли минг пора бўлди. Отаси Ром соний қошиға бориб Ройнинг ота-онасини вилоятини орзу қилғонин бир-бир баён қилди. Ром соний айди: андоғ бўлса анго ижозат бермак керак, боринг Рой мунда келсун, ҳар на сўзи бўлса, баён қилсун. Анинг мақсудича иш қилмак керак, деб чорлаб олдилар. Шоҳо, сарваро ериндин туруб жой бердилар. Айди: эй булбули гулшаним лолаи савсаним ибо қилманг, ҳар на сўзингиз бўлса, баён қилинг, йўл яроғин қилмак керак, деб ишорат қилди. Анда Рой ўлтуруб бу ғазални ўқуди:

Ишқ ичра ватан тутғон ким чашми сароб авло,
Ким мулки Сулаймондин ўз мулки хароб авло,
Жамшид, Искандарнинг ишқиндин азоб авло,
Бу ақл фаросатдин мадхуш сароб авло,
Бу ишрати фонийдин ҳам бағри кабоб авло.

Жавр ила жафо чекмай ҳаргиз манго роҳат йўқ,
Гул оразини кўрмай булбулга фароғат йўқ.
Етмиш киши мақсудға то ҳақдин иродат йўқ,
Каъбамни кўрмай эмди манго сабру тоқат йўқ,
Дарёйи вафосиздин бир қатра ҳубоб авло.

Айб айлама эй шоҳим сарви сўзи ялғондур,
Ул дашти қиёматда ҳам чоки гирибондур,
Гар қилса ғазаб тангриким ҳоли паришондур,

Ялғон сўздин ҳар дам ҳижрону пушаймондур.
Ким бўйла тирикликдин гар бўлса шароб авло.

Алқисса, Ройи Чин бу жавобни айди. Эрса Ром соний билдиким, вилоятин орзу қилур. Аммо хазинадорға буюрди, лаъл-жавоҳир, дур-ёқутни олиб келдилар. Ройи Чинға бериб ўз вилоятиға узотур бўлдилар. Ром соний қизи Қаърия бирлан хўшлашиб, худоға топшурдим, деб йибардилар. Ҳама умаро, фузало-занон- мардон, қизу-жувон тамошоға чиқдилар. Қани кўрали Ройи Чин Қаърияни на сифатда олиб кетар эркан, деб турур эрдилар. Ногоҳ Ройи Чин кўлбориға тамом молларни солиб белиға боғлади, бир мисқол оғири ҳам бўлмади. Сафол тавоқни ёнбошиға осиб, сўнгак қилични ҳамойил қилиб, чўбин кафшни оёқиға кийиб, ният Боғи жумҳур деб сарви сояға тортилди, халойиқ саросима бўлуб қайда борғонин билмадилар. Аммо вазир бача ҳаромзода ўзини бир чибин сувратинда қилиб Ройи Чиннинг бошиға қўнуб, ул ҳам бирга келди. Кўз очиб юмғунча Боғи жумҳурға еттилар. Ул омонатларни олғон йигитларнинг боғина етушдилар. Йигитлар олдина пешвоз чиқиб, марҳабо, деб кўруштилар. Бир кеча меҳмондорчилиқ қилдилар. Эртанг бирла Ройи Чин айди: эмди бу омонатларингизни олинг, булар сабаб бўлуб мақсудим ҳосил бўлди. Улар айдилар: бу омонатлар сизнинг отингизға турур. Мундоғ нимарсалар бизларда бисёр турур, яна ҳам алоҳида сизга нақли руҳни ўргатурмиз, бизда кўб илмлар бор турур, деб нақли руҳдин таълим бердилар. Нақли руҳ шундоғ нимарса турур, ҳар ким ҳоҳ ўзиндин чиқиб яна бир ўлганнинг танига кирса онинг сувратинда бўлур, они Ройга ўргатдилар. Вазир бача ҳаромзода ҳам ўрганди. Аларнинг ҳаромзодадин ҳеч хабари йўқ эрди.

Алқисса, бир йилда илмларни ўргатиб, Ройни узотдилар, Ройи Чин хўшлошиб, кафшни оёқиға кийиб, Чин мочин деб равона бўлдилар. Кўз очиб юмгунча тоғ ўртасинда бир боғға етушдилар. Гўё Боғи Эрам сифатлик, анда тушдилар. Ажойиб чиҳорбоғ бир неча вақт бўлуб сайр этали деб сарҳовуз ёниға бордилар.Гуллар очилиб, булбуллар юз алвон тил бирлан сайраб, булоқлар ҳар тарафға оқиб, икки нозанин бир-бирининг бўюнлариға қўл солишиб ажойиб тамоша қилур эрдилар. Ногоҳ кўрсалар боғнинг бир кунжида вазирбача ҳаромзода турур эрди. Ройи Чин кўрса вазирбача ал қўвшуруб, таъзим-тавозе қилиб Ройнинг оёқиға

тушди. Рой айди: сан мунда қачон келдинг?. Вазирбача айди: кўб кундур мунда келганим деб Ройнинг оёқларин ўпди. Рой айди: иккимиз баровар ўйнаб кулали деб фикр-андиша қилди. Қаърияни боғ ичинда қўюб, тоғ устина чиқдилар. Ногоҳ тоғ устинда бир кийик учради. Ройи Чин тутуб ўлтурди яна бир қулонни отуб урди. Вазирбача бирлан Ройи Чин ўшал ерда ўлтурдилар. Рой айди:сан на шакл бирлан Мадинатул Қаърияға бординг, яна на суврат бирлан бу жойларға келдинг. Вазир бача айди: мен сизнинг давлатингизда илми Жаъфар ва илми нужум билурман, ҳар сувратни худо хоҳласа қилурман. Кабутар сувратинда бўлуб Мадинатул Қаърияға бордим ва яна чибин сувратинда бўлуб сизнинг бошингизда қўнуб бирга мунда келдим, деб баён қилди. Рой айди: андоғ бўлса, кўрмак керак деди. Вазирбача бир афсун ўқуб чибин сувратинда бўлди ва яна бир афсун ўқуб ғалт уруб ўз сувратиға кирди. Анда Рой мундоғ ишлар ҳунари нажот дерлар. Муни ҳунар демаслар, ҳунар деб Нақли руҳни айтурлар. Вазирбача нақли руҳ нечук турур кўрали, деди. Вазирбача айди кўрсатгил, тамоша қилали деди. Ройи Чин ўз сувратидин чиқиб ўлган кийикнинг сувратиға кирди. Филҳол Вазир бачаи ҳаромзода сувратиндин чиқиб Ройнинг танина кириб подшоҳ сувратинда бўлди. Қўлина тиғ олиб кийикни ўлтурур бўлди, қовди, кийик қочди. Бул қовди. Алқисса, кийик еткурмай қайтиб келиб вазирбача ҳаромзода Ройи Чин сувратинда бўлди. Қаъриянинг ёнина келди. Қаърия англади хулқ-атвори Ройға ўхшамас, кўнглуда тугун пайдо бўлди. Вазирбача Қаърия бирлан тўрт омонатни олиб, кафшни оёқина кийиб, нияти Чин Мочин, деб кўз очиб юмғунча келиб Папури Чиннинг тахтина чиқиб ўлтурди. Алқисса, Папури Чин дунёдин ўтуб эрди. Халойиқ умаро, фузало ҳайрон саросима эрди. Халойиқ эмди кимни подшоҳ қилурмиз, деб ҳама саргардон эрдилар. Аммо кўрсалар Ройи Чин келиб турур. Оталиқ-оналиқ, умаро, фузало, улуғ-кичик ҳама истиқболға келиб Ройи Чин, деб таъзим-тавозе бирлан бошиндин айланиб, марҳабо, деб отаси ўрнина подшоҳ кўтариб ҳама оромида бўлуб, дилжам бўлдилар. Аммо Вазирбача ҳаромзода муродим ҳосил бўлди, деб Қаърия ёнина бориб ал узотур бўлди. Қаърия билдиким хулқ-атвори Ройға ўхшамас. Бир ҳикмат пайдо бўлди. Қўлиға ханжар олиб айди: тортғил қўлингни, так турғил ерингда то санинг ҳолингдин хабардор бўлмағунча кўнгул бермон, ё сани ўлтурурман, ё ўзимни ўлтурурман, деди. Вазирбача жонидин қўрқуб сўз қотмади. Букун бўлмаса тонгла бўлур, деб ўз ихтиёрина қўйди. Вазирбача тахт устинда ўлтуруб халойиқға ҳукмин юритди. Эмди Ройи Чиндин сўз эшитинг. Рой Қаъриядин айрилиб ҳижрон ўти юрагига тушуб кийик сувратинда бўлуб одамлар орасиға боролмай чўли биёбон ва хори муғилон ҳар тарафға бош уруб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб тоғистон орасинда кезар эрди. Ўзига ҳеч бир мунис топмас эрди. Кийикларга мунинг муносабати йўқ эрди. Одамларни кўрса қочар эрди. Алқисса, бу меҳнатлар бирлан неча ойлар кезиб, тоғнинг орасинда бир қабрға борди. Кўрса икки қабр нишони бор. Кўнглуга айди: албатта бу қабр бежиз эрмас. Аммо қабрнинг бош устунда бир қизил гул, бир ёнида гул лола очилиб турур. Ани кўруб

айди: манинг муродим шулардин ҳосиб бўлғон деб ўлтуруб, кўзлариндин қатра ёш оқизиб зор-зор йиғлаб бу ғазални ўқуди:

Ман билманам тоғ устунда на зотсан,
Баён айла уйинг, йўлинг элларинг.
Ё ошиқсан, ё парисан на жонсан,
Очилғондур қабр устунда гулларинг.

Найлайин тушубдур бошимға мушкул,
Манинг бу мушкулим осон айлагил,
Ман ғариба эмди кўрсат тўғри йўл,
Очилғондур қабр устунда гулларинг.

Узросан, Вомиқсан, Фарҳод эрурсан,
Ё Юсуф Зулайҳо на зот эрурсан,
Ман билманам қайси устод эрурсан,
Очилғондур қабр устунда гулларинг.

Гар ошиқ ўлмасанг бу гулинг надур,
Лола бирла савсан, сунбулинг надур,
Мушк исли ёйилғон елларинг надур,
Очилғондур қабр устунда гулларинг.

Рой келибдур даргоҳинга юз тутуб,
Бу ҳижрон дардиндин хуноба ютуб,
Юрурман шоҳлиғим гадоға сотиб,
Очилғондур қабр устунда гулларинг.

Алқисса, Ройи Чин бу жавобни айди. Эрса қабрдин ҳеч садо чиқмади. Букун намоз шомғача фарёд қилиб йиғлади. Кеч бўлди. Қабрға бошин уруб то вақти саҳарғача фарёд, нола қилди. Ногоҳ кўзларини уйқу элитди. Тушунда қабр икки бўлинди, ичидин бир барно йигит чиқди гўёки Хуршиди ховардек кокиллар чин-чин, лаби шакар ҳуру ғилмондек бўлуб салом берди. Ройжон ҳўвли жон туруб бошиндин уч маратаба айланди. Эй нозанин сан каби нозанинни ҳеч умримда кўрган эрмасман. Нечук жонсан, отингни баён қилғил, деб фарёд қилди. Ул йигит асл зтин баён қилиб бу ғазални ўқуди.

Ғазали Фарҳод:

Аслим манинг сўрсанг доди ишқ ўғлон,
Ота-она келйон шаҳзод эрурман.
Масканим тоғ эрур тошларни қозғон,
Ширин учун ётғон Фарҳод эрурман.

Мурода етмади фоний дунёда,
Билман нечук ҳикмат эрмиш орода,
Кун- кундин меҳнатим бўлди зиёда,
Ширин учун ётғон Фарҳод эрурман.

Рақиблардин маломатда чўлондим,
Меҳнат чекиб балоларда дўлондим,
Шаҳид они бўлуб қона булондим,
Ширин учун ётғон Фарҳод эрурман.

Ошиқ ўлон ўлур мандин саводи,
Ошиқларнинг Мажнун эрур устоди,
Тоға чиқиб жон беран ошиқ Фарҳоди,
Ширин учун ётғон Фарҳод эрурман.

Узро ила Вомиқ ҳақиқат ошиқ,
Шамси, Қамар, Зуҳра Муштари Содиқ,
Шам ила парвона бўлибдур Вомиқ,
Ширин учун ётғон Фарҳод эрурман.

Алқисса, Рой Фарҳоддин бу жавобни эшитиб сўроди: Эй ошиқларнинг раҳбари Фарҳод, менинг мушкулим қай ерда осон бўлур ва қаю бузрук остонида бахтим очилур. Анда Фарҳод айди: Эй, Рой ғам емагил, мундин борғил, юрурсан етти кундин сўнг бир баланд тоғ кўрарсан анинг устина чиқғил ўшал чаҳор боғға борғил. Анинг ичина киргил. Анда гуллар қиш-ёз очилур, меваси алвон ба алвон тўкулур. Булоқлар ҳар тарафға оқғон. Илгари-илгари юргил. Анда бир ҳавз кўрарсан. Ул ҳавз атрофинда олтун-кумушлар бирлан тўлдурулғон абри шомдин тўшалган гўё беҳишт боғина ўхшар. Шунда бир қабр кўрарсан. Забаржаддин бўлғон кунбаз турур. Ўшал Лайли Мажнуннинг қабри турур. Анда бориб ҳожатингни тилагил. Муродинг андин очилур. Мушкулинг андин ҳосил бўлур, дегач Рой уйқудин кўзин очиб кўрса ўшал ерда ётур. Кўнгли хуш бўлиб, туруб юриберди. Неча кун йўл юруб ул чаҳор боғға етушди. Гўёки жаннатға мангзар. Илгари юруди, сарҳавз бўйиға борди. Гўёки ҳавз кавсардай. Ҳавз сувиндин ичди. Худоға шукри сано қилди. Косалар тўла май, бисотлар тўшалган кўруб таҳсин қолиб, илгари юруди. Кўрса, ёшил забаржаддин бўлғон кунбаз, бир эшик олтун ичинда бир қабр турур. Қабрни кўруб кўзидин қатра-қатра ёш жорий бўлди. Баданига кўнгли мусаффо бўлди. Қўрқинчи кўнглидин чиқиб ҳожатин тилаб бу муножотни ўқуди. Ғазали Ройи Чин:

Келибман юз тутуб ҳожат, тилабман ёр дилхоҳсан,
Кўруб юз меҳнати офат, ки сан Мажнуни даргоҳсан.

Бўлубман чўлда саргардон, бу ҳижрон йўлида ҳайрон,
Манинг жоним санго қурбон, ки сан Мажнуни даргоҳсан.

Муродинг бўлмади ҳосил, вафосиз дунёда бе қил,
Кўруб мунда жафо мушкул ки сан Мажнуни даргоҳсан,

Мани ҳожатим қабул этгил, мани фарёдима етгил,

Қаро бахтим ўзинг очғил ки сан Мажнуни даргоҳсан,

Қошунға Рой Чин келди, бўсағанг узра юз қўйди,
Манинг ҳолим нечук бўлди, ки сан Мажнуни даргоҳсан.

Алқисса, Ройи Чин бу жавобни ўқуб зор-зор йиғлаб остонасиға бош қўюб, уйқу элитди. Воқеасинда андоғ кўрдиким анинг тафсифиға фаҳм-идрок етгудек эрмас, лекин ўртасинда бир кўшк бор тамоми зари зевар, лаъл, ёқут, гўҳардин бино бўлғон. Аммо устунда бир тахт бор турур. Тахт устунда икки нозанин бир-бирини қучуб, майи муҳаббатдин ичиб ўйнаб, кулушуб бир-бириндин бўса олишиб ўлтурур. Рой кўруб бенаво бўлуб, қўл қўвшуруб кўзидин селобадек ёш оқузуб, бўйинин буруб турди. Бир замондин сўнг ул икки нозаниннинг кўзи тушди. Маноди қилдилар: ҳой бечора мунда келгил, деб илгари юруди. Боз қичқурди илгари кел, деб, яна юруди. Боз маноди қилди яқин келгил, деб. Чусти чобук кўшк остиға келди. Марҳамат юзиндин савол қилди. Рой бечора қайдин келиб ва қайдин борурсан, ё паримусан, ё одамзод эрурмисан. Бу нечук ҳол турур бошинга на мушкул тушди. Ҳол-аҳволингни баён қилғил теди. Эрса Ройи Чин зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб аввалдин бошиндин ўтган ишларни баён қилди. Бу ғазални ўқуди.

Ғазали Ройи Чин бу турур:

Эшитинг қиссасин саргашта ҳолим,
Қодир мавлом, ишқдин фиғон йитирди.
Отам Папури Чин будур мақолим,
Сарима савдойи яздон йитирди.

Ётурдим, тушимда кўрдим бир пари,
Оти Қаърия нозанинлар сарвари,
Ҳеч анго мангзамас дунё дилбари,
Кўзларим йўлинда гирён йитирди.

Ота-она, ёру дўстум кўзладим,
Сайёҳ бўлуб анинг йўлин изладим,
Дарёйи Муҳитдин они кўзладим,
Яратганда мани Субҳон йитирди.

Жафо, меҳнат билан ёра етушдим,
Боғ ичра бир гулузора етушдим,
Орзу айлаб интизора етушдим,
Бу хаста кўнглума дармон йитирди.

Қайтиб ўз мулкима равон айладим,
Эмди бало йўқ деб гумон айладим,
Фахр айладим шоҳи замон айладим,
Бу феълимдин манго армон йитирди.

Вазир эрди манго бир соҳир ўғлон,

Билур эрдим илми рухдин фаровон,
Холи кўруб манинг танимни эй жон,
Сувратимни бузуб хандон йитирди.

Олди кетти маъшуқамни алимдин,
Неча йилдур айро тушдим гулимдин,
Мушкул ишлар тушди жону дилимдин,
Манинг бу умрима нолон йитирди.

Кошки ман онадин тўғмоғай эрдим,
Бу сифат балоға қолмоғай эрдим,
Оқу қизил олма олмағай эрдим,
Умримнинг боғина хазон йитирди.

Рой келиб қопунга сано айлади,
Арзи ҳолин деюб дуо айлади,
Сандин анго рақиб жафо айлади,
Жамолинг кўрмака фармон йитирди.

Алқисса, Ройи Чин бу жавобни айди, эрса, ул тахтда ўлтурғон айди: Эй Рой, алҳол на жафо кўрубсан, мундоғ жафоларға жафо демаслар. Бизларни билурмисан. Бу ўлтурғон ҳури жаннатни тонурмисан. Муни Лайли, бизни Мажнун дерлар. Биз икки жафокаш қирқ йил ишқ бозориға кириб, анинг маломатидин заҳмдор бўлдуқ. Онадин туғилдим, маъшуқ юзин кўргунча гирифторликда оташи ишқ бирлан омихта бўлдим. Андин сўнг ўн ёшимда ёрим бирлан мактабда илм ўқуб, анинг ҳусну жамолина ошуфтаҳол бўлуб гирифторликда ўғлонларнинг таён жафосини кечдим. Андин ота-онаси хабардор бўлуб мани вилоятидин қовдурди. Саҳроларда чиқиб хуш таҳайюр бирлан ҳам улфат бўлдим. Ота-онам манинг учун хазина- дафинасин худо ризолиқи учун хайрод қилиб анбиё авлиёға назр қилиб, осон бўлмади шайх машойихға элтуб Каъбаи Муаззамаға зиёрат қилдурди. Ҳеч бири фойда қилмади. Отим Қайс эрди, Мажнун от қўйдим. Ишқим юз ҳисса зиёда бўлди. Бир неча йиллар ёр йўлинда жафо, меҳнат чекдим. Хўб келди, андин зиёдароқ бўлди. Лайлижонни Ибн Салом деган бекбаччага бердилар. Менинг ишқим ҳеч ким бўлмади. Бир неча солу моҳ Лайлижон анинг бирла ҳам улфат бўлди. Ман юз қайтармадум. Манинг дарди фироқимдин отам-онам фоний дунёдин қўл кўтариб боқий юрта сафар қилдилар. Ман бу бало бирлан кийикка ҳам улфат бўлуб, кўзларимдин қон оқиб, тамоми аъзоларимдин кўк ўтлар кўкарди. Бу сифат бирлан қирқ икки йил азоб тортиб, ёр васлин кўрмай, жамолиға тўймай фонийдин боқий юрта сафар қилдим. Ҳануз Лайлижоннинг ишқи юрагимдин кетгани йўқ. Магар қиёматда кимса деб бу ғазални айди.

Ғазали Мажнун бу турур:

Ишқ ўтидин кима етса ахгар,
Ёнар жони кўнгул забон англамас.
Ҳоҳи Рустам,ҳоҳи Жамшид, Искандар
Мажнун бўлуб кезар замон англанмас.

Қирқ йил ҳижрон ўқин чекиб жафосин,
Кўрмадим фонийдин меҳру вафосин,
Кўруб маломатнинг жабру изосин,
Кўзда ёшим оби равон англанмас.

Зулайҳо икки йил гирифтор ўлди,
Юсуф учун кеча-кундуз зор ўлди,
Турлук-турлук балоларға ёр ўлди,
Ишқ ўти куйдурур армон англанмас.

Неча йиллар Фарҳод тоғларни чопти,
Ширин учун балоларға йўлуқти,
Йўлинда жон бериб дийдорин топти,
Ошиқ бўлон ҳеч бир макон англанмас.

Мажнун худойина сано айлади,
Ҳар кима бир ҳунар ато айлади,
Мажнунни ишқ ўти фано айлади,
Етушса ишқ яхши-ёмон англанмас.

Алқисса, Мажнундин Рой бу жавобни эшитиб, кўнгли таскин топиб айди: Эй шоҳи ошиқон, манго бу ишқнинг тадбирин баён қилғил. Бу мушкулим қайси ерда кушод бўлур. Албатта ошиқ бўлғон ёр кўйинда жафо, меҳнат кўрар. Ўз сувратинда кўрар. На учунки суврат бадал бўлуб, одамлар орасина борабилмас. Бу жониворларға ҳам улфат бўла билмай саргашта бўлуб, ҳайрон-саросима бўлурман. Анда Мажнун айди: Эй, Ройи Чин ҳар ким худодин ўзга нимарсага эътимод этса, мундоғ балоларға гирифтор бўлур. Яна айди: Эй, шаҳзода сан кўлбор бирлан сафол тавоқға, қилич бирла кафшға ва илми руҳға эътимод қилдинг, тавба қилғил мундин. Миср вилоятинда ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бирлан Зулайҳонинг қабри анда турур. Бориб ҳожатингни тилагил. Алар худонинг улуғ пайғамбари турур. Аларнинг дуоси ҳар ерда мустажоб турур. Иншо олло таоло санинг ҳожатингни ўшал ерда топарсан, деб кўб-кўб насиҳат берди. Аммо Ройи Чин ериндин турса кўрган воқеаси турур кўнглиға айдиким, ажаб равшанлиқ пайдо бўлди. Аммо йўлиға равона бўлди. Чўлу биёбон ва хори муғилондек, деб пой уруб,гоҳ югуруб, гоҳ йўртуб зикри сано айтурлар, лекин анда бир мунаққаш тўти неча вақтдин бери ўлгандур. Кийик танидин чиқиб анинг танига киргил. Андин тўти бўлуб ўз вилоятингға борғил. Андин сўнг санинг мушкулинг осон бўлуб, мақсудингға етурсан деган овозни эшитди. Рой ериндин чусти чобук туруб худоға ёлбориб, Искандар вилоятина равона бўлди. Бир неча айёмлар қати манозил қилиб ўшал тоғ ўртасиндаги мурғзорлиқға етуштиким, жаннатнинг иси димоғина келур. Анинг ичиға кириб неча кеча-кундуз сайр этти. Ҳар турлук қушлар бор турур. Аммо тўтилар юз алвон тил бирлан сайраб, худои таолонинг зикру саносин айтурлар.

Рой ногоҳ сайр қилиб юрур эрди. Ўлган тўтиға кўзи тушуб, ўз баданидин чиқиб тўти баданига кириб, бул ҳам тўти бўлуб, зикру саноға машғул бўлди. Бир неча вақт анда тўтилар бирлан ҳам улфат, ҳамроҳ бўлуб сайр қилди. Алқисса, Ройи Чин тўти бўлуб ўз вилоятиға Чин мочин шаҳриға доҳил бўлди. Шаҳар атрофини айланиб ўзининг тилло саройини, айвону айвонхоналарини кўруб, устунда парвоз қилиб зор-зор йиғлаб бу ғазални айтур эрди.

Ғазали Ройи Чин бу турур:

Хитой, Хўтан, Чин мочинни пирлари,
Адашғон қулингиз салом етурди.
Анбиё-авлиё, жаннат гуллари,
Бу қочқон қулингиз салом етурди.

Қодир мавлом биза қилса иноят,
Ҳазрати Юсуфдин бўлса шафоат,
Кўруб йўлда юз минг турлук аломат,
Бу қочқон қулингиз салом етурди.

Нақиб шайхулислом жаҳон султонлар,
Уламолар, хўжа Саид замонлар,
Беку бекзодалар соҳибқиронлар,
Бу қочқон қулингиз салом етурди.

Сир айтушқон, ёру дўстум, улфатим,
Май ичиб мастона қурон суҳбатим,
Пешонамдин кетон бахтим-давлатим,
Бу қочқон қулингиз салом етурди.

Паризода мангзар ҳурсифат қизлар,
Юсуф Зулайҳодек ҳам қаро кўзлар,
Навжувонлар миён инчка гул юзлар,
Бу қочқон қулингиз салом етурди.

Жафо чекди бу Рой кўб ою йиллар,
Хизмата келибман халойиқ, эллар,
Турна, ғоз ўйноғон сўноли кўллар,
Бу қочқон қулингиз салом етурди.

Алқисса, Ройи Чин ўзининг саройиға кириб пинҳон жойда ўлтуруб тамоша қилди. Эрса, вазирбача ҳаромзода етти иқлимға ҳукм этар эрди. Эмди сўзни вазирбача бирлан Қаъриядин эшитинг. Аммо Қаърия ҳамиша Рой фироқиндин кеча-кундуз уйқу йўқ, алал давом йиғлар эрди. Ҳеч нимарсага машғуллиқи йўқ. Бир кун вазирбача ҳаромзода Қаърия қошина келиб сўз қотди. Айди: Эй, Қаърия, токи Ройнинг ҳажр-фироқидин оби таом емай, киши бирла сўзлашмай йиғларсан. Мани гумон қилма, ман агар онт ичсам ҳам инонмассан, кел бу Ройдин қайтиб бизнинг бирла мурод ҳосил қилғил, ман санинг юз хотирингни

кўруб неча йилдин бери дахл қилмадим, эмди агар мурод ҳосил қилмасанг дорға остурурман, халойиқға тошбўрон қилдирурман. Токи эшитганларга қулоқ бўлсун, кўрганга кўз бўлсун, сазойи киши подшоҳға мухолифатлиқ қилмоғай, деб айди. Қаърияжон зор-зор йиғлаб айди: ман сани деб вилоятимдин, отам-онамдин кечиб мунда келдим, санинг қилуринг ўшал турур. Мандин ҳануз аларнинг ҳажр-фироқи чиқмасдин бурун манго мундоғ сўз айтурсан, деб афғон қўпорди. Вазирбача ҳаромзода кўнгли эриб айди: бугун бўлмаса тонгла бўлур, деб халойиқға кўриниш бермакка кетди. Қаърияжон танҳо қолиб худой таолоға зор қилиб айди: Эй ўн саккиз минг оламнинг худойи парвардигорим, ё менинг ёримни етургил, ё омонатингни олғил. Тирик юргунча ўлганим яхшироқ турур, деб бу ғазални айди:

Етти йилдур қон йиғларам ҳижрондин,
Ё ол омонатинг, ё етур ёрим.
Биза ҳикмат бўйла ҳукм фармондин,
Ё ол омонатинг, ё етур ёрим.

Пайғамбар сарвари ҳазрати Одам,
Иброҳим, Исмоил, Муҳаммад, Ҳотам,
Худонинг ҳурмати ул Исо, Марям,
Ё ол омонатинг, ё етур ёрим.

Қабул эт арзини бахти қаронинг,
Ҳижрондин заҳмдор кўнгли яронинг,
Ҳаққи ҳурматидин Биби Саронинг,
Ё ол омонатинг, ё етур ёрим.

Неча йилдур кўзим чўлу саҳрода,
Кўрмадим ёр юзин на сир арода,
Юз минг ҳасрат-қайғу, меҳнат қарода,
Ё ол омонатинг, ё етур ёрим.

Етти йилдур бағрим кабоб ўлубдур,
Қаърияға оғу шароб ўлубдур,
Бошима туганмас азоб ўлубдур,
Ё ол омонатинг, ё етур ёрим.

Алқисса, Қаърия бу жавобни айтиб зор-зор йиғлаб ўлтуруб эрди, ногоҳ тўти пурмунаққаш учуб келиб мейни устунда ўлтурди. Қаърия кўрса бир тўтидурким, андоғ тўтини ҳеч кўргани йўқ турур, бир мунаққаш. Қаъриянинг аъзолариға ларзон пайдо бўлди. Кўнглига айди: бу тўти ажаб эркан. Ҳар ердин хабар билур. Ман анда- мунда хабар сўройин, жаҳонгашта бўлса, шояд ёрим Ройдин хабар билгай. Тўти зийрак қуш бўлур, деб юзиндин пардани олиб андин сўнг бу ғазални ўқуди, жавоб сўради. Ғазали Қаърия:

Тўти сан жаҳонгаштасан,
Ройи Чиндин кўрон борми?
Етти йил бўлди хастаман,

Нозаниндин кўрон борми?

Оғзимдин дурлар сочмадим,
Катонли буқча очмадим,
Ўлтуруб шароб ичмадим,
Ул ҳазиндин кўрон борми?

Жаҳонда якто дилбардур,
Юзи хуршиди ховардур,
Шижоатда Искандардур,
Моҳ жабиндин кўрон борми?

Алқисса, Қаърия бу жавобни айтиб, кўзиндин қатра-қатра ёш тўкуб, фарёд-фиғон қилиб, тўтиға қараб нозу карашма бирлан бурулуб, арз-ҳолин бир-бир баён қилди. Эрса тўти саросима бўлуб, ақлин йитурди. Боз ҳушиға келиб, юз алфоз сўз тил бирлан Қаърияға бу ғазални ўқуди.

Ғазали тўти бу турур:

Тўтиям,ман санинг жони жаҳонинг,
Рўзи қилиб юзин кўргали келдим.
Ройи Чинман, санинг қоши камонинг,
Санинг бирлан даврон сургали келдим.

Етти йилдур ғизол ўлдим саҳрода,
Дам-бадам ҳар соат юз минг балода,
Шум рақиб ўлмаса, балки орода,
Боғчангдин қизил гул тергали келдим.

Ғизол ўлуб саҳроларда юрардим,
Хазон этиб кулум кўкка совурдим,
Шукур олло бугун жамолинг кўрдим,
Бошингға тасаддуқ бўлғали келдим.

Рой қулингман ғайри гумон айлама,
Дилбар, юзинг мандин ниҳон айлама,
Кўз ёшингни оби-равон айлама,
Санинг бирла даврон сурмака келдим.

Алқисса, Ройи Чин бу жавобни айди. Эрса, Қаърия зор-зор йиғлаб айди: Эй, руҳи равоним, ва эй хуршиди кайвоним, ва эй чашмаи оби ҳайвоним, эмди на маслаҳат бўлур. Сан қуш сувратинда, ман одам сувратинда нечук мувофиқатчилиқ бўлур. Анда Рой айди: Эй, Қаърия, вазирбача-ҳаромзода ҳар вақтки қошинга келса, сен анго туруш рўйлиқ қилма, сўз қотса, айғил: ман беақл эрканман, сандин юз авириб неча йиллар ўзумни балоға гирифтор қилдим. Эмди санинг бирла то ўлгунча тўшакда рўзи қилғой, дегайсан. Сан яна айғил: бир сўзим бор, санда илми руҳ деган бир ажаб илм бор эркан, ўзингни ҳоли қилиб, яна бир танга кирар эркансан, агар илминг бор бўлса танингни ҳоли қилиб ўзга танга киргил, ман кўрайин, токи кўнглумдин гумон

чиқсун. Андин сўнг то қиёматғача санинг бирлан бир тан, бир жон бўлуб даврон сурармиз-дегайсан. Агар қабул қилса андин ман билурман, деб бир пинҳон жойда бориб турди. Ногоҳ вазирбача-ҳаромзода сиёсату заҳри чашм, дабдаба бирлан сарой ичина кириб кўрди. Қаърия хушвақту хуррам ўлтирди. Ҳар кун ўлтирур эрди. Бугун анга мангзамас. Вазирбача-ҳаромзода қошина яқин келиб, сўз сўрди: Эй, Қарияжон нечук бўлдинг, бугун хушвақту хуррам кўрарман. Анда Қаърия айди: нечук хушвақт бўлмайин, неча йиллардин бери ота-онамнинг ҳажр-фироқиндин чандон йиғладим, ҳеч бири манго ёри бериб қайғумни оз қилмади. Додимға етмас. У равишда умрим зое ўтар, деб вақтимда бу нозанин жисмимни барбод қилмай бир кунча айш-ишрат бирлан ўткарайин, деб ўлтурурман, деди. Анда вазирбача айди: Хар на муродинг бўлса айғил жон- дил бирла қилурман, деди. Қаърия айди: менинг бир муродим бор турур. Қадимда, ўз танингдин чиқиб бошқа сувратға кирар эрдинг, ани қилсанг, ман тамоша қилсам, чеҳрам очилур эрди. Вазирбача айди: Сан бир маротаба сувратингдин чиқғил десанг, ман етмиш маротаба алвон баалвон ўйнаб сувратимдин чиқарман, деб бир афсун ўқуб ғалт уруб, эшак сувратиға кирди. Вазирбача банд бўлди, Ройи Чин ўз сувратиға кирди. Қаърия бирлан Ройи Чин бир-бирин қучоқлаб, беҳуш бўлди.

Бир неча муддатдин сўнг ҳушиға келиб Қаърия айди: Эй шаҳзодаи Ройи Чин, бу ҳаромзоданинг иложин қилинг, деб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлади. Ройи Чин айди: эмди ҳаргиз табдил бўлмас, деб жаллодларни чорлади. Ройи Чин амр этдилар:эй жаллодлар, бу эшак саройда на ишлаб юруб турур. Ташқари чиқариб дунё расволиқи бирлан ўлтургил, теди. Жаллодлар хўб бўлур деб ҳар на ҳожатингиз бўлса, қўлимиздин келгунча қилайиқ, деб ташқари чиқариб, юз минг уқубатлар бирлан ўлтурдилар.

Аммо Ройи Чин халойиқға жар қилдурди. Етти иқлимға хабар берсунлар-деб. Чандон муддатдин сўнг ҳар иқлимдин киши келдилар. Халойиқ жам бўлғондин сўнг отаси Папури Чинға қирқ кеча-кундуз тиловати Қурьон ўқутуб ошин бердилар. Андин сўнг халойиқға рухсат бериб йибардилар. Шаҳзода Ройи Чин отасининг тахтини устунда подшоҳлиқ сурди. Чин мочин андоғ ободлиқ бўлдиким, биров-бировга жабру ситам бўлмади. Подшоҳ Ройи Чин тўқсон йилға ҳукмин юрутиб, мақсудина етиб, дорулфанодин дорулбақоға рихлат қилдилар. Жумла уммати Муҳаммадни мақсудина етуруб, беҳишти жовидон рўзи қилғойсан.

ЭДИГО

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, қадим замонда Хоразм вилоятида Қўнғирот деган шаҳарда бир подшо бор эрдиким, зиёда улуғ подшо эрди. Шаҳри беҳро, Чинмочин, Хитой-Хўтандин бож олур эрди. Ул подшонинг отиға Тўхтамишхон дер эрдилар. Кўп улуғ подшо эрди. Анинг учунким, ул подшонинг айёминда Хоразм шаҳринда Қирқ минг уйли Қўнғирот, қирқ минг уйли Қипчоқ, қирқминг уйли Манғит, қирқ минг Уйшун, қирқ минг уйли

Наймон, қирқ минг уйли қозоқ, қирқ минг қалфоқ, қирқ минг уйли Нукус, қирқ минг уйли қанғли, қирқ минг уйли Хитой, қирқ минг уйли Чавдир, бор эрди. Алқисса, ҳар уруғдин бир одам подшонинг хизматинда бўлиб, бири меҳтар, бири қушбеги бири нойиб, бири шайхулислом, ҳар ким бир амалда эрдилар. Аммо амалдорларнинг жамоасининг улуғи тўқсон икки тўп манғитдин Тулимхўжа деган эрди. Тўхтамишхон Тулимбийни ҳамма маҳрамларидин зиёда яхши кўрар эрди. Ҳар сўзини подшоға айтса биткарар эрди. Аммо Тулимхўжага ҳамма душманлик қилиб ўттиз икки амалдор, қирқ тўрт муҳрдор, тўқсон бий, ҳаммалари жамъ бўлиб Тулимхўжага душманлик қилиб, ҳар замон Тулимбийни подшога ёмонлар эрдилар. Подшо аларнинг сўзини бовар қилиб, сўзларина асло қулоқ солмас эрди.

Алқисса, булар хафа бўлиб, ноилож нима қиларини билмай юриб эрдилар. Алғараз қирқ минг муҳрдор, тўқсон бий баткирдорлар маслаҳат қилдилар. Тулимбийга душманлик қилур бўлдилар. Ҳар қайси бир сўз айтиб ўлтириб эрдилар. Уйғур жамоасидин бир бой бор эрди, отиға Шумтуёқ дер эрдилар. ¡зи андоғ Шумтуёқ эрди. Ҳеч бир яхши ишга қўл қўймаган, еб-ичиб асло қорни тўймаган, бир яхши асл маконга эга бўлмаган, бир тук асил чиқмаган, мисоли тарвуздек бир айёри кўса эрди. Отина Кенжабой кўса, лақабига Шумтуёқ дер эрдилар. Шумтуёқ кўса айди: «Эй ёронлар, андоғ бўлса Тулимбий деган бефарзанд эрур, подшоға айтурмиз бефарзанд одамнинг хосияти бўлмас. Бул сўз бирлан баргоҳдин қувдирурмиз, деди. Бул сўз барчаларига хуш келиб, кун пешин бўлиб, тамоми амалдорлар боргоҳга жамъ бўлиб мажлисни қуриб, коса-коса шароб ичиб, ҳамма масти-беихтиёр бўлдилар. Шул вақтда Кенжабой кўса еридин туриб, арз жойиға келиб, қўлин қовуштириб подшога қараб айди: «Подшоҳи жаҳонпадаро, бу боргоҳдаги улуғ-кичикларнинг арзи шулким, сўз амалдорлардин, тил бизлардин» деб подшоға қараб бир сўз айди:

Аё шоҳим, хизматингга арзим бор,
Муборак хотиринг малол ўлмасин.
Тожи-тахтинг доим бўлсин барқарор,
Офтобдек умрингга завол бўлмасин.

Сўзим бордир сизга яхши ёмондин,
Муборак хотиринг чиқсин гумондин,
Бу сўз бордир асли қадим замондин,
Айтқан сўзим букун ёлғон бўлмасин.

Юртимиз яхшидур, ажаб замондур,
Барча эллар ўз жойинда омондур,
Бул дунёда шоҳим бир иш ёмондур,
¡зга ишлар андин ёмон бўлмасин.

Бу дунёни дерлар кўҳна саройди,
Ҳар кимнинг тубинда кўчи бор эрди,
¡ғил-қиздур бу дунёнинг муроди,
Бефарзандга соат замон бўлмасин.

Касофатдур асли ўзи бўлдиғи,
Мақбул эрмас яхши-ёмон қилиғи,
Юртға етар бефарзанднинг шумлиғи,
Бу боргоҳда анга даврон бўлмасин.

Қулоқ солсанг Кенжа маҳрам сўзина,
Боқиб бўлмас бефарзанднинг юзина,
Тулимбий боргоҳда асло турмасин,
Бу боргоҳда анга даврон бўлмасин.

Алқисса, Кенжабой кўса бу сўзларни айтди, эрса Тўхтамишхон айди: «маҳрамлар, бу на сўздир, айтурсизлар, худой таоло бир одамға фарзанд берур, бир одамға йўқ. Агар худой таоло ўғил бермаса, асли фарзанд бўлмас» деб подшо маҳрамлариға қараб, бир сўз айди:

Эй маҳрамлар, бу на сўздир айтурсиз,
Бу дунёда мурод топған бормикан.
Сотиб олиб бўлмас худо бермаса,
Ғайрат қўли бирлан олған бормикан.

Бу дунё деганинг сайри-сайрондур,
Инсон ғафлатдадур, мудом ҳайрондур,
Нек яшасанг охир сўнги вайрондур,
Кўнгил муродиға етған бормикан.

Нечаларнинг мунда кўзи ёшлидур,
Бир нечалар мудом кўнгли хушлидур,
Нечалар армонда бағри тошлидур,
Кимса бу дунёға тўйған бормикан.

Бир нечалар фахр айлаб ўзина,
Кимса келса бу дунёнинг сўзина,
Армон бирлан қўллар тутиб кўзина,
¡лмай бу дунёда қолған бормикан.

Умид айлаб барча келиб жаҳона,
Бир нечалар фарзанддина қувона,
¡ғил-қиздур одамзода нишона,
Ҳақ бермаса сотиб олған бормикан.

Тўхтахон дер, барча худоға банда,
Кўп одамлар хизматимда армонда,
Кимса борди бу боргоҳда бефарзанд,
Армон бирлан мудом юрған бормикан.

Алқисса, Тўхтамишхон айди: «маҳрамлар, бу боргоҳда бефарзанд ким бор?» деди. Анда Кенжакўса айди: «тақсир, подшоҳим, ҳол ул замондин-ул замонгача билмассиз? Тулимбий деган бефарзанд турур» ва яна бир маҳрам айди: «Эй подшоҳим, Тулимбий ҳола келур, келган замон қўлидин муҳрни олиб, боргоҳдин қувиб юбаринг,» деди. Аммо, бу сўзнинг устинда эрдилар Тулимбий қадимий дастуринча боргоҳга келиб салом берди. Ҳеч ким саломина «алик» олмади. Боргоҳда ўрин бермадилар. Тулимбий билдики, бир воқеа бўлибдур. Тулимбий ҳайрон бўлиб, Тўхтамишхонга қараб бир сўз айди:

Баён айланг хону беклар, оғалар,
Бу кун манинг на бўлибдур гуноҳим.
Ҳозир турған барча соҳибқиронлар,
Айтинг манинг на бўлибдур гуноҳим.

Бу кун манинг қолмай турур оромим,
Эмди йўқдир ўтган кундин обрўйим,
Сабаб надур олмайсизлар саломим,
Айтинг беглар на бўлибдур гуноҳим.

Заҳар бирлан қарарсизлар юзима,
Қулоқ солмай манинг айтған сўзима,
Яхши жаҳон думон бўлди кўзима,
Беклар манинг на бўлибдур гунойим.

Аршга етди бу дам оҳим садоси,
Моли-жоним Тўхтамишхон фидоси,
Айтинг манга беклар олла ризоси,
Бу кун манинг на бўлибдур гуноҳим .

Тулимбий дер, барча сўзин дўндириб,
Чуғил бўлиб қилмаґана қилдириб,
Бу кун манга жой бермассиз тик туриб,
Хони беглар на бўлибдур гунойим?

Алқисса, Тулимбий бу сўзларни айғандин сўнг Кенжабой кўса бош кўтариб айди: «Тулимхўжам, бу боргоҳда ўғилли-қизлиґа ўрин бордур. Ҳар ким ўғил-қизсиз бўлса анга хорлиқ-зулм бордир», деди. Кенжабой кўса бадкирдор ериндин туриб «эй хўжам, бу подшонинг амри турур» деб Тулимбийнинг қўлиндин муҳрини олиб, дарҳол бу боргоҳдин чиқиб, бу юртдин ўзга юртґа кет, бўлмаса хорлиқ кўрарсан» деб Кенжабой кўса Тулимбийга қараб бир сўз айтди:

Аё хўжам, Тўхтамишхон буйруғи,
Кетғил эмди букун Қўнғирот элиндин.
Будир санґа амалдорлар ярлиғи,
Турма эмди, кетгил Қўнғирот элиндин.

Эмди санинг молинг талон қилурлар,
Букун сани кўп балоґа солурлар,

Тўхтамишхон амри молинг олурлар,
Бошинг олиб кетғил Қўнғирот элиндин.

Унит бўлди санинг маҳрам бўлдиғинг,
Кўплар эрди амалдаро қилдиғинг,
Турли юртға етар санинг шумлиғинг,
Аҳрож бўлиб кетғил Қўнғирот элиндин.

Санинг ишинг доим жабру хиёнат,
Юртға етар сандин Тулим касофат,
Шукур айлағил, кетсанг соғу-саломат,
Тўрам дарҳол чиқғил Қўнғирот элиндин.

Турсанг эмди бунда ғовға қилурлар,
Бошинғға кўп ёмон савдо солурлар,
Ҳақорат кўп бериб расво қилурлар,
Чиқарурлар қувлаб Қўнғирот элиндин.

Кенжабой кўса дер, тўкиб райингни,
Эмди манга айтғил тутған дойингни,
Қўнғирот элидин қуритурлар сонингни,
Эмди турма, кетғил Қўнғирот элиндин.

Алқисса, Тулимхўжа Кежабойдин бу сўзларни эшитиб, зор-зор йиғлаб, боргоҳдин кетиб, уйиға равона бўлди. Кўчаларда хуни-гирён йиғлаб уйга борди. Эрса хўжа қизидин олған Навбаҳорбиби деган хотини бор эрди. Тулимбийни бу ҳолда кўриб, аҳволини сўраб бир сўз айди:

Сарингга дўнайин меҳрибон хўжам,
Айтинг манга на сабабдин йиғларсиз.
Юзинг ювиб кўзларингнинг ёшини,
Айтинг манга на сабабдин йиғларсиз.

Кимдир солған бу савдони бошинга,
Фалак қўймиш санинг кўнглинг хушиға,
Ғарқ бўлибсан кўздин оққан ёшиға,
Билдур манга на сабабдин йиғларсиз.

Ҳар кунда келурсан шод ила хуррам,
¡зинг бўлсанг хўжам подшоға маҳрам,
Санга кимдин етди бу золим ситам,
Сўзла хўжам, на сабадин йиғларсиз.

Қўлингдин кетмаса моли-давлатинг,
Унит бўлур анча кўрган меҳнатинг,
Манга билдур бу дам қайғу-кулфатинг,
Аё хўжам, на сабабдин йиғларсиз.

Недин кетди букун ҳоли-дармонинг,
Кўздин тўкиб йиғлаб чашми-гирёнинг,
Сабаб надир на бўлибди армонинг,
Айтинг манга на сабабдин йиғларсиз.

Хўжа қиз Навбаҳор дер на армон,
Худо берғай моли-дунё фаровон,
Хафаликни манга айғил бу замон,
Аё хўжам, на сабдин йиғларсиз.

Алқисса, Навбаҳорбиби сўзларини айтиб эрди, эмди эса Тулимхўжа Навбаҳорбибига қараб бир сўз деди:

Эшит эмди сир айтишган сирдошим,
Сиздин-биздин даврон ўтди найлайин.
Сенсан манинг қиёматлик йўлдошим,
Барча душман йўлим тўсди найлайин.

Қариғанда меҳнат тушди бошима,
Эгам раҳм айлағай кўзда ёшима,
Агар ўлсам эга йўқдир лошима,
Моли-мулким барбод бўлди найлайин,

Ёмон бўлди букун манинг озорим,
Бизларга бор эркан тўқсон безори,
Юртдин қувди бизни Тўхтамишхоним,
Макон чўлу-майдон бўлди найлайин.

Хони-беглар манга душман бўлдилар,
Ҳар ким бир сўз айтиб жоним олдилар,
Бефарзанд деб бизни юртдин қувдилар,
Дуне манга зиндон бўлди найлайин.

Қариғанда эмди қолдим майрилиб,
Бефарзанд деб қўл-қанотим қайрилиб,
¡лмай бурин ман юртимдин айрилиб,
Қўнғирот эли мандин қолди найлайин.

Тўлимхўжа айтур, йўқдир ҳаётим,
Армон бирлан синди қўлу қанотим,
Йўқ бўлғандир ному-нишон зурёдим,
Моли-мулким талон бўлди найлайин.

Алқисса, Тулимхўжа бу сўзларни айтғандин сўнг худойи таолонинг тақдириға тан бериб, белин маҳкам боғлаб ўлтирди. Андин сўнг етимак, элу кунларини чақириб, қози келтуриб еру-юртларини вақф қилдириб, қул-чўриларини озод қилди, ҳовли-ҳарамларини, тамоми нарсаларини яхши бир

одамға топширди. Ва яна айди: яна қайтиб келсам, яна сендин ҳавли-ҳарамларни олурман. Ва агар келмасам ҳавли-ҳарамлар сенинг мулкинг деб тамоми олтин-кумуш, ғоли-полосларини туяга юклаб ва яна хизмат учун чўрини ёнида сақлаб, кетар бўлди. Аммо Тулимбийни юртдин кетаётғани тамоми Қўнғирот элиға маълум бўлди, тамоми одамлар, улуғ- кичиклар, занон-мардонлар, қизу-жувонлар жамъ бўлиб Тулимхўжа барча эли кунлари бирлан хўшлашиб, зор-зор чун- абри навбаҳор йиғлаб бу ғазални айди:

Барча келган элим-куним,
Меҳрибонлар хуш қолинглар.
Душманлардин кўрдим зулм,
Жон элларим хуш қолинглар.

Барча душман йўлим олди,
Мани ҳалокатга солди,
Бизга насиб шундоғ бўлди,
Қариндошлар хуш қолинглар.

Фақирларни иши битган,
Ғариблар додиға етган,
Бизга юртни ҳаром этган,
Хону беклар хуш қолинглар.

Бекваччалар кас сонида,
Кўпдир эрмони жонида,
Сизлар қолинг хон ёнида,
Тўқсон бийлар хуш қолинглар.

Биз кетармиз қариндошлар,
Кўзимиздин тўкиб ёшлар,
Ҳозир тўлған улуғ ёшлар,
Омон бўлиб хуш қолинглар.

Борур йўлим узоқ йўлдир,
Маконим тоғ бирлан чўлдир,
Тўлимбийга насиб шулдир,
Элим-куним хуш қолинглар.

Алқисса, Тулимбий бу сўзларни айтғандин сўнг хотини Навбаҳорбиби ҳам бу халойиқларға қараб, хўшлашиб бир ғазал айди:

Қариндошлар, бизлар бўлдик равона,
Кўрар-кўрмаслигим гумон, хўш эмди.
Бош олиб кетармиз чўлу-майдона,
Келур-келмаслигим гумон, хўш эмди.

Бизлар кетиб яна қайтиб келмасмиз,
Яна элу кундин хабар олмасмиз,

Юртдин кетсак қазо етмай ўлмасмиз,
Душман бўлғай хону беклар, хўш эмди.

Тўқсон бийга Тўхтамишхон бош бўлур,
Қолинг беклар эмди сизлар бош бўлиб,
Бизлар кетдик кўзларимиз ёш бўлиб,
Элим-куним, жон элларим хўш эмди.

Душманларим тўр қурдилар йўлима,
Қарға-зоғлар қўнибдирлар қўлима,
Биздин салом бўлсин кўрган элима,
Омон бўлинг элим-куним хўш эмди.

Навбаҳор дер, мани кимим йўқлағай,
Бизларни ҳақ паноҳида сақлағай,
Ким ёмонлиқ қилса тангри ҳақлағай,
Омон бўлинг қариндошлар хўш эмди.

Алқисса, Навбаҳорбиби бу сўзларни айтғандин сўнг улуғ-кичик одамлар зор-зор йиғлаб буларға кўнгил бердилар. Шу ҳолда Тулимхўжа қулларига ишорат қилди, «теваларни ҳайданг» деб, қуллар теваларни етиб, йўлға равона бўлдилар.

Барча Қўнғиротнинг одамлари занон-мардонлар, қиз-жувонлар бирла хўшлашиб, шаҳардин чиқиб кетавердилар, аларнинг баъзилари шул ерда қолди ва баъзилари бир фарсаҳ йўлга ҳамроҳ бўлиб юрдилар. Анда Тулимхўжа «Э жонларим, олло сизлардин рози бўлсин, эмди қайтинг» деб буларга фотиҳа бериб юбардилар, ўзлари кунботарға қараб йўлға равона бўлдилар. Алқисса, Қўнғирот элидин чиқдилар. Анда Тўлимхўжа ўзининг мундоғ бўлиб юрт хирож бўлғаниға кўнгли бузилиб, фалакдин шикоят қилиб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Қодир олло мани ҳайрон айладинг,
Даргоҳингда не бўлибди гуноҳим.
Бу дунёни манга зиндон айладинг,
Даргоҳингда не бўлибди гуноҳим.

Бахт юлдузим манинг ерга урилди,
Букун манга рўзи-маҳшар қурилди,
Тақдир келиб каж томонга бурилди,
Даргоҳингда не бўлибди гуноҳим.

Қазо етмай ажал майин ичибман,
¡з қўлимдин кафан тўнин бичибман,
Ситам бирлан ўз юртимдин кечибман,
Даргоҳингда не бўлибдур гуноҳим.

Бошдин ўлсам бу дунёга келгунча,
Зулм бирлан юрак-бағрим тилгунча,

Қариликда мунча меҳнат кўргунча,
Даргоҳингда не бўлибди гуноҳим.

Тулимхўжа санга йиғлар ёлбариб,
Чўл-майдонда эранларга қўл бериб,
¡лмай туриб эли-кундин айрилиб,
Даргоҳингда не бўлибди гуноҳим.

Алқисса, Тўлимхўжа бу сўзларни айтғандин сўнг Навбаҳорбиби хўжага кўнгил бериб бир сўз айди:

Кўзларингдин қонли ёшлар тўкмагил,
Шукр айлағил худойимнинг ишина.
Букун эмди оҳу-фиғон этмагил,
Шукр айлағил худойимнинг ишина.

Мардона бўл, белинг тортиб боғлагил,
Бу дунё барчадин ўтар англағил,
Дардинг айтиб, бир худоға йиғлағил,
Шукр айлағил худойимнинг ишина,

Оқил одам қарар тенги-тушина,
Сабр айлаюр ҳарна келса бошина,
Дунё қўйди кимни кўнгил хушина,
Шукр айлағил худойимнинг ишина.

Сизга айтур, хўжа қизи Навбаҳор,
Бу ишларга бўйла бўлма беқарор,
Мушкилингни осон этгай биру бор,
Шукр айлағил худойимнинг ишина.

Алқисса, Навбаҳорбиби бу сўзларни айди. Эрса,Тулимхўжа айди: эй маҳрами меҳрибон, ман бу сабабдин йиғларман. Аввал худойи таоло бизларга бир фарзанд бермади. Агар ўғил ва қиздин бир фарзандимиз бўлса эрди, бу тарзи юриб дарба-дар бўлмас эрдик. Иккимиз чўл майдонда ўлсак гўр-кафансиз, сувсиз қолурмиз. Қолаверса, қайси бир иқлимға борурмиз, деб шул сабабдин йиғларман, деб яна бир ғазал айди:

Сўзни тингла, эй меҳрибон ҳамдамим,
Йиғламасдим, бахтим ёмон бўлмаса.
Азоб бирла ўтур букун ҳар дамим,
Йиғламасдим, бахтим ёмон бўлмаса.

Моли-дунё ушбу жонга балодур,
Муҳаббатинг манинг жоним оладур.

¡лсак бизлар моллар кимга қоладур,
Фарзанд отлиқ номи-нишон бўлмаса.

Кошки фалак бермай менинг омоним,
Ман розиман тангри олса бул жоним,
Эл-уруғсиз чўллар бўлди маконим,
Борай десам балли макон бўлмаса.

Қариганда меҳнатларга улашдим,
Йиғламоқдин кўз-ёшима булашдим,
Борур ерим билмай чўлда адашдим,
Йўл юрисам соат-замон бўлмаса.

Тўлимхўжа йиғламайин найлагай,
Чўлда ўлсам ҳеч ким мани билмагай,
Бири келиб гўри-кафан қилмағай,
Кийган либосларим кафан бўлмаса.

Алқисса, Тўлимхўжага кўнгил бериб, Навбаҳорбиби бир ғазал айди:

Сарингдин дўнайин меҳрибон хўжам,
Кимса ҳолин яратгандин кўрмасми.
Минг яшасанг бу дунёда бири кам,
Кимса ҳолин яратгандин кўрмасми.

Бу дунёдин шоҳу-гадо ўтарлар,
Ҳасрат бирлан бошин олиб кетарлар,
Чўл-майдонда ғариб ўлса нетарлар,
Йиғилишиб қирқ чилтанлар келмасми.

Ғариб бўлиб тандин чиқса бу жони,
Бўлса кимнинг азал кунда имони,
Тангри амр айласа туриб думони,
Шамол келиб, жасадингни кўммасми.

Гар йиқилса бул умрнинг биноси,
Ғарибларни тангри бўлар паноси,
Банданинг худодин бўлмас гинаси,
Ҳақнинг ўзи нигоҳдори бўлмасми.

Навбаҳор дер, аё жоним фикр айла,
Сабр айлайиб ўтган куна шукр айла,
Яратғанга кеча -кундуз зикр айла,
Банда бўлған ҳақ шукрини қилмасми.

Алқисса, Навбаҳорбиби ҳам хонасида Тулимбийга бу сўзларни айтди: эрса Тулимхўжа кўнглига таскин бўлди. Йўлга равона бўлдилар. Қазодин буларнинг йўли Ҳаким ота Алайхир-раҳманинг устидин тушди. Тулимхўжа «бу кеча ҳазратнинг мақбараларида бўлмоқ керак» деб айланиб келиб Ҳаким отанинг масжидлариға тушдилар. Вақти саҳар Тулимхўжа Навбаҳорбиби иккилари ҳам таҳорати тоза қилиб икки ракат намози-шукрини ўқиб, иккилари ҳамроҳ келиб Ҳаким отани зиёрат қилиб, зор-зор йиғлаб хатми қуръон қилдилар. Андин сўнг Тулимхўжа бошини Ҳаким ота мақбараларига уриб, арвоҳларидин мадад-истиқомат тилаб бир абёт ўқиди:

Садоғанг бўлайин Ҳаким Сулаймон,
Мадад айланг ман ғарибға ушбу кун.
Аҳволимни манинг кўринг намоён,
Раҳим айланг ман ғарибға ушбу кун.

Очилмиш қабрингда жаннатнинг гули,
Сизлар эрмиш Ҳаким ота булбули,
Асқар Маҳмуд, Султон Хубби эр вали,
Мадад айланг ман ғарибға ушбу кун.

Қариғанда бўлди ҳолим хароба,
Ёниб-куйиб бағрим дўнди кабоба,
Султон Вайс пирим ё Зангибобо,
Мадад айланг ман ғарибға ушбу кун.

Ҳақ амрина букун бўлибам қойил,
Йиғлаб ўтар бўлдим неча ою-йил,
Ҳасан ота пирим, ё Шайхи-Жалил,
Раҳм айлангиз ман ғарибға ушбу кун.

Сиғиниб сизларга айларман умид,
Хоразм ўлкасинда Хўжа ҳам Саид,
Ер юзинда ётган жумла мужтаҳид,
Раҳм этинглар ман ғариба ушбу кун.

Тўқсон бий золимлар душман бўлдилар,
Бу бошима бу кунларни солдилар,
Тўлимбийни букун юртдин қувдилар,
Мадад айланг ман ғариба ушбу кун.

Алқисса, Тулимхўжа бу сўзни айтиб бўлди, кўрса фарз вақти бўлиб турур, жамоат бўлиб намозларини ўқиб теваларга юкларни қўйиб кўчиб йўлга равона бўлдилар. Эрса Навбаҳор биби бу замонгача кун юзини кўрмаган дуйнукдин кунни кўрган, қудукдин сув ичган, ўзининг мундоғ бўлиб юртидин қувилиб

чўлу –майдонда саргардан бўлиб юрганидин, янада бефарзандлик ёдиға тушиб, худо таолонинг даргоҳиға сиғиниб, зор-зор йиғлаб бир ғазал айди:

Ман билмадим бахтим надир қародир,
Даргоҳинггга омон-омон худойим.
Тоғу-чўлда қизил юзим соралди,
Даргоҳинггга омон-омон худойим.

Осмона улашди манинг бу оҳим,
Вайрон бўлиб қолди жойим-саройим,
Жоним олсанг эмди йўқдир парвойим,
Керакмасдир манга бу жон худойим.

Меҳнат бирлан хунобалар ютармиз,
Йиғлай-йиғлай бу дунёдин ўтармиз,
Юртсиз-элсиз ерда макон этармиз,
Бизларга йўқ балли макон худойим.

Душманлар зулмидин тушдик балоға,
Илож йўқдир сийнамдаги яроға,
Беги-бачча ҳеч ким тушмай ароға,
Бизлар учун яхши-ёмон худойим.

Рақиб душман муродина етмағай,
Ҳеч бирининг кулиб куни ўтмағай,
Нолишимдин еру-осмон титрағай,
Яна бу дам тилай жаҳон худойим.

Навбаҳор дер, ёнди манинг юрагим,
Эмди будур худойимдин тилагим,
Чўл-майдонда ўлсам манинг кераким,
Ато айла нури-имон худойим.

Алқисса, Навбаҳорбиби бу сўзларни айтиб зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб борур эрдилар. Хайр, булар дарёйи-уммони ёқалаб йўлға равона бўлдилар. Булар йўлда юраберсинлар. Эмди сўзни бошқа ердин айтай. Аммо ровийлар андоғ ривот қилурларким, шул замонда икки азиз бор эрдилар. Иккилари оғайни эрдилар. Бирларига Туклу-азиз дер эрдилар ва яна бирлариға Сочли-азиз дер эрдилар. Аммо Тукли-азиз тоғларда-чўлларда юрар эрди, ўзлари қирқ чилтанларнинг бирлари эрдилар. Аммо, Кўҳиқоф тоғида паризодларнинг бир подшоҳи бор эрди. ¡зи андоқ хушрўй эрди, ҳеч паризод анинг бирлан баробар бўла билмас эрдилар. Ҳар йили бир мартаба жаҳонни сайр қилиб бир ўзи кезар эрди, бу йил ҳам қадим дастури дунёни сайр қилиб келур эрди. Ногоҳ йўли Ҳазрати Султон Вайс ота алайхи-раҳманинг тоғларидин дохил бўлди. Шул ҳазрати Шайхи-Жалил ота алайхи-раҳманинг булоқ-ҳовузлари бор эрди. Қишу-

ёз сув қайнаб, барқ уриб турар эрди. Ногоҳ паризод ҳовуз устидин дуч келди. Куйганидин айди: «ҳаво иссиқ турур, бу ҳовузға тушсам бўлмасми» деб ҳовуз лабиға келиб либосларини чиқариб сувға тушди. Гул баданини ювар эрди. Аммо, Тукли азиз ҳам бир замон келиб шул ҳовузни таҳорат қилиб кетар эрди. Қазодин Тукли азиз ҳам таҳорат қилғали келдилар. Кўрсалар бир паризод сувға тушиб баданини ювар эрди. Тукли азизнинг кўзи паризоднинг баданига тушди, баданининг равшанлигидин Тукли азиз ўз сувратларини кўрдилар. Аммо қадимдин қолган бир сўз бор турур: «қиз кўрса Хизр йўлдан чиқар» деган. Паризоднинг ишқи Тукли азизнинг сийнаи сандиғиға жой бўлди. Кўнгил беқарор бўлиб, бошин кўтариб қайтадин кўз очиб назар қилди. Эрса, паризод Тукли-азизни кўриб, сувнинг ичида бир силкиниб сочи тамоми аъзосини ёпди, юзин ёширди. Тукли-азиз айди: «Эй паризод, эмди биздин юзингни яширмағил» деб паризодға қараб бир ғазал айди:

-Хабар бер, пари бобоға,
Жойинг қайда бўлур парим.
Яширмағил ой юзингни,
Ғамзанг жоним олур парим.

-Санга айтур аҳбор ҳам йўқ,
Сўрма номи-нишон бобо.
Манинг балли маконим йўқ,
Майдон турғил замон бобо.

-Жаннат ҳури санга етмас,
Сансиз манинг куним ўтмас,
Бобонг сани ташлаб кетмас,
Санга йўлдош бўлур паринг.

-Сўзда турсанг мардонасан,
Ақли кетган ҳайронасан,
Қайдин келган девонасан,
Кетғил, турма замон бобо.

-Бул маҳалда йўлинг урган,
Вақтинг топиб ҳозир бўлган,
Юзинг кўриб гадо бўлган,
Бу қаландар бўлур парим.

-Қараб манга сан душларсан,
Кўриб кўнглингни хушларсан,
Ошиқликдин сўз бошларсан,
Сўзинг уят, ёмон бобо.

-Келдим бу дам вақтим чоғлаб,
Ҳажринг бирлан бағрим доғлаб,
Гулларидин чаман боғлаб,
Бобонг боғбон бўлур парим.

-Кулбам йўқдир ерда битган,
Ҳар бир одамларға етган,
Аё қари эси кетган,
Кўрма эмди зиён бобо.

-Бобонг кетди юз хаёла,
Янги етишдим висола,
Лабингдин бир-бир пиёла,
Бобонг завқ қилур парим.

-Бўлма хурсанд сан чоғима,
Қўл узатма зулолима,
Қолурсан дарди-додима,
Чекиб дарду ҳижрон боб.

-Бу соатда кўрдим ўзим,
Қўйғил эмди парим сўзинг,
Бизга кўрсатсанг оқ юзинг,
Ишқинг жоним олур парим.

-Мани деб сан чекма фироқ,
¡зинг қари, соқолинг оқ,
Эмди бобо ерсан таёқ,
Кетғил қадди камон бобо.

-Баён этғил сан отингни,
Билдиргил асли зотингни,
Сан билмайсан бул бобонгни,
Тукли-азиз бўлур парим.

-Кўҳи-қофда пари Тахмиз,
Анинг қизи бўлурмиз биз,
Отим манинг Сочли-азиз,
Сизга қилдим омон бобо.

Алқисса, Сочли-азиз айдики: «Э бобо, эмди манинг либосларимни келтириб берғил, кейин андин сўнг сувдин чиқиб санинг бирла бир сўзлашиб кўрайин»,деб айди. Эрса Тукли-азиз либосларини берди. Паризод либосларини кийиб сувдин чиқди. Сочин ўраб бошида қўйиб, устига зар тақёсини

кийиб,юзларининг сувини сийпаб артиб, зулфини ташлаб, кўзларини сузиб мисоли офтоби-ҳовордек бўлиб айди: «Э бобо, бир неча сўз айтурман, аларни қабул қилсанг, ман сизни қабул қилурман. Қайси бир кун сан аҳдингни бузсанг ман санга йўқ, сан манга йўқ» деб, Сочли-азиз паризод Тукли-азизга қараб бир ғазал айди:

Манинг бирла бобо кўнглинг хуш бўлса,
Сўзлашали соат-замон иккимиз.
Тангри қўшса насибалар душ бўлса,
Кел қилали аҳду-паймон иккимиз.

Ҳеч ким кўрган эрмас босған изларим,
Киши йўқдир кўрган манинг юзларим,
Эмди бобо қабул қилсанг сўзларим,
Айлағали айшу даврон иккимиз.

Шарт айлағил қилсам ғуслу-таҳорат,
Баданимни кўрма йўқдир шарофат,
Юрсам пойим кўрсанг бўлур касофат,
Кўрмагали суду зиён иккимиз.

Жавобни тўғри бер, ҳар сўз сўрасам,
Гуноҳкор бўлурман андоқ қарасам,
Сочим кўрма ҳар вақт бошим тарасам,
Кўрмағали доғи-ҳижрон иккимиз,

Бобо лойиқ кўрдим сани ўзима,
Аҳд айласанг мани айған сўзима,
Қайтармағил бу сўзимни юзима,
Бир-бировга бўлиб меҳмон иккимиз.

Сочли-азиз бўлур санга ҳамхона,
Бу шарт бирлан қилсанг аҳду-паймона,
Аҳдим бузсанг қолиб доғу-ҳижрона,
То ўлгунча қилиб армон иккимиз.

Алқисса, Сочли-азиз паризод айди: «Агар мани суйсанг шу сўзларимни қабул қилсанг, аввал ғусл қилсам баданимни кўрма, иккиланчи бошимни очиб сочимни тарар бўлсам, бошимни кўрма, учланчи изимнан қараб ўкчамни кўрмагил, агар буларнинг биридин бирини қилмасанг ман бир соат санинг бирла бўлмасман. Андин сўнг пушаймон қилурсан, фойдаси бўлмас. Анда Тккли-азиз айди: «Эй паризод, тамоми сўзларингизни қабул қилдим», қолган умримдаги жонимни бир сўзинггга фидо қилдим» деб бир абёт айди:

Кўрдим сани ой юзингни,
Қошинг эмиш камон парим!
Эмди борма бу хаёла,

Қилма мандин гумон парим!

Сўз келтирма хаёлингга,
Ҳақ еткурди висолингга,
Қонсам оби-зилолингга,
Санга қурбон бу жон парим!

Боқдим бул дам ой юзингга,
Бизни лойиқ кўр ўзингга,
Аҳд қилдим бул сўзингга,
Сан демағил ёлғон парим!

Жудо бўлам кўнгил учсанг,
Шавқингда маст бўлиб кечсам,
Қайси бир кун аҳдим бузсам,
Турма соат замон парим!

Иккимизга насиб шулдир,
Сўзим айтсам санга булдир,
Бобонг букун санга қулдир,
Дод айладинг омон парим!

Тукли-азиз айтур бу дам,
Паризода бўлур ҳамдам,
Санинг бирлан бўлиб хуррам,
Сурсак айшу-даврон парим!

Алқисса, Тукли-азиз бу сўзларни айтиб, эрса бир-бирлариға энишиб, ўзини Сочли-азизга бағишлади. Никоҳ қилдириб бир-бирлариға восил бўлдилар. Айшу-даврон сурдилар. Орадин бир неча замонлар ўтди. Сочли-азиз паризод ҳомиладор бўлди. Кунлардин бир кун Тукли-азиз хаёл қилди, айди: «Э паризод манга уч киши шарт қилдинг: сочимни кўрма, ўкчамни кўрма, баданимни кўрма дейиб. Буларда не хосият бор эркан» деб англайиб юриб эрдим. Паризод бир иш бирлан олдидин ўтди. Тукли-азиз кейнинда қаради, кўрса паризоднинг ўкчаси йўқ, турур, не бирлан юрганини билмадилар. Паризод Тукли-азизга бир ҳамши заҳар қилиб бошқа сўз айтмадилар. Яна бир кун паризод сувға тушди. Туқли-азиз кўрса баданининг равшанлиғидин юрак-бағри кўринур, Андин сўнг сочин таради, кўрса бошини қўлиға олиб тараб ўлтирур, эрса Сочли-азиз бобонинг бу ишларидин хабардор бўлиб айди: «Э бобо нега мундоқ қилиб қилган аҳду-паймонингни буздинг. ¡зингга ҳам манга келди. Тақдири олло шундоғ эркан. Бу ишлардин сани ғофил қилди», деб кўзларидин ёшин тўкиб бир ғазал ўқиди:

Шартлар қилдинг манга вафо қилмадинг,
Айро тушдинг бобо букун хўш эмди.
Айтған сўзга нега жавоб қилмадинг,

Жудо бўлдинг, олло ёринг хўш эмди.

Қайдин дучлар бўлдинг манинг шаънима,
¡тлар солдинг эмди манинг жонима,
Сув сепмадинг, бобо манинг қонима,
Сан айрилдинг бобо букун хўш эмди.

Тушдинг эмди доғу-ҳижрон конина,
¡тлар солдинг паризоднинг жонина,
Бўйимдаги ҳомиланинг қонина,
Қолдинг бобо, олло ёринг хўш эмди.

Қулоқ солмай паризоднинг сўзина,
Қолдинг бобо доғу-ҳижрон кунина,
Зомин бўлдинг бу баччанинг хунина,
Бобо сан айрилдинг букун хўш эмди.

Сан турмадинг иқрорингда, сўзингда,
Боқиб бўлмас бобо эмди юзингга,
Жафо қилдинг манга, яна ўзингга,
Айро тушдинг бобо букун хўш эмди.

Қолдинг керак оқиб ғаминг ҳажрина,
Ман тўзарман жафосина, заҳрина,
Кетдим бобо Кўқиқофнинг шаҳрина,
Қолдинг бобо сан айрилиб хўш эмди.

Паризодинг кетди манзил-жойина,
Анинг қолдинг эмди оҳи-войина,
Истасанг етмассан ҳоку-пойина
Олло ёринг бобо букун хўш эмди.

Алқисса, Сочли-азиз паризод бир силкиниб, бир оқ кабутар бўлиб, учиб кетди. Бобонинг кўзидин ғойиб бўлди. Эрса Тукли-азиз паризоднинг изидин қараб кетарман дегани рост бўлдими, деб паризодға қараб «қайда борурсан» ,деб бир ғазал айди:

Қулоқ солғил мани айтған сўзима,
Кўнгил хушим, паризодим кетмағил.
Ёш тўлдириб бу дам икки кўзима,
Йиғлатмағил, паризодим кетмағил.

Сандин қолиб икки кўзим ёш бўлса,
Олғил эмди санга керак бош бўлса,
Мандин оғриб кўнглинг букун тош бўлса,
Тавба қилдим паризодим кетмағил.

Сан қарағил манинг кўнглим хушима,
Раҳминг келсин манинг кўзда ёшима,
Тавба қилдим парим, қилган ишима,
¡т гуноҳим, паризодим, кетмағил.

Кетармисан парим номус-ор этиб,
Кўзларимга кенг жаҳонни тор этиб,
Худо қўшган ҳамхонани хор этиб,
Ташлаб мани паризодим кетмағил.

Қаҳр айлайиб мундин қайда кетарсан,
Қизғинликда парим фаромуш этарсан,
Буйингдаги ҳомилани нетарсан,
Қаҳр айлама сарви нозим кетмағил.

Тукли-азиз айтур, урдим йўлингни,
Боқиб кўролмайман соғи-сўлимни,
Ташлаб кетғил бўйингдаги ўғлимни,
Бериб кетғил, ё бўлмаса кетмағил.

Алқисса, Тукли-азиз бу сўзларни айтиб паризод келур деб бир соат, икки соат қараб турди, паризоддин асар бўлмади. Тукли-азиз айди: кетғани рост бўлди, деб этган ишина пушаймон қилиб айди: «худой таолонинг хоҳлагани шундоқ эркан деб, маълул бўлиб, аввал замонда ибодат қилатурған бир тоғ бор эрди, шул тоғнинг ғориға кириб худойи таолонинг зикрига машғул бўлди. Эмди сўзни Сочли-азиз паризоддин эшитинглар. Кабутар бўлиб, парвоз қилиб уч ойлик йўлни уч кунда олиб, ул ерким Тулимхўжа туши эрди. Шул ерга кабутар келди. Эрса паризоднинг ҳомиласи яқин бўлиб, ийки тутди. Эрса паризод ҳайрон бўлиб, ерга тушиб хаёл қилди: бир қойим жой бўлса худо на хоҳласа кўрар эрдим» деб бир андоқ йўл юрди. Кўрса бир чинор дарахти бор турур, сояси уч таноб ерга борур. Эрса паризод чинорнинг соясига борди. Бир соат ўтирди. Бир соатдин сўнг дарди зиёда бўлиб, ноилож қиларини билмай, ўзини тўрт тарафга ташлаб беқарор бўлур эрди. Нечунким, оёғиға тикон урмаган паризод тўлғоқнинг изосига чидолмай зор-зор йиғлаб, худойи таолонинг даргоҳига муножот қилиб, бир ғазал айди:

Қодир олло, бўлгил ўзинг паноҳим,
Нажот берғил ёмон дарда учрадим.
Даргоҳингда не бўлибдур гуноҳим,
Паноҳ берғил ёмон дарда учрадим.

Дардим ёмон ман борурман ўзимдин,
Ёш ўрнина қонлар оқар кўзимдин,
Бу ер ёлғиз қўрқадурман ўзимдин,
Омон тутғил ёмон дарда учрадим.

Насиб менга одамзодға улашдим,
Тақдир азал тузоқина чўлашдим,
¡лар бўлдим ўз қонима булашдим,
Нажот берғил ёмон дарда учрадим.

Тўлғоқ эрмас, манга келган балодир,
Изоси жонимдин ўтиб борадур,
Букун тандин манинг жоним оладир,
Э худойим, ёмон дарда учрадим.

Бу меҳнатлар қайдин тушди бошима,
Қаҳбо фалак заҳар қўшди ошима,
Қарғо-қузғин қўнар бўлди лошима,
Паноҳ берғил ёмон дарда учрадим.

Ба ҳаққи ҳурмати одами Ҳаво,
Ғариб бўлдим, тушди бошима савдо,
Сандин ўзга кишим йўқдир ё олло,
¡зинг қутқар ёмон дарда учрадим.

Бу меҳнатдан букун қутилсам агар,
Гумоним йўқ эмди ўларман магар,
Қўлим тутғил Бибисора ё Ҳожар,
Нажот беринг ёмон дарда учрадим.

Ҳолим кўриб нажот берсанг бу иша,
Келиб қўлим олинг ё Биби Ҳадича,
Ё Фотима-Зуҳра, ё Биби Ойша,
Қўлим олинг ёмон дарда учрадим.

Худо йўли бўлсин тожи-сарварим,
Ғавсул-Ғиёс бўлинг манинг раҳбарим,
Тутинг қўлим Анбар ота ё пирим,
Мадад айланг ёмон дарда учрадим.

Азал кунда недин бахтим шўр бўлди,
Чўл майдонда азиз бошим хўр бўлди,
Эй худойим кенг жаҳонинг тор бўлди,
Нажот берғил ёмон дарда учрадим.

Сочли-азиз айтур, сочим тўкилди,
Пешонама шум қисматлар чекилди,
Изосидин азиз қаддим букилди,
Бу на бало ёмон дарда учрадим.

Алқисса. Сочли-азиз паризод бу сўзларни айтиб кўзини юмиб беҳуш бўлди. Бир замондин сўнг ҳушига келди. Кўз очиб кўрса баччаи-ҳужур оламға келиб турур. Жони-хавулжон қўл узатиб баччани қўлиға олди. Курса бир ўғил турур. Юзлари ўн тўрт кечалик ойдек. Дарҳол ўғлонга меҳри кетиб, оғзиға эмчакини солди, ўғлон онасининг сутидин бир қониб ютди. Андин сўнг Сочли-азиз эйнидин кўйнагини чиқариб пора-пора қилиб ўғлонни қундоғлаб, ўғлонини маҳкам боғлаб, ўроғлаб, бағриға босиб хаёл қилди: бу баччани нечук қилурман,-деб,--Агар олиб кетсам, улуғ бўлса парилар манга изо-ҳақорат берурлар, агар бу баччани бул ерда қўйиб кетсам тўнғиз-шағаллар ерлар, бу баччанинг қониға қолурман, деб зор-зор йиғлаб, кўзларининг ёши либосларини ҳўл қилди. Шул замон хаёлига бу чинор бошида қушларнинг уяси бор турур, шу уяларнинг бирида қўйиб кетайин, агар қазоси етса ўлар, қазоси етмаган бўлса худо тақдири бирла бир кун кўрар деб ўғлонини этагига ўраб ёғоч бошиға чиқди. Кўрса қушларнинг уяси кўп турур. Бир улуғ уя бор эрди. Шул Семурғ қушининг уяси эрди. Шу уяда ўғлонини қўйди. Кўнгли паришон бўлиб кетар-кетмаслигини билмай ўғлонға қараб бир ғазал айди:

Санга бўлди бир оллонинг буйруғи,
Болам сани бир олога топширдим.
Етди санга ул отанинг шумлиғи,
Қўзим сани бир оллоға топширдим.

Онам дейиб манинг бирла бўлмадинг,
Бўлған замон болам йиғлаб кулмадинг,
Етим қолиб, сан сутимдин тўймадинг,
Болам сани бир оллоға топширдим.

То ўлгунча бўлдинг манинг армоним,
Бағримни пораси жоним-дармоним,
Етим бўлдинг букун руҳи-равоним,
Қўзим сани бир оллоға топширдим.

Бўлди қуш уяси манзилинг-жойинг,
Отангнинг бўйнина қолди гунойинг,
Яратған биру бор бўлсин панойинг,
Болам сани яратғанға топширдим.

Ҳеч кимса бормикан мунингдай бўлған,
Йиғлаб кўзларина қонли ёш тўлған,
¡лмай тирик боласидин айрилған,
Қўзим сани бир оллога топширдим.

Шум кун эркан болам бўлдинг отадин,
Қўзим санга бул иш бўлди худодин,
Етим қолдинг сан айрилдинг онадин,

Букун сани бир оллоға топширдим.

Сочли-азиз айтур, йўқдир чораси,
Эмди битмас юракимнинг яраси,
Тукли-азиз бу боланинг отаси,
Ол ўғлимни букун санга топширдим.

Алқисса, Сочли-азиз яна ўғлонни олиб юз кўзларидин ўпиб, андоқ эмизиб тўйдириб, уяда қўйиб, «болам олло ёринг бўлсин», деб кабутар бўлиб учиб бадар кетди. Эмди Тулимбий хўжадин эшитинглар. Уч ой йўл юриб шу чинорким, Сочли-азиз баччани анда қўйиб кетиб эрди, булар келиб шул чинордин ярим фарсах олис тушдилар. Теваларини ўтовға юбордилар. Чодир-боргоҳ қурдилар. Андин сўнг наҳори пишурур бўлдилар. Тулимхўжа айдилар: «сан бориб денгиздин бир сув келтирғил», дўғма-чўри меш олиб сувға кетди. Яна бир чўриға айдилар: «сан наҳори пишгудек ўтин йиғиб келғил». Эрса чўри туриб ўтин йиғғали кетди. Бир оз йўл-юриб эрди боши айланиб, шул чинор тарафиға қараб равона бўлди. Аммо, шул соат эрдики, Сочли-азиз баччасини қуш уясида қўйиб кетиб эрди. Тақдири илоҳий кун чўри шул замон шул чинорнинг тубига етиб келиб қулоғиға бир баччанинг йиғлаган овози келур. Кўрса чинор бошида қуш уясидин овоз келур. Чўри ҳайрон бўлиб, «бу на ҳол бўлди», деб дарҳол дарахт бошиға чиқди. Кўрса семурғнинг уясида бир гўдакни янги қундоқлаб қўйиб турурлар. Чўри гўдакни қўлиға олди. Кўрса бир бачча турур. Юзлари ўн тўрт кечалик ойдек, чўри эмчакини баччанинг оғзиға солди. Дарҳол эмчакидин сут жўш урди. Бачча эма бошлади. Чўри ҳайрон бўлиб, баччаға қараб «не гўдаксан» деб бир ғазал айди:

Не гўдаксан ётган қуш уясида,
Ҳақ сақлабдур жонинг мунда саломат.
Ким келтириб қўйди дарахт бошина,
Чекибдурсан бачча оҳу-надомат.

Ҳеч мусулмон мундоғ ишни хушламас,
Фироқингда икки кўзин ёшламас,
¡з боласин ҳеч ким бундай ташламас,
Етиммисан мунча кўрдинг надомат.

Бир нечалар фарзанд истаб худодин,
Келиб олдим бу дам сани уядин,
Магар онанг сани топди зинодин,
Чекибдурми онанг элдин маломат.

Не онадур мундоқ қилиб мункирмас,
Санинг учун нола чакиб инграмас,
Юзинг нури ҳаромига мангзамас,
Ё бўлмаса отанг соҳиб каромат.

Аршга етар фарёдимнинг ноласи,
Билмам бачча кимнинг жигар-пораси,
Магар бўлма чилтанларнинг боласи,
Отангмудур болам соҳиб каромат.

¡н тўрт кунлик ойға мангзар жамолинг,
Бўлмас қушлар уясида камолинг,
Кимдин бўлдинг, кимга қолди заволинг,
Кимдир чеккан фироқингда надомат.

Гулниҳол дер, бибим чўри айланди,
Насиб тортиб бул ерларга келганди,
Бу баччани манга худо берганди,
Шукр айтайин ҳаққа доим давомат.

Алқисса, Гулниҳол чўри баччани этакига ўраб дарахтдин тушиб, баччани бағрига босиб келган йўли бирлан қайтиб равона бўлди. Аммо Тулимхўжа бирлан Навбаҳор Гулниҳол чўрининг йўлини қарар эрдилар. Чўри келмади, кун кеч бўлди. Гулбиби Тулимхўжага айди: Гулниҳол келмади, бир балоға йўлиқмаса яхши эрди, деб бир ғазал айди:

Сўзим эшит эмди аё эй Хўжа,
Не бўлди билмадим келмас Гулниҳол.
¡тин учун кетиб қолди кечгача,
Не бўлди билмадим келмас Гулниҳол.

Аввал бошда ўрганган ул қилиқи,
Ҳеч қолмади анинг ёмон шумлиқи,
Кечга қолди, бир балоға йўлиқди,
Не бўлди билмадим, келмас Гулниҳол.

Кечга қолди бир балоға улашди,
Ё бўлмаса борған йўлин адашди,
Бир баҳона топди юртина қочди,
Не бўлди билмадим келмас Гулниҳол.

Аё ғулом чиқиб қара йўллара,
Кўзи дуниб кетди тоғи-чўллара,
Ё бўлмаса ётиб қолди кўллара,
Не бўлди билмадим келмас Гулниҳол.

Ҳеч бир вақтда андин кўнглим хуш бўлиб,
¡лганмидир ҳайвонларга гўшт бўлиб,
Кетди магар бир одамга қўшилиб,

Не бўлди билмадим келмас Гулниҳол.

Бу дам айтур хўжа қизи Навбаҳор,
Келур дейиб аймоқ ани на даркор,
Эмди келмас, хўжам, бўлманг интизор,
Не бўлди билмадим келмас Гулниҳол.

Алқисса, хўжа айдилар: «ақли кам бир бехосиятдур, бир баҳона қилиб юргандир, ҳеч ерга кетмас». Аммо, ғулом йўлға қарар эрди. Кўрди Гулниҳол келур. Буларға айтди: Гул келур. Шул замон етиб келди. Эрса бибисининг қаҳри келиб, қўлиға таёқ олиб чўрини бир таёқ урди. Айди: «Э бадрўй, бир жойға борсанг ҳеч бир замон тез келмасан». Гулниҳол бибисига қараб бир ғазал айди:

Сўзим тинглаб турсанг нетай,
Эй бибижон урма, мани.
Магар санинг эсинг кетди,
Эй бибижон урма, мани.

Топмадим ман ҳеч бир ўтин,
Эрмас манинг сийнам бутун,
Кечга қолдим анинг учун,
Эй бибижон урма, мани.

¡з ишиимни ўзим билам,
Кўпдир мани сандин гилам,
Бор эрди манинг ҳомилам,
Эй бибижон урма, мани.

Борар эрдим ийким тутди,
Эмди сандин навбат ўтди,
Навбат-давлат манга етди,
Эй бибижон урма, мани.

Бу сўзима бўлма маълул,
Айтған сўзим қилғил қабул,
Туғдим ажаб чунон ўғил,
Эй бибижон урма, мани.

Гулниҳол дер ,кўнглим тоза,
Ман йўлиқдим олғир боза,
Қиш кунларим дўнди ёза,
Эй бибижон урма, мани.

Алқисса, аммо Гулниҳол бу сўзларни айди: Эрса Навбаҳорбиби дарҳол келиб Гулниҳолнинг қўлидин баччани олди. Кўрса бир бачча мисоли ўн тўрт

кечалик ойдек, чўридин бўлғанға ўхшамас. Эрса Навбаҳорбиби Гулниҳолға қараб айди: «Э Гулниҳол, бу бачча сандин бўлғанға ўхшамас. Агар ҳомиладор бўлсанг қорнинг улуғ бўлур, мен билур эрдим», деб Гулниҳолға қараб бир ғазал айди:

Айтғил манга тўғри сўзинг,
Будир нечук чунон ўғил.
Эмди бул кун озод ўзинг,
Будур нечук чунон ўғил.

Бачча сандин бўлғон эмас,
Ким кўрса у сандин демас,
Ҳар кимсадин бўлғон эмас,
Бир асли пок султон ўғил.

Юзлари гул-ҳумойимдур,
Хуршиди ховар,ойимдур,
Боқишлари мулойимдур,
Будир магар ғилмон ўғил.

Бир фарзанд деб куйди жоним,
Шояд бўлғай жон дармоним,
Айлай фидо хону моним,
Жоним бўлсин қурбон ўғил.

Зорилашиблар йиғлаб онча,
Қаро олғай кундуз-кеча,
Умидим бул ушбу бачча,
Давлат боши бўлғон ўғил.

Навбаҳор дер, будир сўзим,
Эмди равшон бўлдим юзим,
Бу баччаға тушди кўзим,
Будир манга дармон ўғил.

Алқисса, Навбаҳорбиби Гулниҳолга айди: «Эмди сани озод қилдим. Ман қолган умрим санга хизмат қилурман рост айтғил бу баччани, қайдан олдинг?» Анда Гулниҳол бўлган воқеларни бир-бир баён қилди. Эрса Навбаҳорбиби шодмон бўлиб Тўлимхўжаға қараб бир ғазал айди:

Келди букун сани кетган давлатинг,
Юр кетали,хўжам Қўнғирот элина.
Унит бўлди эмди кўрган меҳатинг,
Юр кетали,хўжам Қўнғирот элина.

Кўз ёшингни тангри қабул қилғандир,
Қайта бошдин кетган давлат келгандур,
Бу баччани санга худо бергандур,
Юр кетали,хўжам Қўнғирот элина.

Қиш кунларинг бўлди эмди лолазор,
Чўл-майдонда эмди турмоқ на даркор,
Бу баччани рўзи қилди бирубор,
Юр кетали,хўжам Қўнғирот элина.

Дўсту ёринг муни кўриб қувонсин,
Душманларинг ичи куйиб ўт ёнсин,
Уйлари йиқилиб, моли талонсин,
Юр кетали, хўжам,Қўнғирот элина.

Турғил эмди бу манзилдин кўчали,
Юртга бориб хазинани очали,
Ғарибларга олтин-кумуш сочали,
Юр кетали, хўжам Қўнғирот элина.

Кўрган меҳнатларинг бўлди беҳуда,
Шукр айлағил ҳаққа бўлғил осуда,
Юртга бориб етсак мурод-мақсада,
Юр кетали, хўжам Қўнғирот элина.

Арзин айтур, сизга бу дам Навбаҳор,
Қувон хўжам, эмди бўлди дилафкор,
Иккимизга фарзанд берди биру бор,
Юр кетали, хўжам Қўнғирот элина.

Алқисса, булар теваларга юк қўйиб, бир кажавага Навбаҳорбиби бирлан Гулниҳол миндилар. Бир тевага Тулимхўжа бирла ғулом миндилар. Қайтиб Қўнғирот эли қайдасан, деб йўлга равона бўлдилар. Аммо, булар кечаю-кундуз шабгир қилиб уч ойда борган йўлини қирқ кунда олиб, Қўнғиротга келдилар. Уйларига бориб дарвозаларини очиб жойларини тозадин қилиб, артиб, ораста қилиб яхши бисотлар тўшаб, қадимгидек бўлиб ўтирдилар. Эрса барча Қўнғирот қалъасининг одамлари Тулимхўжанинг келганини эшитиб улуғ-кичик, занон-мардон, барча келиб дуои-хайр қилдилар, фотиҳа ўқиб муборакбод қилдилар, эрса Тулимхўжа бу келган одамларга қараб бир ғазал айди:

Худойим раҳм этди бахтим очилди,
Шукрим кўпдир биру бора ёронлар.
Бир фарзанд деб кўздин ёшим сочилди,
Кўплар қолиб оҳу-зора ёронлар.

Тўқсон бийлар адоватин бошлади,
Қувиб етди икки кўзим ёшлади,
Олло фарзанд бериб кўнглим хушлади,
Шукр этарман биру бора ёронлар.

Душманларни манга ўтди сўзлари,
Ғазаб бирлан жавдиради кўзлари,
Бугун уят ичра қолди ўзлари,
Боши думон қора бўлди ёронлар.

Бовар қилиб қулоқ солинг сўзима,
Ёруғ бўлди кенг жаҳонлар кўзима,
Рақиб душман боқалмаслар юзима,
Алар бўлди юзи қора ёронлар.

Ҳаққа йиғлаб юриб келдим омона,
Яна беш кун офат етмаса жона,
Яна етдим қайта бошдин даврона,
Айшу-даврон хўб дубора ёронлар.

Тулимбий дер, бўлдим фарзанд гадоси,
Тоғларни сув этди оҳим садоси,
Молу-мулким бўлсин ўғлим фидоси,
Шукрим кўпдир биру бора ёронлар.

Алқисса, Тулимхўжа бу сўзларни айтиб бўлиб ўзига муносиб бир неча туҳфалар олиб Тўхтамишхонинг боргоҳига борди. Боргоҳга келиб икки қўлин алиф-лом қилиб, подшоға салом берди. Подшо бошин кўтариб саломин «алик» олиб кўрса Тулимбий турур. Ишорат қилди, юқори чиқди. Эрса Тулимбий қадимгидек жойиға чиқиб ўтирди. Қўл кўтариб подшоға дуои-давлат қилди. Подшо Тулимбийдин сўзлар сўради. Тулимбий барча сўзлариға жавоб берди. Андин сўнг Тулимбий ўз ҳолини арз қилди. Айди: «Шоҳапарвора, худойи таоло кўз ёшимизни қабул қилиб, бир ўғил фарзанд берди. Бўлғониға ҳозир қирқ кун бўлди. От қўйғанимиз йўқ турур. Эмди жавоб берсангиз халойиқларга тўй бериб андин сўнг баччага от қўямиз», деб айди. Анда подшо жавоб берди: Тулимхўжа туҳфаларни подшоға бериб, андин сўнг боргоҳдин чиқиб уйиға келди. Тўрт кун ўчоқ қаздириш, олтин қабоқ оттириш, тўрт тарафларға от югуртириб тўйға айтур, деб одам жамъ қилиб, тўй Бера бошлади. Бу тўйға ҳар вилоятдин киши келиб Тулимхўжанинг баси-иззатларини кўрар эрдилар. Эрса Тўхтамишхон бош бўлиб ўттиз икки амалдори, олтмиш тўрт муҳрдорлари ҳам тўйға келдилар. Эрса Тулимбий подшоға хўб зиёфатлар қилиб, сарполар кийдириб, бир жуфт дўғма жиловға солди. Тўй тамом бўлиб подшо айди: «Эй ёронлар, эмди Тулимбийнинг баччасиға от қўйинглар», деб айди. Эрса ҳар ким бир тарзи от қўяр бўлдилар. Шул замон Тулимбий одамларнинг орасиға кириб айди: «Эй ёронлар, бу

баччани худой таоло бизларға раҳм қилиб берди. Бу баччанинг оти Раҳимбердижон бўлсин», деб халойиқларға қараб бир ғазал айди:

Бу баччани эй ёронлар,
Бўлсин оти Раҳимберди.
Тўйға келган азиз жонлар,
Бўлсин оти Раҳимберди.

Икки кўзим нам айлади,
Меҳнатларим кам айлади,
Худо менга раҳм айлади,
Бўлсин оти Раҳимберди.

¡зимни ўлар чоғларим,
Юрагим, бағрим доғладим,
Авлиё таниб қон йиғладим,
Оти бўлсин Раҳимберди.

Кўз юмиб дунёдин ўтдим,
Бошим олиб чўллар кетдим,
Бу баччани ўлиб топдим,
Бўлсин оти Раҳимберди.

Кезиб келдим чўлистонлар,
Бир неча боғу-бўстонлар,
Улуғ-кичик мусулмонлар,
Бўлсин оти Раҳимберди.

Бўлди бизга ҳақ фармони,
Йўқдир Тулимбий армони,
Топилди дардим дармони,
Бўлсин оти Раҳимберди.

Алқисса, тўй тамом бўлди, халойиқлар туриб жой-жойлариға кетдилар. Хайр эмди Тулимбий, Навбаҳорбиби бу баччанинг тарбиясиға машғул бўлдилар. Орадин уч йил ўтди, Тулимхўжа халойиқларни йиғиб Раҳимбердижоннинг сочини олдириб, соч тўйи бердириб Раҳимбердижонга икки кокил қўйдилар. Эрса Навбаҳорбиби Раҳимбердижоннинг кокилларини шона уриб, ювиб ортир эрди. Бу орадин яна икки йил ўтди. Алқисса, Раҳимбердижон беш ёшга келди, мактабга бердилар. То 7 ёшга келди, гоҳо ўғлонлар бирлан ўйнар эрди. Эрса Тулимбий заргар келтириб бир пора олтин, кумуш эритиб Раҳимбердижонинг бир кокилиға олтиндин, яна бир кокилиға кумушдин сув бердилар. Раҳимбердижон бир кокилини олдига ташлаб, мисоли ой- кун бир ерга келгандек жило бериб кўчага чиқди. Кўрса ўғлонлар ошиқ-ушоқ ўйнар эрдилар. Раҳимбердижон ҳам ўғлонлар билан ушоқ ўйнади. Аммо, бир Кўкгул деган бола тамоми ўғлонларнинг ушоқларини утди, хаёл қилди: «бу

ушоқларни Раҳимбердижонға қиммат сотиб бўлмасмикан», деб ушоқларни этагига солиб чақириб айтиб Раҳимбердижонға қараб бир ғазал айтди:

Сўзим эшит, бегнинг ўли,
¡йна ошиқ ғижр-ғижр.
¡йнар кимнинг бўлса пули,
Ошиқғинам ғижр-ғижр.

Ман ўтирсам бўлмас чорам,
Ошиқ десанг ўйна болам,
Утиб олдим барин тамом,
Ошиқғинам ғижр-ғижр.

Ошиқсизнинг ичи қайнар,
Утизғаннинг кўзи ёйнар,
Пулли киши ошиқ ўйнар,
Ана ошиқ ғижр-ғижр.

Довим келди ўйин қурдим,
Кўзлаган ошиқни урдим,
Бирин-бирин утиб олдим,
Ошиқғинам ғижр-ғижр.

Уриб соққам дерман олчи тур,
Ҳарна топсам манга тушур,
Утизғаннинг боши қичур,
Ина ошиқ ғижр-ғижр.

Кўкгул айтур, шуни билгил
¡йнар бўлсанг бери келгил,
Пулинг бўлса сотиб олгил,
Ошиқғинам ғижр-ғижр.

Алқисса, Кўкгул бу сўзларни тамом этди, эрса Раҳимбердижоннинг қаҳри келиб Кўкгулни босиб, тамоми ошиқларини олиб, ўзини уриб, сен манга мундоқ дермусан, деб бир ғазал айтди:

Борғил эмди қайда борсанг,
Санинг бул дам розинг шулдир.
Ошиқларни утиб олсанг,
Эмди санинг жазонг шулдир.

Санмисан пуллар олажоқ,
Гарданингга тушсин ўжоқ,
Ошиқ сотиб бой бўлажоқ,

Эмди санинг жазонг шулдир.

Бор болани алдаб утиб,
Хеч тўймассан ошиқ сотиб,
¡лтирурман сани тутиб,
Сан кетмасанг жазонг шулдир.

Ошиқ айвон қурдирурсан,
Утиб қўйнинг тўлдирурсан,
Кимнинг кўзин куйдирурсан,
Кўкгул сенинг жазонг шулдир.

Сан утарсан алдаб мани,
Утған ошиқларинг қани,
Яна бир кун кўрсам сани,
¡лтирурман жазонг шулдир.

Алқисса, Кўкгул йиғлай-йиғлай туриб уйига кетди. Раҳимбердижон ҳам туриб кетди. Яна бир кун Кўкгул ўғлонлар бирлан ушоқ ўйнаб ўтирар эрдилар, Раҳимбердижон бир тарафдин келаберди. Кўкгул ани кўриб кўзи қўрққан ошиқларни этагига солиб туриб қоча берди. ¡ғлонлар айди: «на ерга борурсан?», Кўкгул олбираб «аввалки мани урған бола келур» деб айтар эрди. Бирдан болалар «Адига-Адига» дер эрдилар, шовқун кўтардилар. Шундан сўнг Раҳимбержонни оти «Адига» бўлди. Хайр бу орадин бир неча кунлар ўтди. Адигажоннинг ҳусни-жамоли кундан-кун зиёда бўлиб, халойиқларнинг орасинда овоза бўлди, подшонинг қулоғиға етди. «Тулимбийнинг ўғли камолга етиб, ҳануз боргоҳга келмайдур» деб бир кун Тулимбий саломдин қайтурда подшо айди: «Э Тулимбий, эртанг келурингда Адига ўғлингни олиб кел» деб, эмди улуғ бўлиб турур, дейдилар, расми-русмни, илми-сафоликни билсин», деб туриб кетди. Эртанг туриб Адигажонни олиб кетар бўлди, анда Навбаҳорбиби айди: «не қилурсан?» Тулимбий айди: «Адигани боргоҳга олиб борурман, яхши-ёмонни кўрсатурман». Анда Навбаҳорбиби айди: «бу сўзни қўйғил. Адигани олиб кетмағил, мабодо дўст-душманлардин зиён-заҳмат кўрмагай» деб бир ғазал айди:

Олиб кетиб ёш ўғлонни нетарсан,
Қўйғил муни хон олдига бормасин,
Бир иш бўлса сўнг пушаймон қилурсан,
Тегма мунга хон олдига бормасин.

Муни олиб борма бир ёш ўғлондур,
Зиён-заҳмат кўрур замон ёмондур,
Шоҳ олдинда бийлар бизга душмандур,
Хон қўзима душман кўзин солмасин.

Душманлардин сен не учун ғофилсан,
Олиб борсанг мундин кўнгил узарсан,
Пушаймон қилиб юрак-бағринг эзарсан,
Ёш ўғлондир ул боргоҳга бормасин.

Сизга айтур, қўйинг дейиб Навбаҳор,
Киши билмас ул боргоҳда не гап бор,
Олиб бориб пушаймон қилма бешумор,
Азиз бошинг бир ғавғоға қолмасин.

Алқисса, Навбаҳорбиби бу сўзларни айди. Эрса Тулимбий айди: «Бу на сўзлардур сан айтурсан, Адига бир ёш ўғлон бўлиб, мунинг бирла кимнинг иши бўлиб турур. Бориб-келиб юрса расми-одоб, сифолиқ ўрганур», деб хотинининг сўзини қабул қилмади. Адигажонни бир отға миндириб олиб кетди. Пошонинг боргосиға бордилар. Эрса Адига боргоҳга кириб, қўл қовуштириб подшоға салом берди. Подшо кўрса Тулимбийнинг ўғли мисоли ўн тўрт кечалик ойдак, подшо кўриб айди: «Э Тулимбий, яхши ўғлинг бор эркан. Худой таоло ёмон кўздин сақласин», айди. Эрса Тулимбий жойидин туриб, подшоға таъзим қилиб, яна жойинда ўлтирди. Алқисса кун кеч бўлди. Булар қайтиб уйлариға келдилар. Аммо Адигажон ҳар кун отаси бирлан кирар эрдилар. Бу кун тўқсон бийлар бир ерга жамъ бўлиб, бир шум сўз топиб маслаҳатлашар эрдилар. Шул Тулимбийнинг ўғлини подшоға айтиб, Тулимбийнинг қўлидин олдирийли деб барчалари пошонинг боргоҳиға жамъ бўлиб, ҳарким ҳар ердин бошлаб, охирин Тулимбий билан Адиганинг устига сўз ташлаб бири айди: «Тулимбийнинг хўп яхши ўғли бор эркан», ва бири айди «Рост турур», андоғ ўғил ҳар кимга муяссар бўлмас» , деб айди. Анда Кенжабой кўса бошини кўтариб айди: «Э пошойим, Адигажон бу даргоҳга муносиб турур» деб бир ғазал айди:

Бир сўзим бор шойим, қулоқ солсангиз,
Адигажон бу боргоҳга муносиб.
Тулимбийдин ўғлин тилиб олсангиз,
Андоқ ўғил сиз подшоҳга муносиб.

Баробар бўлмасдир ҳеч ким ўзина,
Жонлар қурбон бўлсин ширин сўзина,
Бир сўз солинг Тулимбийнинг ўзина,
Берса олинг, бу боргоҳга муносиб.

Икки юзи ою кунда талашур,
Барча улус гул юзина қарашур,
Агар келса боргоҳига ярашур,
Адигажон бу боргоҳга муносиб.

¡зи ёш ўғлондир ажаб чунона,
Хизматинда бўлса рўзу-шабона,

Букун тонгла ўзи келур рағбона,
Агар келса бу боргоҳга муносиб.

Тулимбийдин ҳозир ахвол сўраша,
Отасининг аҳволидин қараша,
Сизга ўғил тўраликка яраша,
Бир ўғилдур, бу боргоҳга муносиб.

Бу дам арзин айтир, Кенжабой кўса,
Тулимбий ўғлини сизга бермаса,
Рози бўлиб ўзи олиб келмаса,
Босиб олинг, бу боргоҳга муносиб.

Алқисса, Кенжабой кўса бу сўзларни айди, анда Тўхтамишхон айди. Бу сўз ўзимнинг ҳам хотиримда бор эрди. Пошшо Тулимбийнинг ўғлини босиб олибдур, деб халойиқлар айтишурлар, бу иш муносиб эрмас деди. Анда яна бир маҳрам айди: «Э подшойим, Адигажонни сиз фарзанда қилиб олурсиз. Тулимбийнинг уйида бўлмас, сизнинг ҳарам-хонангизда бўлур. Бу ишнинг айби бўлмас», деб айдилар. Алқисса, подшони рози қилдилар. Бу сўзда эрдилар, Тулимбий боргоҳга келиб салом бериб, ўз жойига ўтирди. Эрса Тўхтамишхон Тулимбийдин бир пора сўзлар сўраб, ондин сўнг Адигажонни бизга бергил, деб бир ғазал айди:

Тулимхўжа, қулоқ солғил сўзима,
Бизга берғил Адигажон ўғлингни.
Адигажонни фарзанд қилдим ўзима,
Бизга берғил, Адигажон ўғлингни.

Адигажон бўлсин манинг фарзандим,
Жонимнинг роҳати, кўнгил хурсандим,
Бўлсин Адигажон жоним-пайвандим,
Бизга берғил, Адигажон ўғлингни.
Бизда бордур бир ожиза жонона,
Биродари бўлсин анинг ғойибона,
Бизга фарзанд бўлиб юрсин саллона,
Бизга берғил, Адигажон ўғлингни.

¡ғлим йўқдир, будир кўнглим армони,
Адигажон бўлсин дардим дармони,
Бизга фарзанд бўлиб сурсин даврони,
Бизга берғил, Адигажон ўғлингни.

Тўхтамишхон айтур, севсанг бу бошим,
Бир ўғил деб тўкма манинг кўз ёшим,
Сансан манинг яхши кўрган сирдошим,

Тулимхўжа, бизга берғил ўғлингни.

Алқисса, Тўхтамшхон бу сўзларни айтиб эрса Тулимхўжа ичи бирла кул-хол бўлиб хаёл қилди: «бу сўзлар тўқсон бий золимлардин келган иғводир. Букун Адигажонни бермасам, эртанг мани беобрўй қилиб олурлар, деб бошин кўтариб айди: «Э шоҳи олам, ўғил-қиз, мол-аҳвол, барчалари сизники турур.Ҳали бир Адигажон, тўққиз Адигажон бўлса-да берурман»,деди.Анда Тўхтамишхон шодмон бўлди. Кўп инъомлар берди, хўб иззатлар қилди, эрса Адигажонга ҳам шоҳона либослар кийдириб, бошига тож, белига тилла камар бойлаб тўққиз ғуломбачча жиловдор ва тўқсон бийнинг ўғлонларин хизматкор қилиб, Адигажонга бериб ҳаромхонаға юборди. Эрса Тулимхўжа кўнглидин маълул бўлса ҳам, юзидин шодмон бўлган бўлиб, қувониб бир ғазал айди:

Э ёронлар, мусулмонлар,
¡ғлим юртға тўра бўлди.
Қувонинг дўсту-ёронлар,
Бу иш ажаб сара бўлди.

Қувонинг барча Қўнғирот,
Адигажон топди мурод,
Рақибларға бўлди уят,
Душман юзи кора бўлди.

Хитой, қипчоқ дўстим келинг,
Манғит, найман даврон суринг,
Бизга душман рақибларнинг,
Юрак бағри яро бўлди,

Нукус, тома, уйғур, найман,
Кимлар қилди аҳди-паймон,
Тулимбийга етди даврон,
Душман юзи қора бўлди.

Алқисса, Тулимбий Адигажонни қўйиб қайтиб уйига келди. Эрса Тулимбийнинг хотини Навбаҳорбиби ўғли Адигажонни сўраб бир ғазал айди:

Баён айланг Тулимхўжам,
Адигажон ўғлим қани?
Қайда қўйиб келдинг ани,
Аё хўжам, ўғлим қани?

Жон боламдин кўп гумоним,
Қуриб қолди танда жоним,
Баён айла чиқди жоним,
Адигажон ўғлим қани?

¡ртанурман келмас нечун,
Баён айланг ҳар на ишин,
Келур эрди кунда пешин,
Адигажон ўғлим қани?

Навбаҳор дер, ҳориб –толиб,
Не иши бор сиздин қолиб,
Олиб келай ўзим бориб,
Аё хўжам, қўзим қани?

Алқисса, Навбаҳорбиби бу сўзларни айтди. Эрса Тулимбий Навбаҳорбибига қараб, бўлган ишларни баён қилиб, бир ғазал айди,:

Тўхтамишхон зулм бирлан,
Олиб қолди Адигани.
Бериб келдим қўлим бирлан,
Олиб қолди Адигани.

Хон олдида якка бошим,
Яна оқди кўздин ёшим,
Баланд эрди кўнгил хушим,
Олиб қолди Адигани.

Рақиб душман йўлим тутиб,
¡ттим доим қонлар ютиб,
Тўхтамишхон фарзанд этиб,
Олиб қолди Адигани.

Анда қолди тоза гулим,
Учди қўлимдин булбулим,
Лола дўнди сўзлар тилим,
Олиб қолди Адигани.

Чора топмай Тулимхўжа,
Хийла тадбир қилдим анча,
Озбир қилиб хон ўзгача,
Олиб қолди Адигани.

Алқисса, Тулимбий сўзларини айди. Эрса хотини айди: «Э хўжам, эмди нечук бўлса сабр қилмоқдин ўзга чора йўқдир». Эмди Адига қўзим ҳар қайда бўлса соғ-омон юрсин. Бу ерда юрмаса шоҳнинг ҳарамхонасида юрур» деб маълул бўлиб ўлтириб эрдилар. Шул замон Адигажон етиб келди. Онаси-отаси шодмон бўлдилар. Хайр, Адигажон ўз вақти-хушлиги бирла юрур эрдилар. Эмди сўзни яна ул тўқсон бийлардин эшитинглар. Алар яна бир кун бир ерга

жамъ бўлиб айдилар: «бизлар Тулимбий бирла ўғлини бир-бирларидин жудо қилур бўлсак, қайта бошдин аларнинг иззати-ҳурмати зиёда бўлди. Агар Адиганинг ёши етиб улуғ бўлса барчамизга ёруғ кун кўрсатмас. Холи анинг ишини қилмоқ керак», деб айдилар. Яна бири айди: «Нечук қилурсизлар?». Анда Кенжабой кўса айди: «анинг иложи осон турур. Мундин олти ойлик йўлда бир қалмиқ шаҳри бор турур. Подшосина Тўкшоҳ дерлар. Анинг қалъасин «борса келмас» дерлар. Бир ҳийла бирлан Адигани анда юбарурмиз, минг жони бўлса ҳам бири қайтиб келмас», деб шул сўзга қарор бериб подшонинг даргоҳига келдилар. Эрса булар подшонинг олдида сўз бошлаб бири эрса Эрондин ва бири Турондин сўз бошлаб, охир сўзларини Тўк шоҳнинг юртиға ташладилар. ¡таган бий деган бир бий бор эрди. Бошин кўтариб айди: «Э подшойим, мундин олти ойлик йўлда бир шаҳар бор, подшосини Тўкшоҳ дер эрдилар. Қадим ота-боболарингизнинг замонларинда андин закот, бож, хирож келур эрди. То замоники сиз подшо бўлдингиз андин бери ҳеч бир нарса келмас, ёким бўлмаса сизни кўзига илмас, ё бўлмаса саркашлик қилур. Анинг устига лашкар юбариб андин неча йилғи бож-хирожни олмоқ керак, деб ¡таган бий бир ғазал айди:

Олти ойлик йўлда қалмоқ шаҳринда,
Тўк шоҳдин хабар олмоқ керакдур.
Лашкар бориб Тўкшоҳнинг устина,
Божу-хирожини олмоқ керакдир.

Неча йилдир андин хирож келмаса,
Сизга қуллуқ қилиб бўйин эгмаса,
Киши борган билан божин бормаса,
Анинг бирлан ёғи бўлмоқ керакдур.

¡з ҳолина қўйдик анда бўлмади,
Саркашлик айлади, кўзга илмади,
Неча йилдир божи-хирож бермади,
Киши бориб энди олмоқ керакдир.

¡таган бий айтур, андоқ бўлмаса,
Лашкар олиб балли киши бормаса,
Яхшиликда закотини бермаса,
Бошина бир ғавғо солмоқ керакдир.

Алқисса, ¡таган бийнинг сўзлари подшоға хуш келиб айди: «Хўб айтурсизлар». Аммо бир қойим одамни ихтиёр қилинглар». Обир маҳрам айди: «Эрмон бий борсин», яна бири айди. « Шармон бий борсин» яна бири айди: «Ойлабий борсин», бири айди «Тулимбий борсин», яна бири айди: «Тулимбий қайси жойға борсин, ўзи бир ожиз қари киши турур. ¡ғли Адигахон борса хўб турур. Анда тамоми бийлар ани маъқул кўриб айдилар: «шоҳи олам , бу иш ҳар кимнинг қўлидин келмас. Олти ойлик йўлға бормоқ, аммо Адигажон ёш йигит

турур ҳам баҳодир паҳлавон турур, ҳам сизнинг тарафингиздин бўлур». Эрса барча Адигани маъқул кўрдилар. Тўхтамишхон бийларнинг сўзларини қабул қилиб, киши юбориб Адигажонни келтирдилар. Эрса Тўхтамишхон Адигага қараб «қалмиқ шаҳрига кетармисан», деб бир ғазал айди:

Адигажон, кўп лашкарга бош бўлиб,
Борғил болам, эмди қалмиқ юртина.
Кетармисан санинг кўнглинг хуш бўлиб,
Кетғил болам, букун қалмиқ юртина.

Барча беглар сани деди ғойибона,
Лашкар олиб эмди бўлғил равона,
Бир овоза солиб жумла-жаҳона,
Сафар қилғил қалмиқ юртина.

Сансан манинг болам руҳи-равоним,
Тахтимнинг эгаси шоҳи жаҳоним,
Мисли Рустам каби соҳибқироним,
Борғил, болам, эмди қалмиқ юртина.

Ҳар ишни хоҳласанг бор ихтиёринг,
Хазинадин олғил ҳарна даркоринг,
Омон тутсин сани хақ бируборинг,
Кетғил эмди Тўкшоҳнинг юртина.

Тўхтамишхон айтар,аё жанона,
Лашкар олиб эмди бўлғил равона,
Тўкшоҳ олдингга чиқар ғойибона,
Эмди болам борғил кофир юртина.

Алқисса, подшо бу сўзларни айтиб эрса, Адигажон таъзим қилиб жойида ўлтирди. Эрса Тўхтамишхон юртина жар уриб, лашкар йиғиб, йўл-яроғини, озиқ-обини қилиб берди. Адигажон хазинага кириб, тамоми яроқларни бир-бир кўриб бир олтин ғилофли қиличи бор эрди, ани олиб, жўшдин қилинган бир ёй бор эрди, ани олиб, ва яна бир найза олиб хазинадин чиқиб буларни қўйиб отларнинг орасинда бир от бор эрди. Отга Сандал от дер эрдилар. Ҳеч ким бора билмас эрди. Адигажон келиб отни сийпалаб кўрар бўлди. От Адиганинг эр эканин билиб бўшаниб турди. Адигажон шул отга тилла эгар солиб, тамоми асбобларини тилладин қилиб тайёр бўлди.

Эрса ўн минг лашкар олиб кетарман бўлиб, аввал бориб Тулимхўжа отасиндин, Навбаҳорбиби оналаридин фотиҳа олиб кетарман бўлиб уйига борди. Ота-оналариға қараб, жавоб тилаб бир ғазал айди:

Сафар айлаб букун қалмиқ шаҳрина,
Лашкар олиб букун кетмали бўлдим.

Бож бермаган Тўка шоҳнинг қаҳрина,
Нўш айлаюб ани ютмали бўлдим.

Фалак-ишрат ниҳолимни қайирди,
Хон отамиз мани бор деб буюрди,
Бугун мени ҳижрон элдин айирди,
Амрин тутиб, эмди кетмали бўлдим.

Сабр этинглар ҳар на келган балоға,
Шукр айлаюб рози бўлинг қазоға,
Ота-она ман сизлардин садоға,
Жавоб бериб букун кетмали бўлдим.

Хон отамиз буюрдилар на пайдо,
Душманларим қолсин оҳ билан войда,
Қазо етиб, агар қолсам бир жойда,
Кўз юмиб дунёдин ўтмали бўлдим.

Сабр этинглар ман келурман омона,
Келур-келмаслигим бўлди гумона,
Харна офат-кулфат етса бу жона,
На бўлса тақдирдин кўрмали бўлдим.

Адигажон дер,эмди сизлар қолинглар,
Кеча-кундуз дуо бирла бўлинглар,
Ихлос бирлан бир фотиҳа беринглар,
Иккингиздин дуо олмали бўлдим.

Аммо, Адига бу сўзларни айди, эрса буларнинг хуш бошларидин кетиб Тулимхўжа айди: «Болам, бу сўзингни қўйғил», деб Тулимхўжа Адигага қараб бир сўз айди:

Бу на сўздир болам баён айларсан,
Кетма бола, ул кофирнинг юртина.
Кўзима дунёни думон айларсан,
Кетма бола, ул кофирнинг юртина.

Кетарман деб ақли ҳушим қочириб,
Тоза ёлғиз чироғимни ўчириб,
Манга букун ажал майин ичириб,
Кетма болам, ул кофирнинг юртина.

Тўхтамишхон одамларнинг бўзидур,
Соддаликда бу жаҳонда ўзидур,
Сани буюрғани душман сўзидур,

Кетма қўзим, ул кофирнинг юртина.

Етолмассан олти ойлик йўли бор.
Сувсиз қолган етмиш кунлик чўли бор,
Дин билмаган чўрчиқ-қалмиқ эли бор,
Кетма болам, ул кофирнинг юртина.

Борса-келмас дерлар анинг қалъасин,
Сан кетган сўнг ўчмас сийнам яроси,
Жоним болам, кўзим оқу-қораси,
Кетма болам, ул кофирнинг юртина.

Ҳар ким борса болам тутиб оладур,
Тутиб олиб зиндонина соладур,
Отанг айтир, ёмон кофир балодир,
Кетма болам, ул кофирнинг юртина.

Алқисса, отаси Тулимхўжа бу сўзларни айтиб эрса, онаси Навбаҳорбиби ҳам ўғли Адигажонга қараб «кетма» деб тавалло қилиб бир ғазал айди:

Раҳим айлагил болам кўзим ёшина,
Севар қўзим, олғир бозим кетмағил.
Мани қўйиб ғамли ҳижрон қишина,
Қийнамағил, баҳор, ёзим кетмағил.

Сансан манинг жон боғимда тар гулим,
Хуш овозинг нағмасозим, булбулим,
Кўрки тоғим, манинг уруғим, элим,
Ой булбулим, хуш овозим кетмағил.

Болам бу дам манинг эшитғил додим,
Кўкдин ўтар кетсанг манинг фарёдим,
Сарви бўйли баланд қадди-шамшодим,
Соябоним, сарвинозим кетмағил.

Кетма дейиб айтар, онанг Навбаҳор,
Болам кетсанг кўнглим бўлур беқарор,
То келгунча қилиб мани интизор,
Эшитмайин оҳу-зорим кетмағил.

Алқисса, Раҳимбердижон айди: «Ори, сизларнинг сўзларингиз кўп хуш турур, аммо ман барча улуғ ва кичикларнинг олдинда кетарман деб жавоб олдим, кетмасам номардлик бўлур. Ва яна Тўхтамишхон отамнинг кўнгли мандин ранжир» деб буларга қараб бир ғазал айди:

Қодир олло мани тутса омоним,
Ман келурам каъбам отам инжилманг.
Иншоолло келурман йўқдир гумоним,
Тез келурман каъбам отам инжилманг.

Маълул бўлманг букун эй қарри онам,
Йиғлаб кўз ёшингни тўкмагил бу дам,
Манинг маккам бирлан улуғ мадинам,
Отам-онам ман келурман инжилманг.

Манинг учун юзларингиз сўлмасин,
Кўзларингиз қонли ёшдин тўлмасин,
Дўстлар йиғлаб душманларинг кулмасин,
Сир билдириб, каъбам сизлар инжилманг.

Умид айлаб ман келибман жаҳона,
Таваккал айларман қодир субҳона,
Ота-онам сизлар кетманг гумона,
Ман келурман каъбам сизлар инжилманг.

Бу сафар савдоси тушди бошима,
Кетмай боқа билмам думли душима,
Сизлар боқинг манинг кўнглим хушима,
Ман кетарман каъбам сизлар инжилманг.

Эшитинглар Раҳимберди арзини,
Адо қилинг қодир мавлон қарзини,
Ҳар кун ўқиб беш вақт намоз фарзини,
Дуо қилинг ота-онам инжилманг.

Алқисса, Адига бу сўзларни айди, ота-она ночор рози бўлдилар. Адигага фотиҳа бердилар. Эрса шодмон бўлиб қайтиб подшонинг хизматиға келдилар. Эрса подшо Адигага бош-оёқ саруполар берди. Тўқсон бийнинг ўғлонларини Адигага қўшди.: «Адигага хизмат қилинглар», деб яна ўн икки минг лашкар берди. Қирқ туя озиқ-оби берди. Эрса Адига кетарман бўлиб, сарупою-зарларин кийиб, устига қизил чакман кийди, тилла камар белига боғлаб бир кокилин олдига ва бир кокилин орқасига ташлаб, кун бирлан ойдак талашиб, Тўхтамишхондан фотиҳа олиб ташқари чиқиб ишорат қилди: от келтиринглар дейиб. Эрса тўқсон бийнинг ўғлонлари от чакдилар. Эрса Адига «Ё пирим тўрт чориёр, ўн икки имом, қирқ чилтан, Ғовсил-Ғиёс, йигитларнинг пири Амир Султон Хўбби сизлардин мадад ва истиъомат» , деб ота минди. Эрса шул замон етти ёшардин 70 ёшгадин Қўнғирот одамлари томошоға келиб, томошо қилиб қараб туриб эрдилар. Шул замонда Адига буларга қараб бир ғазал айди:

Ҳозир турган бунда барча ёронлар,

Ман кетарман Тўкашоҳинг шаҳрина.
Улуғ-кичик барча соҳибқиронлар,
Ман кетарман Тўкашоҳнинг шаҳрина.

Тенгим-тушим манинг улфат бўлғоним,
Ёру-ёрон бирга ўйнаб-кулганим,
Уруғ, элим, қиблам, қардош, дўғоним,
Ман кетарман Тўкашоҳнинг шаҳрина.

Сизларга сўзимни айлайин изҳор,
Соғ келурман омон тутса бирубор,
Тўқсонбийлар олтмиш икки муҳрдор,
Ман кетарман Тўкашоҳнинг шаҳрина.

Туттим беглар бу дам сафар раҳтини,
Эгам очгай эмди манинг бахтими,
Бориб олсам Тўкашоҳнинг тахтини,
Ман кетарман Тўкашоҳнинг шаҳрина.

Адига дер, Тулимхўжа боласи,
Ҳеч битмайди юракимнинг яроси,
Барча билинг эмди Қўнғирот қалъаси,
Ман кетарман Тўкашоҳнинг шаҳрина.

Алқисса, Адигажон бу сўзларни айди. Эрса ўн икки минг лашкарга бош бўлиб кетар бўлди. Шул замон Кенжабой кўса келиб айди: «Эй Адигажон, эмди йўлинг бўлсин, мундин кетиб бир неча замон тулки-шоғоллардин қўрқиб яна қайтиб кетмағил», айди. Анда Адигажон айди: «Э маҳрам оға, қўрмоқ номардларнинг ишидур. Иншоолло мундин Тўкашоҳнинг неча йилғи бож-закотларини олиб ва яна эсон-омон келурман», деб отин ҳайдаб йўлға равона бўлди. ¡н икки минг лашкар Адиганинг изига тушдилар, халойиқлар Қўнғирот қалъасидин чиқиб то қораси узулгунча қараб турдилар. Алқисса, Тулимхўжа узайиб, ўғлин узатиб уйига келиб худой таолоға муножот қилиб», ўғлимни санга топширдим, деб бир ғазал айди:

Юз тутиб йиғларман яратган жаббор,
Адига ўғлимни санга топширдим.
Омон тутғил ани ўзинг бирубор,
Раҳимбердижонни санга топширдим.

Қудрат бирлан халқ айладинг оламни,
Эшит манинг фарёдимни, ноламни,
Юраким қуввати ёлғиз боламни,
Адига ўғлимни санга топширдим.

Жаброил, Микоил, икки фариштa,
Исроил, Азроил алар бир ишда,
Ба ҳаққи ҳурмати жумла фариштa,
Адига боламни санга топширдим.

Барчанинг отаси ҳазрати Одам,
Андин пайдо бўлди Исою Марям,
Юз йигирма тўрт минг Муҳаммад ҳотам,
Адигажонимни санга топширдим.

Ҳасан-Ҳусан пайғамбарнинг дилбари,
Ёд этиб йиғларман букун сизларни,
Султон Вайис эранларнинг сарвари,
Адига ўғлимни санга топширдим.

Тулимхўжа айтур, надир гунойим,
Оҳу-зорим ўзинг эшит худойим,
Аввал-охир сансан манинг панойим,
Адига ўғлимни санга топширдим.

Алқисса, Тулимхўжа бу сўзларни айтди. Эрса хўжа қизи онаси Навбаҳорбиби ҳам хутой таолоға йиғлаб бир ғазал айди:

Қодир олло даргоҳингга юз тутдим,
Жон қўзимни омон тутғил худойим.
Қўлим бирлан ўғлим тирик узатдим,
Даргоҳингда омон тутғил худойим.

Ғофил бўлиб олғир қушим қочирдим,
Оҳу нолам етти кўкдин оширдим,
Юзим тутиб даргоҳингга бош урдим,
Даргоҳингда омон тутғил худойим.

Сафар кетди очғил болам йўлини,
Хизр Илёс тутсин болам қўлини,
Дини ислом олғай кофир элини,
Даргоҳингда омон тутғил худойим.

Армоним йўқ, эмди йигит етилса,
Дағи армон бўлур куни битилса,
Молим худо йўли болам соғ келса,
Даргоҳингда омон тутғил худойим.

Санга зор айлайиб йиғлар Навбаҳор,
Оҳи-зорим эшит яратган жаббор,

Болам Адигага бўлғил мададкор,
Даргоҳингда омон тутғил худойим.

Алқисса, булар худойи таолаға тавакал қилиб ўз ишлари бирла бўлсинлар. Эмди сўзни икки оғиз Адигадин эшитинглар. Аммо, Адига оғир лашкар бирлан бир неча кунлар йўл юриб қозоқ даштина келдилар. Шул кеча шул ерда ором олдилар. Барча лашкар тушиб наҳор қилиб ором олдилар. Аммо Адига ярим кеча жойидин туриб қўш ва қўш ўзини билдирмай кезиб кўрди, одамлар беш-беш, ўн-ўн бир ўлтириб, Адигага дуоибад қилурлар, илоҳи отдин йиқилиб бўйни синсин, яна бир қўшга борди. Кўрса бир одам бу ғазални айтиб йиғлаб ўлтирур. Ғазали бу турур:

Янги келдик бизлар қозоқ даштина,
Бу йўлларда қолир бўлдик ёронлар.
Ҳеч ким бормас мунда кўнгил хушина,
Бу йўлларда ўлар бўлдик ёронлар.

Мундин аввал ҳеч ким анда бормаса,
Кимса бориб андин закот олмаса,
Борған одам андин қайтиб келмаса,
Бориб анда ўлар бўлдик ёронлар.

Етиб бўлмас узоқ йўлдир ораси,
Борса-келмас Тўкашоҳнинг қалъаси,
Анда бордир ҳақнинг минг бир балоси,
Бориб анда ўлар бўлдик ёронлар.

Тулимбийнинг ўғлини деб бекунур,
Бу чўлларга келган одам ўртанур,
Бора-бора озиқ-овқат туканур,
Ошсиз-сувсиз ўлар бўлдик ёронлар.

Хилмон деюр, ҳарна бўлса кўрарсиз,
Чўл, майдонда ошсиз-сувсиз ўларсиз,
Бу шумликни Адигадин кўрарсиз,
Барча бирдин ўлар бўлдик ёронлар.

Аммо, Адига бу сўзларни эшитиб, айди: «Бу на сўз одамлар айтурлар. Керак бу лашкарнинг кетмакка рағбатлари йўқ эркан, деб қайтиб ўз боргоҳиға келди. Алқисса, тонг отди, Адига сажда қилиб, намозини ўқиб, андин сўнг буларға қараб бир ғазал айди:

Лашкар халқи бу сўзимни эшитинг,
Барча эмди юртга қайтинг бегларим.
Тўхтамишхон отам бизни сўраса,

Бориб биздан салом айтинг бегларим.

То кетмайин йўқдир бизнинг чорамиз,
Танҳо ўзим, якка-ёлғиз борамиз,
Бизни сўрса хўжа отам-онамиз,
Иккисина салом айтинг бегларим.

Ҳар ким мусофирдир ғариб феъл бўлур,
Ётган ери тоғлар бирлан чўл бўлур,
Тангри хоҳласа билинг шул бўлур,
Ортиқ ўксик бўлмас билинг бегларим.

Бу дунё ёлғончи, ани сўрасанг,
Бир ожиз, маккордир отин сўрасанг,
Охир ўлмоқ бордур неча яшасанг,
¡лмай кимса қолур билинг бегларим.

Адигажон уйдин чиқди ул замон,
Кўзим етмас яна қайтмоқлик гумон,
Сизлар қолинг суриб айш ила даврон,
Ман келгунча даврон суринг бегларим.

Алқисса, Адига бу сўзларни айди эрса, бир пора йигитлар Адигага бу сўзларни не деб айтурсан, бизлар сандин қолмасмиз, деб айдилар. Анда Адига айди: «Эй ёронлар, олло сизлардин рози бўлсин. Ва бизга йўл қувватли бўлсин», деб етти тевасини ияртиб йўлға равона бўлди. Алқисса, қирқ кун йўл юрди, бир жойға тушди. От-теваларга дам бериб, уч кун шу ерда бўлди. Аммо бу келгон лашкар, беш-ўн киши бўлиб, йигирма-ўттиз киши бир бўлиб чўк-чўк бўлиб, Қўнғирот қалъасига келиб Адиганинг хабарини айдилар. Тўхтамишхон, Тулимхўжа ота-оналари бу хабарларни эшитиб юраклари куйиб, беқарор бўлиб, не илож қилурларини билмай охир худоға таваккал қилиб ўлтирур эрдилар. Хайр эмди сўзни Адигадин эшитинглар. Аммо, Адига уч кундин сўнг теваларига юкни қўйиб йўлға равона бўлди. Яна ўн беш кун йўл юрди. Алқисса, аввалги-сўнггиси олтмиш кун йўл юрди. Адиганинг отининг туёқлари кеча-кундуз тошда юриб айрилиб, юрарга мажоли қолмай одим отмоққа ярамай зиёда ожиз бўлди. Охир Адига хаёл қилди: «Бу от одамдин ақлли турур, мунга бир хушомад сўз айтсам шояд юргай» деб отиға хушомат айтиб бир ғазал айди:

Ёш бошимдин савдо тушди бошима,
Юрар бўлсанг, эй жонивор юр эмди.
Ғарқ бўлибман кўздин оққан ёшима,
Юрар бўлсанг, эй жонивор, юр эмди.

Ман еклурман якка-ёлғиз бу бошим,
Селлар каби оқар кўзимдин ёшим,
Сансан мани чўл-майдонда йўлдошим,
Йўлдош бўлсанг, эй жонивор, юр эмди.

Фалак аййлантирди манинг бошими,
Меҳнат қуршаб олди тегра-тошимни,
Чўл майдонда ташлаб кетди лошимни,
Қўймас бўлсанг, эй жонивор, юр эмди.

Қуйруғинға қизил хино ёқайин,
Оёқингга олтин, наҳал қоқайин,
Қайтиб келсам кишмиш бериб боқайин,
Юрар бўлсанг, эй жонивор юр эмди.

Ман айтурман, мани ўзим одамзод,
Отанг дулдул, онанг зулфул мадорзод,
Қўлтиқингда бордир санинг кўк қанот,
Учар бўлсанг уч жонивор, юр эмди.

Эшит эмди Адиганинг сўзини,
Чўл майдонда телмуртирма кўзимни,
Тўкашоҳ юртина еткур ўзимни,
Етар бўлсанг, эй жонивор, ет эмди.

Алқисса, бу сўзларни айди, от жонивор қур-қур кишнаб, тилин тишлаб, бир юрмакка кирди, теваларнинг оёқлари гоҳ ерга етар, гоҳ етмас, шундоқ қилиб яна ўн икки кун йўл юриб ногоҳ бир тоғга етдилар. Тоғни оралаб йўл бирлан борур эрди. Ногоҳ кўрса, йўлнинг устида бир бобо ўлтирур, икки юзидин нуру-илоҳи кулур. Бошида кулоҳ, эгнида жанда, сўтасини ерга тикиб соя қилиб ўлтирур. Эрса, Адига теваларни етиб бобоға салом бериб ўтаверди. Эрса, бобо бошин кўтариб саломина алик олиб айдилар: «Эй ўғлим қайси боғнинг гулисан ва қайси чаманнинг булбулисан? Ва қайси гулдин парвоз қилиб, қайси гулзорға қўнарсан» деб жавоб сўраб бир ғазал айди:

Хабарингни бериб ўтғил жон болам,
Сўзла болам, қайси жойдин келурсан.
Парвоз айлаб учдинг қайси чамандан,
Сўзла қўзим, қайси жойдин келурсан.

Эгнингга кийибсан олтинни-зарни,
Белинггга боғлабсан тилла камарни,
Чўл майдонда етиб еттита нарни,
Айғил болам, қайси жойдин бўлурсан?

Йўллар юриб майдон бирлан қарашиб,
Сан борурсан қайси элни сўрашиб,
Юрибмисан оёқ-қўлдин адашиб,
Не истарсан болам, қайдин келурсан?

Болам айғил манга тўғри сўзингни,
Ёшларга тўлдириб хумор кўзингни,
Гарду-ғубор босиб ойдек юзингни,
Тўрам айғил, қайси жойдин келурсан?

Бекбаччадурмисан ё бир шаҳзода,
Элинг қайда, уйинг қайси ўбада,
Аё қўзим, етғил мақсад-мурода,
Сўзла болам, қайси жойдин келарсан?

Бобонг айтир, бу дам ўртанди жони,
Сансан болам манинг ному-нишоним,
Навча гулим, қўзим, соҳибқироним,
Баён айла, болам, қайдин келурсан?

Алқисса, бобо бу сўзларни айди: эрса Адига ҳам жилов чекиб, отини турғизиб, теваларини тўхтатиб бобоға қараб бир ғазал айтди:

Аё бобо, аслим манинг,
Қўнғирот бўлур, Қўнғирот бўлур.
Аслим бобо, ўзбек ўғли,
Манинг жойим Қўнғирот бўлур.

Сафар чиқдим, ушбу кунда,
Умидим бор жону-танда,
Аслим ўзбак хаққа банда,
Бобо, жойим Қўнғиротдир.

Элим Қўнғирот ажаб жойдур,
Сиғинғаним бир худойдур,
Отам оди Тулимбийдур,
Бобо аслим Қўнғиротдир.

Кундин-кунга меҳнат ортиб,
Жафо тиғи бағрим йиртиб,
Ман келурман насиб тортиб,
Чиқған жойим Қўнғиротдир.

Адигадир, бобо отим,

Хақ эшитсин қилған додим,
Тангри бергай чўҳ муродим,
Бобо жойим Қўнғирот турур.

Алқисса, Адига бу сўзларни айди, бобо айди: «Э ўғлим, сан бир пора сўзларни айтурсан, ман тушунмадим. Рост отингни ва яна ота-боболарингни айғил» ,деб бир ғазал айди:

Фарқ этмадим айған сўзинг,
Ростин айт, отинг ким бўлур?
Кимнинг ўғли, кимсан ўзинг,
Ростин айт, отинг ким бўлур?

Қизил гулни хирмонисан,
Бир азизнинг чунонисан,
Манинг жоним дармонимсан,
Эй болам аслинг ким бўлур?

Ёй бирлан найза яроғинг,
Жонимни ўтар фироғинг,
Бобонг чакар дарду-доғинг,
Эй қўзим, аслинг ким бўлур?

Манга отингни баён эт,
Аслингни бир-бир аён эт,
Бобонгни отанг гумон эт,
Эй болам, отинг ким булур?

Алқисса, бобо бу сўзларни айтиб, Адига ҳам яна бир ғазал айди:

Бобо, манинг сўзим бирдур,
Лақаб отим Адигадур.
Асли отим Раҳимберди,
Холи отим Адигадур.

Ман билурман бобо мунча,
Билганини айсам онча,
Манинг отам Тулимхўжа,
Бобо отим Адигадур.

Бобо букун келдинг дода,
Ҳақ етирса чўх мурода,
Раҳим борур Тўкашоҳа,
Манинг отим Адигадур.

Адига дер, тўғри сўзим,
Тилим бир, тўрт икки кўзим,
Қабул бўлсин айтган сўзим,
Рост отим Адигадур.

Алқисса, Адига бў сўзларини айтса бобо айди: «мандин бир пора сўзларни эшит. Аммо, санинг онанг паризод, отанг паризод бўлур. Тақдири олло аларнинг ораларига фурқат тушиб, сан онанг бўйида ҳомила эрдинг, йўлда вақти етиб сани туғиб, бир дарахт бошиға бир қушнинг уясида қўйиб кетди. Сани Тулимхўжа олиб фарзанд қилиб асради. Эмди эй ўғлим, мундин етти кун йўл юрарсан, олдингда бир тоғ бор турур, йўлдин жондор ўтолмас, аммо сан девга борурсан. Дев бирлан масофа қилмасдин аввал девнинг отин тутиб олғил. Дев санга чора қила билмас ва агар ҳар вақт девнинг отини қўлингдин бердинг, дев сани зоя қилур. Бу девга оқ тукли дев дерлар. Агар девни ўлтирсанг андин Тўкашоҳ шаҳриға борсанг анда шул оқ девнинг бир биродари турур, отини қора тукли дев дерлар. Ул ҳам шаҳарнинг ичида санга илож қила билмағай, то Тўкашоҳдин ишинг битиб қайтғунингча қора тукли девни ўлтирма, кўп сўзларни таълим бериб, овзиға тукириб, фотиҳа бериб юборди. Бу бобо Тукли-азиз эрди. Адиганинг оталари эрдилар. Хайр Адига оталари Тукли-азиздин фотиҳа олиб йўлга равона бўлди. Адига ўзига назар қилди гуё Адигани бир Адига қилғандак бўлиб турур, мисоли шери ғурромдек бўлиб яна етти кун йўл юрди. Эрса от-тевалар бир кунлик йўлдин девнинг исини олиб, Адиганинг оти қулоғини тикиб, фор-фор уркиб юрмади. Аммо, Адиганинг қаҳри келиб отга бир-икки таъзиёна урди, оти унинг бирлан ҳам юрмади. Оёқин ерга форф-форф уриб, пишқириб асло юрмади, эрса Адига отина қараб хушомад қилиб, бир ғазал айди:

Эй жонивор, оёқларинг қуйилди,
Ҳордингми ё сабаб недур юрмассан?
Магар санинг туёқларинг айрилди,
Азоб чакиб ул сабабдин юрмассан.

Аслинг баён этсам санинг сандал от,
Қўлтуғингда бордир санинг қўш қанот,
Онанг тулпор ўзинг эса модарзод,
Нени кўрдинг, не сабабдин юрмассан?

Тоғ ичинда бир офатни кўрарсан,
Қўрқармисан одим отмай турарсан,
Тулки-шоғол, йўлбарслардин уркарсан,
Недин қўрқдинг, не сабабдин юрмассан?

Йўлдошлик айлагил, мунча сийнама,
Сувлик тишлаб чўл-майдонда ўйнама,
Меҳнат кўрган жоним сен ҳам қийнама,

Нени кўрдинг, не сабабдин юрмассан?

Фалак айлантирди манинг бошимни,
Сан ҳам тўкма кўздин қонли ёшимни,
Тоғда ташлаб кетар бўлдинг лошимни,
Эй жонивор, не сабабдин юрмассан?

Адига дер, манинг отим-яроғим,
Билурмисан сийнамдаги бу доғим,
Сансан отим, арғумоғим, яроғим,
Эй жонивор, не сабабдин юрмассан?

Алқисса, Адига бу сўзларни айди, яна бир пора йўл юрди, тоғнинг бир баланд еридин ўтти, кўрса майдонда бир махлуқ ётибди: бўйи юз газ, бағри-сийнаси эллик газ, тамоми бадани оқ тук кўкарган, кўрган одамнинг юраги пора-пора бўлиб, аммо Тўкашоҳ шул оқ девни йўлға қоровул қўйиб эрди. Йўлдин бир жондорни ўтказмас эрди, баъзисин тутиб кабоб қилиб ер эрди.ва баъзиларини дордин осиб қоқ қилиб ер эрди ва баъзиларини тутиб зиндонға солур эрди. Алар ўлиб-чуриб қолур эрди. Аммо ҳар ким келса ҳар маҳлуқ бўлса бу икки девдин қутилмас эрдилар. Анинг учун бу шаҳарга борса-келмас дер эрдилар. Аммо юз минг лашкар тўпу-тўпхоналар билан борсалар бири омон қутилмас эрди. Аммо, Адига кўрди одамларнинг устихонлари хирмон-хирмон бўлиб ётир. Адига келганига пушаймон қилиб айди: «Во дариғ, сад дариғ, абас қилиб келган эрканман. Эмди нечук қилиб бу девни қўлидин халос бўларман», деб келганига пушаймон қилиб ўз ҳолиға йиғлаб бир ғазал айди:

Ман келибман ақлим шошиб,
Кетолмасман омон эмди,
Дев қўлинда ўлар бўлдим,
Қутилмоғим гумон эмди.

Қумлар тўлиб кўзларима,
Ёшим оқиб юзларима,
Букун манинг кўзларима,
Яхши жаҳон думон эмди.

Анинг учундир армоним,
Деву-маълун тўкар қоним,
Тандин букун олса жоним,
Дуне манга зиндон эмди.

Ман найладим чархи-ношод,
Дод алингдин оҳу-фарёд,
Оғайнилар бизадур ёд,
Мандин қолмай нишон эмди.

Ажал етиб тўлди куним,
Етди кўкка чекан уним,
Отам-онам, элим-куним,
Хуш қолинглар омон эмди.

Адига дер, абас келдим,
Юрагим-бағримни эздим,
Бу дунёдин кўнгил уздим,
Манга керак, имон эмди.

Алқисса, Адига бу сўзларни айтиб зор-зор йиғлаб келганига пушаймон қилиб, ичи бирлан кули-ҳол бўлиб, бошин тубан солиб ўйланиб хаёл қилди: «эмди ҳар нечук қилсам ҳам бу балодин халос бўлмасман. Эмди бир иш қилиб деви-маълуннинг отини ола билсам яна ҳам ул бобо айтиб «отини олғил», деб бу сўз бирла отидин тушиб, от-теваларини бир жойда маҳкам боғлаб қўйди. Сори ёйини эгнига солди, қиличини белиға боғлади ва найзасин қўлиға олди. Шундоғ қилиб девға қараб қарщи юрди. То девнинг қошиға борғунча худой таолога ёлбориб» бу ғазални айди:

Қодир олло, арзим эшит,
Мадад берғил манга букун.
Сансан манга пушту-паноҳ,
Мадад берғил манга букун.

Ёмон эркан деви-малъун,
Юрак-бағрим бўлди пурхун,
Раҳм айлағил қодир Жайҳун,
Мадад берғил манга букун.

Нега келдим айлаб хато,
Кўрдим букун хўрлик-жафо,
Сарондибда Одам ота,
Мадад берғил манга букун.

Афв айла кулли гуноҳим,
Сан бўлғил эмди паноҳим,
Ҳақ Халили ё Иброҳим,
Мадад берғил манга букун.

Бу бошима тушди мушкул,
Мушкулим осон айлағил,
Халил ўғли ё Исмоил,
Мадад берғил манга букун.

Манга бу дам тушди савдо,
Тур тоғинда кезган Мусо,
Майрам ўғли ҳазрати Исо,
Мадад берғил манга букун.

Дунёдин кўз юмди Яқуб,
Зиндонда кўрдилар нохуб,
Юсуф Сиддиқ аё Маҳмуд,
Мадад берғил манга букун.

Йиғлаюб ман бўлдим адо,
Сизга бўлсин жоним фидо,
Тангри дўсти ё Мустафо,
Мадад берғил манга букун.

Сизларга бу жоним қурбон,
Абубакиру, Умар-Усмон,
Ҳақнинг шери Шоҳимардон,
Ҳиммат берғил манга букун.

Раҳм айла эй қодир субҳон,
Мушкул ишим қилғил осон,
Ҳасан-Ҳусан икки чунон,
Мадад берғил манга букун.

Адига дер, бу на кунлар,
Даврон биздин ўтди магар,
Ер юзида барча пирлар,
Мадад берғил манга букун.

Алқисса, Адигажон бу сўзларни айди. Худоға таваккал қилиб, аста-аста юриб девнинг отининг ёнига бориб эрса девнинг оти Адигани кўрди, бир бегона одам турур. Оғзин очиб Адигага ҳамла қилди, Адиганинг қаҳри келиб «саги хурда хорам, қатиғил деб отнинг юзига бир шаполоқ урди, от сакраб далондоз ерга йиқилди. Адига дарҳол бориб устига минди. Аммо деви малъун «бу на гап эрди» деб кўзин очиб кўрса бир йигит отиға миниб турибдур. Жаҳон кўзига тор бўлиб, не илож қилурини билмай Адигага қараб» бир ғазал айди:

Ҳайлашмай отимни минган,
Эй йигит қайдин келурсан?
¡ғримусан, тўғримусан,
Эй йигит қайдин келурсан?

Билдиргул эмди ўзингни,

Яширмай айғил сўзингни,
Билдиргил асли ўзингни,
Эй йигит қайдин келурсан?

Қайси бир боғнинг гулисан,
Не чаманнинг булбулисан,
Қайси бир шоҳнинг ўғлисан,
Эй тўрам, қайдин келурсан?

Оқ дев айтур, недир коринг,
Ҳар иш қилсанг ихтиёринг,
Эмди бўлдим хизматкоринг,
Айғил сен қайдин бўлурсан?

Аммо, Оқдев бу сўзларни айтиб Адига ҳам кўнгил биркитиб, Оқ девга қараб бир ғазал айди:

Билдурсам санга ўзимни,
Ман ўзим ўзбак бўлурман.
Эшитгил тўғри сўзимни,
Ман ўзим ўзбак бўлурман.

Истагим доим ғазотдур,
Бир мушкул ишим кушоддур,
Асли жойим Қўнғиротдур,
Ман ўзим ўзбак бўлурман.

Мунда келдим ёлғиз бошим,
Будир манинг келган ишим,
Санинг бирлан бор савашим,
Ман ўзим ўзбак бўлурман.

Эл, уруғим узоқ йўлдир,
Барча яротғонға қулдир,
Десам келган ишим шулдир,
Ман ўзим ўзбак бўлурман.

Сиғинғаним бир худодир,
Пайғамбарим Мустафодир,
Адигадир отим манинг,
Ман ўзим ўзбак бўлурман.

Алқисса, Адига бу сўзларни айтди. Эрса деви малъун на илож қилурини билмай, не учун ким мунинг тамоми яроғлари ва тамоми кучи ва қуввати отиға тилсим эрди. Отини минмаса бу ишлар бўлмас эрди. Деви малъун хаёл қилди:

«бу бир ёш ўғлон турур, мундин ҳийла бирлан отимни олсам» деб Адигага қараб айди: Адигани алдаб, хушомадлар қилиб бир ғазал айди:

Аё бегим, билдим ман асли зотинг,
Аё бегим, бергил манинг отимни.
Биру боринг берсин ҳама муродинг,
Адигажон, бергил манинг отимни.

Навкар бўлдим Тўкашоҳа гумона,
Қочай десам тополмадим баҳона,
Навкар бўлдим шоҳни кўрмай ғойибона,
Адигажон, бергил манинг отимни.

Умидим бор эмди сани келур деб,
Тўкашоҳ қўлидин мани олур деб,
Хизмат қилсам манинг қадрим билур деб,
Адигажон, бергил манинг отимни.

Отимни бер,ман отимға минайин.
Ман ҳам санинг бирла ҳамро борайин,
Тўкашоҳни санга тутиб берайин,
Хон оғажон, манга бергил отимни.

Оқ дев айтур, инон мани сўзима,
Хизматингни лойиқ кўрдим ўзима,
Ялғон айтсам қонлар тўлсин кўзима,
Адигажон, бергил манинг отимни.

Алқисса, Оқдев кўп ҳийлаларни қилиб, «буёғини ўтсанг, манга навкар бўламан, шоҳнинг қизини олиб берурман» ,деб кўп ялборди. Адига айди: «сан беҳаё бояқи деб мандин отингни олиб, андин сўнг ишлар қилурсан». Оқ тукли дев айди: «Эй Адигажон, сан хаёқи дегани у дуне, бояқи деганим бу дунё турур. Ул дунё бул дунё юзим қора бўлсин деганим бўлур» деб айди. Алқисса, мухтасар, бош оғириғи дардисар, тева бўйни дуз кесар, йигит бўйни қиз кесар, отни олғанини салба-сал, оқ девни Тўкашоҳнинг қизини олиб берурман, дегани Адиганинг қулоғиға ёқиб айди: «Эй оқ дев Тўкашоҳнинг қизини олиб берурман, дегонинг рост турурму?» Анда деви ғаддор бир неча онтлар ичди, кўп ялборди. Эрса, Адиганинг кўнгли девнинг отини берди. Дев дарҳол келиб, тўққиз марта Адигага таъзим қилиб отин олиб кейин бориб минар бўлиб кам-кам кейин бориб тоғға қочиб кирди. Аммо, бу тоғда деви малъуннинг тамоми яроғлари анда эрди. То отиға минмаса эрди, эрса дев чоройна, дубулға, сорупой ва тамоми яроғларини ва тамоми аслаҳаларини барпо қилиб, кийиб отиға миниб, «Эй эронли, кўрким сани нечук қилурман», деб тоғдин чиққунча Адигани масхара этиб бир ғазал айди:

Ёлғиз бошинг мунда келиб,
Сан мунча жўшма эронли!
Ғофилликда отим олиб,
Ҳаддингдан ошма эронли!

Эрон деган жоҳил юрти,
Қиш озуқи қуши-қурти,
Пўстинингни шағол йиртди,
Ҳаддингдан ошма эронли!

¡йлағил дарё бўйнинда,
Яхши таомлар тўйинда,
Ҳар қайси уйли-уйинда,
Сиқмона султон эронли!

Қойиқ миниб сувда юрган,
Ани дерлар фалон мерган,
Кеча-кундуз қабоқ еган,
Хўракинг балиқ эронли!

Қамиш-юган дерлар еринг,
Еринг изғор,бермас экин,
Хўрокингдур тариқ-чиғин,
Ҳаддингдан ошма эронли!

Оқ дев айтур, мани билгил,
Савашимни эмди кўргил,
Урушсанг сен бери келгил,
Ман ина бордим эронли!

Алқисса, оқ дев кўк темир бўлиб булутдай кукраб оғзидин қор сочиб тоғдин чиқиб наъра уриб Адигага қараб айди: «бак ўғлон, ина бориб жонингни олдим» деб бир ғазал айди:

Сунни ўғлон, надир санинг хаёлинг,
Ина бориб олдим сани жонингни.
Эмди манинг қутилмассан қўлимдин,
Хабардор бўл, олдим санинг жонингни.

Билмай қолдим ётганимда келибсан,
Ғофил топиб, манинг отим олибсан,
Қазонг етиб, маконимға келибсан,
Сунни ўғлон, олдим санинг жонингни.

Тўлғон эркан санинг соат замонинг,
Танингдин олурман бу ширин жонинг,
Беимон ўлмағил ,ўқи имонинг,
Эй эронли, олдим санинг жонингни.

Қуршаб олиб санинг дағар ишингни,
Кўрдикинг олурман кесиб бошингни,
Дийдангдан оқизиб қонли ёшимни,
Эй эронли, олдим санинг жонингни.

¡лтирурман боқмай соғу-сўлима,
Қазонг етиб тушдинг манинг қўлима,
Бу на ўғлон тўғри келдинг ўлима,
Оқ дев айтур, ина олдим жонингни.

Алқисса, дев бу сўзларни айди: эрса Адига девнинг отини берганига пушаймон қилиб айди: «Во дариғ, бу малъунни отини бермасам керак эркан. Бу малъун манга ҳийла қилган эркан. Бўлмас иш бўлди. Эмди ҳар нечук бу малъунга мардоналик бирлан бир неча сиёсат сўзлар айтиб кўрайин. Андин сўнг худо не хоҳласа кўрарман», деб девга қараб бир сўз айди:

Кофир малъун кўзлаб сўзла худони,
Лоф урмағил, ина майдон бери кел.
Узоқ йўлдин келдим санинг аҳдингга,
Керак бўлса ина бу жон бери кел.

Аё малъун боқиб ёмон кўзингдин,
Зарра хавфим йўқдир айтган сўзингдин,
Минг дев бўлиб келсанг қўрқмам ўзингдин,
Талашурсан эмди ино бери кел.

Кўп кўрибман сандай девни дунёда,
Ман-ман деб қўрқарсан, юз минг қайғуда,
Воқ-воқ этиб сўзлаб турма беҳуда,
Урушурсан ино майдон бери кел.

Ман қайғурмам букун ширин жонимни,
Шароб айлаб ичгил манинг қонимни,
Ман розиман йиқиб олсанг жонимни,
Олар бўлсанг ино майдон бери кел.

Адига дер, келиб қилғил талаши,
Бу майдонда бўлсин Рустам саваши,
Кучинг етса йиқиб олғил бу боши,
Бош олурсан ино майдон бери кел.

Аммо, Адига бу сўзларни айди. Эрса деви-малъун қаҳ-қаҳ уриб айди: «Эй ўғлон хийли бор экансан. Эмди бохабар бўл» деб қўлига ўқ-ёйини олиб ўқини киришга қўйиб Адиганинг сийнасини нишона қилиб отиб юборди. Эрса Адиганинг оти кўрди деви-малъуннинг ўқи тоғу-тошларни садоға солиб ваґиллаб келур, етти газ осмонга чиқди, девнинг ўқи отнинг остидин ўтиб тоґґа ґарқ бўлди. Эрса деви-малъун отнинг бу ишини кўриб айди: «Ёмон ҳийлабоз сагхўрда эркан». Қўлиґа яна бир ўқ олди. Анда Адига айди: «Э малъун эмди сандин навбат ўтди, навбат манга етди» деб қўлиґа ўқ ёйини олиб, ўқни киришига қўйиб, тамоми кучини қўл учиґа келтуруб «ё пирим, шери даргоҳ»-деб деви малъуннинг пешонасини кўзлаб шос бериб юбарди. ¡қ келиб девнинг пешонасидин кириб инкисидин чиқиб тоґда ґарқ бўлди. Эрса малъун туймай қолди. Қаҳ-қаҳ уриб айди. Эй, ўғлон, энди бохабар бўлґил. Аввал сани писанд қилмай ўқ отиб эрдим. Яна бир ўқ отди. Эрса от кўрди, ўқ юқоридин келур, дарҳол икки тизини ерга ташлаб букиб ўқни устидин ўткарди. Жаҳон дузда сиёҳ бўлди. Дев хаёл қилди: «бу ўғлон ўқ бирлан учиб кетди»-деб, дев дарҳол фарёд қилди: «Эй одамзод, бу ерга келиб на кўрдинг?» Адига девдин бу сўзларни эшитиб бир наъра урди, айди: «Эй малъун, бохабар бўл, яна ўқ борди». Девнинг сийнасини нишона қилиб, шос бўлиб юборди. Эрса ўқ келиб, сийнасидин кириб, орқасидин чиқиб кетди. Дев яна қаҳ-қаҳ уриб айди: «Эмди бохабар бўл», деб Адиганинг киндикининг усти деб, эгарнинг қоши усти бирла шос бериб юборди. Эрса от жонивор бир ґайрат қилиб юборди. ¡қни оґзи бирлан тишлаб олди. Яна Адига бир ўқ отди, дев туймай қолиб айди: «эй ўзбак ўғлон бирлан қачонгача ўқ бирлан урушиб ё сан деб ё ман деб қўлиґа қиличини олиб Адиганинг устига от қўйди. Эрса Адига кўрди. Урган ўқлари девга кор қилмайди. Дев от солиб устига келур. Адиганинг кўнглига қўрқув тушиб, отининг бошини айлантириб келган йўлиґа қочиб бадар кетди. Эрса деви малъун ҳам қувлаб шовқун солиб яна етдим, деб келур эрди. Эрса шул қочиб келувинда бу девдин омон қутулмасман, деб худой таолога сиґиниб, тамоми пайґамбарларни ва авлиёларни ёд қилиб мадад тилаб бир ґазал айди:

Даргоҳинггга юзим тутдим бирубор,
Кутқаз мани дев қўлидин омон бер.
Чўл-майдонда ўлар бўлдим хору-зор,
Кутқаз мани дев қўлидин омон бер.

Кўнглим кетар бу дам юз минг хаёла,
Куним тўлиб ёшим етди завола,
Доґу-армон етолмади камола,
Кутқаз мани дев қўлидин омон бер.

Кишим йўқдир сандин ўзга худойим,
Деви малъун қувиб олибди роҳим,
Йўл боришда ўзинг бўлґил паноҳим,
Кутқаз мани дев қўлидин омон бер.

Деви-малъун қувлаб келур дамо-дам,
¡лтурурму солиб жонимға мотам,
Ҳолим кўриб бу дам ҳазрати Одам,
Қутқар мани дев қўлидин омона.

Қувиб келур ушбу малъун, мушаддод,
Солиб манга букун рўзи-қиёмат,
Қутқар мани ҳақнинг дўсти Муҳаммад,
Келиб олиб дев қўлидин омон бер.

Адига дер, ўғлонлиғим қўймадим,
Ул бобонинг сўзларина кирмадим,
Йигит ўлдим бул дунёға тўймадим,
Ё яратған эмди манга имон бер.

Аммо Адиганинг кароматли Тукли-азиз дадаси ғойибдин ҳозир бўлиб, Адига бирлан девнинг урушлариға қараб томоша қилиб, тоғнинг бир чоҳ ерида туриб эрдилар. Адиганинг қочғанини кўриб Адиганинг олдиға чиқиб «ҳой-ҳой, эй Адигажон, жон болам, киши мунчалик ёшлик қилмас бўлур» деб бир ғазал айди:

Ёшлик этма, қўзим, бўлғил мардона,
Қочма қўзим, бу дам девни ўлдирғил.
Бир овоза солдинг жумла жаҳона,
Турғил болам, бу дам девни ўлдирғил.

Мардоналик пеша айлаб ўзингга,
Қочма болам, ёш тўлдириб кўзингга,
Инонмасанг боқиб кўрғил изинга,
Турғил, болам бу дам девни ўлтирғил.

¡ргилурман садқа бўлиб ўзингдин,
Ёшлар тўлған қора наргиз кўзингдин,
Сан кетган сўнг ман ҳам келдим изингдин,
Турғил, болам бу дам девни ўлтирғил.

Қайда борсам манинг бўлмас қарорим,
Бормайин изингдин йўқдир турарим,
Сансан манинг юрак-бағрим мадорим,
Турғил, болам бу дам девни ўлтирғил.

Тоғда кезиб хаққа қуллиқ қилурман.
Ҳар ерда ёд этсанг ҳозир бўлурман,
Тукли азиз сенинг даданг бўлурман,

Турғил, болам бу дам девни ўлтирғил.

Алқисса, Адига бу садони эшитиб, орқасига қараб кўрди. Кўрса, девнинг оти бўш келур. Адига отин тўхтатиб, отдин тушди. Шул он оталари Тукли-азиз Адиганинг қошиға келдилар. Айдилар: «Эй ўғлим, муборак бўлсин, девни ўлдирдингиз! Боракалла! Худо сизга қувват бергай», деб айдилар. Эрса Адига кўрди. Ул йўлда ўлтирган бобо турурлар. Хаёл қилди: «аё бу бобо ким бўлурлар, менга йўл кўрсатиб яхшилик қилурлар. Эмди бу бобонинг ким эрканин билайин», деб бобоға қараб, отларини сўраб, «ким бўлурсиз» деб бир ғазал айди:

Аё бобо, сиздин будир тилагим,
Айтинг манга ким бўлурсиз ўзингиз?
Сизни кўриб жўш урадур юрагим,
Айтинг манга ким бўлурсиз ўзингиз?

Бош кўтариб юзингизга қарадим,
Сиздин ҳосил бўлур жумла муродим,
Беадаблик қилдим сиздин сўрадим,
Айтинг бобо, ким бўлурсиз ўзингиз?

Йўл кўрсатиб билмаганим билдириб,
Йиғлаганда ҳолим сўраб кулдириб,
Баён айланг ўзингизни билдириб,
Айтинг бобо, ким бўлурсиз ўзингиз?

Меҳр бирла юзларимга боқарсиз,
Ҳар боққанда манинг жоним ёқарсиз,
Ҳозир бўлиб бир гўшадин чиқарсиз,
Айтинг бобо, ким бўлурсиз ўзингиз?

Адига дер, соя солиб бошима,
Раҳм айлаб мани кўзда ёшима,
Меҳрибонлик этиб, келиб қошима,
Айтинг бобо, ким бўлурсиз ўзингиз?

Адига бу сўзларни айтиб йиғлаб турди. Шунда Тукли азиз ўзини билдириб, бир-икки калима сўз айди:

Айлайин бир-бир санга аҳволим зорим сан эшит,
Кўрмасам бир дам сени йўқдир қарорим сан эшит,
Боғи умримнинг гули, ҳам гулузорим сан эшит,
Тожи-тахтим, молу мулким, шаҳсуворим сан эшит,
Кўрмасам гулдек юзингни йўқ қарорим сан эшит.

Дунёни айлаб талоқ, бўлдим болам девоналар,

Ҳақға зор айлаб яна чўлда кезиб овворалар,
Бир паризод учради бўлдим анга парвоналар,
Шул экан тақдири азал бўлдуқ иков ҳамхоналар,
Ман болам айлай баён, аҳволи зорим сан эшит.

Бир куни эрди иккимиз айланиб қилдик жадал,
Ул онанг айди манга, уч узви кўрмак маҳол,
Кўрмайин шарт қилдим яна, бир айлаб хаёл,
Айлаган шартим бузуб, кўзимни солдим хасби ҳол,
Қаҳр этиб кетди онанг, кўп интизорим сан эшит.

Шул экан тақдири азал солди жудолиқ ман билан,
Кўзларим тўлди фироқидин, надомат, нам билан
Кўтариб кетди онанг, қорнида сан ҳамли билан,
Бора-бора йўлда турди, тўққиз ой комил билан,
Йўлда бўлдинг сан онадин, оҳи-зорим сан эшит.

Санинг учун фикр этиб, андиша қилди фикр этиб,
Ташлабон кетсам муни, деб ўй этиб,
Охири Семруғ уясида қуйибон жой этиб,
Сани олди ул Тулимбий, деди ўғлим, тўй этиб,
Айлади парво санга, эй гулузорим сан эшит.

Ул Тулимбек кўп акобирларға эрди сарбаланд,
Шоҳ қошида барча беклар ичра қолди аржуманд,
Анинг учун барча беклар бўлди дардманд,
Сани андин айириб, ҳижрона солди берди банд,
Солдилар меҳнат бошинга, оҳи зорим сан эшит.

Бул Азизи Тукли айтур, ул Тулимбекдур отанг,
Ул отангдин барча душман қилди доим номи нанг,
Сан келурсан йўл бирла, изингда келдим манн отанг,
Сан тамиз айла букун, манман санинг асли отанг,
Чўлда танҳо сан келурсан, йўқ қарорим сан эшит.

Алқисса, Тукли-азиз бу сўзларни айдилар. Эрса Адига эгасини топган пишикдек бўлиб, югуриб келиб, юз-кўзларини отасининг муборак қадамларига суртиб, андоғ йиғладиким, ер бирла осмон йиғлашдилар. Андин сўнг Тукли Азиз айди: эй болам, ҳар на гуноҳинг бўлса ўтдим, деб анча йиғладиким, гўё арши курси титради. Булар бул тариқа ота ўғил йиғлашиб бир-бирларини таниб бўлгандин сўнг оталариға узр-ҳолиқ қилиб бир ғазал айдилар:

Осиё-шарманда бўлдим узр хоҳим афв қил,
Сизни кўп таҳликаға солдим гуноҳим афв қил,
¡тса мандин кўп жафолар, қиблагоҳим афв қил,
Кўрганим йўқ эрди сизни, оҳу зорим афв қил,

Беадаблик қилған эрсам қиблагойим афв қил.

Ҳар улуғ роҳи гузардур ўтса ҳар ким оғримас,
Бир масал бордур қадимдин, танимасни сийламас,
Қарилар жоҳилларни айтган сўзларин тингламас,
То синаб битмас киши, яхши-ёмонни англамас,
Англабам билдим янги пушти паноҳим афв қил.

Алқисса, Адига бу сўзларни айди: кўп узрхохлик қилди. Оталари Тукли-азиз айдилар: «Э фарзанду-аржуманд, ҳар на гуноҳинг бўлса, ман ўтдим. Худойим ўтғай эмди. Борғил, худо ёринг бўлсин. Эмди санга назар қилдим, деб оғзига туфуриб, ёғринидин қоқиб, фотиҳа бериб, айдилар: «Эй қўзим, мундин Тўкашоҳнинг шаҳриға борурсан, анда бир биродари бор турур. Отиға Қора тукли дев дерлар. Тўкашоҳнинг хизматида бўлур. Ёмон, зўр, мутакаббир кофир турур. Андин бохабар бўлғин. Ҳар қачон санга учраса сан андин бурун бориб сочидин тутғил. Андин сўнг санга чора қила билмас, ишинг битса, божи-жирожларни олсанг, андин сўнг Тўкашоҳнинг қизини санга берурлар, ул қиздин бир ўғлинг бўлур, отини Нур-азиз қўйғил. Тамоми Хоразм вилоятиға пешво бўлиб, роҳи ҳақиқат бўлур. Аммо ҳар қачон Тўкашоҳдин ишинг битса, андин сўнг Қора тукли девни кўтариб Тўкашоҳнинг тахтининг поясиға урғил, пора-пора бўлур» деб бир пора насиҳатлар қилиб, Адиганинг кўзидин ғойиб бўлдилар. Эрса Адига девнинг бошини теванинг устиға хўб маҳкам қилиб устинда ўлтириб, теваларға миниб, яна қирқ кун йўл юриб, Тўкашоҳнинг юртиға келди. Кўрса бир улуғ шаҳар турур. Девори осмон ҳамролиқ қилур. Кунгираси қирқ газ, фарзанди одамдин кимнинг қадди бор ул қалъага борғай. Эрса Адига бу шаҳарни кўриб ваҳми ғолиб бўлиб қўрқиб айди: «Бу қалъаға келган одамнинг қайтиб омон чиқмоғи баси мушкул эркан. Худоя худованда мани мағрур паҳлавонлиқ қилмай санинг фасли-карамингга такия қилиб келибман. Эмди ўзимни санга топширдим. ¡зинг омон сақлаб нажот бергайсан. Омин ё раббил оламин», деб бир ғазал айди:

Абас айлаб бу шаҳарга келибман,
Ё бирубор ўзим санга топширдим.
Мундин омон чиқмаслигим билибман,
Ё бирубор ўзим санга топширдим.

¡лар бўлдим бул иш бўлди баҳона,
Бу шаҳарда офат етишар жона,
Мундин қайтиб чиқмоқлиғим гумона,
Ё яротған ўзим санга топширдим.

Мармар тошдин бўлса бунинг биноси,
Бўйи қирқ газ ҳаққи ризо қалъаси,
Мунда бордир ҳақнинг ҳар бир балоси,
Аё жаббор ўзим санга топширдим.

Не деб келдим мунга бахтим шўр бўлиб,
Тутиш қилсам ғаним манга зўр бўлиб,
Бу шаҳарда ўлар бўлдим хўр бўлиб,
Ё бирубор ўзим санга топширдим.

Адига дер, санга тутдим юзимни,
Ёш тўлдириб йиғлаб икки кўзимни,
Бу шаҳарга кирсам шул дам ўзимни,
Ё яротган ўзим санга топширдим.

Алқисса, Адига бу сўзларни айтиб ул боши устидин ўрўпагини олиб, белини маҳкам бойлаб, қиличини ғилофидин чиқариб, эгарнинг қошиға каса миниб, шаҳарга кириб тўғри кўча бирлан равона бўлиб юрди, шаҳарнинг ўрта ериға келди. Ногоҳ олдидин мисли минорадек бир сиё шаклиндаги бир махлуқ келур, сочи ерга судралиб. Эрса Адига кўриб, бу ишни хуши бошидин учди. Айди: «аё худоя бу на махлуқдир», деб шул бадбахт Адигага яқин келди. Назар қилди, кўрса бир ўғлон, ўзи ўн ё ўн икки ёшида, юзлари тўлғон ўн тўрт кечалик ойдак. Етти тевани етиб келур. Бадбахт Қора тукли дев Адигани кўриб хаёл қилди: бу ўғлон шоҳнинг мажлисиға соқийгарликка муносиб эркан, муни шоҳнинг хизматиға олиб борайин. Адигага яқин келиб, сув сўрамоқчи бўлди. Шунда анинг кўзи эгардаги оғасининг бошиға тушди. Кўрса бир бош мисоли қора уйдек. Яхши назар қилди, кўрса ўзининг оғаси Оқ тукли девнинг боши турур. Жаҳон кўзига тор бўлиб, Адигага қараб айди: «Эй хункор ўғлон, эй вой куни тўлиб қонидин безор бўлғон, эй вой бу бош манинг оғамни боши турур. Муни ўлтириб бошини олиб келурсан», деб Адигага қараб бир ғазал айди:

Эй жувонмарг, жавоб бергил сўзима,
Сабаб недур, манинг оғам ўлдирдинг,
Ёхти жаҳон думон бўлди кўзима,
Золим хунхор, не деб оғам ўлдирдинг.

Ман айтурман тўғри сўзим юзингга,
Аё золим, қонлар тўлсин кўзингга,
Отинг айтғил кимса дерлар ўзингга,
Э жувонмарг, не деб оғам ўлдирдинг?

Кўзинг қийиб кесиб олиб бошини,
Чўл майдонда ташлаб оғам лошини,
Эмди санга қилай оғам ишини,
Золим хункор, не деб оғам ўлдирдинг?

Эмди сани гўдак тутиб олайин,
Аввал бошлаб тери-пўстинг шилайин,
Кўзинг ўйиб, йўл бошинда қўяйин,

Аё гўдак не деб оғам ўлдирдинг?

Ҳийла билан оғам бошин олибсан,
Бу бошима қора кунлар солибсан,
Мандин қўрқмай сан шаҳарга кирибсан,
Золим хункор, не деб оғам ўлдирдинг?

Қора дев дер, эмди нелар қилурман,
Омон бермай санинг жонинг олурман,
Бошинг кесиб оғам қонин олурман,
Қонхўр золим, не деб оғам ўлдирдинг?

Алқисса, Қора тукли дев бу сўзларни айди: Эрса Адига хаёл қилиб айди: «Бу бадбахт девга бир ҳийла қилиб ўзимга яқин келтириб сочидин тутиб, андин сўнг худо не хоҳласа кўрарман», деб девга қараб ҳийла қилиб бир ғазал айди:

Ажал етиб ман олдингга келдимму,
Ман оғажон ғариб ўғлон бўлурман.
Оғангни ўлдирмоқ манинг ҳаддимму,
Жон оғажон ғариб ўғлон бўлурман.

Бўлиб эрдим ногоҳ йўлдин ўтувчи,
Йўлдин ўтиб бир тўғонға етувчи,
Инон, оға мен бир ўғлон ўтинчи,
Бир баҳодир ғариб ўғлон бўлурман.

¡тин кўрдим хаёл қилдим қурукди,
Тўғри айтсам сўзим ёмон қилиқди,
Ул манзилда бул тевалар йўлиқди,
Инон, оға ғариб ўғлон бўлурман.

Кўрдим теваларни югурдим, бордим,
Етиб изларидин мен тутиб олдим,
Эгаси олсин деб шаҳарга келдим,
Олиб келган нодон ўғлон бўлурман.

Ёш ўғлонман ино кўрсанг чиройим,
Оғангни ўлтирсам етмас хоросим,
Жон, оғажон, йўқдир манинг гуноҳим,
Инон, оға ғариб ўғлон бўлурман.

Адига дер, ино йибим-ўроғим,
Сан ўлтирсанг ҳеч ким олмас сўроғим,
Яқин келиб айғил оғир қулоғим,

Сўзим айсам гаранг ўғлон бўлурман.

Алқисса. Адига бу сўзларни айди. Ул Қора тукли дев хаёл қилди: «Бу ўғлоннинг сўзи рост турур, бўлмаса ўғлон нечук манинг оғамни ўлтирур. Муни ўлтирган ўзга киши турур. Яқин келиб эрди, эрса Адига дарҳол тевадин тушиб, бир хез уриб бориб Қора тукли девни сочидин тутиб бир юзига бир шоппот урди. Деди: «Эй бадбахт, беҳуда сўзларни кимга айтурсан, оғангни ўлтирган бу ўғлон турур. Сани ҳам тез оғангни изидин юбарурман. Эмди тез бўл, мани бошлаб Тўкашоҳнинг боргоҳига олиб борғил» , деб айди. Анда Қора тукли дев билди, бу ўғлон турур, ноилож бўлиб Адигани Тўкашоҳнинг боргоҳига олиб борди. Барча шаҳарнинг одамлари кўриб хиёл қилдилар: «бу ўғлонни подшо буюрган турур. Оға-ини иккилари подшога бир гуноҳ қилган турурлар», деб барча шаҳар одамлари ҳамроҳ бўлиб боргоҳга бордилар. Эрса Адига бир қўли бирлан Қора тукли девни судраб боргоҳга келди. Эрса Адига боргоҳга келгач, бир наъра уриб айди: « Э Тўка кофир, нега турурсан, манга жой тайин қилғил, ман ўлтириб дамимни ростлаб олайин, андин сўнг санинг бирла сўзлашурман. Анда Тўкашоҳ ишорат қилди, Адига бир сандалға чиқиб ўлтирди. Оқ тукли девнинг бошини подшонинг олдиға ташлади. Барча боргоҳда ўлтирган паҳлавонлардин хуш кетиб ҳеч бири дам ура билмадилар. Не учунким, Адиганинг салобатидин Тўкашоҳнинг боргоҳи ларзага тушди. Ҳаммалари ҳайрон бўлиб, на кора эрканлигини билмадилар. Эрса бир замондин сўнг Тўкашоҳ Адигадин сўради: «кимсан ва қайдин келурсан?» деб бир ғазал айди:

Аё гўдак, бу ҳол надир, қилибсан,
¡зинг кимсан, элинг қайси эл бўлур?
Қўрқмай манинг боргоҳима келибсан,
¡зинг кимсан, элинг қайси эл бўлур?

Нечук қилиб қора девни келтурдинг,
Сабаб недур, ул оқ девни ўлтирдинг?
Бошин олиб боргоҳима келтурдинг,
¡зинг кимсан, элинг қайси эл бўлур?

Қўрқмадингму орқа эйнима қўл уриб,
Йўлда қўйган полвонимни ўлтириб,
Қора девни тутиб мунда келтуриб,
¡зинг кимсан, элинг қайси эл бўлур?

Полвонларим қуршаб дегра-дошингни,
Танангдин олурлар кесиб бошингни,
Гуржиларга ташлатурман лошингни,
¡зинг кимсан, элинг қайси эл бўлур?

Аё гўдак келдинг кимнинг элидин,
Боргоҳим сол бўлур қонинг селидин,

Қутилмассан Тўкашоҳнинг қўлидин,
¡зинг кимсан, элинг қайси эл бўлур?

Аммо Тўкашоҳ бу сўзларни айтиб эрса, Адига ҳам мардоналик бирла хаёл қилди: «Буларга сиёсат қилиб, бир неча сўзлар айтиб кўрайин», деб бир ғазал айди:

Парвойим йўқ манга қилған қаҳрингга,
Аё кофир Тўкашоҳ билғил букун.
Қўрққан одам келмас санинг шаҳрингга,
Бу сўзимни яхши тинглаб ол букун.

Қаҳрим келса бу дам кирсам жавлона,
Қилич яланг айлаб кирсам майдона,
Кўпинг қолиб қонингизга булона,
Кофир Тўка қулоғингга ол букун.

Ман келибман, сандин божим олмоққа,
Қалъанг йиқиб, шаҳринг талон қилмоққа,
Бошинг олиб шоҳ ўрнингга бўлмоққа,
Анинг учун келубдурман ман букун.

Сан кофирсан, мен мусулмон ўчим бор,
Қирқ йиллик хирожим бор, божим бор,
Эмди шоҳман, бошим узра тожим бор,
Айланмағил, эмди тайёр қил букун.

Адиганинг боқиб соғи-сўлидин,
Бўз йигитдир, ҳар иш келур қўлидин,
Ман келурман Хоразм Қўнғирот элидин,
Тулимбийнинг ўғлидурман бил букун.

Аммо Адига бу сўзларни айди: кофирларға сиёсат бўлсин деб, қора тукли девнинг сочидин босиб ўлтирғил, деб юзига бир шоппот урди. Эрса Тўкашоҳ бошлиқ барча кофирлар Адиганинг бу сўзлариға, мардоналикларига ҳайрон бўлиб ҳуши бошларидин учиб, дудлари димоғларидин чиқди. Шул замон қора тукли дев Тўкашоҳга қараб айди: «Эй Тўкашоҳ, эмди бу ўғлоннинг ҳар на айтганларини бериш керак», деб бир ғазал айди:

Аё шоҳим, олғил манинг сўзимни,
Турма эмди берғил муни божини,
Бу ўғлондин сотиб олғил ўзингни,
Отланмағил берғил муни божини.

Шаҳринг санинг борса келмас қалъадир,

Сочимдин босғанда жоним оладур,
Бу ўғлон бизлара келган балодир,
Тўкашоҳим, бергил муни божини.

Мунинг бирлан сатранж ўйнаб ўтирсанг,
Баякбори сан ҳам мендек тутилсанг,
Молу тева бериб мундин қутилсанг,
Шукр айла-ю, берғил муни божини.

Мани олсанг ҳийла бериб, ал бериб,
Бошинг қўйсанг оёғиға ялбориб,
Қайтар муни тилла бериб, зар бериб.
Аё шоҳим, бергил муни божини,

¡лтирмағил, турғил тахтинг устидин,
Будир манинг жоним оллоҳ қасдидин,
Армон бирлан ман ўлмайин дастидин,
Тўкашоҳим берғил мунинг божини.

Қора тукли дев дер, кўпдир армоним,
Тўкашоҳим, хоним, жоним, дармоним,
Бу ўғлон дастидин қўрқор бу жоним,
Турғил эмди, бергил мунинг божини.

Алқисса, қора тукли дев айди: «Эй подшоҳим бу ўғлоннинг ҳарна айтғанларини бергил. Бу жойдин кетсун. Андин сўнг бир маслаҳат бўлур», деб айди. Эрса Тўкашоҳ фармон қилди: «Қирқ бир тевага зар юкладилар. Эрса Адига айди: «Эй Тўкашоҳ, сан бир улуғ подшоҳ турурсан, сенга ҳеч бир туҳфа келтурмасман, икки қурбонлиқ қилиб эрдим. Бирини ўлтириб бошини келтурдим, яна бирин ҳам бошин олиб берурман, деб бир зўр қилиб қора тукли девни кўтариб, айлантириб, Тўкашоҳнинг тахтиға андоқ урди, жони жаҳаннамга кетди. Эрса қий-чув осмонға кетди. Тўкашоҳнинг боргоҳидан чиқди. Эрса ташқари чиқиб, ўзининг тевалари бирлан ул теваларни миниб, қайтиб йўлға равона бўлди. Эрса Тўкашоҳнинг ўзи «бир ўғлон келиб, мани мунча беобрў қилиб чиқиб кетди, биринг жавоб айта олмадингизлар», деди. Анда маҳрамлари, полвонлари айдилар: «Бизлар санга қарадик, бўлмаса бир кишининг не ҳоли бўлғай бу боргоҳдин чиқиб кетғай», дедилар. Анда Тўкашоҳ айди: «Ҳали қалъадин чиққан эрмас, хумор бўлсангизлар изидин боринглар», деди. Эрса бир пода кофирлар лоф урдилар ва айдилар: «Ино бизлар изиндин бориб, ўзини ўлтириб, тамоми тевалар бирлан зарларини олиб қолурмиз», деб жойларидин туриб Адиганинг изидин равона бўлдилар. Эрса Адига орқасиға қараб, бу лашкарни кўриб хаёл қилди: «Қалъадин ташқариға чиққандин сўнг иш осон бўлур эрди» , деб қўлиға қилич олиб, теваларини юбариб, буларға қараб ҳамла қилди. Беш-ўн кофирни ўлтирди. Муни кофирлар кўриб, изиға қараб қочди. Эрса Адига изига тушиб, то Тўкашоҳнинг боргоҳига боргунча кирди. Эрса

Адига қайтиб келиб теваларини олиб ғайрат қилиб қалъадин чиқди. Эрса кофирлар босилиб Тўкашоҳнинг боргоҳига йиғилдилар. Эрса Тўкашоҳ сўрадиким: «не воқеа бўлди?» Анда кофирлар айдилар: «Ино ўзбак ўғлони боргоҳга келди». Шул вақтда келиб айдилар: «ўзбак ўғлон шаҳардин чиқиб кетди». Андин Тўкашоҳ дарқаҳр бўлиб тамоми саркардалари, тамоми полвонлариға буюрди, айди: «боринг изидин етиб тамоми молларини қўлидин олиб, ўзин бойлаб от олдига солиб келинглар», деб бир ғазал айди:

Эй полвонлар, Адиганинг изидин,
Тез боринглар олиб қолинг зарларни.
Олмагунча қолманг анинг изидин,
Боринг беглар, олиб қолинг зарларни.

Боринг беглар они тутиб олинглар,
Қўлин бойлаб от олдина солинглар,
То келгунча тозиёна уринглар,
Тез боринглар олиб қолинг зарларни.

Ман кўтардим унинг берган изосин,
Тутиб олиб келинг берай жазосин,
Зиндона солайин топсин садосин,
Эй полвонлар, олиб қолинг зарларни.

Ёш бошингдин манга саркашлик этиб,
Ул ўғлон қўрқмайдур шаҳримга келиб,
Боргоҳимга кириб раҳналар солиб,
Турманг эмди, олиб қолинг зарларни.

Тўка шоҳ дер, «Борса келмас» қалъамиз,
Эмди бу қалъада нечук турамиз,
Сизлар боринг, бизлар издин борамиз,
Беклар бориб олиб қолинг зарларни.

Алқисса Тўка шоҳ бу сўзларни айди. Эрса тамоми сардорлар лашкарларини олиб тўп, тўпхона бирлан Адигажоннинг изидин ҳаммаларига Алакай маҳрам деган бош бўлиб равона бўлдилар. Аммо Адигажон бу лашкарни кўриб, теваларин маҳкам боғлаб, ўзи қўлиға қиличини олиб, тайёр бўлиб турди. Аммо кофирлар лашкари Адиганинг изидин етиб, саф-саф бўлиб турдилар. Эрса Алакай маҳрам қалмиқ Адигага бир сўз айди:

Аё гўдак бўш кўрдингми қалъани,
Бу қалъада ташлаб кетгил зарларни.
Ман қилурман сангга турли балони,
Сунний ўғлон, ташлаб кетгил зарларни.

Манинг бирлан сатранж ўйнаб утилсанг,

Армон қилма, молни бериб қутулсанг,
Зиндонлара тушиб бунда банд бўлсанг,
Сунний ўғлон, ташлаб кетгил зарларни.

Зарни олиб, шоду ҳурам бўларсанг,
Мунча зарни олиб, қайда борурсан,
Қайтиб зарни бергил, йўқса ўлурсан,
Сунний ўғлон, ташлаб кетгил зарларни.

Мунча лашкар қуршаб тегра-дошингни,
Ман олурман ҳамин замон бошингни,
Тулки, шоғол ерлар санинг лошингни,
Сунний ўғлон, ташлаб кетгил зарларни.

Аё ўғлон эмди ўйин ўйнама,
Бул ишларни қилмас дебон синама,
Баргил эмди зарни, мани қийнама,
Нодон ўғлон бериб кетгил зарларни.

Алакай дер, мани айлама азбар,
Ман бир полвон, йўқ ўзима баробар,
Тўка шоҳга бериб зарни бул навкар,
Сунний ўғлон, ташлаб кетгил зарларни.

Алқисса, Алакай кофир бул сўзларни айди. Эрса Адигажон кофирларга қараб бир сўз айди:

Эй кофирлар эшитинглар сўзимни,
Зар керакса ина келиб олинглар.
Зар бермасман ўлтирмайин ўзимни,
Зар керакса ина келиб олинглар.

Қирқ тева мол бирлан бозиргон,
Саваш қилсанг, ина бўшдир бу майдон,
Зўр бўлсангиз олинг, ина молу жон,
Зар керакса ина келиб олинглар.

Барча бирдин келиб соғу-сўлимдин,
Тезроқ бўлинг, ман қолмайинг йўлимдин,
¡лмасам бермасман зарни қўлимдин,
Зар керакса ина келиб олинглар.

Тоғлар кўчар бу дам оҳи садомдин,
Ман ёлғизман манго мадад худодин,

Майдона киринглар ҳар иш оллодин,
Зар керакса ина келиб олинглар.

Ихтиёрим олдим эмди қўлима,
Боқмайин кетарман соғу сўлима,
Зар бермасман, розидурман ўлима,
Зар керакса ина келиб олинглар.

Адига дер, қулоқ солинг сўзима,
Қўйинг мани тушманг сизлар изима,
Минг кофирни тенгламасман ўзима,
Зар керакса ина келиб олинглар.

Алқисса, Адигажон бу сўзларни айди, эрса кофирлар маслаҳат қилиб, бир-бирлариға айдилар: Бу ўғлон то ўлмагунча бу зарларин бермас. Эмди мунинг устиға барчамиз бирдин тўкилмак керак деб, барча кофирлар «Ё Лот- Манот» деб, ҳамма бирдин от солдилар. Адигажон ҳам қиличин қўлиға олиб, «Ё олло» деб, от солиб, кофирларға ўзин уриб, орасиға кириб қироқ бирлан бўлди. Эрса кофирлар тоқат қила билмай қочиб бадар кетдилар. Эрса Адигажон ҳам изига тушиб қирмоқға машғул бўлди. То шаҳарга боргунча қирди. Кофирлар қалъаға кириб, дарвозаларни кўмиб, Тўка шоҳға хабар қилдилар. ¡збак ўғлон шаҳарни барҳам қилди деб, Тўка шоҳнинг ҳуши кетиб, бошинг туман солиб фикр-андиша қилиб ўлтирди. Ҳеч бир илож топмай охир бошин кўтариб айди: «Эй маҳрамлар, эмди на иш қилмоқ керак?» Анда ҳар ким сўз айди. Тўка шоҳ қабул қилмади. Аммо Тўка шоҳнинг бир қари маҳрами бор эрди, ул бошин қалтиратиб айди: «Эй подшоҳим, бир сўзим бор қабул қилмангиз, айтурман», деди. Анда Тўка шоҳ айди: «Эй доно вазирим, ҳар сўзинг бўлса айт, қабул қилурман». Анд аул маҳрам айди: «Эмди юртға жар урдириб, етти яшардин то етмиш яшарғача одам жам бўлсин. Сизни ўзингиз бош бўлиб, Адиганинг Изидин чиқиб, урушиб, тутиб олурмиз. Бўлмаса Адига бирлан мавоса-мадор қилиб, Оқсулув паризод қизингни Адигаға мавоса қилмоқ керак,» деб, кенгаш берди. Эрса буларнинг барчасиға бул сўз мақул тушиб, Тўка шоҳ юртиға жар уриб, одамларни йиғнаб, тўп бирлан тўпхоналарни кўп саранжом бирлан карнай-сурнай чертиб Адиганинг изидин равона бўлдилар. Хайр, Адигажон ҳам бир неча замон йўл юриб, ул Оқ тук девни ўлтирған жойиға келиб эрди, ногоҳ изидин карнай бирлан сурнай овози чиқди. Адигажон изига қараса изидин кўп лашкар келур, чўпда-чорда сон бор, лашкари куффорда сон йўқ. Адиганинг ичиға ваҳима тушиб, бу сафар лашкари кофирлардин омон қутилмоқ йўқ, деб худойи таолодин мадад тилаб, бир ғазал айди:

Қодир олло ўзинг манинг паноҳим,
Бугун манго мадад берар кунингдир.
Ҳарна бўлса, ўтиб манинг гуноҳим,
Бугун манго мадад берар кунингдир.

Оҳи нолам баланд тоғдин оширдим,
Ҳайрон бўлиб, ақлу ҳушим чоширдим,
Эй бирубор ўзим санго топширдим,
Бугун манго мадад берар кунингдир.

Тушди манинг букун бошимға мотам,
Сиғиндим ман санго Ҳазрати Одам,
Шиш, Идрис, яна Исою Марям,
Бугун манго мадад берар кунингдир.

Бул лашкар кўзима бўлди намоён,
Мундин қутулмоқим бўлибдур гумон,
Иброҳим пайғамбар, Довуд, Сулаймон,
Бугун манго мадад берар кунингдир.

Юз йигирма тўрт минг ўтган пайғамбар,
Муҳаммад Мустафо оламға сарвар,
Абу Бакир, Умар, Усмону Ҳайдар,
Бугун манго мадад берар кунингдир.

Ҳасан, Ҳусайн пайғамбарнинг гуллари,
Ғавси Ғиёс ожизларнинг пирлари,
Султон Увайс авлиёлар сарвари,
Бугун манго мадад берар кунингдир.
Адига дер, бошим қолди думонда,
Қутилмоғим қолди эмди гумонда,
Тукли азиз отам бўлсанг жаҳонда,
Бугун манго мадад берар кунингдир.

Алқисса, Адига бу сўзларни айди. Эрса шул замон кафирларни сафидин бир кофир майдона чиқиб, Адигаға сиёсат қилиб бир сўз айди:

Аё ўғлон бардош қилиб сўзима,
Ина дўнди сунний сенинг устинга.
Минг ўзбак баробар бўлмас ўзима,
Ина ўғлон дўндим санинг устинга.

«Борса келмас» қалмиқларнинг қалъаси,
Санго бўлур мунинг турлик балоси,
Қочмай турғил, бу дам ўзбак боласи,
Ина дўндим ўзбак санинг устинга.

Бу келган одаму лашкар озидир,
Мунча думон лашкарларнинг тўзидир,
Шул кўринган Тўка шоҳнинг ўзидир,

Подшоҳ дўнди ўғлон санинг устинга.

Тўқиш қилсанг манго етмас ҳар оҳинг,
Зарларни бера кўр борда обрўйинг,
Шоҳдин тилаб олай санинг гунойинг,
Йўқса дўндим, ўғлон санинг устинга.

Баҳодир қалмиқ дер, манинг отимни,
Бугун ҳеч ким бермас санинг додингни,
Сани еган қарға билмас юртингни,
Бизлар дўндик ўғлон санинг устинга.

Алқисса, Баҳодир қалмиқ бу сўзларни айди. Эрса Адига ҳам қўрқиб турди, яна ҳам айди, ҳарна бўлса ул кофирлар бирлан уришмоқ керак деб, яроғланиб, сори ёйин эгнига ташлаб, қиличин қўлиға олиб, майдона чиқди. Шул замон қибла тарафдин бир гард пайдо бўлиб, гард орасидин Адиганинг кароматли отаси Тукли азиз деган «Ёху, ё манху, ло илохо илоху» деб, ҳозир бўлиб, майдоннинг ўртасида туриб, Адигажонга қараб айди: «Эй қўзим, ер юзи лашкарга тўлса, бир заррадик қўрқмагил, ўғлим, эмди қалмиқларнинг устиға от қўйғил», деб бир сўз айди:

От ўйнатиб болам киргил майдона,
Пирлар келди, болам майдон санингдур.
Кофир қалмиқ барча келсин омона,
Пирлар келди, болам майдон санингдур.

Заҳар қўшғил, кофирларнинг ошина,
Раҳм этмагил қалмиқларнинг бошина,
Сойларни тўлдирғил кофир лошина,
От қўй болам, бугун майдон санингдир.

Санинг бирлан қўл тутушиб дубора,
Лашкар қалиқлари қолсин бозора,
Бошин олиб, айла калла минора,
Дўнгил болам, бугун майдон санингдир.

Олло деюб, бу дам манн ҳам кирайин,
Кофирларға ажаб бир кун солайин,
Тўка шоҳни санго тутиб берайин,
Қалмиқ аҳли десин омон сенингдир.

Маълул бўлма болам эмди хуш ўлдинг,
Сабаб бирлан бир жонона душ ўлдинг,
Асли пари Оқсулувга қўшилдинг,
Насиб бўлса эмди даврон сенингдир.

Тукли азиз санинг отанг келибдур,
Кофирларнинг теграсинда турибдир,
Қирқ чилтарлар санго фотиҳа берибдир,
Ёш йигитсан, эмди даврон сенингдир.

Алқисса, Тукли азиз бу сўзларни айди. Эрса Адигажоннинг вақти хуш бўлиб, «Олло» деб от солиб, ўзини кофирларни лашкариға урди. Эрса Кофир ҳам Адигога тўп, замбарак, шамҳол ва милтиқ ота бошладилар. Асло Адигога бири ҳам кор қилмай, жаҳонга зилзила тушиб, шовқин бирлан олам тўлди. Тукли азиз ҳам бир ён кириб қира бошлади. Абри ажал хийма қуриб, бороний марг ёға бошлади. Одам одамни танимади. Биров «Дод, биров бедод, биров ўлдим, биров қолдим» деб, андоғ ғовға бўлди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган. бунингдек уруш асло жаҳонга келган эрмас эрди. Кофирлар бу ҳолни кўриб, бошли бошиға бўлиб кетдилар. Тўка шоҳ бу ишларни кўриб Адиганинг олдиға чиқиб, зор-зор йиғлаб, «Ал омон» деб, бир ғазал айди:

Тутдим эмди санинг йўлинг
Адигажон омон-омон.
Ушалдинг сансақла қўлинг,
Адигажон омон-омон.

Бу дам санго қилдим омон,
Сан қилмағил мандин гумон,
Эмди бўлдим мен мусулон,
Адигажон омон-омон.

Кетди мандин қайғу кулфат,
Адо бўлди дарду меҳнат,
Бўлдинг болам манго давлат,
Адигажон омон-омон.

¡зим ҳақ йўлиға солдим,
¡тган кундин тавба қилдим,
Оқсулувни санго бердим,
Адигажон омон-омон.

Бўлғил манинг дил ҳурсандим,
Азиз жонимға пайвандим,
Сан ўлдинг бир фарзандим,
Адигажон омон-омон.

Билдим бугун бир худони,
Сидқи шулдур Тўка шоҳни,
Сарф айлайин хону мони,
Адигажон омон-омон.

Алқисса, бул сўзларни айди. Эрса тамоми вазир, вакиллари бирлан отдин тушиб, пиёда бўлиб, қиличларин бўйинларига солиб, Адигажон ҳам отдин тушиб, Тўка шоҳ Адигажонни пешонасидин ўпиб, сидқи дили бирлан мусулмон бўлдилар ва бу калимани айдилар: «Ло илохо илло оллоҳ, Муҳаммадин Расулиллоҳ». Буларни кўриб, ҳамма бирдан келиб, омон тилаб мусулмон бўлдилар. Аммо шул яқинда Тўка шоҳнинг бир боғи эрди. Оқсулув паризод қирқ канизак бирлан қирқ кун бўлди, шул боғда сайр қилиб юрур эрдилар. Яна Тўка шоҳ айди: «Эй Адигажон ўғлим, шул яқинда боғимиз бор турур. Шул боғда бориб, бир-икки кун дам олсангиз ажаб бўлур эрди». Анда Адигажон айди: «Ажаб бўлур, бормоқ керак» деб дарҳол Тўка шоҳни тамоми лашкари шул боғга равона бўлдилар. Карнай, сурнай, қўбуз, ғижжак, буломон тамоми созларни чертиб шул боғга равона бўлдилар, бориб боғга яқин келдилар. Оқсулув паризод ҳам бу ишлардин бехабар эрди. Карнай, сурнай овозин эшитиб сўради: «Эй канизаклар, бу на ғавғо турур?» деб. Гул сарви деган бир канизакнинг бу ишлардин хабари бор эрди, ул канизак Оқсулув паризодга қараб, тамоми ишларни бир-бир баён қилиб, бир сўз айди:

Эй бибижон, ¡збакистон юртидин,
Бизнинг элга ажаб ўғлон келибдир,
Юзингни шуласи ойдек намоён,
Икки юзи моҳи тобон келибдур.

¡зи сунний, бирубори паноси,
Ҳар ким кўрса жонин қилур фидоси,
Юзин кўрса шоҳлар бўлар гадоси,
Миср элидин Юсуф Канъон келибдур,

Барча одам бўлар қурбон ўзина,
Кўз қамашур боқар бўлсанг юзина,
Икки юзи моҳи тобон келибдур.

Хижил бўлур сарвлар қадди-бўйидин,
Баҳра олур фаришталар хўйидин,
Шахти шакар садқа бўлур сўзидин,
Ширин тилли писта дахон келибдур.

Қимса йўқдур ҳоли дилим сўрашган,
Ҳури ғилмон юзин кўриб йиғлошган,
Кокиллари дол қаддина чўлашган,
Нозик белли мўрча миён келибдур.

Гулсарви дер, эшит манинг сўзимни,
Кўрганим йўқ ул йигитнинг ўзини,
Эй бибижон,шунча билдим сўзини,
¡зи полвлн соҳибқирон келидур.

Алқисса, канизак бу сўзларни айди. Эрса Оқсулув паризод Адигани кўрмай ғойибона гирифтор бўлди. Қачон келур эркан деб, интизор бўлиб ўлтириб эрди. Аммо Тўка шоҳ ҳам лашкар бирлан келиб, боғга тушдилар. Бу кеча боғда бўлиб эртанг бирлан Тўка шоҳ фармон қилди, эмди турманг, шаҳарга бориб, тўй асбобин тутиб келинглар. Маҳрамлар тўй асбобин тутиб келдилар. Халойиқларга етти кеча-кундуз тамоша қилиб, андоғ тўй бердиким, жаҳон таажжубга қолди. Тўй тамом бўлғондин сўнг Оқсулув паризодни Адигага никоҳ қилиб бердилар. Бир маҳрам Адигани боғга киргузиб юбарди. Адигажон боғни мунаввар қилиб, хиромон-хиромон юриб, кўшкка яқин борди. Бир маҳрам канизак олдиға чиқиб, иззат-икром бирлан Адигажонни кўшкка киргузиб, Оқсулув паризоднинг ёниға юбарди. Оқсулув паризод Адигани кўриб, «Марҳабо» деб жойидин туриб, икки қўлини кўксинда қўйиб, икки букилиб салом бериб, тўққиз мартаба таъзим қилди. Эрса Адигадин ҳуш кетиб, қайда ўлтириб-турарини билмай ҳайрон бўлиб турди. Анда Оқсулув паризод қоши бирлан ишорат қилиб, «Тахт устига чиқинг», деб буюрди. Адигажон ҳушиға келиб, тахтга чиқиб ўлтирди.

Қизлар ва канизлар келиб буларға муборакбод қилиб, дуою фотиҳа қилдилар. Андин сўнг Адиганинг олдиға дастурхон солиб, ҳар турли таомларни-қанду-қандолат, шираю-шарбатлар келтириб қўйдилар. Аммо Адига бирлан Оқсулув паризод бир-бирлариға иззат-икромлар қилиб, андоқ завқи-шавқ бирлан ҳар таомдин бир андак нўшижон қилиб, фотиҳа ўқидилар. Оқсулув паризодхон ўрнидин туриб, таъзим қилиб ўлтирди. Канизлар табоқларини дастурхондин кўтариб олдилар. Эшикларини беркитиб кетдилар. Хайр, икки жонон бир-бирларидин бўса олишиб-ўпишиб, ўлтирдилар. Оқсулув паризод хаёл қилди: «Бу йигит бизнинг бирла ёру-улфат бўлди, ўзи меҳмонимиз турур. Юрт бизники, уй бизники, сўз бизники». Аввал бир жавоб сўраб Адигага қараб сўз сўраб бир ғазал айди:

Парвоз айлаб ¡збакистон элидин,
Хуш келибсиз, бизнинг эла султоним.
Қутлуғ бўлсин, эмди манзил-маконинг,
Хуш келибсиз, бизнинг эла султоним.

Сансан манинг қизил гулим-хирмоним,
Эмди йўқдир манинг зарра армоним,
Ёру-вафодорим, азиз меҳмоним,
Хуш келибсиз, бизнинг эла султоним.

Кўриб сизни иқболима қувона,
Насиб рўзи бўлиб сиздек жанона,
Э сарви гул, ман қаддингга дўлана,
Хуш келибсиз, бизнинг эла султоним.

Кеча-кундуз шукр этарман худоға,
Бир мурувват айланг мандек гадоға,

Моли-жоним бўлсин сиздин садоға,
Хуш келибсиз, бизнинг эла султоним.

Тангрим мани хотиримни хушлади,
Манинг додим етиб мунда бошлади,
Худо мани мақсудимга етирди,
Хуш келибсиз, бизнинг эла султоним.

Канизингиз бўлдим ман Сулув сизни,
Оқсулув дер, Тўкашоҳнинг ҳур қизи,
Билур бўлсанг бул жаҳонда бир ўзи,
Хуш келибсиз, бизнинг эла султоним.

Алқисса, Оқсулув паризод бу сўзларни айди. Эрса Адиганинг кўнглида қарор қолмади. Хаёл қилди: «Дарҳол туриб жонимнинг ичида жой қилсам», деб ўзини бир ҳол бирлан сақлаб Оқсулув паризоднинг сўзига мувофиқ бул ҳам бир неча сўзлар айди:

Қурбон бўлур ширин-шакар тилингга,
Муборак жамолинг кўрмоққа келдим.
Булубул бўлиб келдим қўндим гулингга,
Боғбон бўлиб гулинг термоққа келдим.

Фироқингда кўздин тўкиб қонимни,
Фидо айлаб санга хону-монимни,
Санга фидо айлаб ширин жонимни,
Керак бўлса жоним бермоққа келдим.

Мадорим қолмади юзинг кўрганда,
Тоқатим қолмади бу жону-танда,
Жонингга қул бўлдим, бошингга банда,
Доим хизматингда бўлмоққа келдим.

Эшитибман асли бирлан сўзингни,
Кун-кундин ортттириб нозу ўйингни,
Ижозатлар бериб очсам қўйнингни,
Қаддингга дўланиб кирмоққа келдим.

Адиганинг эмди йўқдир армони,
Топилибдур бу дардимнинг дармони,
Сўзим шулдир, париларнинг султони,
Санинг бирлан даврон сурмоққа келдим.

Аммо Адига бу сўзларни айди: эрса Оқсулув паризоднинг вақти зиёда хуш бўлиб, кулимсираб секин юзига парда тутиб, жойидин туриб қошларини қиймириб, таъзим қилиб Адигага қараб бир ғазал айди:

¡збак ўғли, аё манинг жаноним,
Суракўр севдигим даврон санингдур.
Санга фидо бўлсин бу ширин жоним,
Суракўр севдигим даврон санингдур.

Кимса ёниб манинг оҳу-ҳажрима,
Жон бердилар даво топмай дардина,
Ҳеч бир жанон етмас мани васлима,
Билур бўлсанг мандак жанон санингдур.

Рўзи қилди тутар бўлсанг дастимдин,
Бўса олсанг қора наргиз кўзимдин,
Қадам қўйсанг манинг сийнам устидин,
Суракўр севдигим даврон санингдур.

Боғи-висолимда битган гулимдин,
Ширин-шаробимни ичгил тилимдин,
Қаддима дўланиб қучғил белимдин,
Нозик-белу мўрча-миён санингдур.

Билур бўлсанг қани дунё пандини,
Қониб ичгил лабларимнинг қандини,
Оқ сийнамнинг чечгил букун бандини,
Суракўр севдигим даврон санингдур.

Оқсулув дер, сансан шамъи-чироғим,
Паризод наслидур олсанг сўроғим,
Сайр айласанг ана боғим-чарбоғим,
Фасли-баҳор, оби-зилол санингдур.

Аммо, Оқсулув паризод бу сўзларни айди. Эрса иккилари суҳбатга машғул бўлиб гоҳ соз, гоҳ сўз ва гоҳо суҳбатга машғул бўлиб, шул кечани ўтирдилар. Тонг отди, кун чиқди, булар шул боғда бир ҳафта бўлдилар. Андин кўчиб, шаҳри-Москав бордилар. Мунда бир неча кунлар бўлдилар. Кунлардин бир кун Адиганинг ёдиға ўз юрти тушиб хаёл бирлан ўлтириб эрди. Шул замон Оқсулув паризод келди. Кўрса Адига бир хаёлда ўлтурур. Оқсулув паризод Адигага қараб айди: «Эй ёри-вафодор, сиза на бўлди, отамдин ва ё ўзгадин бир сўз етишдиму?» деб сўраб бир ғазал айди:

Не сабабдир йўқдир кўнгилда хушинг,
Адигажон букун сизга на бўлди?

Не етмасинг бўлди, недур ташвишинг,
Баён айла, Адигажон, на бўлди?

Ё отамдин санга бир сўз етдими,
Бегонанинг қаттиқ сўзи ўтдими,
Ё бир хаёл узра кўнглинг кетдими,
Баён айла, Адигажон, на бўлди?

Бошинг кўтар, боқғил манинг юзима,
Қулоқ солғил бу дам айтган сўзима,
Жаҳон сансиз ҳеч кўринмас кўзима,
Айтинг манга, Адигажон, на бўлди?

Қайси ишдин кўнглинг тўлиб-тошибдур,
Не бир савдо бу бошингдин ошибдур,
Не бир ишлар бу кўнгилга тушибдур,
Адигажон, букун сизга на бўлди?

Оқсулув дер, надир букун армонинг,
Ширин жоним бўлсин санинг қурбонинг,
Ман қилайин ҳар на бўлса фармонинг,
Баён айла, Адигажон, на бўлди?

Оқсулув паризод бу сўзларни айтиб эрса Адигага бир баҳона бўлиб, айди: «Эй сарви равоним, қадим айёмда бир тулки айтған эркан, қайин отанинг, қайин оғанинг ёнида ўлтирған куёвдин яхшиман», деб. Эмди хаёл қилурманким, агар вафодор бўлиб, манга ҳамроҳлик қилсанг ўз юртимизға кетаман ва андин чиқғали кўп замонлар бўлди. Ота-оналаримнинг кўзлари йўлда бўлиб, манинг қачон келуримга интизор бўлиб юргандурлар. Эмди сан ҳам манинг бирлан юргил, деб бир ғазал айди:

Санга фидо бўлсин бу ёлғиз бошим,
Юр кетали, бизинг эла севдигим.
Сансан манинг икки дунё йўлдошим,
Юр кетали, бизинг эла севдигим.

Бизинг бирлан кириб ишқнинг баҳрина,
Сабр айласанг жафосина-заҳрина,
Бизинг бирлан борсанг Қўнғирот шаҳрина,
Юр кетали, бизинг эла севдигим.

Сафоликдур кўрсанг Қўнғирот қалъаси,
Мунда қолсанг ортар сийнам яроси,
Ризо бўлинг кўзим оқу-қораси,

Юр кетали, бизинг эла севдигим.

Манинг мунда ҳеч ким олмас сўроғим,
Отам-онам кўрар дарду-фироғим,
Паризодим, шабистоним, чироғим,
Юр кетали, бизинг эла севдигим.

Сўзим қабул айлаб тинглағил борҳо,
Қўнғирот борур бўлсанг бўлурсан ҳамро,
То ўлгунча банданг бўлур Адиго,
Юр кетали, бизинг эла севдигим.

Алқисса, Адига бу сўзларни айди: эрса Оқсулув паризод Адигадин бу сўзларни эшитиб, Адигага қараб бир ғазал айди:

Не яхшидур ҳамроҳ бўлиб борғаним,
Сандин қолиб, рангим ҳазон бўлғунча.
Мунда қолиб манинг тоқатим бўлмас,
¡лган яхши сан дилбардин қолғунча.

Эмди санинг ман олурман сўроғинг,
Сандин қолсам қолур сийнамда доғинг,
¡лтирадур мани дарду-фироғинг,
Сандин қолиб қизил юзим сўлғунча.

Кетар бўлсанг йўқдир манинг парвойим,
Кўринмас кўзимга кўшку-саройим,
Танда жоним омон қўйса худойим,
Ман қолмайин сандан токи ўлғунча.

Сўзим эшит, манинг шоҳи замона,
Канизингман, қаддинг узра дўлона,
Мандин қолур дебам кетма гумона,
Ман қолманам сандин токи ўлғунча.

Аё дилбар сандин не деб қолайин,
То ўлғунча санинг кўнглинг олайин,
Ҳамроҳ бўлиб ман элингга борайин,
Ман қолмайин сандин жоним олғунча.

Хазон етиб, қизил юзим сўлмаса,
Ажал келиб, тандин жоним олмаса,
Оқсулув дер, сандин қолмас ўлмаса,
¡лган яхши сан дилбардин қолғунча.

Алқисса, Оқсулув паризод бу сўзларни айтиб эрса Адиганинг вақти зиёда хуш бўлди. Иккилари ваъдаларин бир ерга қўйиб эрса Адига Тўкашоҳнинг хизматиға бориб, ўз юртимға кетарман деб Тўкашоҳдин жавоб тилаб бир ғазал айди:

Сиздин бу дам умид айлаб келибман,
Адолатли шоҳим рухсатинг борму.
Жавоб беринг ўз элимга кетарман,
Адолатли шоҳим рухсатинг борму.

Баён айлай бир сўз келди тилима,
Бир булбулман бориб қўнай кулбама,
Рухсат берсанг ман кетарман элима,
Адолатли шоҳим рухсатинг борму.

Тоқатим йўқ жудоликда қолмоққа,
Кўнгил мойил ўз элима бормоққа,
Хизматингга келдим рухсат олмоққа,
Адолатли шоҳим рухсатинг борму.

Манинг учун отам-онам зор бўлиб,
Азиз боши қариғанда хор бўлиб,
Келурми деб, йўлни қора термулиб,
Адолатли шоҳим рухсатинг борму.

Кўкка етди бизнинг оҳу-садомиз,
Неча кунлар элу кундин жудомиз,
Адига дер, сиз ҳам бизнинг отамиз,
Адолатли шоҳим рухсатинг борму.

Алқисса, Адига бу сўзларни айди. Эрса Тўкашоҳ Адигага рухсат берди. Яна Оқсулув паризодни ёниға қирқ канизаги моҳируй, қирқ зулфдор дўғма қўшди. Азбаройи хизмат қилмоқ учун яна қирқ тевага зар юклаб берди. Эрса Адига кетарман бўлиб теваларға маҳофа қурдириб канизларни миндириб, ғуломларина от миндириб, қирқ тева мол, етти тева зар Адиганинг ҳам ўзининг етти теваси бор, барчалари эллик тўрт тева бўлди. Эрса Тўкашоҳ Юсуф Кутвор бирлан Олмаскай маҳрамини ўн минг лашкарға бош қилиб Адиганинг ёниға қўшиб, хайр қилди. Адига барча лашкар отлариға сувора бўлди. Шул замон шаҳар одамлари эшитдилар, Адига Оқсулув паризодни юртиға олиб кетар эрмиш деб, барча халойиқ йиғилиб келдилар. Шул замон Оқсулув паризод маҳофада ўлтириб ота-оналари, қариндош, эл-кунлариға қараб кўнгли бузилиб, буларға қараб бир ғазал айди:

Кетар бўлдим дин Хоразмин эллина,

Отам-онам, меҳрибоним хуш қолинг.
Бир булбулам, қўнам ёрим гулина,
Барча келган қадрдоним хуш қолинг.

Ота-онам манинг кўнглим олғаним,
¡йнаб-кулиб бирга ҳамдам бўлғаним,
Меҳрибоним, қариндошим, дўғгоним,
Кетар бўлдим қадрдоним хуш қолинг.

Ночорликдин бу дам куйиб адомиз,
Шул сабабдин каъбам сиздин жудомиз,
Баҳлул бўлинг биздин ҳақиқ отамиз,
Эй меҳрибон қиблагоҳим хуш қолинг.

Роҳат кўрмай меҳнат ситамин ичган,
Манинг учун ширин жонидин кечган,
Кулиб-ўпиб бешигимни тебратган,
Оқ сут берган жоним онам хуш қолинг.

Оқ сутингни оқламадим ёмондир,
Чекдигим доимо оҳу-фиғондир,

Сиз норози, букун бизга гумондир,
Эл-куним жон элларим хуш қолинг.

Алқисса, Оқсулув паризод сўзларини айтиб эрса онаси Оқсулув паризодға қараб бир сўз айди:

Ман найлайин тақдир шундай ёзилди,
Хуш омон бўл, жоним болам бор эмди.
Кўп йиғлама, юрак-бағрим эзилди,
Кетар бўлсанг жоним болам, бор эмди.

Эмди ортар дардим бирла меҳнатим,
Айрилмас бошимдин қайғу-кулфатим.
Сарвинозим, қизим, тожим-давлатим,
Инжилмағил, жоним болам, бор эмди.

Шона олиб сиё зулфинг тараган,
Қиё боқиб, ғамза бирлан қараган,
Ман ғарибни хаста ҳолин сўраган,
Кўп йиғлама, лолазорим, бор эмди.

Кунба-кундин ортди манинг фироғим,
Дарди-фироқингдин чиқар бу жоним,

Тишлари дур, аё қоши-камоним,
Сўзи ширин, лаби болим, бор эмди.

Онанг айтур, ширин шароб ичирсин,
Айшу-даврон бирлан умринг кечирсин,
Қайда бўлсанг болам бахтинг очилсин,
Хуш омон бўл,жоним болам, бор эмди.

Алқисса, онаси бу сўзларни айтиб эрса отаси бошлиқ тамоми халойиқлар оқ фотиҳа бердилар. Эрса Тўкашоҳ бош бўлиб Адигани йўлға равона қилдилар. Тўкашоҳ уч кун ҳамроҳ юриб, тўртланчи кун Адига бирлан Оқсулув паризодға фотиҳа бериб, Тўкашоҳ буларға қараб бир ғазал айди:

Йўлинг бўлсин жоним болам Рустамим,
Олло ёринг Адигажон омон бўл.
Йўлға солдинг, бўлдинг манинг раҳбарим,
Борғил, эмди олло ёринг омон бўл.

Мундин борсанг аё шоҳи замона,
Барча меҳнатлардин тутғил омона,
Мандин салом айтғил Тўхтамиш хона,
Борғил, болам олло ёринг омон бўл.

Букун оҳим баланд тоғдин оширдим,
Бу сабабдин ақли ҳушим қочирдим,
Оқсулувни болам санга топширдим,
Эмди борғил, жоним болам омон бўл.

Оқсулувдир манинг кўнглим хурсандим,
Юрагим қуввати, жон пайвандим,
Адигажон қўзим, аё фарзандим,
Олло ёринг жоним болам, омон бўл.

Ман сизларга бўлсам эмди парвона,
Яна кўрмоқ учун бўлиб девона,
Топширдим сизларни қодир оллоға,
Тўкашоҳ дер, жоним болам омон бўл.

Алқисса, Тўкашоҳ бу сўзларни айди, эрса Адиганинг ёниға ўн минг отли лашкар қўшди. Айди: «Адигани шаҳри Қўнғиротға олиб бориб қайтинглар», деб. Эрса Адига таъзим қилиб хўшлашиб йўлға равона бўлдилар. Бир неча кунлар йўл юриб келиб, бир жойға тушдилар. Кеча анда бўлиб эртанг турарда Адига нохуш бўлиб, касал бўлди. Турарға ярамади. Ул ерда уч кеча- кундуз бўлдилар. Адига хуш бўлмади. Эрса Оқсулув паризод Адиганинг касал

бўлғониға кўнгли хафа бўлиб, зиёда қўрқиб Адиганинг юзига қараб кўрса, Адиганинг икки юзи сарғайиб, лаблари қуриб ўз ҳоли бирлан дардманд турур. Эрса Оқсулув паризод бу ҳолни кўриб Адиганинг ўн отасиға ўн икки қўчқорни худо йўли қилиб, худой таоланинг даргоҳига муножот қилиб, Адигага шифолиқ тилаб, тамоми пайғамбарлардин мадад тилаб, бир ғазал айди:

Еру-кўкни халқ айлаган бирубор,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.
Ёмон ишга мани қилма сазовор,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Ҳамроҳ бўлиб келдим бўлиб гадоси,
Тошларни сув айлар ҳамду саноси,
Молу-мулким бўлсин ёрнинг фидоси,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Одам ота ул Хавонинг ҳурмати,
Нуҳ наби, Шиис, Идрис зийнати,
Ёр бошидин кўтар барча меҳнати,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Шифо тилаб ман йиғларман зер забил,
Мадад берғил букун Иброҳим, Халил,
Исмоил пайғамбар карам айлағил,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Ул Ёқуб пайғамбар ўтди канъонда,
Неча кунлар ётди Юсуф зиндонда,
Аларнинг ҳурмати қўйма армонда,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Ҳайрон этиб қўйма мани ё Раҳмон,
Ба ҳақи ҳурмати Довут Сулаймон,
Гўзал ёра шифо берғил намоён,
Адигага шифо берғил худойим.

Ҳаққа зор айлаган ҳазрати Мусо,
Ҳақ нуридин бўлған ҳазрати Исо,
Худойим раҳм этиб бергайсан шифо,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Етар бўлди ғариб жонима жафо,
Умид айлаб ман йиғлайман эй худо,
Баҳаққи ҳурмати Расул Мустафо,
Адигага шифо берғил худойим.

Эранлар сарвари ё Ғавсул-Ғиёс,
Оби-ҳаёт ичган ё Хизри Илёс,
Бу меҳнатдин ёрим айланглар халос,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Манга тақдир шулдир бўлибман ҳамдам,
Етар бўлди манга кўп дарду-алам,
Ба ҳаққи ҳурмати имоми Аъзам,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Оқсулув дер, йиғлаб қилдим муножот,
Адигага бу меҳнатдин берғил нажот,
Арзимни сан эшит, Қозиул-Ҳожот,
Гўзал ёра шифо берғил худойим.

Аммо Адига бу мухаммасни айтиб эрса Оқсулув паризод ва барча лашкар шодмон бўлдилар. Адига жойидин туриб теваларга юк уриб кўчиб йўлға равона бўлдилар. То беш кунгача йўл юрдилар. Ногоҳ Оқсулув паризод хаёл қилди: «Адига касалликдин турди, кўп йўл юрди, яна узлукса яхши бўлмас эрди», деб маҳофасини кўтариб Адиганинг изидин қаради. Кўрса Адига қипқизил ўтдак бўлиб отин етиб борур. Оқсулув паризоднинг кўнгли хуш бўлиб Адиганинг шаънига бир ғазал айди:

Шоҳлиқ айлаб манинг севгилик ёрим,
Хонлиқ айлаб боришиға бандаман.
Ёлғиз ўзи кўп лашкарга бош бўлиб,
Рустам-достон боришингга бандаман.

Ёр қаддина қизил чакман ярашур,
Юзининг шуъласи кунла талашур,
Изидин қарасам кўзим қамашур,
Ой юзингни кўришима бандаман.

Ҳақнинг нури тим-тим томар юзингдин,
Жоним баҳра олур ҳар бир сўзингдин,
Ман ўргилсам ёрнинг қоши-кўзидин,
От устида туришингга бандаман.

Юзлари гул манинг жоним-султоним,
Жонимнинг роҳати, дарда дармоним,
Подшо бўлиб манинг шоҳу султоним,
Шоҳлиқ айлаб боришингга бандаман.

Оқсулув дер, қараб боқиб изидин,
Ман ўргилсам қоши бирлан кўзидин,
Аста юрса ман ҳам борсам изидин,
¡рта йўлда боришингга бандаман.

Алқисса, Оқсулув паризод бу сўзларни айди: Эрса то кун кечгача йўл юрдилар. Алқисса, қирқ кун йўлда юрдилар. Аммо бир кун Оқсулув паризод Адиганинг изидин қараб кўриб яна бир ғазал айди:

Қизил чакман ёр қаддингга ярашур,
Айланайин ёрнинг қадди-бўйидин.
Ой юзина қарасам кўзим қамашур,
¡ргулайин ёрнинг қадди-бўйидин.

Ёр боради узун-узун йўл бирлан,
Хизматинда чўри бирлан қул бирлан,
Яхши ёрни сотиб олсанг пул бирлан,
Айланайин ёрнинг қадди-бўйидин.

Ёрнинг боқиб ман қарасам кўзина,
Каниз бўлғим келур ойдак юзина,
¡лгунча бандаман ҳар бир сўзина,
Айланайин ёрнинг қадди-бўйидин.

Оқсулув дер, ёрим бир моҳи-тобон,
Кўрган одам бўлур хастаю-ҳайрон,
Ёра ман тасаддуқ, жонина қурбон,
¡ргулайин ёрнинг қадди-бўйидин.

Алқисса, булар бу йўлда боратурсин. Эмди сўзни Адиганинг ота-оналаридин эшитинглар. Хайр, бир кун Тулимбийнинг ёдиға Адига тушиб хотини Навбаҳорбибиға қараб бир ғазал айди:

Хўжа қизи букун эшит афғоним,
Не бўлди билмадим болам келмади.
Борса-келмас йўлға кетган султоним,
Не бўлди келмади, болам келмади.

Кўзларимдин оқар бу ёшнинг бари,
Фироқингда йиғлаб чекарман дарди,
Бир йил бўлди ҳеч бўлмади хабари,
Не бўлди билмадим болам келмади.

Эмди оқар бўлди кўзимдин қоним,

Ҳасратиндин чиқар танимдин жоним,
Борса-келмас кетган манинг полвоним,
Не бўлди билмадим болам келмади.

Тулимхўжа айтур, манинг кераким,
Кеча-кундуз бир оллодин тилаким,
Кўнглимнинг мадори, кучим-қувватим,
Не бўлди билмадим болам келмади.

Аммо Тулимхўжа бу сўзларни айди. Эрса Навбаҳорбиби Тулимхўжаға кўнгил бериб бир сўз айди:

Хўжам нега мунча фиғон этарсан,
Сабр айланг эй хўжам келур ўғлингиз.
Кўзингиздин қонли ёшлар тўкарсиз,
Сабр айланг, эй хўжам келур ўғлингиз.

Кўзларингни қонли ёша тўлдирма,
Адига деб рангу-рўйинг сўлдирма,
Дўстларни йиғлатиб душман кулдирма,
Сабр айланг, эй хўжам келур ўғлингиз.

Мунча кўп қилмағил фарёди-зори,
Ҳақ таоло бўлсин боламни ёри,
Букун эрта келур ўғлинг хабари,
Сабр айланг, эй хўжам келур ўғлингиз.

Сизга айтур, хўжа қизи Навбаҳор,
Омон тутса болам яратған жаббор,
Маълул бўлма аё хўжам бешумор,
Сабр айланг, эй хўжам келур ўғлингиз.

Алқисса, Тулимхўжа бу сўзларни айди. Эрса хотини Навбаҳорбиби бу сўзни эшитиб вақти хуш бўлди. Андин сўнг Навбаҳорбиби кўшк устиға чиқиб Адиганинг йўлиға қараб, худонинг даргоҳиға йиғлаб бир сўз айди:

Қодир олло даргоҳингга сиғиндим,
Арзу-армонимни манга тез еткур.
Болам ўти хаста жоним ўртади,
Дарда дармонимни манга тез еткур.

Бир йил бўлди, борса-келмас йўл кетган,
Фироқинда мунча мани зор этган,
Мулкимнинг эгаси хоним-султоним,
Танимда жонимни манга тез еткур.

Айтсам адо бўлмас манинг бу доғим,
Кўшку-айвонимда ёнған чироғим,
Кенжам ҳам хазинам, боғу-чорбоғим,
Боғу-бўстонимни манга тез еткур.

Навбаҳор дер, бу кўнглимни мадори,
Мулким иморати, боғим гулзори,
Бир йил бўлди ҳеч бўлмади хабари,
Арзу-армонимни манга тез еткур.

Аммо, Навбаҳорбиби бу сўзларни айди, шул ҳолда чўриси келиб бибисига кўнгил бериб айтган сўзи бу турур:

Ёмон бўлур болам деюб йиғламанг,
Сабр этинглар, сизлар келур оғангиз.
Фироғинда юрак-бағир доғламанг,
Сабр этинг бибижон, келур оғамиз.

Омон-эсон ўғлинг келур вақтдур,
Адигажон ғўч йигитнинг биридур,
Шоҳимардон ғўч йигитнинг пиридур,
Сабр этинглар сизлар, келур оғамиз.

Очилур боғимнинг гулу-гулзори,
Дарду-фироқинда чекманглар зори,

Букун-эрта келур оғам хабари,
Сабр этинглар сизлар, келур оғамиз.

Каниз айтур, неча ишлар кечириб,
Сўзларидин дуру-гавҳар сочилиб,
Икки юзи қизил гулдак очилиб,
Сабр этинглар сизлар, келур оғамиз.

Алқисса, булар мунда турсинлар. Эмди сўзни Адигажондин эшитинглар. Хайр, Адига Оқсулув паризод бир неча кун йўл юрдилар. Бир кун Оқсулув паризод Адигага қараб айди: «Эй вафодор, юртингиз яқин қолдиму ё олисму?» деб Адигага қараб бир сўз айди:

Айтғил манга қиёматлик йўлдошим,
Яқинмудур, олисмудур, элингиз?
Сансан манинг сир айтишар сирдошим,
Олисмудур, яқинмудур, элингиз?

Ҳеч ким билмас соғлар бирлан сўлимиз,
Недин ёмон олис бўлди йўлимиз,
Сўрар ёринг тоза битган гулимиз,
Яқинмудур, олисмудур, элингиз?

Сансан манинг эмди арзу-жаҳоним,
Жонимнинг роҳати дарда дармоним,
Мулкимнинг эгаси хоним-султоним,
Олисмудур, яқинмудур, элингиз?

Оқсулувнинг йўқдир эмди чораси,
Қайда бўлур, элинг Қўнғирот қалъаси,
Тўғри айтғил аё ўзбак боласи,
Яқинмудур, олисмудур, элингиз?

Аммо Адига Оқсулув паризодға қараб бир ғазал айди:

Сўзим тингла аё ширин жаноним,
Ина келдик яқин Қўнғирот қалъаси.
Сансан манинг жаннат ичра ғилмоним,
Ина келдик, яқин Қўнғирот қалъаси.

Умрингнинг боғида очилған гулим,
Чаманда сайраган шайдо булбулим,
Сабр айлағил аё сочи-сунбулим,
Ина келдик, яқин Қўнғирот қалъаси.

Санинг учун манинг фарёду-зорим,
Бу сўзингдин кетди сабру-қарорим,
Қизил юзли, қалам қошли нигорим,
Ина келдик, яқин Қўнғирот қалъаси.

Йўл олисдур, чорамиз йўқ нетармиз,
Қойим жойда кеча қўниб ўтармиз,
Юраберсак эрта чошгоҳ етармиз.
Ина келдик, яқин Қўнғирот қалъаси.

Гумон манга бу йўл узоқ чоғлидур,
Санинг чунон юрак-бағринг доғлидур,
Сан илжилсанг манинг жоним оғрийдур,
Ина келдик, яқин Қўнғирот қалъаси.

Гул юзингга тегиб йўлнинг ғубори,
Оқ юзинга тушиб зулфингнинг тори,

Сабр эт, Адиганинг севгили ёри,
Ина келдик, яқин Қўнғирот қалъаси.

Алқисса, Адига бу жавобни айди. Эрса Оқсулув паризод хушвақт бўлди. Аммо Адига шул ердин бир одамни хабарчи қилиб ўзидин аввал юбарур бўлди. Бир йигитга қараб айди: «Сан Қўнғирот шаҳрина борғил, аввал бошлаб Тулимҳужа отамға айғил, андин сўнг Тўхтамишхон отамға айтғил, ана Адига келди, тамоми занону мардон, сози-суҳбат бирлан олдимға чиқсинлар», деб Адига ул йиғитга қараб бир сўз айди:

Мундин эмди бориб Қўнғирот элина,
Келганимни ул отама баён эт.
Отам-онам қолиб ҳижрон кунина,
Келганимни ул отама баён эт.

Отам-онам эшитсинлар, қувонсин,
Барча душман кафанларга чўлонсин,
Уйлари йиқилсин, моли талонсин,
Тўхтамишхон отамизға баён эт.

Бир булбулман келдим қўниб кулбама,
Биздин салом бўлсин элим-кунима,
Занон-мардон қолмай чиқсин олдима,
Келганимни тенг-тушима баён эт.

Адига дер, юрак-бағрим пораси,
Келди деғил, Тулимхўжа боласи,
Келганимни билсин Қўнғирот қалъаси,
Борғил эмди келганимни баён эт.

Аммо, ул йигит шодмон бўлиб, от миниб, Қўнғирот келиб Тулимбийнинг уйиға келиб хабарлаш деб садо қилиб бир сўз айди:

Эшитинг сўзимни, эй Тулимхўжам,
Бор олдина ина келди Адига.
Олдима чиқ хабарим бор ўзгача,
Чиқ олдина ина келди Адига.

Эмди қўйғил аё хўжам уйингни,
Чиқ олдина элдин сайлаб бўйингни.
Аё хўжам тўрача бошла тўйингни,
Чиқ олдина ина келди Адига.

Неча ҳўкиз-неча қўйлар сўйдириб,
Халойиқни дўғрамадин тўйдириб,

Тўйлар берғил олтин қабоқ оттириб,
Чиқ олдина ина келди Адига.

Тулимхўжам санда қолмади армон,
¡ғлинг келди санга етди бу даврон,
Ман хабарчи суюнчим бер бу замон,
Чиқ олдина ина келди Адига.

Аммо, Тулимхўжа бу хабарни эшитиб ташқари чиқди. Кўрса бир одам турур, эрса хабарчи турур. Хабарчи Тулимбийга қараб бир ғазал айди:

Сўзим эшит, эй Тулимбий,
Дардингга дармонинг келди.
Борса-келмас юртга кетган,
Хатарли карвонинг келди.

Эгам ёндирди чироғинг,
Очилди ботир булоғинг,
Адигажон орқа доғинг,
Орзула армонинг келди.

Очилди боғда гулузоринг,
Шоҳимардон мадакоринг,
Адигажон хизматкоринг,
Дардинга-дармонинг келди.

Эгам очди ботир йўлинг,
Осон бўлди ҳар мушкулинг,
Адигажон ёлғиз ўғлинг,
Ман хабарчи ўғлинг келди.

Аммо, Тулимбий у йигитга етти тева, етти от, бир дўғма ва бир чўри, юз қўй ва юз тилла берди. Яна ул йигит Тўхтамишхон олдина борди, арзим бор деб подшоға қараб бир сўз айди:

Эй султоним, арзинг бордур тинглангиз,
Суюнчим бер хоним, келди тўрангиз.
Адигажон бу дам келди англангиз,
Суюнчим бер хоним, келди тўрангиз.

Бир сўзим бор шоҳим сизга дегаси,
Келди бу дам тожу-тахтнинг эгаси,
Санинг ўғлинг Қўнғирот элнинг тўраси,
Суюнчим бер хоним, келди тўрангиз.

Ҳақ етишди хоним, онинг додина,
Анда бориб етди кўнгил шодина,
Сафар қилған борса-келмас юртина,
Суюнчим бер хоним, келди тўрангиз.

Ул Тўкашоҳ қизин бериб мол бирлан,
¡ғлинг келди қирқ бир тева мол бирлан,
Хизматинда неча чўри, қул бирлан,
Суюнчим бер хоним, келди тўрангиз

Хабарчи дер, ўғлинг бирлан мен ҳамдам,
Чиқ олдина ҳеч қолмасин бир одам,
Соғ-саломат ўғлинг келди ушбу дам,
Суюнчим бер хоним, келди тўрангиз.

Алқисса, Тўхтамишхон ул йигитга қараб бир сўз айди:

Савдогар, рост бўлса санинг хабаринг,
Хазинамни бари бўлсин суюнчи.
Омон келса, кўрсам ўғлим юзини,
Моли-мулким бўлсин бари суюнчи.

Косид қулоқ солғил мани сўзима,
¡ғлим келиб ул кўринса кўзима,
Сани маҳрам қилдим эмди ўзима,
Қўнғирот юрти бари бўлсин суюнчи.

Сайислари боққан кулли отимиз,
Қўлда тутган барча кўнгил шодимиз,
Танда жонлар эрурким ҳайродимиз,
Дол-бедовлар бўлсин бари суюнчи.

Адига учун манинг ўртанди жоним,
Садосидин кўпдир манинг гумоним,
Тўхтамишхон айтур, келса ул меҳрибоним,
Моли-жоним бари бўлсин суюнчи.

Алқисса, Тўхтамишхон юртиға жар қилдурди, етти ёшардин то олтмиш ёшаргача одамлар созу-суҳбат бирлан Адиганинг олдиға равона бўлсинлар. Хайр, эмди сўзни Адига бирлан Оқсулув паризоддин эшитинглар. Букун Оқсулув паризод маҳофасин кўтариб назар қилди, кўзига Қўнғирот қалъаси кўринди. Шул ҳолда Адига маҳофанинг ёниға келди. Эрса Оқсулув паризод Адигага қараб бир сўз айди:

Олис-олис кўринадир бир нарса,
Манга айтинг булар нега ўхшайдур?

Англадим қаросин бўлдим ўзгача,
Севар ёрим булар нега ўхшайдур?

Ё сизнинг бўлмасин тоза гулингиз,
Манинг жоним олур ширин сўзингиз,
Ярашадур севар ёрим элингиз,
Назар қилсам ажаб жойга ўхшайдур.

Қулоғима келур булбул садоси,
Ул кўринган эллар кимнинг қалъаси,
Ё бўлмаса шулдир Қўнғирот қалъаси,
Биноси хуш ажаб жойга ўхшайдур.

Булбул парвоз этиб қўнар гулина,
Гулнинг шавқи бўлмиш булбул тилина,
Севар ёрим келдинг кимнинг элина,
Айтинг манга ажаб жойга ўхшайдур.

Ошиқ бўлғон оқар ишқнинг баҳрина,
Сабр айлаюр, жафосина, заҳрина,
Магар келдук керак ёрим шаҳрина,
Ул кўринган магар шаҳарга ўхшайдур.

Оқсулув дер, шукурим кўп худоға,
Ширин жоним бўлсин сиздин садоға,
Ул кўринган ўхшар кўшк ила боға,
Магар даврон сурар жойға ўхшайдур.

Аммо, Адига Оқсулув паризодға қараб айди: «Эй ёри –вафодорим, шул кўринган бизнинг шаҳримиз турур», деб айди. Андин сўнг Тўхтамишхон бирлан Тулимбий оталари Адиганинг олдиларига чиқиб кўришиб йиғлашдилар. Андин сўнг Тўхтамишхон подшоҳ ота-онаси юртиға жарчи қичқириб вазиру-вакил, етти-ёшардин етмиш ёшаргача Адиганинг олдиға чиқдилар. Ҳамма кўришиб-сўрашиб шаҳарга бориб фароғатда бўлдилар. Келган молларни-закотларни фақиру-мискинларга тақдим қилиб беришдилар. Адигажон ҳам ота-онасига қўшилиб эрса ёри бирлан даврон суриб ётдилар. Дўстлар шод ва душманлар мот бўлдилар. Тулимхўжа ўғли Адигажонинг келганиға қирқ-кечаю-кундуз томошо қилди. Букунги мақсадиға етдилар. Андин сўнг давронга машғул бўлдилар. Дўстлар шод ва душманлар ғамгин бўлдилар. Илоҳи олло таоло уммати Муҳаммаднинг муродиға еткургайсан. Омин ва ё раббил оламин валлоҳу алам бис савоб, тамматул китоб ба авни маликул ваҳҳоб.

МАЛИКАИ ЗАВРИЁ

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Зулумот шаҳринда бир подшоҳ бор эрди. Отиға Малик Қайтус дер эрдилар ўзи кофир, бадмазҳаб эрди. Тўрт шаҳар анинг фармонида эрди. Туркистон, Ироқистон, Зулумот, Ҳирот тобелари эрди. Кунлардан бир кун халифадин нома келди. Мусулмон бўлсин деб. Элчи бўлиб келган уламоларға айди: сизлар худойингиздин бир ўғил тилаб олиб беринглар. Ман андин сўнг мусулмон бўлурман,деди.Ислом тарафидин келган уламолар айдилар: иншоолло худои таоло сенга бир ўғил берур, деб дуо қилдилар.

Эрса тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат ўтди. Хотуни қиз туғди. Андоғки қиз вужуди оламға келган эрмас эрди. Юзинда нури субҳон жило берур эрди. Ул қизнинг отини Маликаи Завриё қўйдилар. Андин сўнг подшо сўради: бўлғон фарзанд ўғилми ё қизми, деди. Анда халойиқлар қиз, дедилар. Подшонинг қаҳри келиб, айди: эй, жаллодлар шул қизни, мусулмонларнинг худосидин тилаб олиб берган қизни жазираи майдонға ташланглар, деди. Лошларини бўрилар есин, деди. Амр қилди, жаллодлар хуш бўлғай деб, ул қизни майдонға чиқариб ташладилар. Андин сўнг бир ўтинчи бобо ўтин чўплаб юруб эрди,бир норасида йиғлаб ётур. Бобо қулоқ солди. Ҳув ё мин ло илоҳу ҳу деган овоз келур. Ул бобо мусулмон эрди, овози таъсир қилиб, бобо ул қизни уйига олиб келди. Бобонинг бир заифаси бор эрди. Ул ҳам мусулмон эрди. Заифаси айди: эй бобо бу қиз Малик Қайтуснинг майдонға ташлаган қизи турур. Бу баччанинг сабабидин, подшонинг ғазабиға гирифтор бўлурмиз, деди. Анда бобо айди: худойи таборакі таолонинг тақдиридин на кам на зиёда бўлмас деди. Ул қизни тарбият қила бошладилар.

Орадин 14 йил ўтди. Қиз 14 ёшиға кирди. Андоғ зебо қад қиз ҳеч ерда йўқ эрди. Кўнглининг бўстонида илми жорий бўлғон эрди. Ул қизға ҳар тарафдин киши чиқа бошлади. Бобоси заифаси бирла маслаҳат қилди. Бул қизни отасининг хизматиға олиб борғаймиз, анда яхши бўлғай деб. Заифа бирла маслаҳат қилдилар.

Агар бошқа одамға берсак, подшонинг қулоғига етса бизларга кўп азоб берур, деди. Андин сўнг Завриёжонни отасининг хизматига олиб келдилар. Қиз оталик ҳурматини тутиб, подшоға салом берди. Шунда подшо айди: Эй, бобо бу қиз на турур? Бобо айди: эй шоҳи олам, бу сизнинг жигаргўшангиз турур. Мани бунга сабаб қилган худои таоло турур, деди. Анда подшо айди: Эй бобо, сан нодон эркансан, ул қизнинг ўлганига 14 йил бўлди. Бул қизни манга тортиқ қилиб келтирган бўлсанг санго қаддинг баробари зар берурман, деди. Анда бобо бечора айди: ўзингизнинг қизингиз, деб жавоб берди.

Андин сўнг бобо подшодин рухсат олиб, уйига қайтди. Қиз бечора подшои золимнинг қўлида қолди. Подшо айди: Эй Маликаи Завриёжон на бўлғай манинг бирлан даврон сурсанг деб, муборак бўйниға қўлларини солур бўлди. Завриёжон отасига зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бир сўз айди:

Қулоқ сол сўзима кофирлар шоҳи,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.
Ғариб, бекасларнинг ҳақдур паноҳи,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Абу Бакр, Сиддиқ умматга дармон,

Усмон зуннурайн жомеъул Қуръон,
Худонинг шеъридур ул Шоҳимардон,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Йўқдан бор айлаган бизни оллодур,
Умматнинг паноҳи Расулиллодур,
Ман бир ночор кўнгли Каъбатуллодур,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Банда бўлғон қўлин узмас имондин,
Қўрқмаслар кофирлар кори субҳондин,
Мани жудо қилма ҳури-ғилмондин,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Ислом пири мадад берсин бу замон,
Худойим сақлағай балодин омон,
Санго тайин бўлди дўзахи макон,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Ман бир ғариб кўзи ёшли ночорман,
Кўз ёшимдин ашки гулгун сочарман,
Шаҳид ўлсам дин йўлини очарман,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Юрак-бағрим мани ўта туташди,
Бир ажаб савдолар бошима тушди,
Имонинг йўқолди, подшойинг қочди,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Завриё дер бахти қаро бўлибман,
Ўз отамдин жабру-жафо кўрибман,
Фотима-Зуҳрани шафе қилибман,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Алқисса, андин сўнг Малик Қайтусни қаҳри келиб, зиёда мушаддат бўлди. Тамоми аркони давлат айдилар эй подшойи олам, бу қиз 40 кун бутға сажда қилсин, андин сўнг бу сўзни қабул қилур деб, Завриё бечорани мисли бандаликка қабул қилиб бутхонаға солдилар.

Қиз бечора зиндон ичинда зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб айди: поко парвардигоро ман рўйи сиёҳни ўз фазли караминг бирлан ярлақағил, бу кофирнинг зулмидин халос қилғайсан деб зиндон ичинда бир муножот ўқиди:

Зиндон ичинда асло армонда қилиб қўйма,
Кофир қўлинда раҳмон дармонда қилиб қўйма,
Қаҳрингни кўтар субҳон гирёнда қилиб қўйма,
Бу кофири тарсони шодмонда қилиб қўйма,
Ман рўйи сиёҳ бўлдим нолонда қилиб қўйма.

Раҳматинг солиб мавлон бу ҳоли паришона,
Қўйма мани зиндонда раҳматла бу нолона,
Ҳиммат берибон амр қилғил мани мардона,
Тавфиқ ато қилғил, бу кофири ҳайвона,
Кофир қўлинда олло дармонда қилиб қўйма.

Худоё сан бор қилғон гўёки чаман гулман,
Кофирнинг қафасида зиндондаги булбулман,
Ё раб манго раҳминг сол бир рўйи сиёҳ қулман,
Жаннатга хуморим кўп бир ожизи толибман,
Бу Завриёни оллоҳ мотамда қилиб қўйма.

Алқисса, Завриё бечора бу муножотни тамом қилди. Кун кеч бўлди. Қоронғи оқшомни олло таоло мунаввар қилди. Тонг отгунча қиз бечора худои таолоға муножот ва хатми қуръон ўқиб, пирлари, устодларининг арвоҳларина бахш қилди. Тўрт кеча-кундуз таяммум бирла кунини ўтказди. Аммо бешланчи куни бутхонанинг қопусина бир қаландар келиб, ҳув ё ман, ҳув деб овоз қилди. Қаландарнинг овози қулоғина таъсир қилиб, бутларға осилғон лаъли жавоҳирлардин бир қисмини олиб, қаландарға берди. Қаландар бечора хушвақт бўлиб, бозорға олиб бориб, сотмоқчи бўлди. Жавоҳирфурушлар қаландарни маҳкам тутиб, подшонинг хизматина олиб бордилар.

Подшо сўради: эй, қаландар, бу жавоҳирларни қайдин олдинг, деди. Қаландар бечора зор-зор йиғлаб берган бечорани бир сўз бирлан подшоға маълум қилиб бир сўз айди:

Эшит арзим, шоҳи Қайтус,
Бир жононнинг хайродидур.
Дилда сано ўқир Қуддус,
Бир парининг эҳсонидур.

Уммат эрди Мустафоға,
Дўсти Абубакр, Сафоға,
Канизи Фотма-Зуҳроға,
Бир парининг хайродидур.

Шоҳи Қайтус бўл харидор,
Дўзаха бўлма сазовор,
Қаҳр этар Воҳидул Қаҳҳор,
Бир парининг хайродидур.

Сурмалидур қоши кўзи,
Мисоли ой эрур юзи,
Шоҳ Малик Қайтусни қизи,
Бир парининг инъомидур.

Сўзим айтарман ҳаққоний,

Сан шоҳим худони тани,
Зиндон ичинда бу жонни,
Бағри қоннинг хайродидур.

Қаландар тилда саноим,
Бахш этиб кечир гуноҳим,
Бандаман ҳақдур паноҳим,
Аҳли жаннат эҳсонидур.

Алқисса, қаландар бу сўзни тамом қилди. Сўнг Малик Қайтуснинг қаҳри андоғ зиёда бўлдиким, туклари тўнларидин тешиб чиқди. Эрса тамоми маҳрамлари бирлан бутхонани бориб, Завриё бечора зиндонннинг ичинда қафасдаги тўтилардек гул юзлари заъфарондек бўлиб, бошини саждага қўйиб зор-зор йиғлар эрди.

Шул оқшом тушинда Расули худо алайҳиссалом ва Биби Фотима худонинг шафоатидин маҳрум бўлурсан, қўрқма болам деб насиҳат қилдилар.

Аммо кофир қизнинг саждага бош қўйғонидин қаҳри зиёда бўлиб айди: эй ночор манинг қаҳри ғазабимдин қўрқмасмисан, саждага бош қўйиб, бутга бош қўймассан, деди.

Анда Завриёжон зор-зор йиғлаб тушинда кўрганларини тавсиф этиб, бир сўз айди:

Қулоқ сол сўзима карамли шоҳим,
Бу дунё фонийдур поёни бўлмас.
Фарзандингман ҳақдур манинг паноҳим,
Бу сўзимнинг асло ёлғони бўлмас.

Тушимда эранлар дуо қилдилар,
Он ҳазрат болам деб нишон бердилар,
Умматим қўрқма деб назар солдилар,
Шариат йўлидин доёрим бўлмас.

Мусулмон бўлғайсан, қилайин дуо,
Фарзанд отасина бўлурми раво,
Киргил тўғри йўла сан бахти қаро
Бу дунёнинг асло бақоси бўлмас.

Ҳури ғилмон жилва берар кўзима,
Отам ғубор келтирмагил юзима,
Тенги-тушим йиғлашурлар сўзима,
Кўзда ёшим, ётмоқ имкони бўлмас.

Завриё дер, фарзандингман, бекасман,
Ўлсам шаҳид ўлам, диним бермасман,
Худонинг амриндин қўлим узмасман,
Ҳақдин ўзга манинг паноҳим бўлмас.

Алқисса, Завриё бечора бу сўзларни айтғандин сўнг Қайтус кофирнинг қаҳри келиб айди: Эй ночор мани қаҳримдин қўрқмай бутға сажда қилмай нега тупроға сажда қилурсан, деди. Завриё бечора зор-зор йиғлаб айди: Эй, ота сан отои меҳрибонсан худои таолонинг сифати Воҳидул Қаҳҳордур, андин қўрқмасмусан, деди. Дўзах ичинда Қурайиш отлиғ илондин қўрқмасмусан, бутға сажда қилурсан. Ман худои таолонинг ожиз бандаси турурман, бир ашёни тамоша қилсам худодин қўрқарман. Онинг учун тупроқға бош қўйиб он ҳазрат алайҳиссаломнинг тарафига қараб сажда қилурман деди. Қайтус кофирнинг қаҳри келиб, қизнинг муборак бўйниға қўл солиб, завқу шавқ қилур бўлди. Эрса ул ночор раволиғ этмасдан эй худо бехабар ўзингга худонинг ўзи тавфиқ бергай, бўлмаса менинг ҳолим хароб бўлғай, деб юзлари заъфарондек сарғайиб, отасиға қараб бир сўз айди:

Худонинг бирлигин билмаган кофир,
Қиз ҳам отасина раво бўлурми?
Шариат измина бўлмаған мункир,
Фарзанд отасина раво бўлурми?

Сан золим, ман мазлум йўқдур қарорим,
Бир оллоға етгай нолаю зорим,
Худойимдин ўзга йўкдир мадорим,
Фарзанд отасина раво бўлурми?

Сўрғил золим уламои замондин,
Шариатда борми аввал замондин,
Сан кофирсан қўрқғил дўзах макондин,
Беҳишти дўзахга раво бўлурми?

Жон бир қушдир эмди парвоз этибдур,
Умрим гулим эмди хазон урибдур,
Бу кофирдин манго жафо етибдур,
Мусулмон кофирға раво бўлурми?

Отим Завриёдур ўзим бечора,
Қайтмасман динимдин осдирсанг дора,
Ожиз фарзандингман бир бахти қаро,
Фарзанд отасина раво бўлурми?

Андин сўнг Қайтус кофирнинг қаҳри келиб, айди: эй ночор мани қабул қилмасанг сани ўлдирурман, деди. Анда Завриё айди: Худонинг бирлигини билган киши ўз отасиға нечук борур, деди. Анда Қайтус кофир айди: эй жаллод, тиғи обдорни олиб келгил мунинг умрининг гулистонини хазонға дўндирғил, деди. Жаллод қўлларига тиғи обдорини олиб келдилар. Завриёжон бечора кофирларнинг тиғидин қўрқиб, йиқилди.

Муборак юзлари офтобни хира қилур эди. Мисли заъфарондек сарғарди. Бир замондин сўнг ҳушиға келди. Яна кофир айди. Эй ночор эмди қабул қилурмисан, деди. Тиғ ҳавола қилди, Завриёжон оҳ тортиб, худои таолонинг

улуғ отини ёд қилиб, осмонға назар солди, кўрарким неча ҳури ғилмонлар беҳиштдин Завриёға қараб қулочларини очиб айдилар: дининг нинг чироғини қўлдан бермагил, деб ишорат қилдилар.

Бу нишоналарни кўргандин сўнг қизи бечора худои таолоға шукри сано қилиб, манинг ҳимматим бор деб оҳу нола қилиб йиғлади. Кофир айди: эй жаллод, ночорнинг кераги икки қўли турур, соғ қўлини баданидин кесгил, деди. Жаллодлар хуш бўлғай деб, тиғи обдорни олиб Завриё бечоранинг қўлини бандидин солур бўлди. Қиз бечоранинг кўнгли пора-пора бўлиб, худои таборакі таолоға ёлбориб бир муножот ўқиди:

Йўқдин мани бор айлаган ё Раҳмон,
Нечун мани бахти қаро айладинг.
На гуноҳ айладим санго биру бор,
Бўйла балоларға дучор айладинг.

Бу кофир дастина берибсан ривож,
Мани қилдинг бекаслардек ноилож,
Карам қилиб манинг кўнглим қилғил оч,
Кўзда ёшим тинмай равон айладинг.

Ҳазрати Одамдур барчага ота,
Пир бўлғон муридин қўлини туто,
Шайхи Кабир пирим, ё Полвон ота,
Қўлим тутғил йўлда ҳайрон айладинг.

Бу дунёда сайр этмакка боғим йўқ,
Арзи ҳолим айтишмоқа Каъбам йўқ,
Биру борим сандин ўзга кишим йўқ,
Ёхти жаҳон манго зиндон айладинг.

Завриё дер насиб тақдира тортар,
Қайғуни кўп тортсанг муҳаббат ортар,
Айролиқнинг жабри ўлимдин бадтар,
Ўз отамни манго душман айладинг.

Алқисса, бу сўзни Завриё бечора тамом қилди. Парвардигор оламдин Хизр алайҳиссаломға амр бўлди. Бир бандамга ўз отаси жафо қилиб турур. Соғ қўлини бандидин кесар.Ул бандамнинг тақдири шул эрди. Бандам андин озор топмасин, деди. Андин сўнг Хизр алайҳиссалом Мусна отлиғ бир илон бўлиб, Қайтус кофирнинг даргоҳина кириб, Завриёнинг қўлини кесдирур жойина ҳозир бўлди.

Соғ қўлини бандидин жудо қилиб, ул илонға ташлади. Илон панжани олиб, кўздин бўлди. Подшонинг қаҳри келиб айди: бу қизни жазираи майдонға ташланглар, деди. Завриёжон зор-зор йиғлаб, майдон ичинда ётди, уч кун орадин ўтди. Ул қиз ночор ўзи жафо кўрганига, кўзига жаҳон қоронғи бўлиб, йиғлар эрди. Хусусан соғ қўлини кесганина жафо тортар эрди. Тўрт кунгача

очлик ва сувсизликдан ҳалокат мақомиға етушди. Майдонда арслон ва бошқа жониворларнинг овози келур эрди. Ночорнинг ҳам ваҳми зиёда бўлиб, ўтган умрлариға ачиниб, пирларининг ҳаққиға хатми қуръон қилиб бахш қилди. Эрса қиз бечора зор-зор йиғлаб, ё пири ҳазрати Шоҳимардон деб андин мадад сўраб бир сўз айди:

На ёвуз кун тушди мани бошима,
Шоҳимардон назар солинг ҳолима.
Худойим раҳм этгай кўзда ёшима,
Бузрук пирлар назар солинг ҳолима.

Ҳазрати Алининг чун нури айни,
Карбалода шаҳид бўлған Ҳусайни,
Қўша тоғ эгаси Вайсул Қирони,
Ҳазрат ўғли назар солинг ҳолима.

Бу савдолар билан бўлибман ҳайрон,
Шоҳ Нақшбанд пирим ё балогардон.
Мадад сиздин Саид ота, Норимжон,
Полвон ота назар солинг ҳолима.

Бу Қайтус кофирла қолдим балоға,
Арз этарман ул яратган худоға,
Эмди машғул бўлсин зикри саноға,
Бори пирлар назар солинг ҳолима.

Завриё дер, манинг пирим Саид ота,
Канизаким дегай Фотима Зуҳро,
Марҳамат қилсалар қўлимдин тута,
Шафоатҳо назар солинг ҳолима.

Алқисса, тамоми пири устодларини ёд қилиб, қиз бечораға худои таоло ҳиммат бериб, тўрт кун йўл юриб дарёи Жайҳуннинг канориға борди. Ул жойда бошиға паноҳ қилиб, кулбаи эҳзон қилиб ўлтирди. Эмди сўзни яна бир тарафдин эшитинг. Урганч подшосина Ҳасанхон дер эрдилар. Кўп одамлар бирлан майдонда шикор қилур эржи. Ногоҳ кўзина бир қиз нишони кўринди. Одамлариға амр қилди, шул қиздин хабар олиб келинглар деб. Икки одам бориб маликаи Завриёни подшонинг ҳузурига олиб келмоқчи бўлдилар. Қизнинг маконига бордилар. Аларға қиз ўзини кўргазмай паноҳ бўлди. Андин сўнг ул икки одам Ҳасанхон ёниға бориб айдилар: Эй шоҳи олам ул кўринган бир қиз эркан. Аммо ани биз кўра билмадик, бизлардин қочди, дедилар. Андин сўнг подшо айди: Эй одамлар, икки уламои замон борсин, онинг учунким, қиз мастура бўлса қозиға кўринур деди. Йўқ эрса эртанг бирлан устинда ғавғо қурилур, деди. Андин сўнг уламолар маликаи Завриёнинг ёниға бордилар. Подшонинг сўзини айдилар. Қиз тарафидин овоз келди: Эй уламолар хуш келибсизлар, ман рўйи сиёҳ бандаман. Ўз отамдин жафо кўрдим, шод

эрмасман, ғамгин эрурман, соғ қўлимни бандидин йўқ қилиб турурлар. Ҳасанхонга муносиб эрмасман, деди. Андин сўнг уламолар айдилар: эй ночор қабул қилмасанг эртанг подшонинг ўзи келур деб айтдилар. Қиз бечора ваҳмга тушди, яна тамоми пирларини шодон этиб бир сўз айди:

Кунма кундин бадтар бўлди бу ҳолим,
Манинг пирим Шоҳимардон бормисан?
На сабабдин паст тушибди иқболим,
Шери даргоҳ ё Муртазо бормисан?

Сиғинибман санго каъба худоси,
Қабул бўлғай бандаларнинг дуоси,
Ҳазрат Али бекасларнинг паноси,
Манинг пирим, Шоҳимардон бормисан?

Ман келибман майдон ичра омона,
Бу балодин қутулишим гумона,
Мадад сиздан шоҳи нақшбанд девона,
Баҳоваддин соҳибқирон бормисан?

Ман бир ғариб кўзи ёшли бечора,
Ҳасанхон қасд этиб остирар дора,
Қўлим йўқ, юзим йўқ, ман бахти қаро,
Илёс Хизр мададкорим бормисан?

Ҳайрон бўлдим эмди жонға роҳат йўқ,
Ёнимда ҳамдамим, танда қувват йўқ,
Рўйи сиёҳ бўлдим, сабру тоқат йўқ,
Кўнгил берган арслоним бормисан?

Жаббор эгам Завриёға бир паноҳ,
Танима қувват бер тилима ғўё,
Бир ночорман ғамда қолган бегуноҳ,
Содиқ пирим, хуш овозим бормисан?

Алқисса, қиз бечора тонг отғунча, намоз ўқиб худои таолоға муножот ўқиб йиғлади.

Намози бомдодни ўқиб бўлиб эрди. Дарёнинг бўйина 40 зоти шариф келдилар. Ҳаммалари дасторли таҳорат қилиб, намоз ўқиб, намоздин фориғ бўлиб маликаи Завриёни ёниға келдилар. Қиз ҳам тавозе бирлан салом берди. Эшонлар алик олдилар. Айдилар: эй болам, қўрқма, бизлар худои таолонинг амри бирлан санго мадад бермак учун келдик деб кўнглини шод қилдилар. Ногоҳ Мағриб тарафиндин гард пайдо бўлди. Гард ичиндин Ҳасанхон подшо тўп отиб доғу-дошларни зир титратиб келур.

Маликаи Завриё мунча ваҳшатларни кўриб йиғлади. Ул келган азизлар қўрқма деб кўнгил бердилар. Андин сўнг Ҳасанхон яна совчи юборди, бизни қабул қилсин деб, манинг қаҳри ғазабима гирифтор бўлмасин деб. Анда

совчининг сўзини қиз қабул қилмади. Айди: ман бир бечора турурман. Подшонинг муносиби эрмасман, деди. Совчилар қизнинг сўзини келиб айдилар.

Ҳасанхон дарқаҳр бўлиб, табли исанч қоқдириб, майдонға кирди. Қиз бетоқат бўлиб кўп йиғлади. Қизнинг тарафидин шул қирқ зоти шариф майдонға кирдилар. Худои таолонинг амри бирлан ернинг юзи думон бўлиб, жаҳон қоронғи бўлди. Каромати авлиё барҳақдур. Ҳар ким авлиёнинг сўзига инонмаса гуноҳкор турур. Шул азизлар майдонға киргандин сўнг Ҳасанхоннинг лашкари босилиб, майдонда кесилган бошлар, тўкилган қонлар йўқ эрди. Олло таоло Ҳасанхоннинг лашкариға бир ваҳм солиб, ўз-ўзидин босилиб шаҳарга кирдилар. Ул зоти шарифлар кўздин ғойиб бўлдилар. Андин сўнг Маликаи Завриё зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб кулбаи эҳзон ичинда ўзининг бекас, беморлиғини ёдина солиб, яна худоға ёлвориб бир ғазал ўқиди:

Шукр ҳақнинг даргоҳина,
Пирим Шоҳимардон келди.
Юзим урдим боргоҳина,
Али Шоҳимардон келди.

Ғанимдин орим олмоқа,
Лашкара талон солмоқа,
Диннинг қиличин чалмоқа,
Зулфиқори паррон келди.

Ман бўлибман эмди шодмон,
Кетди кулфат, қайғу думон,
Ғамгин бўлсин кулли душман,
Ҳурлар бирла ғилмон келди.

Тўйлар томошалар қилғон,
Созу суҳбатларни сурган,
Тушумда шароб ичирган,
Жаннат соқийлари келди.

Завриё дер кўнгил тожи,
Ҳуснинг олар ойдин божи,
Ошиқ Ойдиннинг чироғи,
Саид халфам ҳозир келди.

Алқисса, Ҳасанхоннинг лашкариға 40 чилтанлар босқи бергандин сўнг ўз шаҳрина бориб, отасина салом берди. Отаси зиёда доно эрди. Ҳасанхондин хабар сўради: Эй болам, кўнглимнинг хушгоҳи санго на бўлди, кимдин босқи топдингиз? Анда Ҳасанхон айди: Бир ночордин. Ҳамма лашкарим босилди, кесилган бош йўқ, тўкилган қон йўқ. Қирқ зоти шариф тиғ ҳавола қилдилар. Лашкарим босилди қолди. Кўп бетоқат бўлиб, оҳ уриб отасидин маслаҳат сўради. Отаси айди: Эй болам, сан жавоб берсанг, анинг ёниға бориб, ҳоли

аҳволини билсам деди. Анда Ҳасанхон айди: агар борсангиз майдонда турур деб бир сўз айди.

Борсангиз ёрнинг боғина,
Дузли маконлари бордур.
Якка деб хаёл айламанг,
Чилтан мададкори бордур.

Бирин кўрдим Шоҳимардон,
Қирқин кўрдим Ғавсул Замон,
Баҳовиддин балогардон,
Шоҳ Нақшбанд пири бордур.

Бир киши келмас кўрмака,
Болам деб назар солмоқа,
Диннинг қиличин чалмоқа,
Ҳайдари Каррори бордур.

Манинг жоним анга қурбон,
Ҳизматинда бўлсам ҳамон,
Йўлдош бўлғай нурли имон,
Кавсар соқийлари бордур.

Борсангиз айтинг саломи,
Дилинда ҳақнинг каломи,
Кўп сарф этинглар инъоми,
Жоним нишонлари бордур.

Шоҳ Ҳасан дер, Меҳрибоним,
Ғанимат руҳи равоним,
Юзи гул моҳитобоним,
Сочи сумбуллари бордур.

Алқисса, андин сўнг аркони давлат оталиқ иноқлари подшодин рухсат олиб, майдонға равона бўлдилар. Эмди сўзни алардин эшитинг. Тўрт кеча-кундуз йўл юриб, маликаи Завриёнинг маҳофасига бордилар. Қиз бечора буларнинг олдиға пешвоз чиқиб, салом бериб, айди: Ман рўйи сиёҳни истаб келган азиз меҳмонларим, хуш келибсизлар деб зор-зор йиғлади. Анда Иноят оталиқ айди: Эй маликаи Завриё бизлар сиздин ҳижоб этармиз, сизга арзимиз бор эрди деб, келтирган туфҳаи пешкашларини чиқариб олдига қўюб айдилар. Ҳасанхоннинг отаси ҳизматингизга юборди. Агар худои таоло қўшган бўлса, Ҳасанхон учун тўю-томоша қилурмиз дедилар. Анда Завриё айди: Эй азиз меҳмонлар, ман бир ожизи ночор бечора турурман. Қўлимни отам бандидин кесдириб турур. Подшоға муносиб эрмасаман, деди. Анда аркони давлат айдилар: ҳар нечук бўлсангиз ҳам қабул қилдик, ҳарна ҳожатингиз бўлса айтинг, дедилар. Анда Завриёжон Ҳасанхоннинг вазирларина қараб бир нома ёзиб бериб юборганлари бул турур:

Борсангиз айтинглар ул Ҳасанхона,
Қирқ бир каниз қадди зебо юборсин.
Ёлбориб сиғинсин Шоҳимардона,
Яна қирқ бир ҳусни Раъно юборсин.

Бир неча ғилмонлар, бир неча беклар,
Ничча қадди зебо, сочи сунбуллар,
Гулшанда сайраган шайдо булбуллар,
Бири булбул хушовозлар юборсин.

Бир неча муллолар, бир неча эшон,
Нечалар хушвақтдур, неча паришон,
Томошасин кўрсин ҳур ила ғилмон,
Қирқ бир эшон соҳиб калом юборсин.

Бир шаҳар айласин давраси гулдин,
Қизу жувон келсин қалъадин, элдин,
Хушнома юбордим, китобдин, дилдин,
Яна қирқ бир яхши ғулом юборсин.

Отим Завриёдур, ўзим бечора,
Ҳасанхон бўлсинлар биза ғамхора,
Қайтус шоҳдин налар чекдим озора,
Ўзимдин бир бағри пора юборсин.

Алқисса, бу сўздин сўнг аркони давлат Завриёжондин рухсат олиб кетар бўлдилар. Анда Завриё айди: омон-соғ Ҳасанхоннинг бағрина борсангизлар айтинг. Манинг бир қўлим йўқ турур. Онинг учун кўп ҳижолат тортарман. Манго шул ерда бир қалъа бино қилиб берсун. Бу ер ҳам ўзларининг жойлари турур деди. Андин сўнг беклар, хуш бўлғай деб кетдилар. Бориб Ҳасанхоннинг онасиға Завриёжоннинг сўзини айтиб, хон ҳазратға салом бердилар. Подшо алик олиб айди: Маликаи Завриёжоннинг макониға бориб келдингизларму деди. Булардин бурун онаси айди: Эй ўғлим, маликаи Завриёнинг хизматларига қирқ бир каниз бирла қирқ бир эшон соҳиб, қирқ бир ғулом юборсангиз, бир шаҳар бино қилиб берсангиз стуни гулдин, ўзи зарнигордин ва яна бир боғ жаннатнишон солиб берсангиз. Завриёжоннинг амри шул турур деб таъриф этиб бир сўз айди:

Таъриф этсам Завриёнинг сўзини,
Гул юзлари моҳитабона мангзар.
Керак эрса бориб кўринг ўзини,
Ширин гуфтор, шаккар забона мангзар.

Қомати тубидур, долдир ўзлари,
Тиллари сужидур, болдир лаблари,

Сўзлари жон олур кўзи ховари,
Гўёки бир соҳибқирона мангзар.

Қирқ икки қиз тўйи зебо олсинлар,
Завриёнинг хизматина борсинлар,
Сўнанинг олдинда соза кирсинлар,
Ҳар сифати баландпарвоза мангзар.

Саҳарлар зикридир ёд этар қуръон,
Худонинг ишқинда кўзлари гирён,
Кўп неъматлар борсин, бўлсин фаровон,
Бир тавсифи Ҳотам нишона мангзар.

Канизлар борганда салом айласин,
Яхши тиллар бирлан калом айласин,
Қўл қовшириб адаб-икром айласун,
Бир тавсифи Нўширавона мангзар.

Арконлар сўзини айладим тамом,
Қирқ маҳрам юборинг кўп бериб инъом,
Шаҳар бино қилиб, қурилсин зукон,
Бир келган давлати бақоға мангзар.

Алқисса, андин сўнг Ҳасанхон подшо қирқ бир каниз, қиз жувонлари бирлан кўп инъомларни тайёр қилиб, бир неча шайх, машойих, имомларни тўп-тўп лашкар бирлан шаҳардин чиқариб Завриёжоннинг қалъа солсин деган жойина юбордилар. Оқшом йитиб, эртанг намозини ўқиб бўлғонидин сўнг Ҳасанхон айди, эй акобирлар, эмди бу шаҳарнинг биносина мўътанд бўлинглар ва лекин биноси шаҳри Зарнигордин зиёда бўлсин, деди.

Андин сўнг Хоразм беклари маслаҳат қилиб, қалъа биносиға машғул бўлдилар. Анда Ҳасанхон тамоми бекларига қараб бир сўз айди:

Бир қалъа қилинглар стуни гулдин,
Биноси қалъани Зарнигор ўлсин.
Гумбази мармардин, пештоқи кўкдин,
Ҳавоси келиб ҳам навбаҳор ўлсин.

Дунё фоний бўлса кетмасин оти,
Кавсардин сув олинг, жаннатдин бода,
Равшан бўлсин кўнгилларнинг муроди,
Бу қарор ҳамиша беқарор ўлсин.

Бу қалъа отина Гулстун дерлар,
Сочинглар кўшкина мушки анбарлар,
Завриё олдинда моҳи анварлар,
Бу шаҳар ичинда сарафроз ўлсин.

Бир боғ бино қилинг олмадин, нордин,
Булбуллар кетмасин бу марғизордин,
Бир пари обдору зулфи шумордин,
Бу боғ булбуллари хушовоз ўлсин.

Иморат қилинглар бўлмасин хароб,
Ражжалар тортинглар бир ёна қараб,
Суҳбатлар қурилиб, ичилсин шароб,
Шул боғ Завриёнинг макони ўлсин.

Ҳасанхон дер, боқий ўлинглар омон,
Суринглар давронни, чекманглар армон,
Тўй этинг қалъада, қилинглар эҳсон,
Булбул шаҳар қалъаи Зарнигор ўлсин.

Алқисса, андин сўнг усталар амри подшо вожиб деб ҳунарларини харж қила бошладилар. Бир неча кунда қалъани тамом қилдилар. Андин сўнг боғнинг биносиға машғул бўлдилар. Бир неча кунда боғнинг ҳам биносини тамом қилдилар. Боғ боғи Эрамдин ҳам зиёда бўлди. Қалъаға заррин дарвозалар бирлан Боғдоди эшиклар қурдилар. Андин сўнг подшоға хабар бердилар. Подшо ҳам тамоми акобирлари бирлан қалъаға тушиб ором олдилар. Андин сўнг амр қилди: Завриёнинг қирқ канизаки бирлан маҳофаға солиб олиб келинглар, деб буюрди. Андин сўнг Завриёни қирқ канизаклари бирлан шаҳарга олиб келдилар. Қирқ кеча-кундуз тўй-томоша этиб, ҳамма одамларни шод қилдилар. Завриё бечора кеча-кундуз худоға муножот қилди: поко парвардигоро,сан ман бечорани бу халойиқ орасинда қўлим сабабли шармисор қилмағайсан деб бир сўз айди:

Йўқдан мани бор айлаган биру бор,
Қўйма мани бўйла армон ичинда.

Табиби ҳозиқсан манго мададкор,
Қўйма мани бўйла армон ичинда.

Манингдек нечани шодмон айладинг,
Ниччани кўнглини армон айладинг,
Ўз отамни манго душмон айладинг,
Қўйма эгам мани армон ичинда.

Шариат амрина бўлибман қурбон,
Истадим бергайсан дардима дармон,
Ба ҳаққи ҳурмати ул Шоҳимардон,
Қўйма мани кулли армон ичинда.

Сиғиндим ман санго яратган худо,
Он ҳазрата бўлсин бу жоним фидо,
Канизаким дегай Фотмаю Зуҳро,

Қўйма эгам банди зиндон ичинда.

Хизр бобом келиб қилса дуони,
Ҳақ ато айлагай биза шифони,
Бандам дегай мандин рўйи сиёни,
Қўйма эгам мани армон ичинда.

Эшит мани арзим Қози ул ҳожот,
Ман бир бечораман, сан бергил нажот,
Даргоҳингга йиғлаб қилдим муножот,
Раҳм айлагил қўйма армон ичинда.

Алқисса, Завриё бечора бу муножотни тамом қилди. Тонг отиб, офтоб чиқиб эрди. Худои таоло Завриёнинг муножотини қабул қилиб, Хизр алайҳиссалом ҳозир бўлди. Оқсоқол сувратинда бўлиб айтди: Эй халойиқлар билинглар ва огоҳ бўлинглар, ман бир табибман. Ҳар жойда қўли, оёғи кесилган одам бўлса анга шифо берурман, деди. Бу сўзни Ҳасанхон эшитиб айди: Эй бобо, Маликаи Завриёнинг кесилган қўлина шифо берсанг санго қаддинг баробари зар берурман, деди. Бобо айди: мани Завриёни ёнина олиб боринглар, деди. Подшо Завриёнинг ҳарамиға олиб борди. Бобо дуо қилди. Завриёнинг йўқ бўлған қўли ҳозир бўлди. Хизр алайҳиссалом қўлини бандига қўйиб, муборак оғзининг сувини суртди. Худои таолонинг амри бирла Хизр бобо дуо қилди. Қиз бечора омин деб йиғлади.

Каромати авлиё барҳақ турур. Маликаи Завриёға олло таоло шифои азим берди. Бобо ҳам кўздин ғойиб бўлдилар. Хизр алайҳиссалом эркан, малика шифо топғанидин сўнг подшо бошлиқ тамоми аркони давлат акобирлари хушвақт бўлиб, шодмон бўлдилар. Андин кейин подшоға Завриёжонни 40 кеча-кундуз тўй этиб, никоҳ қилиб бердилар. Гулистун шаҳрининг ичинда айш-ишратға машғул бўлдилар. Ҳасанхон Завриёнинг жамолиға назар қилди. Шамол тегиб зулфлари якка-якка бўлиб, оқ юзинда алвон-алвон жилва берур эди. Анда Ҳасанхон Завриёжонға қараб бир сўз айди:

Қирқ кун бўлди санинг учун зор эдим,
Шукр олло юзинг кўрдим паризод.
Юзинг кўрмай ғойибона ёр эдим,
Шукр олло юзинг кўрдим паризод.

Ҳасанхоннинг гули боғда очилған,
Муборак оғзиннан дурлар сочилған,
Юзинг кўрсам мисли шароб ичилган,
Шукр олло юзинг кўрдим паризод.

Гул юзингда дона-дона холинг бор,
Ажойиб лабингдан томар болинг бор,
Бир нишона оқ сийнангда норинг бор,
Шукр олло юзинг кўрдим паризод.

Боди шамол юзларинга тегибдур,
Жамолинг ханжари жона тегибдур,
То кўрмасам руҳим парвоз этибдур,
Шукр олло юзинг кўрдим паризод.

Рухсат бер сан бирла қилсам ҳаловат,
Бўлмаса ҳалойиқ қилур маломат,
Отангга солурман рўзи қиёмат,
Шукр олло юзинг кўрдим паризод.

Ҳасанхон дер ман етибман мурода,
Насиби тақдира қилди ирода,
Завриёжон умринг бўлсин зиёда,
Шукр олло юзинг кўрдим паризод.

Алқисса, андин сўнг Ҳасанхон Завриёжон бирла завқ-шавқ бирла қалъаи Гулстунда даврон сурдилар.

Эмди сўзни бошқа тарафдин эшитинг. Хон ҳазратининг аввалги заифаси бор эрди. Отини Меҳрибонжон дер эрдилар. Ҳасанхоннинг аввалги қалъасинда эрди.

Бир куни эшитиб, қирқ қиза бош бўлиб, қайдасан шаҳри Гулстун деб равона бўлди. Бир неча кунлар йўл юриб, шаҳри Гулстунга бориб Завриёжон бирла хон ҳазратларининг боргоҳина бориб салом берди. Маликаи Завриё ҳам чусти чобук ўрнидин туриб, салом бериб, иззат-икром қилди. Меҳрибонжон пари ҳам фотиҳа ўқидилар. Келган қизлар бошқа жойга ўлтирдилар. Кун кеч бўлди. Оқшомгача созу суҳбат бирлан ўлтирдилар. Андин сўнг Ҳасанхон икки заифасига қараб иккисидин ҳам кўнгил уза билмай бир сўз айди:

Меҳрибонжон, Завриёжон,
Қайсингга меҳмон бўлайин.
Биринг ҳурсан, биринг ғилмон,
Қайсингга меҳмон бўлайин.

Сиё зулфинг шамол эсар,
Ошиқларни бағрин эзар,
Биринг соқий, биринг кавсар,
Қайсингга меҳмон бўлайин.

Биринг чаман, биринг гулзор,
Биринг олма, биринг анор.
Биринг сўна, биринг паррор,
Қайсингга меҳмон бўлайин.

Биринг болсан, биринг шарбат,
Биринг нозик, биринг нузмат,

Биринг баланд, биринг рифъат,
Қайсингга меҳмон бўлайин.

Биринг сўна, биринг қозсан,
Биринг баҳор, биринг ёзсан,
Биринг суҳбат, биринг созсан,
Қайсингга меҳмон бўлайин.

Ҳасанхонинг чекар армон,
Биринг шифо биринг дармон,
Биринг ўқсан, биринг камон,
Қайсингга меҳмон бўлайин.

Алқисса, андин сўнг Ҳасанхон билан Меҳрибонжон, Завриёжон учлари ярим оқшомғача бир-бирларининг ҳусни жамолини томоша қилиб ўлтирдилар. Меҳрибонжон оталиқ Завриёжоннинг ҳурматини тутиб айди:эй Ҳасанхон, Завриёжоннинг меҳмони бўлинг, деди. Анда Завриёжон Меҳрибонжон оталиқнинг айтган сўзина вақти хуш бўлиб бир сўз айди:

Манинг ғамгин кўнглим айладинг обод,
Бугун Меҳрибоннинг меҳмони бўлинг.
Ҳасанхон кўнглингиз бўлмасин ношод,
Бугун Меҳрибоннинг меҳмони бўлинг.

Меҳрибондур сўна каби мастона,
Қиссаи Юсуфдир назми достона,
Сайр этинг бу кеча боғи бўстона,
Бугун Меҳрибоннинг меҳмони бўлинг.

Булбуллар сайр этар баҳор чоғинда,
Олмалари бордур ҳусн боғинда,
Шул сўна қолмасин ҳижрон доғинда,
Бугун Меҳрибоннинг меҳмони бўлинг.

Гулстун шаҳрина бўлибдур меҳмон,
Ғанимат айёмдур, суринглар даврон,
Насиҳатим будир санго Ҳасанхон,
Бугун Меҳрибоннинг меҳмони бўлинг.

Меҳрибондур санинг учун навбаҳор,
Шоҳимардон пиринг, худодир ёринг,
Шоҳим ман олдингда бир хизматкоринг,
Бугун Меҳрибоннинг меҳмони бўлинг.

Отим Завриёдур бу боғ маконим,
Сўзим қабул қилсанг давлат паноҳим,
Иззатли икромли руҳи равоним,

Бугун Қоракўзнинг меҳмони бўлинг.

Алқисса, андин сўнг Меҳрибон оталиқ бирлан завқи сафо суриб, айшу ишрат қилдилар. Андин сўнг Меҳрибон бика ўз маконига кетди. Завриёжон бирла Ҳасанхон бир неча кун айшу ишратда бўлдилар. Орадин бир неча кун ўтди. Маликаи Завриёжон ҳомилалик бўлди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат ўтиб бир ўғил бўлди. Ишқ сурат бўлди.

Ҳасанхон подшо бир неча кун тўй-томоша этиб, уламолардин дуо олди. Андин сўнг Олимжон Хоразмий деб от қўйдилар. Орадин бир неча замон ўтди. Шоҳ Олимжон етти ёшина кирди. Суннат қилиб мактабга бердилар. Бир неча замондин сўнг илм ҳосил қилди.

Эмди сўзни бошқа тарафдин эшитинг. Бир куни Ҳасанхон лашкарини шикорға олиб чиқди. Шоҳ Олимжон онасининг ёнинда ўтириб эрди. Ҳасанхон ўғлини кўриб кўп йиғлади. Анда Ҳасанхоннинг отаси айди: Эй ўғлим на учун йиғларсан? Ҳасанхон айди: Одами зоднинг меваси фарзанд эркан, шоҳ Олимжон манинг фарзандим. Ман сизнинг фарзандингизман. Эмди ман ғазотга кетарман. Ўғлимни сиза топширдим. Сизни худоға топширдим деб отасина қараб бир сўз айди:

Насиҳатдур сўзим, меҳрибон отам,
Боламнинг ҳолидин хабардор ўлинг.
Бир ёлғиз, бегуноҳ кўпдур душмани,
Тўрамнинг ҳолидин хабардор ўлинг.

Ғаниматдур билинг давлатли замон,
Ғофил бўлсанг қолур кўнглингда армон,
Ёлғизларнинг пири ул Шоҳимардон,
Боламнинг ҳолидин ҳабардор ўлинг.

Йигитнинг кўнглини фарзанддур шоди,
Дилимда бор турур худонинг оти,

Ёлғиз йигит ўлса кўмилар оти,
Ёлғизим ҳолидин хабардор ўлинг.

Бемаҳал умрини хазон урмасин,
Гул юзлари заъфарондек сўлмасин.
Манинг ёлғиз болам гадо бўлмасин,
Боламнинг ҳолидин хабардор ўлинг.

Ҳасанхон дер тамом этдим сўзимни,
Қаро қилсин душманларнинг юзини,
Ўзим ўлсам руҳим қўлдайди сизни,
Боламнинг ҳолидин хабардор ўлинг.

Алқисса, андин сўнг Ҳасанхон подшоҳ лашкарини йиғнаб, отасиға дуо қилиб, рухсат олиб, Завриёжонға айди: Олимжоннинг ҳолидин хабардор бўлинг деб, анга ҳам насиҳат қилди.

Эмди подшо кофирлар бирлан урушиб юрсин, шоҳ Олимжон онаси бирлан Гулстун шаҳринда бўлаберсин.

Орадин бир неча кунлар ўтди. Ҳасанхон подшоҳнинг аввалги заифаси Меҳрибонжон душманлик қилиб, бир нома ёзиб, Ҳасанхоннинг муҳрин босиб, қалъаи Гулстунга юборди. Мазмуни бул тариқаки, хат борғоч Маликаи Завриё бирлан шоҳ Олимжонни қалъадин қувлаб чиқариб юборсун, аларнинг сабабидин ман кофирларнинг зиндонида ётибман деган хат турур. Ҳасанхоннинг отаси ул хатни ўқиб, зор-зор йиғлаб, Завриёнинг ёниға борди.

Шоҳ Олим ҳам мактабга кетиб эрди, ул ҳам келди. Ҳасанхоннинг отаси айди: Эй, Завриёжон шоҳ Олимжон бирлан сизларнинг сабабингиздин отанг Ҳасанхон кофирларнинг бандида эрмиш, ҳоло сизларни шаҳардин чиқарсун деган амр бўлибдур деди. Андин сўнг Завриё бечора шоҳ Олимжоннинг қўлидин тутиб, зор-зор йиғлаб кетар бўлғонда момоси бетоқат бўлиб айди: Худоё худованда Ҳасанхондин айрилдим, булардин ҳам айрилсам нечук ҳолим кечар эркан деб ҳайрон бўлиб шоҳ Олимжоннинг худойи парвардигора топшириб бир сўз айди:

Шоҳи Олим холиқи яктоға топширдим сани,
Доимо ул воқифул асрора топширдим сани,
Бандага маврит айлаган Ғаффора топширдим сани,
Чун отаи раҳмати раҳмона топширдим сани,
Борғил эй жоним болам жаббора топширдим сани.

Эй худоё ҳеч кишиким бағри бирён ўлмасун,
Айрилиб фарзандидин чун дийда гирён ўлмасун,
Ул Ҳасанхоним илоҳи хонавайрон ўлмасун,
Раҳбаридин айрилиб чўлларда ҳижрон ўлмасун,
Борғил эй жоним болам жаббора топширдим сани.

Шоҳи Олим икки дунёда худо ёринг санинг,
Ул Абулқосим Қурайши бўлса ғамхоринг санинг,
Ҳам Абубакр, Усмон Али ёринг санинг,
Бандаи бечораларға йўқдир озоринг санинг,
Шоҳи Олим Воқифул асрора топширдим сани.

Ҳазрати Вожиб таолодин тиларман ҳар замон,
Бу табаррук изларингни эмди кўрмакдур гумон,
Истасам эмди сани қайдин топарман Меҳрибон,
Оҳ фарёдим эшитиб йиғлашурлар инсу жон,
Борғил эй жоним болам жаббора топширдим сани.

Биру борим раҳм қилғил бандаи бечораға,
Алхусусан йўлда қолған ман каби афтодаға,
Отимиз арконадурким, юраги садпораға,
Қил карам тангри таборак бу ики шаҳзодаға,
Борғил эй жоним болам жаббора топширдим сани.

Алқисса, андин сўнг шоҳ Олим онасининг қўлларидин тутиб, зор-зор йиғлаб, Гулсутун шаҳридин чиқиб кетаберсин, момоси термулиб, беқарор бўлиб кўп йиғлади. Шоҳ Олимжон онаси бирлан етти кеча-кундуз йўл юриб дарёи Жайхуннинг каноринда борур эрди. Худои таолонинг амри бирлан ер юзи қоронғи бўлиб, думон бўлди. Эрса шоҳ Олимжон дарёға ғарқ бўлди. Юзинда кокиллари шамол эсар эди. Шул вақтда думон йўқ бўлиб Завриёжоннинг кўзи дарёға тушди. Кўрса, ўғли дарёда борур. Бағри бирён, кўзи гирён бўлиб авлиёларни шари келтириб бир сўз айди:

Дарё пири Ғавсулғиёс,
Тортинг боламни қироға.
Ҳабибим Фотима, Зуҳро,
Тортинг боламни қироға.

Султон Вайс эр пирларим,
Хўб нишонали эрларим,
Зоҳир каромат пирларим,
Тортинг боламни қироға.

Ҳазрати Али пир Жаббор,
Амр айласа пирдур дигар,
Ўзлари соҳиб Зулфиқор,
Тортинг боламни қироға.

Жаббор эгам солма аза,
Етганмикан вақти қазо,
Мадад сиздин Одам Ато,
Тортинг боламни қироға.

Завриёдир бўлдим ҳайрон,
Шоҳи Олим фахри жаҳон,
Баҳовиддин балогардон,
Тортинг боламни қироға.

Алқисса, бу сўздин сўнг Завриё бечоранинг муножотини қабул қилиб, шамолға амр қилди. Шаҳзодани қироға чиқарди. Онаси олдина олиб кўрса мисли ўликдек бўлиб ётиб турур, ўзини билмас. Завриё бечора шаҳзоданинг бу аҳволини кўриб, худои таолоға сиғиниб бир сўз айди:

Гулшаним, гул зорим, боғу бўстоним,
Бемаҳал умрингни хазон урмасин.
Сарви гуландомим, Рустам нишоним,
Бемаҳал умрингни хазон урмасин.

Ёлғизликда қўлим тутар қўлдошим,
Ғамгинликда кўнглим олган сирдошим,
Нури дийдам, болам, қавму қардошим,
Бемаҳал умрингни хазон урмасин.

Юз тутибман санго ҳазрати Субҳон,
Кўринмас кўзима бу ёхти жаҳон,
Пирёр ўғли яна ҳазрати Полвон,
Ёлғизим боғини хазон урмасин.

Дарёнинг пиридур ҳазрати Илёс,
Кароматинг барҳақ ё Ғавсулғиёс,
Сиздан мадад пирим ё шайхи Аббос,
Фарзандим боғини хазон урмасин.

Бу ўғлон ётғондин турмас, гумона,
Юзим тутдим бир яратган субҳона,
Кароматли Баҳовиддин девона,
Боламнинг боғини хазон урмасин.

Отим Завриёдур, ўзим бечора,
Раҳм айлагил кўзи ёшли ночора,
Менингдек бормикан бағри садпора,
Бемаҳал умрингни хазон урмасин.

Алқисса, Завриё бечора бу сўзни тамом қилғандин сўнг олло таоло шоҳ Олимжонга шифо берди. Завриё бечора шоҳ Олимжонни қучоғина олиб, яна худои таолоға шукр қилиб, йўлға равона бўлди. Бир жойға бориб дарёнинг канорасинда бир кулба қилиб ором олаберсинлар, энди сўзни Ҳасанхондин эшитинг. Бир неча кунлардин сўнг тамоми лашкари бирлан соғу саломат келиб шаҳрина кирди. Тамоми одамлар подшо бирлан кўришди. Андин сўнг отаси келди. Подшо айди: Эй ота, соғу-саломат бормисизлар, шоҳ Олимжон ҳам соғ-саломат борми деб сўради. Анда отаси подшоға қараб, бетоқат бўлиб, телмуриб йиғлади. Анда подшо айди: на учун йиғларсиз? Анда отаси айди: Эй болам, ўзингни хатти мухринг деб юборган хатинг бирлан шаҳардин чиқариб қувладим деб, хатни чиқариб подшоға берди. Подшо хатни кўриб зор-зор йиғлаб айди: отажон одамзоднинг меваси фарзанддир, душман иши шундоғ бўлур деб шоҳ Олимжон бирлан Завриёни излаб, қаландар бўлиб, чўллара чиқиб равона бўлиб йўлда борур эрди. Олдина қирқ чўпон учради. Чўпонлар қаландарнинг бу ҳолини паришон кўриб айдилар: Эй, қаландар қайға борурсиз, дедилар. Анда подшо айди: Ҳар ким фарзандидин, ҳамхонасидин жудо бўлса ҳоли шул бўлур деб бир сўз айди:

Эй чўпонлар сайри саҳрода гадо бўлдим бугун,
Доғи фарзанд ҳасратидин ман адо бўлдим бугун.
Айрилибман мулкимдин бенаво бўлдим бугун,
Ҳақ манго амр айлади соҳиб ғазо бўлдим бугун,
Найлайин ман шоҳи Олимдин жудо бўлдим бугун.

Эй ёронлар бормикан дардима дармондин хабар,
Мунисим ҳам манзилим, иззатли меҳмондин хабар,

Ёлғизимдин ман сўрарман гули ошёндин хабар,
Истадим ман топмадим, дардима дармондин хабар,
Тўти янглиғ овозимдин жудо бўлдим бугун.

Бир чаман боғим, баҳорим, бўстоним бормикан,
Ҳақ жудо қилған мани ул меҳмоним бормикан,
Рустам нишони сифат ул достоним бормикан,
Шоҳ Олим ёлғизим, жоним, нишоним бормикан,
Найлайин Юсуф нишонимдин жудо бўлдим бугун.

Эй худоё сан қилибсан шоҳи Олимдин жудо,
Тахти тожим, моли мулким, гул юзин кўрсат худо,
Шоҳликдин айрилиб, бўлдим гадои бенаво,
Тут карам бирла қўлимни йўлда қолдим Аҳмадо,
Найлайин ул меҳмонимдин жудо бўлдим бугун.

Кўрмасам гул юзин сабру қарорим йўқ менинг,
Ахтарурман ёлғизим деб ҳуши орим йўқ манинг,
Эмди ман руҳим гадодур ёдгорим йўқ манинг,
Найлайин мотамсароман рўзғорим йўқ манинг,
Булбулим шаккар мақомимдин жудо бўлдим бугун.

Биру борим бу Ҳасанхонни қилибсан хору зор,
Қайда бир ҳамдам топиб сирримни қилсам ошкор,
На манго бир ёр бордур, на манго бир ғамгусор,
Тут қўлимни йўлда қолдим соҳиби дулдулсувор,
Найлайин ман шоҳи Олимдин жудо бўлдим бугун.

Алқисса, бу сўзлардин сўнг Ҳасанхондин чўпонлар эшитиб йиғладилар. Анда Ҳасанхон айди: Эй, чўпонлар, на учун йиғларсизлар, деди. Анда чўпонлар айди: Эй подшоҳим бизлар сизнинг чўпонингиз турурмиз сизни бу аҳволда кўриб йиғлармиз, деди. Эй подшоҳим, шаҳзодани топсангиз, бизларга на берурсиз деди. Анда подшо айди: Эй, чўпонлар агар ман шаҳзодани топсам сизларга боқиб юрган қўйларингизни ўзларингизга садақа қилиб берурман, деди. Анда чўпонларнинг вақти хуш бўлиб, кўп дуо қилдилар. Андин подшо булар бирлан хўшлашиб етти кеча-кундуз йўл юриб, бир кулбаи эҳзона кўрди. Бориб кўрса Завриёжон бирла шоҳ Олимжон ўлтириб турур. Подшо аларни кўргач, бетоқат бўлиб йиғлади. Қучоғини очиб югурди. Шаҳзода танимай қочди. Анда Ҳасанхон зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Қочма мандин нури дийда фарзандим,
Ман сани жамолинг кўрмака келдим.
Юзингни кўрайин келгил дилбандим,
Ман сани жамолинг кўрмака келдим.

Қирқ кун бўлди сандин бўлибман жудо,
Моли мулким санго айладим фидо,

Қаландар бўлибман йўлингда гадо,
Ман сани қурбонинг бўлмоқа келдим.

На савдолар тушди мани бошима,
Эгам раҳм айлагай кўзда ёшима,
Қочма мандин болам келгил қошима,
Фарзандим жамолинг кўрмака келдим.

Шаҳри Гулстун бир ажойиб жойдур,
Санинг учун солғон турфа саройдур,
Санинг ҳуснинг яна бир дўлон ойдур,
Муборак гул юзинг кўрмака келдим.

Ҳасанхон дер: шукр айладим худоға,
Эмди машғул бўлсам зикри саноға,
Ман бўлайин болам санго садоға,
Кўза ҳоки пойинг суртмака келдим.

Алқисса, андин сўнг подшо айди: эй, болам, ичкари кириб онангга айғил, бизларни истаб Ҳасанхон деган бир қаландар келибди дегил. Андин сўнг шаҳзода ичкари кириб онасиға айди: эй онажон, ташқарида Ҳасанхон деган бир қаландар келибдур мани ёш кўриб, сани ёнинга кирмоқчи бўлди. Онаси айди: Эй болам, ул бизларни истаб келган отанг турур. Бизлар ҳам подшозода эдик. Андоғ бўлса бизларни истаб келган бўлғай деб кулбаи эҳзон ичинда туриб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди.

Моли мулким анда бесоҳиб бўлиб,
Интизоринг эрур келган қаландар.
Санинг учун мунда гадолар бўлиб,
Орқадоғинг эрур келган қаландар.

Болам деб дилингда, кўнглингда зори,
Меҳрибон золимда бор анинг қаҳри,
Ҳимояти шайхи Кабир пирлари,
Мададкоринг эрур келган қаландар.

Кеча-кундуз сано қилған худоға,
Бошин урған ул равзаи ризвоға,
Онинг пири Баҳовиддин девона,
Соҳибчироғ эрур келган қаландар.

Қирқ кунлар буларға равона бўлғон,
Сани фироқингдин девона бўлғон,
Жудоликдин бағри бирёна бўлғон,
Каъбагоҳинг эрур келган қаландар.

Муножот айлаган худоға йиғлаб,
Ҳижронинг ўтиға сийнасин доғлаб,
Ҳимматнинг камарин белига боғлаб,
Бағирқонинг эрур келган қаландар.

Завриё дер: болам, бермағил озор,
Тили озорлидин худо ҳам безор,
Отанг бир булбулдир, сан ҳам гулзор,
Ҳушовозинг эрур келган қаландар.

Алқисса, бу сўзни тамом қилғандин сўнг шаҳзода отасининг ёнина бориб, қўлларини алиф лом қилиб салом берди, бир-бирларини қўлларидин тутишиб, йиғлашиб чора ериндин туриб тавозе бирлан салом берди. Подшо алик олди. Бир-бирларини кўриб, йиғлаб бир-бирина қўшилишиб, тўрт кеча-кундуз йўл юриб шаҳри Гулстунга бориб қарор топдилар.

Андин сўнг аркон ва бика момоси келиб шаҳзодани кўриб шодмон бўлди, қучоғина олиб зор-зор йиғлаб, бир неча кунлар тўю-томоша этиб, шаҳзоданинг омон келганина шукр қилиб бир ғазал айди:

Шукр ҳақнинг даргоҳина,
Тахт узра султоним келди.
Ўзим урдим боргоҳина,
Ўрнина армоним келди.

Аё дўстлар бўлинг шодмон,
Кетди кулфат шукр субҳон,
Онинг пири Шоҳимардон,
Рустами достоним келди.

Қўлимдин учган булбулим,
Сочлари сиё сунбулим,
Шоҳи Олим-манинг гулим,
Ул Юсуф нишоним келди.

Диллари зикри каломда,
Иккиси адаб-икромда,

Манзили бордур исломда,
Ул ҳуру ғилмоним келди.

Ният бор эрур шикора,
Шукр айла биру бора,
Юраги бўлган садпора,
Бир чаман гулзорим келди.

Ҳасанхон дер: хушовозим,

Шунқорим, баландпарвозим,
Бири сўна, бири ғозим,
Икки сарвинозим келди.

Алқисса, андин сўнг Ҳасанхон подшо Маликаи Завриё бирла даврон суриб юраберсин, энди сўзни шоҳ Олимжоннинг хуруж қилғонининг баёнини эшитинг. Шаҳзода Рустамбек бўлиб юрар эди. Бир куни онасиға келиб айди. Эй онам меҳрибоним, санинг қўлинг кесиб, зиндонға солған, яна майдонға бошлаған ким эрди, деди. Анда онаси айди:эй жоним болам, мани мундоғ қилған Зулумат шаҳрида шоҳ Қайтус деган кофир манинг отам эрди. Андин манго кўп хўрлик етишди, деб кўп бетоқат бўлиб йиғлади. Они эшитиб шаҳзода айди: эй онажоним, ман санинг шул хусуматларингни олмасам, бу шаҳар манго ҳаром бўлсин деб, отасидан рухсат олиб ўн минг лашкарга бош бўлиб, Зулумат тарафина кетар бўлди.

Анда Ҳасанхон ўғлини худоға топшириб бир ғазал айди:

От устина минган Рустам нишоним,
Бор болам, ғазотинг муборак бўлсин.
Юрагим қуввати, дарди дармоним,
Олимжон ғазотинг муборак бўлсин.

Дин қиличин кофирлара чопарсан,
Қайтус шоҳдин хусуматинг оларсан,
Кофирлар шаҳрина толон соларсан,
Тўрамжон ғазотинг муборак бўлсин.

Қайтуснинг шаҳрина борсанг саломат,
Солурсан бошина рўзи қиёмат,
Имом Ризо бўлсин санго ҳимоят,
Бор болам, ғазотинг муборак бўлсин.

Шоҳид ўлғон имомлара юз урсанг,
Муртазо равзасин зиёрат қилсанг,
Уч ойға соғ бориб, саломат келсанг,
Тўрамжон ғазотинг муборак бўлсин.

Мададкоринг бўлсин ул шайхи Кабир,
Кофирлар қўлинда бўлмағил асир,
Ул гумроҳ кофирни қилғайсан асир,
Олимжон ғазотинг муборак бўлсин.

Ҳасанхон дер: ўзинг эҳтиёт айла,
Урушга кирганда фаросат айла,
Савашда Алини йиғлаб ёд айла,
Бор болам, ғазотинг муборак бўлсин.

Алқисса, андин сўнг шоҳ Олимжон ўн минг лашкари тўпи тўпхонаси бирлан, бир неча сардорлари бирлан лашкарга бош бўлиб, Ҳасанхондин оқ фотиҳа олиб, қайдасан Зулумат шаҳри деб йўлға равона бўлди. Бир неча кунлар йўл юриб, Қайтуснинг шаҳрина дохил бўлдилар.

Андин сўнг шоҳ Олимжон бобосиға элчи юбормоқчи бўлиб, бир хат ёзди, мазмуни бу турур:

Худонинг бирлигин изҳор айласин,
Бўлмаса шаҳрини вайрон этарман.
Имом арза қилиб мусулмон бўлсин,
Бўлмаса юртини хароб этарман.

Худойимнинг бирлигини билмаса,
Бутпараст йўлидин яна чиқмаса,
Болам деб олдима пешвоз келмаса,
Шаҳрини бошина зиндон соларман.

Манго чиқиб берсин юртнинг хирожин,
Бошидин ташласин мурассаъ тожин,
Бош ғамини есин, кўрсин иложин,
Бўлмаса ер бирла яксон этарман.

Биза лашкар келур Румдин, йироқдин,
Шаҳри Ҳирот дерлар Шому Ироқдин,
Қирқ саркарда келур қирғиз,қозоқдин,
Рўзғорин бошина зиндон этарман.

Шоҳи Олим таваккал дер худоға,
Юз тутарман ул Расули Оллоға,
Айт, мусулмон бўлсин Қайтус подшоға,
Бўлмаса шаҳрини вайрон этарман.

Алқисса, шаҳзода сўзини айтиб тамом қилғандин сўнг, тўрт одам Зулумат шаҳрина элчи бўлиб равона бўлдилар. Қайтуснинг шаҳрина бориб шоҳ Олимжоннинг мактубини чиқариб бердилар. Ҳасанхон подшонинг ўғли ўн минг оломон бирлан устинга келди деб. Қайтус номани кўриб, қаҳри келиб, бир одам борми, шул ўғлонни тутиб олдима келтирса деди. Шу одамға қадди баробари зар берурман, деди. Анда кофирнинг Питнали деган бир маҳрами бор эрди, беш минг тўп, тўпхонаси бирла чиқиб майдонда саф чекди. Шоҳ Олимжон ҳам саф чекдилар. Баҳодирлар майдонға кирар бўлғанда йигитларина қараб кофирлардин озор кўрманглар деб бир сўз айди:

Ғозий беклар қилич уринг,
Кофирлар омона келсин.
Чор атрофдин қуршаб олинг,
Ер юзи ларзона келсин.

Лашкарим келар ҳар ёндин,

Шому шариф, Андижондин,
Умидим Шоҳимардондин,
Қирқ бир соҳиб қирон келсин.

Мусулмонлар шод этинглар,
Дин йўлин обод этинглар,
Ярашганни ёд этинглар,
Пирим Шоҳимардон келсин.

Бош олинг кофир аҳлидин,
Ер титрашур от дамидин,
Беҳиштда ризвон ичидин,
Ничча ҳури ғилмон келсин.

Қон тўкиб ғозий бўлсангиз,
Диннинг душманин қирсангиз,
Ҳар тарфдин от солсангиз,
Бу шаҳар ларзона келсин.

Шоҳи Олим бўлинг мардон,
Бу сирни этдим мен достон,
Титратдинг Курду Гуржистон,
Кофирлар омона келсин.

Алқисса, андин сўнг кофирлар майдона кирдилар. Булар ҳам бир-бир, икки-икки майдона кирдилар. Худонинг улуғ отини ёд этиб, жангу мағлуба кирдилар. Худои табораки таоло мусулмон лашкарина мадад бериб, кофирларнинг лашкарлари қайдасан шаҳри Зулумот деб бадар қочдилар. Қайтус шоҳга бориб айдилар: ё сарвари жаҳон, ё шоҳи Олам, ябти манот ёринг бўлсин, бул келган ўғлоннинг иложини биз топа билмадик деб йиғладилар. Қайтус шоҳнинг қаҳри келиб, ўн минг оломон тўп, тўпхонаси дабдаба бирлан чиқиб келди. Кофирларнинг ҳайбатидин еру кўк титради. Вақти чошгоҳ бўлиб эрди майдонни ораста қилиб, мусулмон лашкари яшил алам тикиб, расми майдон қилдилар. Икки тарафдин полвонлар майдонга кирдилар. Йигирма кун уруш бўлди, мусулмон лашкари босилди. Андин сўнг Қайтусдин ўн тўрт кун муҳлат олдилар. Андин сўнг шоҳ Олимжон отасиға бир сўз айтиб юборгани бу турур:

Хоразм шаҳридин қўш қувватли,
Боши тўп жиғали бекларим келсин.
Ёт кунда ҳар бири Рустам сифатли,
Ўзи мурувватли шерларим келсин.

Уруша кирганда жонидин кечиб,
Ҳар қайси аждардек оғзини очиб,
Маст бўлиб, оғзиндин кўпиклар сочиб,
Булутдин кукрашиб нарларим келсин.

Шоҳи Олим деди: дардим бир пора,
Муножот айладим ҳақ биру бора,
Бир хастаман қулоқ солинг бу зора,
Яхши кароматли пирларим келсин.

Алқисса, андин сўнг ул одам жойидин туриб, рухсат олиб, қайдасан шаҳри Гулстун деб йўлға равона бўлди. Тўрт кунда йигирма кунлик йўлни олиб Гулстун шаҳрига кириб, Ҳасанхонга салом бериб турдилар. Подшо алик олиб айди: Эй бекларим, омон келдингизларми, деб сўради. Одамлар шоҳи Олимнинг номасини чиқариб подшоға бердилар, яна айдилар, эй подшои олам ва эй султони бокарам, ўғлингиз шоҳ Олимжон Қайтуснинг бир лак лашкарина босқи берди, андин Қайтуснинг ўзи келди 40 минг оломонға бош бўлиб. Анинг бирлан ҳам 14 кун саваш қилдилар. Кофирларға ожиз келдик деб бетоқат бўлдилар. Анда Ҳасанхон ҳам бетоқат бўлиб айди, эй акобирлар тамоми Хоразм одамлариға жар солинглар. Худонинг бирлигина, Расулилло барҳақ эканина, ғўччоқларим жам бўлсинлар деб амр қилди. Дарҳол тамоми мусулмонлар жам бўлиб, ўттиз уч минг оломон бўлди. Аларга қараб бир сўз айди:

Хоразм юртининг беги султони,
Бекларим ғазота кетмасам бўлмас.
Шоҳи Олимжоннинг кўпдир армони,
Борибон орини олмасак бўлмас.

Отланинг бекларим кофир устина,
Ғўч йигитлар қилич олсин дастина,
Ман борурман Қайтус кофир қасдина,
Бориб шаҳрин зиндон этмасам бўлмас.

Шоҳи Қайтус дерлар кофирнинг отин,
Вайрон этинг бориб шаҳри Зулмотин,
Ўтға ёқинг анинг лоти манотин,
Шаҳрини мусулмон этмасам бўлмас.

Бекларим олинглар найзаю қалқон,
Садоқ ўқлар бирлан шамшири тездон,
Тўп отинглар шаҳрин қилинглар яксон,
Бир томоша ишлар этмасам бўлмас.

Шайхи Кабир пирим мадад берсинлар,
Эранлар жам бўлиб назар солсинлар,
Баҳодирлар саф-саф бўлиб турсинлар,
Олло акбар дебон чиқмасам бўлмас.

Шоҳ Ҳасан дер: беклар чобук туринглар,
Шаҳзоданинг бориб орин олинглар,

Кофирлар шаҳрина долон солинглар,
Бориб мулкин вайрон этмасам бўлмас.

Алқисса, андин сўнг подшо ичкари кириб, Маликаи Завриёдин рухсат олур бўлди. Кўрса Завриё бечора бошини саждага қўйиб, муножот қилиб йиғлаб ўлтирур. Поко парвардигоро, ўн саккиз минг оламни яратган шаҳзодаи Олимжонни санго топширдим деб, муножот қилди. Подшо айди: эй Завриёжон рухсат берсангиз ғазотга борурмиз деди. Анда Завриё бечора зор-зор йиғлаб Ҳасанхонга қараб бир сўз айди:

Подшоҳим ғазотинг муборак бўлсин,
Дин йўлинда ғозий бўлинг султоним.
Муродингни берсин тангри таборак,
Дин йўлинда ғозий бўлинг султоним.

Ваҳшат отлиғ бир майдонга борурсиз,
Наъра тортиб ул майдонга кирурсиз,
Ҳазрати Алини ёда солурсиз,
Шери даргоҳ ёринг бўлсин султоним.

Қабул бўлғай бандаларнинг дуоси,
Дилимдадур доим ҳақнинг саноси,
Фарзанд экан одамзоднинг меваси,
Тўражонга умр берсин султоним.

Худо учун қайтманг динни йўлидин,
Ғўччоқларим борур Хоразм элидин,
Ёлғизим ҳормасин саваш кунидин,
Оҳу надоматда эрур султоним.

Лашкарни жам айлаб боринг саваша,
Долон солинг бориб ул қизил боша,
Худойим раҳм этгай кўззимда ёша,
Соғ бориб, саломат келинг султоним.

Завриё дер: сўзим айладим тамом,
Ғариб, беклара кўп беринг инъом,
Шаҳзода олдинда айласа икром,
Анинг пирлар ёри бўлсин султоним.

Алқисса, бу сўздин сўнг аркона бика бирла онаси Ҳасанхонга фотиҳа бериб бўлгандин сўнг қайдасан шаҳри Зулумот деб, қирқ минг оломон бирла равона бўлдилар. Андин сўнг бир ойлик йўлни 14 кунда ўтиб Ваҳшат деган бир майдонга яқин бордилар.

Энди сўзни шоҳ Олимжондин эшитинг. Қайтус шоҳдин олғон муҳлати тамом бўлиб, Қайтус шоҳ ҳам майдонга келиб саф чекди. Шаҳзода худои таолоға муножот қилиб Хоразм йигитлари бирлан Ҳасанхон отамни етургайсан, ё худо деб йиғлар эди. Шул вақтда кун ботар тарафидин Хоразм йигитлари

Ҳасанхон подшо қирқ минг оломон тўпу тўпхонаси саф тортиб келдилар. Шаҳзода худои табораки таолоға сиғиниб зор-зор йиғлаб шукр қилиб бир сўз айди:

Шукр ҳақнинг даргоҳина,
Беклар кўринди, кўринди.
Сиғиндим зоти покина,
Хонлар кўринди, кўринди.

Ислом қиличларин чакиб,
Рақибларнинг жонин ёқиб,
Буғдақ-буғдақ лашкар чакиб,
Тўплар кўринди, кўринди.

Рустами достон бўлмоқа,
Майдонда наъра тортмоқа,
Ғанимдин ўчин олмоқа,
Лашкар кўринди, кўринди.

Ғўч бекларим жондин кечиб,
Ғанимларнинг қонин ичиб,
Аждарҳодек оғзин очиб,
Шерлар кўринди, кўринди.

Келдилар жондин кечмака,
Ботил йўлларни очмоқа,
Оғзидин дурлар сочмоқа,
Нарлар кўринди, кўринди.

Ҳақ учун хизмат қилмоқа,
Кофир ғанимни қирмоқа,
Шаҳзодаға ёр ўлмоқа,
Пирлар кўринди, кўринди.

Алқисса, шаҳзода отасининг олдиға пешвоз чиқиб салом берди. Отаси алик олиб, эй болам, кофирлардин хўрлик кўрибсиз деди. Шаҳзода ҳам бошидин ўтган саргузаштларини айтиб тамом қилди. Кун кеч бўлиб, икки лашкар икки тарафда ётиб, эрта тонг яна майдонға саф чекдилар. Кофирлар ҳам саф чекиб, майдонға кирдилар. Бу тартиб бирла ўн тўрт кун урушиб Қайтус шоҳнинг бир ўғли бор эрди. Отина шоҳ Мамад дер эрдилар. Беш юз полвон бирла майдонға кирди.

Андин сўнг шаҳзода отасидин рухсат тилаб, бу ҳам беш юз киши бирлан майдонға кириб, ўн минг оломонға бош бўлиб, уруш қилди. Худои таоло шоҳ Олимжонға ҳиммат бериб, Қайтуснинг ўғлини бошини кесиб, икки нимта баробар қилди. Андин сўнг Қайтус шоҳ ўғлини кўриб, жонина ўт тушиб, майдонға кириб, жанг мағлуба қилди. Андин сўнг Ҳасанхон ҳам пирларини ёд қилиб от қўйдилар. Алқисса, 20 кун саваш қилдилар. Кофирлар босилиб ўн

минг оломон бирла қайдасан шаҳри Зулумот деб бадар қочдилар. Кофирларнинг калласидин каллаи минора кўтардилар. Энди сўзни шоҳ Олимжондин эшитинг. Уч минг оломон бирла Қайтуснинг изидин равона бўлиб Зулумот шаҳрига кириб, кофирларни кўп қириб Қайтусни боргоҳина борди. Қайтус шаҳзодани кўриб тахтидин ташлаб оёқиға йиқилиб гуноҳини тилаб бир сўз айди:

Ўт гуноҳим, шоҳи Олим,
Аломон болам, аломон.
Жигаргўшам будир нолам,
Аломон болам, аломон.

Яна шаҳримдасан меҳмон,
Неча йиллар сургил даврон,
Юрак бағрим бўлди вайрон,
Аломон болам, аломон.

Шоҳ Олимдур отинг санинг,
Шаҳзодадур зотинг санинг,
Шоҳимардон ёринг санинг,
Аломон болам, аломон.

Қирқ кун бўлди саваш этдинг,
Ничча йигитим лош этдинг,
Шаҳримни қириб бўш этдинг,
Аломон болам, аломон.

Завриёжон жигарбандим,
Шоҳи Олимжон хурсандим,
Нуридийдам, жон фарзандим,
Аломон болам, аломон.

Шоҳ Қайтус сан чекма армон,
Ҳар бир сўзинг дарда дармон,
Меҳмоним шоҳи Олимжон,
Аломон болам, аломон.

Алқисса, андин сўнг шоҳ Олимжон айди, мусулмон бўлинг, деди. Ҳамма одамлар мусулмон бўлдилар. Қайтус мусулмон бўлмади. Икки қўлини орқасиға боғлаб, отға миндириб, оёғига кишан солиб қўйдилар. Шул вақтда Ҳасанхон подшо ҳам келди. Шаҳри Зулумотға кириб қирқ кун тўю томоша этиб, бутхоналарини йиқиб, ўрниға масжид, мадраса бино қилдилар. Ўзларидин ҳоким қўйиб, минг беш тевага мол юклаб, соғ-саломат ўз юртларига қайтдилар. Аммо шоҳ Олимжон ғазотга чиққанда Қайтусни тирик тутиб келмасам муродим ўрниға тушмас деб эрди. Онинг учун Қайтусни боғлаб шаҳри Гулстунға олиб келдилар. Шаҳзода кириб онасиға салом бериб айди: Эй, онажон сани қўлингни кесиб зиндонға солғон кофирни олиб келдим.

Онасининг назаринда ўлдирмоқчи бўлиб қиличини кўтарди, анда Қайтус шаҳзодаға қараб зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Шоҳ Олим бу сўзима қулоқ сол,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.
Умрингни айласин яратган узоқ,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Шаҳри Зулумотим айладинг хароб,
Жонима, танима тушди изтироб,
Раҳм айлагил менинг ҳолима қараб,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Ман ҳам ўз шаҳримнинг султони эрдим,
Ничча турлик дарда дармони эрдим.
Шоҳ Мамаджон ўғлимни қурбони эрдим,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Қайтус шоҳ дерман таажжуб этарман,
Рухсат берсанг ўз юртима кетарман.
Ҳарна десанг сўзинг қабул этарман,
Дейма манго бир оллони ҳурмати.

Алқисса, Қайтус шоҳ бу сўзни тамом қилғондин сўнг шаҳзода айди: ҳеч вақт илгари эгри оғоч тўғри бўлмас деб, шамширини чиқариб андоғ урдиким, воҳ болам деб етти марта юмаланди. Андин сўнг Ҳасанхон подшо 40 тева мол бирлан Гулстун шаҳриға бориб, 40 кеча-кундуз тўй-томоша бериб, ғариб бечораларға кўп хайр-эҳсон қилди. Андин сўнг маликаи Завриё бирла айшу ишратга машғул бўлдилар.

Энди сўзни шаҳзодадин эшитинг. Беш юз барно йигит бир неча олғир қуш, юкурак тозилар бирлан шикор қилур эрди. Бир оқшом ётиб эрди. Шаҳзоданинг тушиға Сўнажон деган бир паризод кириб, ошиқи беқарор бўлди. Бир куни шикорда беқарор бўлиб юриб эрди. Уйқу ғалаба қилиб ухлади.Тушинда 40 зоти шариф атрофини олиб айдилар, эй шаҳзода не учун йиғлаб ётибсан деб туриб эрдилар, шул вақтда мағриб тарафидин 40 паризод тамоми ниқоб кийиб, юзларидин ниқобини олиб салом бердилар. Шаҳзода алик олди тушинда қизни кўриб беқарор бўлиб турганида ул зоти шарифлардин бири айди. Бу йигитга Зевар подшонинг қизи насиб бўлғондир деб ғойиб бўлдилар. Шаҳзода беқарор бўлиб, тушинда кўрганларини, паризодларини баён қилиб, ўзининг бекларина қараб бир сўз айди:

Эй ёронлар бир маслаҳат қилинглар,
Бир бўлак парилар салома келди.
Мунажжимлар китоб очиб кўринглар,
Билмам на сабабдин салома келди.

Олти киши келди қўли асоли,

Бирисининг сўзлари кўп мазоли.
Бири пари ниқобдор қўли хиноли,
Бир чаман даста гул инъома келди.

Ҳар бири сўзлидур оғзини очиб,
Ҳар пари оғзидин дурларни сочиб,
Юзинда ниқоби парилар қочиб,
Алдима яхшилик нишона келди.

Ёнима келдилар ул паризодлар,
Бўй туби экан, қадди шамшодлар,
Кийгани яшилдур ниқобдур юзлар,
Тиллари ҳақ зикри калома келди.

Қирқ паризод жам бўлибон келдилар,
Манинг ақлим хаёлимни олдилар,
Сўнгра боша тоза ниқоб солдилар,
Бири зулф суман салома келди.

Шаҳзода дер: энди гирён бўлибман,
Ҳусни латофатга ҳайрон бўлибман,
Қора зулфин кўриб гирён бўлибман,
Шаҳзоданинг ақлин билмоға келди.

Алқисса, андин сўнг шаҳзода беқарор бўлиб, шикор қилиб юраберсин, эмди сўзни бошқа ердин эшитинг. Ҳоқони Чин вилоятинда бир шаҳар бор эрди. Отиға Мушкинработ дер эрдилар. Анда қирқ қиз, ёнинда бир паризод бор эрди, отина Сўнажон паризод дер эрдилар. Қирқ канизаги бор эрди. Шоҳ Олимжон туш кўрган оқшоми паризод ҳам туш кўриб эрди. Оти зоти шарифлар Сўнажоннинг атрофини олиб айдилар. Эй, Сўнажон фарзандим. Сани Хоразм мулкида Ҳасанхон подшонинг ўғли шоҳи Олимжонга насиб қилди деб ғойиб бўлдилар. Сўнажон ўрнидин турса ҳеч ким йўқ эрди. Бир оҳ уриб йиқилди. Яна кўзина уйқу келиб, туш кўрди. Сўнажоннинг қўлинда бир даста гул очилмиш, ул вақтда ҳаводин бир булбул келиб, шу гулдин тўрт япроқни олиб ғойиб бўлди. Сўнажон жойидин уйғониб кўрса ҳеч ким йўқ турур. Сўнажон кўп бетоқат бўлиб, канизакларина айди: эй канизакларим, тушимда бир даста гул қўлимга олиб эрдим, ҳаводин бир булбул келиб, минқори бирла тўрт япроғини олиб қочди, деди. Кўп йиғлади. Анда қизларнинг ичинда бир қиз бор эрди. Шул қиз айди: Эй Сўнажон санинг ҳуснинг чамангул ёринг Хоразм подшосининг ўғли шоҳи Олимжон булбул бўлиб, санго бетоқатлик солибдур, деди. Анда Сўнажон айди, булбулнинг макони боғда ман гул бўлсам, ёрим гулдин нечук жудо бўлибдур деб, юз нози жилва бирла соллониб бир сўз айди:

Ҳуснинг бир гул бўлса ёрим бир булбул,
Мунда келиб, гулзоринда сайрасин.
Юзим анор бўлса сочларим сунбул,

Мунда келиб, хушовозда сайрасин.

Ким бориб келтирса бўлурман қурбон,
Бу Юсуф нишоним дардима дармон,
Оти шоҳи Олим нозанин ўғлон,
Ошиқ бўлса бу жойларда сайрасин.

Тўтиға мангзийдур онинг овози,
Суҳбат бирла ўтар қиш ҳам ёзи,
Булбулигўёдир ёрим овози,
Хушовозим бу гулзорда сайрасин.

Қўлимға бир чаман гул олдим ёна,
Булбул баргин олиб учди ҳамона,
Энди юзин кўрмак манго гумона,
Мунда келиб ошиқона сайрасин.

Ғофил бўлиб йўл юрибман майдонда,
Дилбарим қўймасин доғи ҳижронда,
Булбулнинг макони боғи бўстонда,
Булбул бўлса бу бўстонда сайрасин.

Сўнажон тушимда кўрдим жамолин,
Тиларман тангридин онинг висолин,
Ман била билмадим онинг хаёлин,
Булбул қушим ошиқона сайрасин.

Алқисса, андин сўнг Сўнажон бетоқат бўлиб, йиғлаб айди, ҳар ким шу ўғлонни манинг ёнимға олиб келса қадди баробари зар берурман, деди.

Қизларнинг ичинда бир қиз бор эрди, отиға Зебо дер эрдилар. Ул айди, эй Сўнажон ул шаҳзода бўлса, анинг юртиға Хоразм дерлар, отиға шоҳи Олимжон дерлар. Мундин қирқ кунлик йўл турур. Жавоб берсанг, инъомини ҳам кўп берсанг иншолло, ман бориб келарман, деди. Анда Сўнажон айди, агар сан бориб олиб келсанг санго кўп инъомлар бериб сарафроз қилурман,деди. Сўнажон илми нужумни билур эрди. Бир дуо ўқиб дам солди, дарҳол Зебо канизак бир кўк қуш бўлиб, қанот қоқиб ҳавоға чиқиб қайдасан шаҳри Хоразм деб кўздин ғойиб бўлди. Эмди Сўнажон 40 канизи бирлан ҳар ёна боқиб, товусдек товланиб кўшк устинда ётаберсин, сўзни Зебожондин эшитинг. Тўрт соатда шаҳзоданинг лашкарининг орасина бориб тушди. Ярим оқшом бор эрди, шаҳзода беш юз йигит бирла ўлтириб эрди. Зебо қиз ўзига дам солиб, аслина келди, Шаҳзоданинг ёниға бориб, бир исми аъзам ўқиб, шаҳзодани беҳуш қилди. Бир сандиқа солиб, дарёға ташлаб, ўзи яна бир кўк қуш бўлиб, устина миниб бир исми аъзам ўқиб қайдасан шаҳри Мушкинработ деб кетаварсин, қирқ кунлик йўлни тўрт соатда олиб, Мушкинработға бориб, сандиқни олиб, боға киргизди. Эрса Сўнажон қирқ канизи бирлан сандиқни очиб кўрса, бир йигит ўн тўрт кечалик ойдек бўлиб ётур. Дарҳол дуо ўқиб, дам солди. Шаҳзода

ўзига келиб, қараса бир боғда қирқ қизнинг орасинда ҳайрон бўлиб ётур. Айдики, эй қизлар ман сизларни танимадим. На одамсизлар деб бир сўз айди:

Эй шўхи паризодлар, бу боғни на боғ дерлар?
Чун қомати шамшодлар,бу боғни на боғ дерлар?
Рухсори чаман гуллар, бу боға на боғ дерлар?
Эй кокили сунбуллар,бу боғни на боғ дерлар?
Ҳайронда бўлиб қолдим, бу боғни на боғ дерлар?

Бу боғ эгаси кимдур, кўйинда гадо бўлдим,
Жафоси ажойибдур,ҳажринда адо бўлдим,
Бас шаъми жамолиға, ман эмди гадо бўлдим,
Ўз мулки диёримдин, во олло жудо бўлдим,
Ҳайронда бўлиб қолдим, бу боға на боғ дерлар?

Ким айтар Ҳасанхонға, бу оҳи фиғонимни,
Ул ҳоли паришонимни,бу сирри ниҳонимни,
Маълум ким этар эмди, юртимни нишонимни,
Олло ўзи еткургай,каъбамға саломимни,
Ҳайронда ман эй жонон, бу боға на боғ дерлар?

Бу боғда нишоним бор,ул сочи суманлардин,
Булбул овози ўчмас, бу гули чаманлардин,
Кўнглим уза билмасман, ул рухсори гуллардин,
Сизлардин умидим бор,гул юзли санамлардин,
Ҳайронда ман эй дилбар, бу боға на боғ дерлар?

Шаҳзода Олим дер бу, боға ман ўзим меҳмон,
Бир неча паризодлар, кўнглимда эрур армон,
Эй ёри паризодлар, мен барчангизга қурбон,
Ақлимни тамом олған,бу боғ ила бу бўстон,
Ҳайронда ман эй ҳоқон, бу боға на боғ дерлар?

Алқисса, шаҳзода бу жавобни тамом қилғондин сўнг қизлар айдилар: бу боға Мушкинработ дерлар. Анда шаҳзода айди: Сўнажон деган қизни манго кўргазинглар, тушимда азизлар ани манго берибдур эрди деди. Қизлар хуш бўлғай деб, Сўнажон паризодни келтириб, юзидин ниқобини олиб қўйдилар. Эрса Сўнажоннинг жамолиға шаҳзоданинг кўзи тушди. Кўрса ўн тўрт кечалик ойдек юзи шуълавор бўлиб турар эрди. Шаҳзода Сўнажонни кўриб, андоғ ошиқ бўлдиким, Лайли бирла Мажнундек, Ширин бирла Фарҳоддек андин сўнг даврон сурмакчи бўлғонда шаҳзода айди: эй, Сўнажон энди отам ва онамизға хабар берсангиз, манинг учун аларнинг аҳволлари паришон бўлиб, чўлларда саргардон бўлиб юрмасинлар, деди. Анда Сўнажон айди: андоғ бўлса, сиз бир хат ёзсангиз, ман муҳримни боссам яхши бўлур деди. Андин сўнг меҳрангиз жодуга бир қиз қўшиб юборурман,деди. Алар қуш бўлиб ота ва онангнинг бошини устинда қўйиб қайтарлар деди. Андин сўнг шаҳзода қўлина қоғоз олиб хат ёзди. Мазмуни бу тариқа турур ким: «Қиблагоҳим отам ва меҳрибоним

онамға маълум бўлсинким ман Мушкинработ шаҳриндаги Зеваршоҳнинг қизи Сўнажон паризоднинг боғинда турурман. Иншолло уч ойға борурман» деб хатға муҳр қилиб, Зебо канизакка бериб тезроқ бор деб салом айтиб юборди.

Мундин борсанг ул Гулстун шаҳрина,
Хоразм шоҳлара салом дегайсан.
Манинг учун кўзларидан қон оққан,
Мотамнишонлара салом дегайсан.

Ман мунда чекарман оҳу надомат,
Алар анда бўлғай соғу саломат,
Дўсту душман анга қилур маломат,
Ул мушкин Работға меҳмон дегайсан.

Бир неча кун мунда меҳмон бўлурман ,
Бу еринг ҳолини яхши билурман,
Соғ бўлсам уч ойга яна борурман,
Ёру дўстларимға салом дегайсан.

Манинг учун дуо қилсин эранлар,
Юртимдаги ёру пиру эшонлар.
Фарзандим деб бағри бирён бўлғонлар,
Руҳи равонимға салом дегайсан.

Шаҳзода дер: мунда бўлибман ҳайрон,
Жудолик дардидин кўзларим гирён.
Шаҳримни эгаси ҳазрати Полвон,
Шайх Кабир пиримга салом дегайсан.

Алқисса, шаҳзода бу сўзни айтиб тамом қилғондин сўнг, Зебо қиз сеҳр-жоду бирлан ўзига дам солиб, дарҳол бир қуш бўлиб, шаҳзоданинг салом номасин олиб, ўзини ҳавоға олиб кўздин ғойиб бўлди. Уч соатда Хоразм юртиға бориб, Ҳасанхон подшо бирлан Завриёнинг ёниға борса иккиси ҳам уйқуда ётур. Хатни бошини учинда қўюб қайта берди. Яна уч соатда қайтиб келиб, афюн ўқиб, дам солиб, канизак бўлиб, Сўнажон бирла шоҳ Олимжоннинг хизматиға келди. Ондин сўнг Сўнажон кўп инъомлар берди. Энди Мушкинработда айш-ишратга машғул бўлиб ётдилар. Бир кун шоҳ Олимжон Сўнажоннинг юзига назар солиб қараса, ўн тўрт кечалик ойдек бўлиб боғни мунаввар қилур, ҳар вақт шамол эсар бўлса зулфлари юзини устинда алвон-алвон жилва берур эрди. Шунда шаҳзоданинг завқи келиб бир сўз айтди:

Сўнажоннинг ҳар бир зулфи,
Жаҳон баҳоси эмасму.
Оқ юзлари жаҳон хўби,
Жаннат нишони эмасму.

Соллониб берган саломинг,

Ошиқни ақлин олғонинг,
Букланиб таъзим қилғонинг,
Жаҳон хирожи эмасму.

Боғ ичинда чаман гуллар,
Сайрашур шайдо булбуллар,
Сунбул сочли кўп санамлар,
Ҳуснингга муҳтож эмасму.

Паризодим билдим ҳолинг,
Лабларингдин оқар болинг,
Оқ юзингда дона холинг,
Жаҳонга арзон эмасму.

Мушкинработдир элларинг,
Боғингда алвон гулларинг,
Ҳушқомат, нозик белларинг,
Нурмати гардон эмасму.

Шаҳзода дер: сўзим тамом,
Хизмат қилсам алал давом.
Сўнажонга қилдим икром,
Баҳолар арзон эмасму.

Алқисса, андин сўнг икки ошиқ беқарор бўлиб, кўшк устинда даврон сурмакка машғул бўлдилар. Кунлардин бир кун Сўнажон шаҳзоданинг юзига қараса, заъфарондек сарғайиб турур. Сўнажон айди: Эй шаҳзода, бу боғим қирқ танобдир, ичинда икки кўшким бор турур. Бирига манзиларо дерлар ва яна бирига Мушкинработ дерлар. Сиз фароғат ётинг, ман бориб бир таом тайёр қилурман, деб шаҳзодага жой солиб бериб ётқизди. Ўзи қирқ қизи бирлан яна кўшкина бориб таом тайёр қилди.

Аммо Сўнажоннинг бир канизаги бор эрди. Отиға Шаҳрибону дер эрдилар. Кўнглидин шаҳзодаға ошиқ эрди. Шаҳзодани ғофил топиб ёнина келди. Кўрса шаҳзоданинг сийнасини шамол очиб ётибдир. Мисоли ўн тўрт кечалик ойдек. Они кўриб ишқи зиёда бўлиб, юрагина бир қалтиратма тушиб, шаҳзоданинг қўйниға кирди. Шаҳзода уйқу орасинда Сўнажон хаёл қилиб қучоғина олди. Кўзини очиб кўрса Сўнажон эрмас. Шаҳзода айди: Эй канизак, қўрқмасмисан мани қучоғима кириб ётмоқа? Анда Шаҳрибону айди: Эй шаҳзода ман бир парвона бўлсам, ўлсам айб эрмас, деди. Яна ҳам сенинг жамолингни кўргандин сўнг на ҳолда бўлғонимни билмадим деб шаҳзодага қараб бир сўз айди:

Шаҳзодаға қурбон бўлсам бир замон,
Мен ҳам сани харидоринг эрурман,
Худойим сақласин балодин омон,
Ман ҳам санинг харидоринг эрурман.

Раҳм айлағил узрин айтган гадоға,
Юз тутарман бир яратган худоға,
Тўрам манинг жоним сиздин садоға,
Ман ҳам санинг дуогўйинг эрурман.

Сен келибсан Хоразмнинг элиндин,
Қачон парвоз этдинг чаман гулингдин,
Энди қучсам ёрим нозик белингдин,
Ман ҳам санинг интизоринг эрурман.

Ошиқ бўлғон ҳазар этмас ўлимдин,
Боғбон бўлиб терсам тоза гулингдин,
Маъшуқ бўлиб қучғил нозик белимдин,
Ман ҳам санинг харидоринг эрурман.

Алқисса, Шаҳрибону бу сўзни тамом қилғонидин сўнг шаҳзода йиғлади. Андин сўнг Сўнажон паризод бир неча қизлари бирлан тўққиз турли таом, тўққиз турли шоҳона либос кўтариб манзиларо кўшкина келиб кўрса, шаҳзода кўзидин гулгун ёш тўкиб йиғлаб ўлтирур. Сўнажон паризод шаҳзоданинг олдиға бориб салом берди. Шаҳзода саломини олмади. Сўнажон йиғлаб айди: эй шаҳзода қурбонингиз кетайин, сиза на бўлди деб уч марта сўради, шаҳзода жавоб бермади. Сўнажон шаҳзоданинг жамолина қараб, юз нозу ишва бирла товусдек товланиб бир ғазал айди:

Қурбонинг бўлайин гул юзли ёрим,
Сўзла навжувоним сиза на бўлди?
Кўнглимнинг қуввати дарди дармоним,
Сўзла паризодим сиза на бўлди?

Кўзингдин сочмағил ҳар замон ёшинг,
Бошима тегмасин маломат тоши,
Сиздин ўзга йўқдур кўнглимнинг хуши,
Сўзла интизорим сиза на бўлди?

Хоразм шаҳриннан келган меҳмоним,
Юртимнинг эгаси давлат нишоним,
Иззатли, икромли руҳи равоним,
Айт Юсуф, нишоним сиза на бўлди?

Не сабабдин кўнглинг маълул этарсан,
Кўп йиғлама муродингга етарсан,
Манго бугун сўзинг пинҳон этарсан,
Сўзла навжувоним, сиза на бўлди?

Сўнажон дер: дарда дармон бўлурман,
Тўрам сани хаёлингни билурман,

Санинг учун ўзим дарда солурман,
Айт азиз меҳмоним, сиза на бўлди?

Алқисса, Сўна паризод бу сўзни айтиб тамом қилғондин сўнг, шаҳзода айди: санго бу боғ муборак бўлсин, манго жавоб бергил кетарман, деди манинг ота-онам учун кўнглим паришон, кўзларим гирён турур. Анда Сўнажон айди:эй ёрим, мандин нечун кўнглингиз қолди деб, қўлини шаҳзодани бўйниға солиб йиғлади. Анда шаҳзода айди:эй Сўнажон сиздин икки дунёда кўнглимни узмасман, аммо уйқуда эрдим. Шаҳрибону канизак қўйнима кириб, кўп озор берди. Ман подшозода бўлсам, манго мунча азоб даркор эрмас деб кўп йиғлади. Анда Сўнажоннинг қаҳри келиб қирқ канизакка амр қилди. Шаҳрибонуга 500 қамчи урдилар. Андин сўнг шаҳзода Сўнажон бирла даврон суриб ётаберсин. Энди сўзни Шаҳрибонудин эшитинг. Сўна паризоддин бу хусуматларни кўргандин сўнг йиғлаб, Зеварподшонинг хизматиға борди. Подшо айди:эй Шаҳрибону на сабабдин йиғларсан? Анда Шаҳрибону айди: эй подшоҳим ва эй Султони бокарам, айтсам сиздин қўрқарман, илтимосим жонимға дард бўлар, айтмасам бўлмас деди. Анда Зевар подшо айтғил, деди. Анда Шаҳрибону подшоға қараб бир сўз айди:

Шоҳим боринг Сўнажоннинг боғина,
Ошиқларнинг томошасин кўрарсан.
Сол бориб аларни ҳижрон доғина,
Бир тўранинг нишонасин кўрарсан.

Қирқ кун бўлди боғ ичинда бир ўғлон,
Сўна бирлан мудом сурарлар даврон,
Ўзи нозик ўғлон, бир Юсуф нишон,
Ул йигитнинг томошасин кўрарсан.

Исми аъзам бирлан келди ул боға,
Шоҳим ман бўлайин сиза садоға,
Шугун чобук боринг манзил ароға,
Сўнажоннинг томошасин кўрарсан.

Қирқ кун бўлди беҳад даврон сурдилар,
Бир-бирини бўйнина қўл солдилар,
Кўп урдилар мани, изо бердилар,
Золим ўғлон ҳангомасин кўрарсан.

Бону айтар: шоҳим боринг бу замон,
Даврон учун анда қурилғон низом,
Бодалар тайёрдур бир ёнда алвон,
Ошиқларнинг томошасин кўрарсан.

Алқисса, бу сўзни тамом қилғондин сўнг подшо айди:эй Бону, бу сўзингни маъноси не турур, деди. Анда Бону айди:эй подшоҳим, айтсам сиздин

қўрқарман, айтмасам жонимға дард бўлар деди. Анда подшо айди, айтғил, гуноҳингни ўтдим деди. Бону айди, эй подшоҳим, Сўнажон бирла Хоразм шаҳзодаси Мушкинработдаги манзиларо кўшкида айш-ишрат қилдилар деди. Бу сўзга подшо дарғазаб бўлиб, ҳар туклари найзадин либосларини тешиб чиқди. Одамларина амр қилди: боринглар, шул сўзлар рост бўлса, иккисини ҳам қатл қилинглар. Дунёға келмагандай бўлсин, деди. Андин сўнг икки юз киши тиғи обдорни олиб, боға қараб, равона бўлдилар. Энди сўзни Сўнажондин эшитинг. Шаҳрибонуға қамчи ургандин сўнг бу бадбахтдин бир иш чиқар деб қирқ канизакина қуръа ташлаб ўлтириб эрди. Қуръада андоғ чиқдиким, подшонинг икки юз жаллоди йиғилиб келур эрди. Агар келсалар бир воқеа бўлмасин, деб Сўнажонға қараб қирқ канизи бир сўз айди.

Сўнажоним ғофил бўлманг,
Бир даҳшатли ғавғо кўрдик.
Бу манзилда ором олманг,
Бу қуръани ёмон кўрдик.

Турманг энди золим келар,
Келса санинг ҳолинг билар,
Кўп ҳарисдан жудо қилар,
Бу сўзни каломни кўрдик.

Бордир санинг азизларинг,
Яна соҳиб тамизларинг,
Изингда қирқ канизларинг,
Мотамли нишона кўрдик.

Эмди дўстим бўлманг ҳайрон,
Кўп йиғладик кўзлар гирён,
Отанг олдинда Сўнажон,
Қирқ шамшири обдор кўрдик.

Зимистона дўнмасин ёз,
Энди қурманглар, суҳбат-соз,
Устингда айлади парвоз,
Ажалнинг шамолин кўрдик.

Қуръадоз дер: сўзим адо,
Сиза жоним бўлсин фидо,
Бир-бирингдин бўлинг ризо,
Жудолик нишонин кўрдик.

Алқисса, андин сўнг Сўна паризод айди: Эй канизакларим, бу сўзларингиз жонимға дард бўлди, воқеа на турур? Қизлар айдилар: Сўнажон, икки юз паҳлавон қирқ жаллод шул вақтда отанг ҳам боға кирган бўлсалар керак дедилар. Бизлардин рози бўлинг, деб, беқарор бўлдилар. Анда шаҳзода айди: водариғ армон бирла ўларман, отам-онам, хешу акрабом мандин жудо

бўлдилар деб кўп йиғлади. Анда Сўнажон айди, эй шаҳзода сан бу ишга ғамнок бўлмағил, бу ишларнинг иложини кўрармиз деб шаҳзодага тасалли берди. Шул вақтда қирқ жаллод, икки юз полвон бирлан Зеваршоҳ келди. Анда шаҳзода бетоқат бўлиб йиғлади. Сўнажон айди, эй шаҳзода сизга келган балоға иншолло ўзим қалқон бўлурман деб бир исми аъзам ўқиб, шаҳзодаға дам солди, шаҳзода бир тўти қуш бўлиб,ани олтиндин бўлғон қафасға солиб, бир ёғочдин осиб қуйдилар. Андин сўнг подшо дарқаҳр бўлиб, Сўнажоннинг ёниға кирди. Дарҳол Сўнажон чобук кўтариб салом берди. Подшо жавоби салом бермади. Андин сўнг подшо айди. Эй Сўнажон, рост айтғил, йўқ эрса ўларсан деди. Сўнажон айди, эй подшоҳим, сиз сўранг ман жавоб берурман деди. Анда подшо айди: бу боға келган ўғлон қайда турур? Шуни манго кўргазгил, йўқса ажалға гирифтор бўлурсан деди. Анда Сўнажон паризод айди, бу боға қуш келса қаноти куяр, қулон келса туёғи куяр, кимнинг ҳадди бор бу боға кирмакка деди. Подшонинг бир неча қуръадози бор эрди. Амр қилдики қуръа ташланглар деб, шул ўғлоннинг келгани ростму ё ёлғонму деди. Алар ҳуш бўлғай деб илми нужум ишлатиб қуръа ташладилар. Кўрсалар шаҳзоданинг келгани рост. Эмди ғойибға ўхшайди деб маслаҳат қилиб айдилар. Шаҳзоданинг келгани рост десак, топинглар деб амр қилур, ёлғон дермиз дедилар. Сўнажонға яхшилик қилали, албатта Сўнажон қадримизни билур деб маслаҳат қилиб айдилар, бу боға ҳеч ким келгани йўқ турур, ёлғон сўздур,дедилар. Анда Зеваршоҳ ҳушвақт бўлиб, Сўнажонға қараб бир сўз айди:

Бу боғда бўлсин маконинг,
Инондим болам инондим.
Кўпдир изингда душманинг,
Инондим болам инондим.

Билдим фарзандим, поксан,
Бир сабабдин дардноксан,
Шукр оллоға сан ҳақсан,
Инондим болам, инондим.

Сансан манинг гул узорим,
Фарзандим, кўнглим мадорим,
Сўнажоним- Зулфиторим,
Инондим болам, инондим.

Керак бўлса сим ила зар,
Ман берурман лаъли, гавҳар,
Билдим санда кўпдир ҳунар,
Инондим болам, инондим.

Маконингдур Мушкинработ,
Манзилларинг бўлсин обод,
Душманларинг бўлсин нобуд,
Инондим болам, инондим.

Зеваршоҳ дер: бўлинг омон,
Эмди манда йўкдир гумон,
Манга йўлдош нури имон,
Инондим болам, инондим.

Алқисса, андин сўнг Сўнажон отасиға қуллуқ қилди. Подшо ўз маконига кетаберсин, Сўнажон шаҳзодани олтин қафасдин чиқариб кўрса, юзлари ўн тўрт кечалик ойдай бўлиб турур. Икки ошиқ даврон сурмака машғул бўлдилар. Оқшом ётиб эртанг кўрсалар, жума куни эрди. Подшо айтиб эрди, эй Сўнажоним, жума куни саломға келгил, деб. Шул сўзи ёдиға тушиб, Сўнажон кетар бўлди. Анда шаҳзода айди, сан кетсанг мани мунда қўймаслар деди. Анда Сўнажон паризод айди, отам келганда сизни тўти қилиб, ўлимдин нажот бердим, яна илож этарман деб исми аъзам ўқиб дам солди, бир чаман гул бўлди. Бошина санчиб, қизлар бирла отасининг ёниға салома борди. Шоҳи Зеварга салом берди. Шоҳ саломина алик олди. Аммо Шаҳрибонуни Сўнажон урғандин сўнг Зеваршоҳнинг хизматинда бўлиб юрур эрди. Сўнажоннинг бошиндаги гулдек гул жаҳонда йўқ турур, ани олиб қолинг деди, подшоға, сизга муносиб гул эркан. Анда Сўнажоннинг юзи заъфарондек сарғайди. Шул вақт маҳрамлар айдилар: қайси мазҳабда бор, қизининг гулини отаси олғон деб айдилар. Агар Сўнажоннинг юз чаман гули бўлса ҳам олмасман деб жавоб берди, подшо.

Қиз отасининг ёнидин чиқиб қайтди. Зеваршоҳ айди, Сўнажонни узатиб келгил, эй Бону деди. Анда Шаҳрибону чиқиб, Сўнажондин қўрқиб бормади, чиқмаса подшодин қўрқди. Ноилож бўлиб чиқди. Они кўриб Сўна паризодни қаҳри келиб, бир исми аъзам ўқиб, дам солди. Бонуни бир эшак қилиб, Хорозмонға бердилар. Андин сўнг Сўнажон қирқ қизлари бирла соллона-соллона манзиларо кўшкина бориб бир-бирлари бирлан даврон сурдилар. Сўнажон айди, эй шаҳзода манинг ҳунарларимни томоша этиб кўрдингизми, деб шодмон бўлиб ўлтирдилар. Яна Сўнажон эй шаҳзода сизнинг шаҳрингизда мундоғ ҳунарлар борми, деди. Анда шаҳзода ҳам ўзининг шаҳрини таърифлаб бир сўз айди:

Бизнинг элларни Сўнажон,
Сафоли боғлари бордур.
Боғчаларда юз минг алвон,
Сарчаман гуллари бордур.

Шакардин ширин сўзлари,
Наргисдек қаро кўзлари,
Холис санго ўхшашлари,
Саодатли пири бордур.

Ўрдаклари ғоза мангзар,
Суҳбатлари соза мангзар,
Қиш кунлари ёза мангзар,
Хушҳаво жойлари бордур.

Нафсига қилган маломат,
Имони бордур саломат,
Ўзлари аҳли каромат,
Улуғ эшонлари бордур.

Ҳақ йўлинда тоат қилғон,
Ғанимлардин орин олғон,
Болам деб зор-зор йиғлаган,
Хоразм шоҳлари бордур.

Шаҳзода дер ақлим олғон,
Мисли жаннат нишон бўлғон,
Боғи эрамга ўхшаган,
Гулстун жойлари бордур.

Алқисса, шаҳзода бу таърифни қилғонидин сўнгра паризод ҳам ҳавас бўлди. Иккаласи бир неча кун айш-ишрат бирлан бўлаберсинлар. Кунлардин бир кун Сўнажон шаҳзодани паришон кўриб, юзина қараса заъфарондек сарғариб турур. Паризод айди: сиз мундоқ туринг, ман Мушкинработдан шоҳона либослар келтирайин деди. Энди шаҳзода Манзиларо кўшкида ётаберсин. Сўзни Зеваршоҳдин эшитинг. Кунлардин бир куни шоҳ қизи кўнглига тушиб, қирқ маҳрами бирла қизини кўшкина келиб кўрса бир нозанин ўғлон ётиб турур. Андоғ қаҳри келди. Ҳар туклари найзаи обдордек бўлиб, либосларини тешиб чиқди. Жаллодларға буюрди бу ўғлонни олиб чиқиб юз пора қилинг деди. Анда қуръадозлар айдилар. Бу ўғлонни на сабабдин ўлдирурсиз, дедилар. Анда Зеваршоҳ айди, Шаҳрибону айтғон ўғлон шул бўлмасин деди. Сўнажондин инъом олғон қуръадозлар айдилар: бизлар қуръа бирлан билурмиз. Бу ўғлон бу жойни қодоғон эрканини билмай ётғон турур деб жавоб бердилар. Анда подшо айди. Андоғ бўлса зиндонга солинг, деди. Подшонинг бир зиндони бор эрди, саксон газ, отина Чоҳи морон дер эрдилар. Шаҳзода бечорани шул зиндонға солдилар. Уч кеча-кундуз ўзини билмай беҳуш бўлиб ётди. Эмди сўзни Сўнажондин эшитинг. Сўнажон қирқ канизлари бирла қайтиб келса шаҳзода йўқ турур. Боғбондин сўради, боғбон айди, отанг шаҳзодани Чоҳиморонға ташлади. Эрса Сўнажон бетоқат бўлиб қизларға қараб бир сўз айди:

Келинг жонлар бир маслаҳат қилинглар,
Манинг ёрим зиндондадур, зиндонда.
Чоҳдин бориб бир хабарин билинглар,
Манинг тўрам зиндондадур, зиндонда.

Ёрим эрди манинг жоним хурсанди,
Ўзи шоҳи Хоразмнинг фарзанди,
Ҳазрати Ёқубни Юсуф дилбанди,
Мисри азиз зиндондадур, зиндонда.

Худойим айлагай ёримни озод,
Ўзи подшо насли маъшуқ паризод,
Бўйи сарва мангзар, қомати шамшод,
Чоҳ ичинда армондадур, армонда.

Яратганга йиғлаб қилурман зори,
Қолмади кўнглимни зарра қарори,
Сўнажонни дўсти, бир зулфи тори,
Нозик ўғлон зиндондадур, зиндонда.

Хоразм юртидин келган бир ўғлон,
Бир неча кун сурди ул мунда даврон,
Онинг ёри бўлғай ҳазрати Полвон,
Шоҳ фарзанди зиндондадур, зиндонда.

Сўнажон йиғлаюб қилурман дуо,
Бахш этдим танимни бўлинглар гувоҳ,
Ёримнинг жойидур жаннатул маво,
Жаннат гули зиндондадур, зиндонда.

Алқисса, Сўнажон бу сўзни айтиб тамом қилиб, қирқ каниз дуоға машғул бўлиб, ўзлариға дам солиб қирқлари ҳам қуш бўлиб, учиб зиндонға бордилар. Кўрсалар зиндоннинг панжараларини банд қилиб, эшикларина қулф уриб турурлар. Яна икки қуръадозни қўйиб турди, сўнажоннинг сеҳрини ботил қилмоқ учун. Яна ҳам қуръадозға айтибдур, агар зиндондаги ўғлон йўқ бўлса, сизларни ўлдирурмиз деб, кўп таъқиқ этиб қўйиб турур. Сўна паризод ани кўриб, водариғ деб яна Мушкинработға қайтиб келиб, йиғлаб ўлтираберсин. Энди сўзни бошқа ердин эшитинг сўнажон паризоднинг ҳуснини овозаси жаҳонга тушиб, Гуржистон вилоятиндаги шоҳ Мамад эшитиб, ўттиз минг лашкар бирлан Зеваршоҳнинг юртина лашкар ташлади. Андин сўнг Зеваршоҳа элчи юборди. Манго Сўнажон деган қизини берсин деб, йўқ эрса Мушкинработни бошиға зиндон қилурман, деди. Элчилар Зеваршоҳа Мамадшоҳнинг сўзини дедилар. Зеваршоҳннинг қаҳри келиб, юртиға жар уриб, йигирма минг лашкар жам этиб, кофирлар устига ғазотға борди. Дарҳол чиқаберинг деб лашкариға хабар берди. Эмди сўзни Сўнажондин эшитинг. Сўнажон қирқ канизи бирлан зиндонға бориб, зиндонбонға айдилар:эй зиндонбон, қопуни очғил, деди. Зиндонбонни подшо қўйғон турур. Подшоға айтурлар, подшодин қўрқарман, онинг учун очмасман, деди. Анда Сўнажон айди: Зиндонда неча банди бор? Зиндонбон айди. Эй Сўнажон бир шаҳзодани зиндонға солдилар. Бугун етти кун бўлди, тўрт кунгача йиғлаған овози келур эрди, андин сўнг келмади, деди. Сўнажон зиндонбондин бу сўзни эшитиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бир ғазал айди:

Ёлворурман жон зиндонбон манго кўргазгил они,
Бир кўрайин ёрими ман манго кўргазгил они,
Ҳуш сифат, раъно йигит рафтор кўргазгил они,

Ҳасратидин ман қилурман зор кўргазгил они.

Шоҳ Зевар солди, зиндон ичра ёримни манинг,
Эмди зиндонбон эшитгил оҳи зоримни манин,
Бу жудоликдин ўларман ким сабук борим манинг,
Яна бир кўрсам жамолин йўқдир армоним манинг,
Бир худонинг ҳурмати манго кўргазгил они.

Йўлида ман сарф этарман моли дунё ҳар замон,
Сол қиёматлик ороға эмди бўлғил меҳрибон,
Қолмади тан мулкида чиқди бугун руҳи равон,
Кўрмасам шаҳзода ёримни ўларман бу замон,
Бир худонинг ҳурмати манго кўргазгил они.

Эй худо ман ғариб, армонда қолдим найлайин,
Ёрим зиндондадур гирёнда қолдим найлайин,
Кеча -кундуз халқаро ҳижронда қолдим найлайин,
Бу жудолик дардидин нолонда қолдим найлайин,
Бир худонинг ҳурмати манго кўргазгил они.

Чоҳ ичинда ётғон ул дардима дармоним манинг,
Шаҳри Хоразм юртидин келган меҳмоним менинг,
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё интизоримдур манинг,
Тан аро қилған ватан сабру қароримдур манинг,
Бир худонинг ҳурмати манго кўргазгил они.

Эмди зиндонбон билгил ушбу дунё бепоён,
Ёримиз зиндонда бўлса биз ўлармиз бегумон,
Билса зиндонбон Сўнанинг ёридур абру камон,
Аломон ҳижрон балои меҳнатидин оломон,
Бир худонинг ҳурмати манго кўргазгил они.

Алқисса, Сўнажон йиғлаб бу сўзни тамом қилғандин сўнг зиндонбоннинг раҳми келди. Эй Сўнажон ул шаҳзодани кўра билмассан Зеваршоҳ икки жоду қўйибдур. Анда Сўнажон айди. Эй зиндонбон қиёматлик оғам бўлғил, яна ман санго кўп зар берурман, зиндоннинг қопусини бир замон очғил, шаҳзодаға бир овоз қилайин, агар тирик бўлса, саломлашиб қайтарман, деди. Зиндонбон хуш бўлғай деб ўзини майдонға олди. Сўнажон қопуға бориб, бир мартаба, икки мартаба, уч мартаба овоз қилди, ҳеч овоз чиқмади. Андин сўнг Сўнажон зор-зор йиғлаб айди:манинг учун султон бошини гадо қилиб ётғон ёрим овоз бергил, деди.Манинг сабру қарорим қолмади деб бир сўз айди:

Зиндонда ётғон жон ёрим,
Келди, Гуржистонли келди.
Эмди йўқ сабру қарорим,
Келди, Гуржистонли келди.

Мушкинработни бузмоқа,
Юртина долон солмоқа,
Сўнажонингни олмоқа,
Келди, Гуржистонли келди.

Сансан манинг бошда тожим,
Найлайин етмас иложим,
Зиндонда нозик мижозим,
Келди, Гуржистонли келди.

Ҳақ солмағай сиздин жудо,
Ҳасратингдин бўлдим адо,
Ёрим бўлинг мандин ризо,
Келди, Гуржистонли келди.

Шоҳи Зевар келса ори,
Қирилғай кофирлар бори,
Чоҳда Хоразм гулзори,
Келди, Гуржистонли келди.

Сўнажон дер: бўлдим ҳайрон,
Шаҳзода деб кўзим гирён,
Чоҳда ётғон Юсуф нишон,
Келди, Гуржистонли келди.

Алқисса, Сўнажон бу сўзни тамом қилғондин сўнг, овоз қилди, Гуржистонли Мамадшоҳ деган қирқ минг лашкари бирлан келиб Мушкинработни қамаб турур, отам Зеваршоҳ ҳам аламон бирлан устина келди, агар кофирлар зўр келса шаҳримни вайрон қилиб, Сўнажонни олиб кетмакчи турур деб зор-зор йиғлади. Шаҳзода саксон газ тейи заминдин овозни эшитиб, ул ҳам овоз берди. Ман на илож этарман, бу чоҳдин нишатиб чиқарман, чаёнларнинг заҳмидин манда тоқат қолмади. Эмди агар Хоразм одамлари, ё карвон келса, манинг каъбам отам, меҳрибоним ҳам қариндош-дўғоним, аҳли халқимға саломимни айтиб юборинг, мандин рози бўлсинлар, сизлар ҳам мандин рози бўлинглар, деб овоз чиқди. Сўнажон ҳам илож эта билмай қайтаварди. Андин сўнг шаҳзода зиндонда ё пирим ҳазрати Полвон деб худоға нола қилиб пирларидин мадад сўраб бир ғазал ўқиди:

Йўқдин мани бор этган зиндонда қўлим тутғил,
Гирёнда қилиб қўйма, нолонда қўлим тутғил,
Расвои жаҳон бўлдим, ҳайронда қўлим тутғил,
Ман чора эта олмасман, армонда қўлим тутғил,
Ё шайх Кабир пирим зиндонда қўлим тутғил.

Олло манго раҳм этгил зиндонда бўлуб қолдим,
Билмам на гуноҳим бор армонда бўлиб қолдим,
Гардуни жаҳон ичра нолонда бўлиб қолдим,

Тақдири жаҳон ичра зиндонда бўлиб қолдим,
Ё шайх Кабир пирим зиндонда қўлим тутғил.

Шаҳрим эгаси ҳазрати Полвона юзим урсам,
Султони Вайс отли арслона юзим урсам,
Шери худои шоҳимардона юзим урсам,
Нақшбанд Баҳовиддин девона юзим урсам,
Ё шайх Кабир пирим зиндонда қўлим тутғил.

Расвои жаҳон бўлғон афтодоға раҳминг сол,
Бир бағри адо бўлғон садпораға раҳминг сол,
Зиндонда бўлиб қолғон овворага раҳминг сол,
Жаббори жаҳон эмди бечораға раҳминг сол,
Ё шайх Кабир пирим зиндонда қўлим тутғил.

Алқисса, шаҳзода бу муножотни айтиб тамом этганидин сўнг, чоҳ ичинда кўзи уйқуға кетди.Тушинда бир неча зоти шариф келиб айдилар, эй шаҳзода қўрқма, зиндондин халос бўлурсан, бизлар мадад бермак учун келдик, деб фотиҳа бердилар. Андин сўнг кўздин ғойиб бўлдилар. Шаҳзода туриб худои таолоға шукр қилиб ётаберсин, энди сўзни Зеваршоҳдин эшитинг. Шомамад кофир бирлан 20 кун урушиб, лашкари босилиб, қочиб, шаҳрина кириб Шомамад кофирдин 14 кун муҳлат олиб, тамоми маҳрамлари бирлан шаҳарнинг ичинда қуръа солиб, кўрсалар, бу зиндондаги шоҳи Олимжон ёдиға тушиб, подшо айди, андоғ ётғон бўлса олиб келинг деди. Дарҳол олиб келдилар. Кўрсалар ранги заъфарондек сарғариб турур. Шоҳнинг олдиға олиб бордилар. Шоҳи Олимжон подшоға салом берди. Подшо алик олди ва айди:эй шаҳзода шул келган кофирни йўқ қилсанг Сўнажон қизимни санго берурман, деди. Анда шаҳзода айди, эй подшоҳим, иншоолло йўқ қилурман деб, қирқ минг оломон бирлан подшодин рухсат олиб, ғазотға кетди. Сўнажон кўшк устинда шаҳзодани кўриб бир сўз айди:

Мундин бориб кирсанг ёлғиз саваша,
Ҳазрат Али ёринг бўлсин, жон тўрам.
Қилич урар бўлсанг сан қизил боша,
Шери даргоҳ ёринг бўлсин жон тўрам.

Муродингни берсин яратган Субҳон,
Баҳовиддин пиринг ул балогардон,
Хоразм эгаси ҳазрати Полвон,
Султон Вайс ёринг бўлсин жон тўрам.

Абу Муслим отли Соҳибқиронлар,
Шаҳид бўлғон Хоразмда эранлар,
Санинг учун ҳақа зори қилғонлар,
Бори пирлар ёринг бўлсин жон тўрам.

Шоҳим бандини қилғай сарафроз,

Бир оллоға етгай нолаи овоз,
Шаҳрингда бор эмиш тўрт ҳазрат шоввоз,
Тўрт ҳазрат пир ёринг бўлсин жон тўрам.

Сўнажонинг йиғлаб қилди муножот,
Санинг ёринг бўлсин қози ул ҳожот,
Бир азиз бор эрмиш ўзи пок зот,
Сиддиқ пирлар ёринг бўлсин жон тўрам.

Алқисса, бу сўзни айтиб тамом этганидин сўнг шаҳзода Гуржистоннинг подшоси бирлан йигирма кун саваш қилди. Худои табораки таоло шаҳзодаға ёр бўлиб, пирлардин ҳиммат етишиб, кофирларнинг лашкари босилиб қочди. Шаҳзода кофирларға босқи бериб, Шоҳ Мамаднинг бошини кесиб ташлади. Андин сўнг Шоҳмамаднинг калласини Зеваршоҳға олиб келди.

Андин сўнг Зеваршоҳнинг вақти хуш бўлиб, 40 кеча – кундуз тўю – томоша этиб, Сўнажон паризодни шаҳзода Олимжонға бердилар. Андин сўнг подшо шаҳзодаға айди, турсанг шаҳримнинг ярмисини берурман, деди. Анда шаҳзода айди, агар рухсат берсангиз Хоразм юртина ота – онамни хизматина борсам деб рухсат тилади. Эрса Зевар подшо йўлнинг тадорикини тутиб, оби ош, нон ризқларини фаравон қилиб Сўнажон қизи учун бир олий маҳофа Зарнигор тузатиб берди.

500 тевага мол юклаб ўзи узатмоқ учун 1000 отли қўшиб, Хоразм юртина узатиб келинглар, деб жавоб бериб юборди. Эмди булар қайдасан шаҳри Хоразм деб кетаверсинлар, 40 кун йўл юриб Хоразм юртина дохил бўлдилар. Ҳасанхон отаси эшитиб олдина пешвоз чиқиб бир – бирлари билан кўришиб, иззат ва икром бирлан шаҳарға чиқдилар.

Ҳасанхон шаҳзода Сўнажонни олиб келгани учун ўз юртинда 40 кеча – кундуз тўю томоша бериб муроду мақсадларига етдилар. Ҳасанхон подшо подшолиғини Шаҳзодаға таслим қилиб, Завриёжон бирлан ибодатға машғул бўлдилар. Илоё ҳамма уммати Муҳаммади Мустафо алайҳу вассаламни умматларини ўзинг муроду мақсадлариға етказгайсан. Омин ё раббил оламин.

МАЛИКАИ ДИЛОРОМ

Аммо ровиён ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достони бўстон ва хўша чинони хирмани сухан, андоғ ривоят қилурларким Бағдод шаҳрида бир подшоҳ бор эрди. Аммо ўзи кофир эрди. Онинг бир қизи бор эрди, бисёр соҳибжамол эрди, қоронғи уйнинг нури жамоли бирла равшан ва мунаввар килур эрди, аммо ул қизнинг оти Маликаи Дилором эрди. Бир кеча тушида он ҳазрат сали аллоҳи алайҳу вассаламни кўриб, мусулмон бўлиб, имон келтирган эрди. Аммо бир куни Маликаи Дилоромни отаси кўриб, ишқи тушиб, ўзининг қизини олмоқға мойил бўлди. Киши қўйиб буюрдиким, қизим мани қабул қилсин, токи олғайман, деди ва агар қабул қилмаса, юз пора-пора қилурман, деди. Малика бу сўзни эшитиб, зор-зор йиғлай берди, айтдиким, ҳеч мазҳабда қиз отаға раво эрмас, агар минг пора қилса қилсин, ман бу сўзни қабул

қилмасман, деди. Алқисса ул подшои золим бул жавобни эшитиб, дарғазаб бўлиб буюрдики, ул гисубуридани оёғидин осинглар, деди.

Анда Маликаи муножоат айлади:
Йўқдан мени бор айлаган бор Раҳмон,
Бир дарда тушмишам даво айлагил.
Манинг бу мушкулим этмасанг осон,
Йўқса мани эмди фано айлагил.

Бир ғариби шикастаи ночорам,
Қумри каби ҳасратингда ман зорам,
Кеча бўлса юлдуз каби бедорам,
Йўлдошимни маҳилиқо айлагил.

Кўкка учай десам йўқдир қанотим,
Ерга кирай десам йўқдир нажотим,
¡лай десам адо бўлмас ҳаётим,
Эмди манго сабру ато айлагил.

Боқий умрим куйиб-ёниб ўтарми,
Қиз отаға ҳаргиз раво бўлурми,
Имонсиз маҳзаби шундай бўлурми,
Бу дардимга ўзинг даво айлагил.

Чиқсин жоним куйиб нора пишгунча,
Имонсиз юзиға юзим тушгунча,
Масканимни қабристонда айлагил

Бир муштипарманам, ёзуқли банда,
Мани қилма даргоҳингда шарманда,
Имонсизлар юзин қаро айлагил.

Дилоромнинг пири Али Муртазо,
Канизим дегайлар Фотима Зуҳро,
Умматим дегайлар Расули Худо,
Юзимни оқ, тилим гўё айлагил.

Алқисса, андин сўнг эрта бўлди, подшо яна ғазаб қилиб буюрдиким, қўл-оёғини боғлаб, шернинг олдиға олиб бориб ташладилар. Анда маликага шер асло қарамади ва назар ҳам солмади. Малика шерга қараб зор-зор, чун абру навбаҳор йиғлаб, бир сўз деганлари бу турур:

Нега маълул бўлиб йиғларсан ё шер,
Мунча мани интизора қуймағил.
Раҳм айлагил, жоним олғил эмди шер,
Эмди мани оҳу зора қўймағил.

¡лдир мани раҳм этмагил жонима,
Тирноқларинг гулгун айла қонима,
Номаҳрамлар келмасинлар ёнима,
Маҳшар куни шармисора қуймағил.

Жониворлар ичра сансан мукаррам,
Мурувват бобида сенсан мусаллам,
Ман ҳам ризодурман ўлдирсанг бу дам,
Қайта бошдин номус ора қўймағил.

Динин ютиб ўз қизини олмоқға,
Тоқатим йўқ бу дунёда турмоқға,
Мани қийна, ҳар дам ризо бўлмоқға,
¡лдир мани оҳу зора қўймағил.

Дилоромни эшит оҳ ила зорин,
Кўп қийнама сен ҳам жони фижоринг,
Тарк айладим бу дунёда турарим,
Қон йиғлатиб, беқарора қўймағил.

Алқисса, андин сўнг шер маликанинг оёғига бош қўйиб, юзини сурта берди. Анда подшо бу ҳолни кўриб ҳайрон қолди. Яна айди ҳоло ҳам бўлса, қабул қилғил, йўқ эрса ўтға куйдирурман, деди. Малика отасини сўзини эшитиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, бир сўз деди.

Қулоқ солиб арзим эшит, Султоним,
Худо ила ўзни гузор айлама.
Онинг учун ўзинг озор айлама.

Тасма-тасма қилсанг қайтмам сўзимдин,
Минг жон фидо бўлса бўлсин худодин,
Нақд эмасман мани қимор айлама.

Шариатда қиз атоға йўқ раво,
Мундоғ буюрмиш Расули Худо,
Бевафо дунёда айлаб кўп хаво,
Онинг учун ўзинг озор айлама.

Ҳаргиз қабул қилмам, қилсанг садпора,
Халқ ичинда ўзинг солма бозора,
Муқаддас хотиринг ношод айлама.

Ҳеч киши динини сендай унутмас,
Имонини бу чоқ филга ҳам сотмас,
¡з қизини зулм бирла ҳам олмас,

Сан ўзингни мунча беор айлама.

Дилоромнинг пири ҳазрат Алидир,
Ҳақнинг даргоҳида сўрамоқлидир,
Бул йўлларға тушма шайтон йўлидир,
Жаҳаннамга ўзни тайёр айлама.

Алқисса, андин сўнг подшо дарғазаб бўлиб, буюрдики, бу гисубуридани ўтға куйдиринглар. Анда тандирни қиздириб, Маликаи Дилоромни қўл-оёғини боғлаб, тандирға солиб, сарпўшини ёпиб қўйдилар. Анда Малика тандирнинг ичинда бир сўз деди:

Юз алвон тоб урған қирмизи оташ,
Куйдир мани, қўйма олло ишқида.
Бир оқшом кам қўйма мени эй оташ,
Ёндир мани, қўйма олло ишқида.

Қўл-оёғим занжир бирла бўғдилар,
Манжалиқда Халил каби отдилар,
Кўкда малак оҳу афғон қилдилар,
Куйдир манинг устихоним кул бўлсин.

Кўз ёшимдин ҳокистирим нам бўлсин,
Кўкарулсин лола фасли гул бўлсин,
Ёндир мани, қўйма олло ишқида.

Бу дунёға келдим дейиб қувондим,
Шод бўлмадим, ўтиға уландим,
Энди бўйла хонумондин тугандим,
Куйдир мани қўйма олло ишқида.

Тоқатим йўқ энди турмоқ замона,
Ҳеч қолмасун кокилимдин нишона,
Бир шам сансан манн эрурман парвона,
Ёндир мани, қўйма олло ишқида.

Кафан бўлди бу дунёда кийганим,
Заҳар-зуққум бўлди еган-ичганим,
Ҳур жафодур кўрган жабру меҳнатим,
Куйдир мани қўйма олло ишқида.

Дилоромни ташладилар ўлсин деб,
Қақнус каби ишқ ўтини тўйсин деб,
Ҳасрат бирлан бу дунёдан ўтсин деб,
Ёндир мани, қўйма олло ишқида.

Алқисса, андин сўнг тандирнинг сарпўшини очиб қарасалар маликанинг жамоли ўн ҳисса зиёдроқ бўлибдур. Ҳамма ҳайрону шарманда бўлдилар. Андин сўнг маликани тандирдин олдилар, бир қафасға солиб, осиб қўйдилар ва ул подшои золим бир куни келиб маликага арз қилур эрди, малика қабул қилмади, дашном қилур эрди, алқисса малика ети йил қафас ичинда қолди. Бир кеча муножот бадаргоҳи қозийул ҳожот қилуб бир сўз айтғони бул турур:

Оламни яратган ҳаййил лойизор,
Қудратингдин моҳилиқо айладинг.
Арши курси лўҳи қалам яратиб,
Етти қат ер етти осмон яратиб,
Қудратингдан етти дўзах яратиб,
Осий куяр анда ҳам кофир,
Сансан биру борим барчага қодир,
Нурингдан оламға зиё айладинг.

Раҳматингдин халқ айладинг жаннатни,
Ҳури ғилмон биран бердинг зийнатни,
Анда борур бўлса берсин раҳматни,
Қулларингга яхши макон айладинг.

Аввало Раҳиму Раҳмондур отинг,
Ошкор этмоқ учун ул зотинг,
Бир қисм тупроқдин инсон айладинг.

Жаброилга ул дам айладинг фармон,
Оламнинг сувратин чекди ул замон,
Амр айладинг бориб кирди анга жон,
Ҳам исмини нури имон айладинг.

Турди одам акса уриб еридин,
Хабар олди боқиб ўнгу сўлидин.
Ҳамду сано зоҳир бўлди тилидин,
Қудратини анга аён айладинг.

Жумла малак саф-саф туриб мунтазир,
Барчаси одамнинг ҳуснига нозир,
Раҳмат дарёйини айлабон зоҳир,
Сажда қил деб анга фармон айладинг.

Жумла малак сажда қилди шул замон,
Одам учун сажда қилмади шайтон,
Тавқи лаънат тушиб бўлди пушаймон,
Даргоҳингдин қувлаб гирён айладинг.

Одам учун халқ айладинг Ҳавони,
Жуфт айладинг анго моҳилиқони,
Сурсин деган анго завқу сафони,
Жаннат ичра яхши макон айладинг.

Нўш айлабон ман айлаган емишдин,
Хижил бўлиб чиқди алар беҳиштдин,
Қаҳр айлади Худовандо ул ишдин,
Дунёга кеалтириб аён айладинг.

Шиис пайғамбар алар ўтди аржуманд,
Бу дунёда бериб мол ила фарзанд,
Аларнинг кўнглини айладинг хурсанд,
Пайғамбарлик анга аён айладинг.

Алардин сўнг Нуҳу Наби бўлдилар,
Умматларинг яхши йўлга солдилар,
Қабул этмади, барча кофир бўлдилар,
Зоҳирдин шайтонни инкор айладинг.

Алардин сўнг неча пайғамбар ўтди,
Ҳар қайсиси ўзин мазҳабин тутди,
Аларни оқибат қора ер ютди,
Лаҳад ичра охир пинҳон айладинг.

Осий, жоҳил қулларинга раҳм этиб,
Қудратингни олам аро кўрсатиб,
Раҳматингдин нури имон яратиб,
Пайғамбари охир замон айладинг.

Кўзларида бўлмас эрди зарра хун,
Кеча-кундуз йиғларди мисли жайҳун,
Умматим деб сўрсалар бергум жавоб,
Осийларга кўп меҳрибон айладинг.

Бир осийман, ҳасратингда гуноҳкор,
Умматим дегайлар Аҳмаду Мухтор,
Санъатингдин борми яратган жаббор
Не сабабдин мани гирён айладинг.

Етти йилдир қафас ичра ман ғариб,
¡лтирурман қаҳрабодай сарғайиб,
Муножот айларам санго ёлвориб,
Қисматимни нечун ёмон айладинг.

Баҳаққи Расули сарвари олам,
Мушкулим осон эт, қўлим тут бу дам,
Ҳабибим деб Ани қилдинг мукаррам,
Лутфинг бирла фахри жаҳон айладинг.

Гуноҳлик бандаман, яна хору зор,
Қўйма мени бу жафода интизор,
Еру кўкни халқ айлаган биру бор,
Дилоромни бунча гирён айладинг.

Алқисса етти йилгача қафас ичида азоб қилур эрди. Бир куни ул имонсиз бир бераҳм жаллодға буюрдиким, бул гисубуридани чиқариб, сангсор қилинглар, деди. Анда малика ўз ҳолиға афсус ва надоматлар қилиб, бир сўз деди:

Шод бўлмай ушбу оламдин фано бўлғон бошим,
Зор йиғлаб дарду ғам бирла адо бўлғон бошим,
Халқ ичинда хору зор бенаво бўлғон бошим,
Ҳар замон юз минг балоға мубтало бўлғон бошим,
¡лмакимға ҳам кичикликдин ризо бўлғон бошим.

Ғунчадук боғи ичра қолдим мен тағи очилмайин,
Қумридек йиғлаб мудом ўлдим фароғат қилмайин,
Ман нечук тиғи қазоға эмди рози бўлмайин,
Куйдиму ёндим куйиб ўлдим яна шод ўлмайин,
Дасти кофирда шаҳиду карбало бўлғон бошим.

Лоладек сўлдим хазон урди, навбаҳорим қолмади,
¡ртаниб кулфат бирла сабру қарорим қолмади,
Кеча-кундуз зор йиғлаб интизорим қолмади,
Кўз юмиб, дунё нишотидин савдо бўлғон бошим.

Ёру дўстим ҳолимға йўққи томошо айласа,
Меҳрибоним йўқ бу ҳолим элга иншо айласа,
Бир манинг мунглиғонам бордирки парво айласа,
Йиғлашиб мотам саролардин жудо бўлғон бошим.

Ман Дилоромники чун сабру қарорим босди ғам,
Чиқди жоним ҳар замон тикони ситам узра ситам,
Риштаи жоним каби бошдин оёғим босди ғам,
Минг бисмил бўлдиму қолди бу кўнглимда алам,
Ничча армон бирла дунёдин фано бўлғон бошим.

Алқисса, андин сўнг, маликани сангсор қилғандин сўнг, бир бобои ғариб бор эрди, ҳар ерда ғариб ўлғон бўлса олиб бориб дафн қилур эрди. Ул бобо

Маликани олиб бориб дафн қилай деса у кўрдики, нафаси зоҳир ҳол бобони ул вақтда шарбат бирлан ҳал қилғон таоми бор эрди. Они оғзиға томизди, андак ўзиға келди, кўзини очди. Бобо маликани жароҳатларини сўзан бирла артиб, неча кунлар парвариш қилдики, малика сиҳат ва саломат бўлиб, ўрнидин турди, бобои ғарибни малика қиёматлик отам деди, бобо ҳам қиёматлик қизим, деди. Анда маликани ҳолини сўради. Малика зор-зор йиғлаб, саргузаштини бобоға бир-бир баён этиб бул сўзни айтди:

Улуғ ёшлик хизр кўрган жон бобом,
Қулоқ солиб сан бу зора йиғлагил.
Ғурбат олиб мани бўйла ҳолимдин,
Юзинг йиртиб пора-пора йиғлагил.

Мансур каби туҳмат бирла келтириб,
Насимийдек тириклайин сўйдириб,
Менинг каби ҳар тарафа термулиб,
Йўлда ётғон интизора йиғлағил.

Қайси ердин дод айлайин мен ғариб,
Адо бўлмас неча деса ёлвориб,
Манинг каби гул юзлари сарғайиб,
Хазон урган лолазора йиғлагил.

¡лдир мани ханжар бирлан ёралаб,
Қилма даво бу дардима чоралаб,
Устимдаги куйлагимни поралаб,
Алам айлаб бир мозора йиғлағил.

Сансан манинг олдимдаги йўлдошим,
Сўз айтурға олдимда йўқ сирдошим,
Туганмас савдоға тушибдур бошим,
Манинг каби дилафгора йиғлағил.

Киши йўқдур бу дунёдин ўтмаган,
Шул ажалдин муродиға етмаган,
Армони кўп дилафгора йиғлағил,

Дилоромни ташладилар кетдилар,
¡лди дебон мани гумон этдилар,
Кўкда малак оҳу афғон қилдилар,
Табассум қил бу асрора йиғлағил.

Алқисса андин сўнг, ул бобои ғариб маликани бир уйга қўйиб, тарбия қилур эрди. Кунлардин бир кун бобо бир тарафға кетиб эрди, ул бобонинг бир қиморбоз ўғли бор эрди. Бир куни уйга келди. Кўрдики, бир маҳлиқо нозанин

дилбар кашта тикиб ўлтирибдур. Кўнглида шукр қилиб айдики, бул қиз манинг бахшандам турур деди. Алқисса малика бирла куфр ва шибдастдарозлик қилди. Малика дарҳол ханжарини олиб айтдиким, эй жувон, қайт, валло ўзим сени урарман ва ё сени ўлдирурман, деди. Унда бобонинг ўғли қўрқиб қайтди, аммо ҳар кун келиб тавалло тазарруъ қилур эрди. Малика қабул қилмас эрди. Охирул амир онасиға сўзини айтиб, кенгаш қилди, онаси айдики, бориб қувлағил, ҳайдаб жўнатиб юбор, деди. Алқисса андин сўнг маликани уриб қувладилар, малика бошиға бир чодирни солиб, юзиға ниқоб солиб, йўлға равона бўлиб бир сўз айди:

Найламишам қиё фалак кўзда ёшим қон айладинг,
Юсуф каби ҳар кун мани маскани бозор айладинг.

Агар севса ҳар ким сани сан севарсан охир мани,
Исмоилдек ҳар кун мани юз йўла қурбон айладинг.

Ҳар ким санго кўнгил боғлар кеча-кундуз юрак доғлар,
Булбул каби бўстон овлар охир хазон сен айладинг.

Расулоллоҳ жаҳондин ўтиб, ҳеч ўлмадим вақтим етиб,
Дилоромни қон йиғлатиб, бағримни бирён айладинг.

Алқисса андин сўнг, малика борур эрдики, ногоҳ бир қассобнинг қарздорлари келиб, оёғидин осиб азоб қилур эрдилар. Анга маликанинг раҳми келиб, қулоғидаги гавҳар исирғасини олиб бериб қассобнинг қарзидин аларни озод қилди. Андин кейин яна йўлға равона бўлди, аммо у қассоби бадбахтнинг кўнглиға келдики, ул мунга ошиқ бўлубдур, бўлмаса мундоғ ишни қилмас эрди, деб маликанинг орқасидин бориб дахл қилди, малика дашном қилди, алқисса ўшал замони эрдики бир қанча савдогорлар келиб йўлиқишиб қолдилар, ул қассоб айдики, эй савдогорлар, бу чўри манинг чўрим турур, ҳусн бобида беандаза, беназир турур, сотарман агарда олсалар, арзон қилиб берурман, деди. Алқисса Маликаи Дилоромни олиб борур эрдиларки, йўлда бир тоғ бор эрди, анинг этагига бориб тушдилар. Анда савдогорлар ҳаммаси фароғат қилиб ётдилар. Малика бечора муножоти бадаргоҳи қози ул ҳожот қилди, ўшал замон дуоси мустажоб бўлди, айтдики эй, бори худоё, барча кофирларни қора тош қилғил деб, зор-зор чун абру навбаҳор йиғлаб бу ғазални ўқиди:

Яратган жумлани қодир худойим,
Бу меҳнатдин ўзинг раҳо айлагил.
Қон йгларам ҳасратингда юз қўйиб,
Ҳожатимни ўзинг раво айлагил.

Учай десам йўқдур қанотим, шаҳрим,
Қочай десам йўқдур манинг раҳбарим,
Йиғломоқдин ожиз бўлди кўзларим,

Қайта бошдин ўзинг бино айлагил.

Ман қолмишам турфа ажаб ғамлара,
Кунда солмиш мани турфа ҳоллара,
Ҳар киши зулм этса ғамли қуллара,
Имонсиздин ўзинг жудо айлагил.

Шамслара эмди сирим қилма фош,
Ҳасрат бирла икки кўзим тўла ёш,
Қудратингдан бу жувонни айла тош,
Бу меҳнатдин ўзинг раҳо айлагил.

Манн йиғларман маломатдин ор айлаб,
Қутулмадим эмди оҳу зор айлаб,
Рақибларни халқ ичинда хор айлаб,
Юзларини ўзинг қаро айлагил.

Ғариблара раҳм этмаган банданинг,
Имонлари бўлурму ул ганданинг,
Муҳаммад уммати бўлғон банданинг,
Беморларға ўзинг шифо айлагил.

Дилоромни мунча қўйма озора,
Фалакнинг жабридин бағрим минг пора,
Ман хастаман қил, дардима бир чора,
Раҳматингдан ўзинг ато айлагил.

Алқисса андин сўнг, худойи табораки таоло Маликанинг дуосини мустажоб қилиб, барча кофири карвонларни тош қилди. Алқисса андин сўнг, худои таолоға шукр қилиб, ибодатға машғул бўлди.Аммо кунлардин бир кун Канъон вилоятининг подшоси, шикорға чиқиб эрди, кўрдики, моли беҳисоб бир тоғнинг камарида ётибдур. Ҳеч ким йўқ. Подшо Ани кўриб ҳайрон қолди. Ул замон лашкарларидин айрилиб, тоғнинг оросиға борди, ногоҳ кўрдиким, ул тоғнинг камарида бир соҳибжамол қиз тоат қилиб ўтирибди. Подшо анга таъзим бирда тавозеҳ қилиб, салом алика жавоби салом берди. Подшо дарҳол сўрдики,эй одамизод, бул тоғнинг камарида нима қилиб ўлдирибдурсан, магар бир ходиса бордур, саргузаштинг манга баён қилғил, деди. Анда Маликаи Дилором зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб саргузаштини аввалдин охиригача баён қилиб, бир сўз айди:

Ширин тилли Рустамсифат жон йигит,
Қулоқ солиб оҳу зорим сан эшит.
Қарчиғайли, табли, бозли бей йигит,
Оҳу кўзли шаҳсуворим сан эшит.

Аввал нечук бу дунёға келмишам,

Ман ўзимни бир савдоға солмишам,
Ман маломат бозорина қолмишам,
Ман айтайин бул асрорим сан эшит.

Қирқ кеча-кундуз сочимдин осиб,
Халқ ичинда қилди мани музтариб,
Қочолмадим шикастаи ман ғариб,
Шарҳ айлайин вафодорим сан эшит.

Ғарибликда налар чекдим койиши,
Раҳми келиб ҳолим сўрмас бир киши,
Бесабаб худодин деманг ҳар иши,
Ҳақ ўзидур нигоҳбоним, сан эшит.

Иброҳим Халилни отдилар нора,
Ул замон ҳам оташ бўлди гулзора,
Муножот айладим ҳақ биру бора,
Сабз ўлмади лолазорим, сан эшит.

Янги тўғгондадир қайғули бошим,
Қайта бошдин тийра бўлди койишим,
Пуррон каби ўтди ёз ҳамда қишим,
Сабз ўлмади лолазорим, сан эшит.

Чидай олмай бир кун мани келтирди,
Сангсор қилиб, халойиқни буюрди,
Тасма каби тириклайин сўйдирди,
Кетди ҳуши ихтиёрим, сан эшит

Ғариб киши олиб борди бир кеча,
Кўп йиғлади ҳолим кўриб бир кеча,
Қизим дебон парво айлаб бир неча,
Анда бўлди сабабкорим, сан эшит.

Ҳеч киши ман каби ғариб бўлмасин,
Ғарибликда ранги рўйи сўлмасин,
Шум рақиблар қон йиғласин, кулмасин,
Озор бермай бу зоримни, сан эшит.

Ғарибларнинг кўзи тўла ёш бўлур,
Қомати шикаста қалби ғаш булур,
Оғритманг ғарибни ёмон иш бўлур,
Насиҳатим булдур ёрим, сан эшит.

Бобонинг ўғлидин жафолар кўриб,
Андин қочдим тоғу тоша юз уруб,
Фалак мани ҳасрат бирла ўлдириб,
Торож этди бу карвонни, сан эшит.

Кўп чекиб жафолар келмишам бунда,
Тикон урди оёғ-бошим ҳар ерда,
Дилоромнинг дарди кўпдир дилида,
Тамиз айлаб бу асрорим, сан эшит.

Алқисса андин сўнг подшо, завқ қилиб айдики, эй қиз ман Канъон шаҳрининг подшоси бўлурман, агар мани қабул қилсанг то ўлгунча хизматингда бўлайин, деди. Малика қабул қилди. Алқисса маликани бир маҳофаға солиб, маликани иқди никоҳ бирла олди. Энди бу сўзни мунда қўйинг, Маликанинг отасидин сўз эшитинг. Аммо Маликаи Дилоромни сангсори тошбўрон қилғонидин сўнг отаси девона бўлиб, қаландар либосини кийиб, шаҳарма шаҳар юраверар эрди. Иттифоқо бир шаҳарнинг регистонига келиб, кўрдики, халойиқлар йиғилибдурлар, қўлларида бир суратки, ҳеч бир одамизод ул суратни кўриб тоқат қила билмас эрди. Лекин баҳосини минг тилло дер эрдилар. Дарҳол фаҳм айлаб таниди, билдиким, ўзининг қизининг сурати эркан. Ани кўриб бехуш бўлиб йиқилди. Бир соатдин кейин яна ҳушиға келди, айтдики, бу сурат кимнинг суратидур ва бул суратнинг эгаси қайдадур, деди. Анда алар айдики, бул сурат Канъон подшосининг хотинининг сурати дедилар. Алқисса андин сўнг, ул қаландар бўлғон маликанинг отаси дарҳол бориб , Канъон подшосига навкар бўлди. Алқисса подшоға кўп тақарруф пайдо қилиб, охирул амир анга вазир бўлди. Бир куни подшо шикорға чиқиб эрди. Ул вазир Маликага киши киргиздики, ман Бағдоддаги маликанинг отаси бўлурман, мани қабул қилсин, деди. Малика айди: отам келган бўлса, хуш келибдур, анга яхши қизлардин олиб берайин, деди ва хазинаи харж қилайин, дурларни бошиға сочайин деди ва агар мунга ҳам йўқ деса ўз ихтиёри бирла иш қилсин деб жавоб берди.

Алқисса андин сўнг, вазири нобакор дарҳол шоҳ шикордин қайтиб келмасдин илгари кечаси миршаблик қилиб, етти одам-бебокларни тутиб, тўртисини ўлдириб ва учисининг тилини кесди, ўшал замони эрдики, подшо шикордин келди. Дарҳол подшоға айтдики, эй подшои олам, хотинингиз бадкор ёмон фоҳиша эркан, бу етти киши бирла ўйнашиб айшу ишрат қилиб турғон вақтида тутиб олдим. Тўртинчисини ўлдирдим ва учисининг тилини кесдим. Подшо дарғазаб бўлиб буюрдиким, ул гисубуридани биёбонға элтиб ташлангларким, анда ҳеч одам бўлмасин ва сув ҳам бўлмасин, деди. Отаси дарҳол олиб чиқиб, хилватда айдики, ҳали бўлса ҳам қабул қил, бўлмаса пора-пора қилурман, деди. Малика зор-зор чун абру навбаҳор йиғлаб, отасиға бир сўз айди:

Кўнгли қаттиғ, меҳри совуқ жон отам,
Ғамхори йўқ бенавони оғритма.
Бегонача шафқати йўқ жон отам,

Ман ғариби нотавонни оғритма.

Ота-она иккаласи ҳамхона,
Бўлса керак фарзандига жонона,
Фарзандининг боғидадур девона,
Мандай ғариб паришонни оғритма.

Қани мани парво қилган жон онам,
Сочин ёйиб, ёд айласа дамо-дам,
Кес бошимни, кўп қийнама жон отам,
Озори кўп жисми жонни оғритма.

Қани мундоғ жафо қилмас бегона,
Эй кофири бадбахт келгил имона,
Кўп қийнама энди тўлди паймона,
Бу Дилором бенавони оғритма.

Оёғимға урса эрди бир тикон,
Айлар эрди мушфиқ онам минг фиғон,
Эмди йиғлар манго йўқдир меҳрибон,
Кўнгли бузуқ бағри қонни оғритма.

¡лдир мани бадар бўлди койишим,
Йиғлай -йиғлай кўкка етди нолишим,
Ғамлар бирлан нетай қотди бу бошим,
Насимийдай нотавонни йиғлатма.

Қўлим кесиб мунча азоб этарсан,
Манингдайин сенам бир кун кетарсан,
Уқубатлар бирлан бир кун ўларсан,
Хазон урған гулистонни йиғлатма.

Дилоромға ҳақнинг ўзи ёридур,
Аввалда гул бирлан охиратда хоридур,
Куз ёшини тўкиб булбул зоридур,
Хазон урған гулистонни йиғлатма.

Алқисса андин сўнг маликани қўл-оёғини кесиб ташлади. Ул биёбонда қирқ кеча-кундуз ётди, андин сўнг хушиға келди. Ҳеч тарафға бора олмади. Олло таолоғо ихлос ва эътиқод бирла зор йиғлаб бу муножотни ўқиди:

Санъатингдин олам яратган жаббор,
Карам айлаб, сен бу зора қўймағил.
Гуноҳим кўп, сенсан манго меҳрибон,
Мунча мени интизора қўймағил.

Барчанинг отоси ҳазрати одам,
Ҳаво онам эрур қизларға маҳрам,
Бир хаста қулдирман қилғил сан карам,
Мунча мани оҳу зора қўймағил.

Оёғим йўқ кетсам равон йўл била,
Қўлим йўқдир, қўл узатсам бир гула,
Шиис, Набидек айласанг мани бир йўла,
Арзим эшит, оҳу зора қўймағил.

Эй сиз мани тархинолик қўлларим,
Кесди пичоқ устихоним, райларим,
Нуҳ, Наби сансан манинг раҳбарим,
Мунча мани оҳу зора қўймағил.

Ҳақнинг Расулидир Иброҳим Халил,
Фармониға ризо бўлған Исмоил,
Тушубдир бошима бир ажаб мушкул,
Раҳм айлагил, интизора қўймағил.

Оламни мум этган ҳазрати Довуд,
Сулаймондур анга фарзанди Масъуд,
Бу ёмон ҳолимни айлагил бебуд,
Мунча мани оҳу беқарора қуймағил.

Ҳабибим деб розин айтди ул худо,
Чиқариб меърожға қилди марҳабо,
Тангрим дўсти ё Муҳаммад Мустафо,
Мунча мани оҳу зора қуймағил.

Расулнинг дўстлари Сиддиқи Акбар,
Иккинчи ёридур ҳазрати Умар,
Учинчи Усмондур, тўртинчи Ҳайдар,
Мунча мани оҳу зора қуймағил.

Алининг фарзанди ё имом Ҳасан,
Пайғамбарнинг севар авлоди сенсан,
Нобино кўзларим айлагил равшан,
Мунча мани оҳу зора қўймағил.

Яна бирин имом Ҳусан дейдилар,
Карбалода алар шаҳид бўлдилар,
Ё Фотима, бағрим бир ён қилдилар,
Мунча мани оҳу зора қўймағил.

Расул амаклари Ҳамзаи Аббос,
Оби ҳаёт ичган ё Хизри Илёс,
Бу меҳнатдин мени айлагил халос,
Раҳм айлагил интизора қўймағил.

Бистомини дерлар Султон Боязид,
Мушкулим осон эт, қилма ноумид,
Ер юзида ётган жумла мужтаҳид,
Мадад айла оҳу зора қўймағил.

Тирик ғойиб бўлғон уч юзу олтмиш,
Ҳақ оларға яна Раҳматдин бермиш,
Эранларнинг руҳи чилтану ва ҳафтан,
Мунча мани оҳу зора қўймағил.

Юз йигирма тўрт минг ўтган пайғамбар,
Бу дунёдин барча қилдилар сафар,
Мағрибу Машриқда ётган эранлар,
Алар ҳаққи оҳу зора қўймағил.

Дилоромни бу меҳнатдин қил нажот,
Даргоҳинга йиғлаб қилди муножот,
Барчани яратган қози ул ҳожот,
Бунча мани оҳу зора қўймағил.

Алқисса андин сўнг ҳазрати Хизр алайҳиссалом дарҳол ҳозир бўлдилар, Маликанинг қўл-оёғини жобажо қўйиб, муборак оби даҳанларини суртдилар. Холис сиҳат топди, анда малика худои толоға шукр қилиб, бул мухаммасни ўқиди:

Шукр оллоҳ зори кўнглим бўлди хандон оқибат,
Бизга зулм этган рақиблар бўлди гирён оқибат,
Кетди бошимдин тутундек шому, ҳижрон оқибат,
Ҳақ ўзи бул мушкулишни қилди осон оқибат.

Ҳар киши бу дунёда бечораларға зулм этар,
Охирида рўсиёлик бирла дунёдин кетар,
Яхшилик қилғил жаҳонда бу ёмонлик ҳам ўтар,
Бир куни келиб ажал, илки гирибонинг тутар,
Суд қилмас анда гар қилсанг пушаймон оқибат.

Ҳоксор ўлғил жаҳон ичра такаббур бўлмағил,
Поймол ўлғилки сан, мўминга душман бўлмағил,
Ғунчадай боғи жаҳон ичра қизариб сўлмағил,
Яхшилик қилғил, ёмонлик бирла ҳаргиз бўлмағил,

Ким қолибдур қиссаи шоҳи Сулаймон оқибат.

Ҳар киши қилса баландпарвозлик топмас камол,
Кимки мўминга қилур бордир анга юз минг завол,
Гарчи Султони жаҳон бўлсанг қаддингни айла дол,
Яхшилик бирла ғарибларнинг бузилган кўнглин ол,
Токи ҳақ қилғай сани маҳшарда султон оқибат.

Ҳақ ўзи қилғай Дилоромнинг дуосин мустажоб,
Жумлаи мўмин ҳама матлабга етгай беҳисоб,
Авало кўрдим басе жабр ила ҳам зулму азоб,
Охири чиқдим фалак узра мисоли офтоб,
Шум рақиблар бўлғуси ер бирла яксон оқибат.

Алқисса андин сўнг Маликаи Дилором оҳиста-оҳиста борур эрди, кўрдики бир оҳу сийнасини ерга қўйиб ётибдур. Малика оҳу аҳволидан бетоқат бўлиб, охири оҳунинг олдига келиб ҳол-аҳвол сўради ва айдики: эй оҳу не сабабдин мунча ғамноксан ва нолаи ифғон қилурсан, деб, Маликаи Дилором бир сўз айтди:

-Кўзлари қоп-қора оҳу зодалар
Не сабабдин оҳу фиғон этарсан?
Кўксига бош урган безабон кийик,
Не сабабдин оҳу фиғон этарсан?

-Бир қаро кун тушмиш ғариб бошима,
Онинг учун оҳу фиғон этарман,
Қиё фалак, оғу тушди ошима,
Бу сабабдин кўзим гирён этарман.

-Кийиклар ичида сенсан беқарор,
¡зга кийиқ йўқ санингдек дилафкор,
Кимнинг учун бўлибдурсан интизор,
На сабабдин бағринг бирён этарсанг?
-Икки кўзим шунда тутди бир сайёд,
Сайёднинг қулидан дод ила фарёд,
Бошин кесди зулм бирла ул жаллод,
Онинг учун оҳу афғон этарман.

-Бўлғил Дилоромнинг ёри-йўлдоши,
Ғам тунида сансан анинг сирдоши,
Йиғлабон найларсан гўззингни ёши
Сан на учун оҳу афғон этарсан?

-Кийик айтар кабоб бўлдим, кул бўлдим,
Жафо чекиб хазон уриб йиқилдим,
Юрак ёғи мадоримдан айрилдим,

Анинг учун оҳу афғон этарман.

Алқисса андин сўнгул кийик Маликани бошлаб бир чашманинг бўйиға элтди, Малика кўдики, бир бобои сайёд, кабоб қилиб ўтирибдур. Малика ул бобои сайёднинг қошиға бориб, салом қилди, айтдики, эй бобои сайёд бул кийикнинг баччаларининг, устихони бирла калла почасини манга бергил, сани дуои хайр қилайин, деди. Бобои сайёд хўп деб, анинг калла-поча, тери устихонларини берди, Маликаи Дилором аларни ҳар қайсисини бир ерга жо бажо қўйиб жой намозини солиб икки ракат номоз ўқиб, зор-зор йиғлаб даргоҳи илоҳийға муножот қилиб бир сўз айтди:

Қодир оллоҳ сенсан мани паноҳим,
Раҳим ҳам Раҳмон отинг ҳаққи учун.
Ёрлақағил жумла олам қулингни,
Раҳматингдин икки олам ҳаққи учун.

Рўсиёман ҳамдамим йўқ, кишим йўқ,
Бу дунёда манинг ёзу қишим йўқ,
Саннин бўлак ҳеч одамға ишим йўқ,
Раҳм айлагил сир-асрорим ҳаққи учун.

Ғунчадайин хазон бўлиб очилмай,
Гул бўлибам гул юзлари сочилмай,
Паймонада шароб қолди ичилмай,
Раҳм айлагил руҳи равон ҳаққи учун.

Бир ғарибман икки юзим заъфарон,
Кеча-кундуз ҳасрат билан бағрим қон,
Нотавонман қодир эгам меҳрибон,
Раҳм айлагил исми зотинг ҳаққи учун.

Бир ночорам, ман айларам муножот,
Ҳожатим равон эт қози ул ҳожот,
Осийларға бергил ғамдин сен нажот,
Раҳматингдин жумла жаҳон ҳаққи учун.

Бир осиям ҳасратингда гуноҳкор,
Қилмағил шарманда ўзинг биру бор,
Санъатингда жумлани яратган жаббор,
Раҳм айлагил моҳитобон ҳаққи учун.

Йўқдин мани бор айлаган ул замон,
Биру борим сансан дедим бегумон,
Юз қўймишам сансан дедим бегумон,
Раҳм айлагил нури имон ҳаққи учун.

Арши курси лўҳи қалам яратдинг,
Саккиз беҳишт ҳури ғилмон яратдинг,
Кофирларға дўзах ўтин яратдинг,
Етти қат ер, етти осмон ҳаққи учун.

Қудратингдин халқ айладинг одамни,
Маскан эттинг ўн саккиз минг оламни,
Раҳм айлагил илми қуръон ҳаққи учун.

Одам сафи бу дунёдин ўтдилар,
Фарзанд учун хунобалар ютдилар,
Қора ерда охир маскан тутдилар,
Раҳм айлагил одам сафи ҳаққи учун.

Шиис, Наби алардин сўнг неча йил,
Бевафо дунёда тутдилар манзил,
Бир иши тушибдир манга кўп мушкул,
Осон этгил икки дунё ҳаққи учун.

Алардин сўнг Нуҳ, Наби, Мукаррам,
Пайғамбарлик анга бўлди мусаллам,
Севар қули эрди Исою Марям,
Раҳм айлагил моҳитабон ҳаққи учун.

Муножот тоғида Мусою Калим,
Маккани иморат қилди Иброҳим,
Ҳожатимни раво қилғил ё Карим,
Исмоилдек қурбон бўлғон ҳаққи учун.

Етмиш йил кўр бўлди ҳазрати Ёқуб,
Кўп йиғлади Юсуф учун ул Маҳбуб,
Қурт Рамзиддин нажот топди ул Айюб,
Довуд ўғли бир Сулаймон ҳаққи учун.

Бу дунёдин сонсиз Наби кетдилар,
Бирин-бирин, навбат билан ўтдилар,
Ничча йил уқбий йўлин тутдилар,
Дилраболар моҳилиқо ҳаққи учун

Кийик йиғлар боласини соғиниб,
Ман йиғларман аҳволима ўртаниб,
Кийик боласини тиргиз ё Ҳабиб,
Расулингга келган фурқон ҳаққи учун.

Расулда бор эди бир неча ёрон,

Аларнинг ҳар бири бир моҳитобон,
Абубакир, Сиддиқ ул Умар, Усмон,
Даргоҳингда Шоҳимардон ҳаққи учун.

Кечди бу дунёдин неча Шайхи шод,
Бу дунёдин авлиё ўтди беҳисоб,
Охири барчаси бўлдилар туроб,
Бир мадад қил жумла инсон ҳаққи учун.

Қўл кўтариб дуо айлаб бешумор,
Ҳазратингга кўп йиғладим интизор,
Дилоромни халқ айлаган биру бор,
Раҳо айла оҳи афғон ҳаққи учун.

Алқисса андин сўнг Маликаи Дилором, бу сўзни тамом қилғани йўқ эрди Худои таоло маликанинг дуосини ижобатиға жон ато қилди. Андин сўнг дарҳол Маликанинг оёғиға ул кийик баччалар бошини суртиб нола қилур эрди. Малика кийик баччаларнинг аҳволиға боқиб, бир сўз деганлари бул турур:

Кўзлари қоп қора кийикзодалар,
Манинг бирла улфат бунёд айлангиз.
Ғариблиғ кунинда ғарибзодалар,
Манинг бирла улфат бунёд айлангиз.

Ман ҳам бу жойларда бўлмишам ғариб,
Ғарибликда юрдим доим сарғайиб,
Умри зое юлдуз каби ёлвориб,
Манинг учун ҳаққа фарёд айлангиз

Қани мани парво қилған жон онам,
Манинг учун сийнасида юз алам,
Манн айлайин эшитинглар дарду ғам,
Тупроқларни бошдин барбод айлангиз.

Дилоромнинг кўпдир доғи ҳижрони,
Ҳам кетибдур эмди мандин дармони,

Тарк айладим яхши ҳамда ёмонни,
Сизлар келиб эмди мўъшод айлангиз.

Алқисса андин сўнг, оҳулар бирлан малика, андоғ бўлдики, бир-бирларини бир дам кўрмасалар, ўзларини ҳалок қилур эрдилар ва яна ўт ҳам емас эрдилар. Аммо бора-бора тамом сахрони кийиклар олди, алқисса маликанинг гирди атрофиға жам бўлдилар.

Малика ҳар тарафга борса алар ҳам орқасидан борур эрдилар. Кунлардин бир кун, Малика кўрдиким, бир сайёд бир кабутарни тутиб, қанотидин боғлаб турибдур. Малика айдики, эй бобои сайёд, бу жониворни не учун қанотларидин боғлабсан? Муни боғлағунча, менинг қўл-оёғимни боғла, деб зор-зор йиғлаб бу сўзни айтди:

Бош кесиб, қон тўккан бераҳм жаллод,
¡лдир мани йўқса раҳо айлагил.
Учар қушни кабоб этгувчи сайёд,
Куйдир мани ани раҳо айлагил.

Қийнамағил хаста ширин жониға,
Раҳм айлагил кўздан оққан қониға,
Қўё бергил борма анинг ёниға,
Онинг учун манга жафо айлагил.

Онинг учун мани айлагил кабоб,
Онинг учун мани айлагил азоб,
Кес, бошимни яхшилик қил дунёда,
Бир яхшилик отинг қолсин дунёда.

Мушкул иш тушганда одамизода,
Ҳожатини ул дам раво айлагил,
Кўп балолар солма муни бошина,
Кўп қийнама жонин раҳо айлагил.

Дилоромнинг кўп қўймағил бу зора,
Фалакнинг жабридан бағри минг пора,
¡лдир мани тоқатим йўқ, бу зора,
Йўқса манго меҳру-вафо айлагил.

Алқисса андин сўнг ул бобои сайёд айтдики, эй бенаво, манга бу саидни берган оллоҳи таолодир, мунинг ги хом ерман, деди. Алақисса Маликанинг ангуштари бор эди, юзуги, ани қўлидан чиқариб берди. Ул кабутарни халос қилиб олди. Бандидин жудо қилиб, қўл-оёғини бўшатиб, кўзиға суртиб айтур эрдики, эй кабутар, манинг бирла ҳамдам бўлғил ва бошимда ошиён қилғил деб, кабутарга қараб бир сўз айтиб тургани бу турур:

Чарх уриб хавода ўйна кабутар,
Бир хастаман булбул каби беқарор,
Фалакнинг жабридин бўлдим дилафкор,
Бир Ғарибман йўқдир манга ғамгусор,
Раҳм айлагил ғамгусорим бўл энди.

Кўз ёшларим қатраларин доно қил,
Кеча-кундуз бошим узра хона қил,
Қанотларинг зулфим узра шона қил,

Меҳрибоним, интизорим бўл энди.

Кабутарлар учиб-қўнар ҳар ёна,
Сан ҳам уч қайтиб тушғил бу ёна,
Бошим узра қўниб қилғил ошиёна,
Ғам ўтина ёри ёрим бўл энди.

Дилоромнинг хаста кўнглин шод айла,
Саҳарда чарх уриб ҳақни ёд айла,
Кеча-кундуз куйиб оҳу воҳ айла,
Булбулдайин беқарорим бўл энди.

Алқисса андин сўнг кабутар, анга бош қўйиб, чарх уриб юраверди. Маликаи Дилоромни ничча вақтдин сўнг йўл борур эрди. Бир тоғнинг орасида, бир чашманинг бўйида бир қора кўринадур. Анга қараб охиста-охиста қараб борди. Кўрдики бир заифа кампир ўтирибдур. Олдиға бориб салом қилди. Анда ул кампир алик олди. Алқисса кампир Маликани кўрдики, бир моҳилиқо дилбардур. Бошида қушлар ошиён қилубдур. Атрофида ваҳшийлар макон айлабдур. Ҳайрон бўлиб айтдики, эй пари пайкар моҳилиқо, рост дегил, қайси бўстоннинг гулисан ва қайси чаманнинг булбулисан ва қайси ошиёндин парвоз қилиб келдинг. На сабабдин бу савдолар бошингга тушди деб, савол сўради, малика кампирга сиррини айтмасдан манго бир деб ё пари асари тегибдур деб бир сўз айтиб тургани бул турур:

Кундуз бир дам жудо бўлмас, кеча ёнимдин айрилмас
Бу дардимга даво бўлмас кун-кундин бадтар айлади.

Мани ақлим олди қўлдин хабар олди ўнгу сўлдин,
Қайтолмадим ушбу йўлдин манго кўп зиён айлади.

Отам-онам ҳозир бўлиб, Мажнунлиғим ғолиб бўлиб
Жумла кийик қурдош бўлиб, кунда юз маҳшар бўлиб

Сансан манинг мушфиқ онам, қулоқ солғил бу дарду ғам,
Жонимдан ўтди минг ситам, мани дардисар айлади.

Кўп савдо тушди бошима томоша қилғил ёшима,
Оғулшар тушди ошима ичганимни зор айлади.

Дилоромни эшит оҳи зорин ҳарна дерман санга борин,
¡ти жони фигорин кун кундин бадтар айлади.

Алқисса андин сўнг ул чамашнинг бошида бир ғор бор эрди, анинг отини чилтан ғори дер эрдилар. Алқисса малика ул ғорни ўзига макон қилди. Анда жой тузатиб макони истиқомат қилди. Аммо ул кампир ҳам дардманд эрди. Онинг учун тоғнинг камарида ўлтириб эрди. Алқисса Маликаи Дилором кечаю-кундуз зикри худо билан машғул эрди. Аммо кунлардин бир кун малика

таҳорат қилмоқ учун тоғнинг камарига чиқиб эрди, кўрдики ул мақомда бир неча савдогорлар тош бўлиб ётибдилар ва матолари ҳайрон бўлиб қолибдур. Аларни афсус надомат қилиб, худои таоллонинг даргоҳига зор-зор чун абру навбаҳор йиғлаб муножот бадаргоҳи қози ул ҳожот қилиб айдики, эй бори худоё буларни ўз фазли караминг бирла аввалги аслида қилғил деб бир сўз айтди:

Яратган қодирим, сенсан паноҳим,
Бугун мени шоду хандон айлагил.
Тош бўлғон карвонни бағишла манго,
Бандаларға лутфи эҳсон айлагил.

Неча замон ойлар кечди то ҳам йил,
Мен ўлмишамбу ишимдин кўп хижил,
Тушибди бошима бир ажаб мушкул,
Раҳм айлабон ўзинг осон айлагил.

Бахти қаро саргардонман, бенишон,
Мен бўлмишам қилғонима пушаймон,
Осий қулман сенсан манго меҳрибон,
Бу дардима ўзинг даво айлагил.

Бағишла жонини қуйма, интизор,
¡ғлонлари булар учун дилафкор,
Неча йиллар бўлур мунда хору-зор,
Сен аларни жонин ато айлагил.

Каъбанинг устини Ҳаннону Ханнон,
Бириси Дайёну бириси Бурҳон,
Баҳаққи ҳурмати ул фахри жаҳон,
Қайтадин буларни имон айлагил.

Бирисини дерлар Султон Боязид,
Ишқ йўлида ўзни айлади шаҳид,
Дилоромни сен айлама ноумид,
Рақибларни хонавайрон айлагил.

Алқисса андин сўнг, бу муножотни тамом қилғани йўқ эрди, худои таоло Маликанинг дуосини ижобат қилиб, барча тош бўлган карвонларга жон ато қилди. Алар дарҳол маликани кўриб, ҳаммаси баяк бора келиб оёғиға бош қўйиб, узрҳоҳлик қилдилар. Малика аларнинг гуноҳидин ўтиб, жавоб берди, савдогарлар ҳар қайсиси ўз молини топиб олиб ўзларининг вилоятлариға йўлға равона бўлдилар. Алқисса бу овозалар шаҳарга етди. Халойиқлар бир-бирларига айтур эдиларки, бу шаҳарнинг канорасида бир авлиё пайдо бўлибдур деб. Энди бул сўз мунда қолсин икки калима сўзни маликанинг отасидин эшитинг. Ул куники, Маликани биёбон чўлға ташлаб эрди, бу орода ҳеч вақт

ўтмай отаси кўр бўлди, ва яна ул қассоб ва подшоҳ ҳам кўр бўлдилар. Иттифоқо кунлардин бир куни вазири айтдики, эй подшои олам, мен эшитдим, ушбу шаҳарнинг канорасида бир заифа авлиё пайдо бўлибдур, ул авлиёи замоннинг олдиға бориб, дуо олсак, шоядки, дуоси хайр қилса, анинг дуоси бирла кўзимиз очилса, деди. Бу сўз подшоҳға ниҳоятда маъқул бўлди, дарҳол подшо умарою фузалоларини йиғиб, барчаси бирла йўлға равона бўлди. Баногоҳ подшони кўриб, қассоби нобакор ҳам эшитиб арз қилдики, эй подшои олам, мани олиб боринг, ман ҳам бир ожизи дармондадурман, деди. Анда подшонинг раҳми келиб, они ҳам олиб равона қисса маликанинг хизматиға бориб, арза қилдилар. Малика отасини ва подшони ва қассобни таниди ва аларға қараб айтдики, ҳар бирингиздин бир савол сўрайман, ҳар ким ёлғон сўзласа кўзи очилмайди, ҳар кимга зулм қилған бўлса жазосини кўрар, деб, отасидан савол қилиб бу ғазални ўқиди:

Париштадай оқ соқолли кўр киши,
Арзинг дегил сени дуо айлайин.
Ҳар ким тортар ўз феълидан койиши,
Арзинг дегил сени дуо айлайин.

Ростин дегил, йўқса куядир жонинг,
Кетар армон билан жисм ила жонинг,
Мандин яширмагил сирри нигоҳинг,
Санинг учун ҳаққа дуо айлайин.

Мен ҳам бир муштипар ожиз бандаман,
Расуллиғни бозорида хандаман,
Манам сандай бир гуноли бандаман,
Дардинг дегил, санго дармон айлайин.

Бу дунёда ничча ишлар қилғонсан,
Мискинлар жониға ўтлар солғонсан,
Ё бировни уволиға қолғонсан,
Ростин дегил санго шифо айлайин.

Алқисса андин сўнг, Маликанинг отаси ҳарна қилғон ишларига иқрор бўлиб, аввалдин охиригача айтиб берди. Андин сўнг қассобдин сўради:

Кўзлари кўр бўлғон бераҳм қассоб,
Рости бирла арзи ҳолинг сўзлагил.

Қўзиларни онасидан айириб,
¡лдирурсан қанотларин қайириб,
Сиррингни яширма мандин уялиб,
Кўнгилдаги қийли қолинг сўзлагил.

Қўзиларни оёғидан осарсан,
Нозик танин ханжар бирла тиларсан,
Орқасини пора-пора қиларсан,
Кўнгли қаттиғ, пушаймонинг сўзлагил.

Тарозини оғир бердинг деярсан,
Узатгунча орқа бошин силарсан,
Чораки деб уч нимтасин қўярсан,
Бўйла кечган моҳи солинг сўзлагил.

Ҳар киши яхшилик қилибдур санго,
Ёмонликни сен қилдинг сен анго,
Яна бир яхшилик айлайин санго,
Дилоромға арзи ҳолинг сўзлагил.

Алқисса андин сўнг, қассоби нобакор ҳам қилғон ишларига иқрор бўлиб, аввалдин охиригача айтиб берди. Бадъазон малика подшоға, эрига қараб бир сўз айди:

Тўпичоқли рустамсифат эр йигит,
На сабабдин ожиз бўлди, кўзларинг.
Ранги сариқ бағирлари қон йигит,
На сабабдин ожиз бўлди кўзларинг?

Юсуфнинг ҳажрида ҳазрати Ёқуб,
Кўр бўлди кўзлари йиғламоқдин кўб,
Сўзлагил, ҳолингни эй тоза маҳбуб,
На сабабдин ожиз бўлди кўзларинг?

Ё магарким ёрдин жудо бўлмишсан,
Ул сабабдин йиғлаб адо бўлмишсан,
Ё бировнинг заволига қолмишсан,
На сабабдин ожиз бўлди кўзларинг?

Подшо бўлиб тахт устина ўлтирган,
Манманликда одилман деб сўраган,
Ёмон ишлар хуни ноҳақ айлагин,
На сабабдин ожиз бўлди кўзларинг?
Дилоромнинг ҳақиқатин англағил,
Яхши фаҳм айлаб сўзим тинглағил,
Ёлғон дема, аммо ростин сўзлагил,
На сабабдин ожиз бўлди кўзларинг?

Алқисса андин сўнг Малика отасиға раҳми келиб, анинг ҳаққиға дуои хайр қилди. Баъдазон подшо бирлан қассобни ҳам ҳаққиға дуо қилди, ҳаммаларининг кўзлари очилиб, маликанинг оёғиға бош қўйиб йиғлашиб, аз сидқидил тавба қилдилар. Малика отаси бирла кўришди. Баъдазон отасига имони арза қилди, отаси калимаи шарифни айтиб, мусулмон бўлди. Алқисса подшо маликага узри бисёр қилиб оёғига бош қўйиб йиғлади, Малика анинг ҳам гуноҳини кечиб, жойидин туриб кўришдилар, андин сўнг подшо маликани маҳофаға солиб, шаҳарға олиб борди. Қирқ кеча-кундуз тўю томошалар қилиб, қайта бошдин никоҳ қилиб олди, алқисса Маликаи Дилором Канъон подшоси бирла умрини барча айши комрониға машғул бўлдилар ва ҳам муродларига етдилар. Илоё ҳаммаи уммати ҳазрати Муҳаммад Мустафо Салаллоҳи алайҳу вассаламни ҳам муроди мақсадлариға еткургайсан. Омин тамматул китоб.

ДОСТОНЛАРДА ИШЛАТИЛГАН ҚИЙИН С¡ЗЛАР ЛУҒАТИ

А

Абришин-ипак
Анжум-юлдуз
Ар-ар-терак, новча
Ал-қўл
Ажам-араблардан бошқа халқлар яшайдиган жойлар
Ангуштар-узук
Азмо-улуғ, буюк
Алажа-отнинг бир тури
Алавий-Али тарафдорлари
Асар-таъсир қилмоқ
Абру камон-қоши камон
Абла-ола-була

Б

Бебок-бевош
Бўйла-бундай
Буқмоқ-эгилмоқ
Ботил -бекор қилмоқ
Бадъазон-ундан кейин, сўнгра
Бадр-қул
Борҳо-доимо, мунтазам
Буштулиқ-тутруқ
Беҳбуд- яхшилик

Г

Гуфтор- сўзламоқ
Гисубурида-сочи қирқилган
Гузида-танланган

Д

Дали-шаддод
Дупой- икки оёқ
Дубора-икки бора
Дохил-тегиш, кириш
Дегил-эмас
Дош-ташқари
Дерсина-кечиккан
Доғу дуз-саҳро, биёбон
Дийда-кўз
Дўзирам-чидайман
Дубиржоқ-думалоқ
Дол-эгри

Е

Ек кўрмоқ-нафрат билдирмоқ

Ё

Ёвлиқ-совға **Ёнго-** ҳали

Ж

Жаҳр- зикр тушмоқ **Жўра хол-**қўша хол
Журм- айб

З

Зой- зое, зоя, **Зоринжи-** зор
Зейранмоқ-зорланмоқ

И

Иҳё- уйғоқ **Илми нужум-**юлдузлар илми
Илми жаъфар-жодугарлик илми **Инжа-**нозик

Й

Йитмоқ-йўқотмоқ

К

Каса- кўндаланг **Каж-**эгри
Кўппак-ит **Кўшак-**бўталоқ
Кўндармоқ- элтмоқ **Кулинжи-** мазаҳ қилмоқ
Кўҳвор-ҳайвон **Коми дил-** мақсад
Калла пўш- бош кийими **Кишти кор-**экин-тикин

Л

Лопа-паноҳ **Лойизал-**мангу

М

Мақтадо-йўл бошловчи **Мустағриқ-**ғарқ бўлган
Масоҳиб-суҳбатдош **Мадҳуш-**кайфли
Муғбача-ғайридин соқий **Марг-**ўлим
Маълул- бўшашмоқ **Меҳри моҳ-**ой меҳри
Мунаққаш-нақшинкор **Минқори-** гулнинг бир тури
Моҳ-балиқ **Мўъшод-**хурсанд
Мужгон-киприк **Мусаллам-**қойил қолмоқ
Муччи-ўпич **Мункир-**инкор этиш
Мўгуз-шох **Муханнас-**номард
Маврид-вақт

Н

Нас-ҳукм **Норинч-**ўсимлик (апельсин)
Нобино-кўр **Нурбат-**нурли
Нўшбоз-ичувчи

О

Ошоқ-паст
Оройиш-безамоқ
Обдил-кўнгли юмшоқ
Одоғли-аталган
Орқайин-хотиржам
Обимўри-сув қувури
Ошуфта ҳол-мафтункор
Осори ширин- ширин нарса

П

Пир-кекса
Пажмурда-чалажон
Пуррон-учувчи

Р

Рўзан-кундуз
Риё-икки юзламалик
Раҳо-йўл,қутқариш

С

Сангсор-тошбўрон
Сар-бош
Сойил-девона
Соҳиб ғизо-дастурхон эгаси
Саринга дўнайин-бошинга
Сунмоқ-бермоқ, узатмоқ
қурбон бўлайин
Сажар-дарахт
Соташмоқ-ўчакишмоқ
Салотин-султонлар
Сухан-сўз
Сижут-сиғинмоқ
Саросар-бошдан оёқ
Сарнигун-боши эгик
Сангихор-харсанг тош
Сабзапўш-яшил кийимли
Самум-заҳарли
Сирож-чироқ
Сўзан-игна
Сабук-енгил

Т

Тарсо-ғайридин
Тотар-гўзал
Тиру камон-камон ўқи
Тўпичоқ-ошиқ, тўпиқ
Тарунч-цитрус мева
Тарсонпой-қўрқоқ
Тафаҳҳус-аниқламоқ
Тамаллуқ-юмшатмоқ
Тал-соч
Тай-босиб ўтмоқ

У

Ушоқ-майда

Ф

Фижор-қўпорилиш

Х

Хуршиди ховар- Шарқ қуёши
Хайрод-ҳайр-эҳсон
Хилъат-кийим
Хунгашта-қонга булғанган
Хўстор-ҳомий
Хароз- тегирмон
Хўжа-катта
Хўбон-яхшилар
хор-тикан

Ч

Чашм-кўз **Чанақ**-тавоқча
Чўх-жуда

Ш

Шидда-устки кийим **Шибдаст дароз-**қўли баланд
Шомор-шоҳ илон **Шажар-**дарахт
Шари банж-шер панжа **Шўриш-**ғавғо

Э

Эмгак-меҳнат **Эграмчи-**эгри, қийшиқ

Ў

Ўран-жуда Ў**тоға**-ўтов
Ўртуг-ёпинчиқ

Қ

Қандола-кана **Қаҳб**о-зулмкор
Қосид-хабар берувчи **Қув-** оққуш
Қўшоға-қўшбоғ **Қўпмоқ**-ўрнидан қўзғалмоқ
Қотмоқ-етиб бормо**қ** **Қилу қол-**айтилган
Қибоб-ҳийла

Ғ

Ғалат-хато **Ғалтон-**ҳаракат қилмоқ, силкинмоқ
Ғоза –парда

Ҳ

Ҳарис-очкўз **Ҳубоб-кўпик**
Ҳидоят-йўл бошлаш

ЛУҒАТНИ ТУЗУВЧИ: С.С.Р¡ЗИМБОЕВ

ДОСТОНЛАР НАШРИ ҲАҚИДА МАЪСУЛ МУҲАРРИР ШАРҲИ

Саёд ва Ҳамро

«Саёд ва Ҳамро» достони туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Шу сабабли унинг китобат қилиниши ҳам қадимийдир. 1862 йилда Хоразмга келган Ҳ.Вамбери унинг бир нусхасини қўлга киритиб, немис тилига таржима қилиб, Лейпцигда эълон қилганлиги ҳақида маълумотлар бор. 1870 йилда В.В.Радлов ундан айрим парчаларни С. Петербургда чоп этган. 1898 йилда достон Қозон шаҳрида, 1914 йилда Тошкентда тошбосмада нашр этилган. 1961 йилда Озарбайжонда, 1927, 1941, 1960, 1978 йилларда Ашхабодда, 1985 йилда Нукусда, 1971 йилда Москвада чоп этилган. Достон «Эмрах ва Селви» номи билан Туркияда ҳам нашр этилган. 1964 йилда Ж.Қобулниёзов 1914 йилда Тошкентда босилган нусха асосида достонни ўзбек тилида нашрга тайёрлади. Ашхабодда босилган нусхалар ҳам 1914 йилда Тошкентда чоп этилган тошбосма матнга асосланган. Биз ушбу нашрга 1964 йилда босилган нусхани асос қилиб олдик. Ундаги қолдириб юборилган парчалар, ғализ мисралар ва жумлалар қўлимиздаги бошқа нусхалар асосида тўлдирилди ва тузатилди.

Ҳурилиқо ва Ҳамро

«Ҳурилиқо ва Ҳамро» достони туркий халқлар орасида машҳур бўлиб, унинг шаклланиш тарихини айрим тадқиқотчилар XVI-XVIII асрларга тааллуқли деб ҳисоблайдилар. Достон ҳақидаги дастлабки маълумотлар ва айрим парчалар Х.Вамберининг 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган «Чиғатой тили дарслиги» китобида учрайди. Унинг уйғур ва қозоқ версияларидан айрим парчаларни В.В.Радлов 1870 йилларда эълон қилган. Асарнинг ўзбек тилидаги тошбосма нусхаси 1908 йилда Тошкентда чоп этилган. Унинг туркман версияси 1971 йилда Москвада нашр этилган. Достон 1950, 1957 йилларда ва унинг саккизта варианти асосида тайёрланган йиғма нусхаси 1978 йилда Ашхабодда босилган. Достон қорақалпоқ бахшилари репертуарида ҳам мавжуд бўлиб, 1986 йилда чоп этилган.

Ушбу эълон қилинаётган матн шовотлик Ниёзжон халфа бисотида сақланиб келган 1908 йилда чоп этилган тошбосма нусха асосида тайёрланди. Достоннинг оғзаки варианти манғитлик Турсун бахши Жуманиёзов репертуарида яшаб келган. Бу вариант 1982 йилда С.Рўзимбоев томонидан ёзиб олинган бўлиб, ёзма нусхадан ҳажман икки баробар ортиқдир.

Ройи Чин.

Ушбу достон ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар жуда кам. Туркман олими Б.А.Қарриевнинг 1968 йилда Москвада босилган «Эпические сказания о Керогли у тюркоязычных народов» номли монографиясида унинг туркман қиссахонлари репертуарида мавжудлиги қайд этилган ва у 1943 йилда

Ашхабодда нашр этилган. Бизнинг қўлимизда унинг 1877 йилда Юнус котиб мулла Қурбонниёз бинни Сайидниёз томонидан кўчирилган нусхаси мавжуд. Биринчи марта эълон қилинаётган ушбу матн ана шу нусхага асосланди. Достон бахшиларнинг оғзаки репертуарида учрамайди. Шу нарса эътиборни тортадики, Хоразмда тарқалган ишқий- романик достонлар асосан Озарбайжонлар ва Туркманлар истиқомат қиладиган ҳудудлар билан алоқадор бўлса, ушбу достон шарқий Туркистон, Хитой ва Ҳиндистон минтақалари билан боғланиб кетади. Қўлёзмани табдил қилишда катта ёрдам кўрсатган шогирдимиз Султон Мирзога миннатдорчилик билдирамиз. Қўлёзманинг охири қуйидагича якунланган: Хатим йўқтур, хатимни айб этмангизлар, ўзимни сўк, отамни сўкмангизлар. Ибн Юнус котиб мулло Қурбонниёз бинни Саид ниёз.

1294 ҳижрий, 1877 милодий йиллар.

Эдиго

«Эдиго» достони ҳам туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Достон «Эдиго», «Тулимхўжа», «Тулимбий» каби турли номларда юритилади. Хоразмда аксарят ҳолларда достон «Эдиго» номи билан юритилади. Бу номнинг келиб чиқиши турлича шарҳланади. Кексаларнинг маълумот беришича, ҳайитларда маълум бир жойда ошиқ ўйини ташкил этилган. Бу жой ийдгоҳ (ҳайитгоҳ) деб юритилган. Достон воқеаларига қараганда Раҳимбердига бу лақаб ана шу ошиқ ўйналадиган жойда тенгқурлари томонидан берилган. Достоннинг номи оғзаки талаффуз қилинганда баъзан «Ҳайитгоҳ» тарзида ҳам айтилади. Биз эълон қилаётган матнда унинг исми Адига тарзида битилган. Шундай бўлса ҳам биз халқ орасида айтилиб юрилган номни танлаб, достон номини «Эдиго» тарзида бердик. Ушбу асарни Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовлар тарихий-фантастик достон сифатида тилга оладилар. Туркман халқи орасида «Тулимхўжа» номи билан юритилади. Достоннинг қорақалпоқча версияси биринчи марта 1937 йилда Москвада чоп этилган. Кейинчалик Нукусда турли вариантлари уч марта босилди. Шунингдек достон қозоқларда 1927, 1934, 1939 йилларда, бошқирдларда 1897, 1915 йиларда, Тошкентда 1939 йилда, Туркияда 1957 йилда чоп этилган. В.М.Жирмунскийнинг берган маълумотига қараганда достон ўттиздан ошиқ турли тилларда нашр қилинган.

Достоннинг битта нусхаси ¡зР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими архивида 1430-рақамли инвентарда сақланиб, уни Феруза Султонова Янгибозор туманининг Бўзқалъа қишлоғида яшаган ¡ғилжон Маҳмудовадан 1957 йилда ёзиб олган. Ушбу нашрда биз ана шу нусхага асосландик. Ушбу нусхада ташлаб кетилган айрим парчалар, нотўғри берилган мисралар ва жумлалар УрДу доценти А.Аҳмедовнинг бисотида сақланаётган қўлёзма нусха ёрдамида тузатилди ва тўлдирилди. ¡ғилжон халфа нусхасининг охири қуйидагича тамомланган: Бу китоб мулла ¡ғилжон бикажоннинг китобати турур, деб муҳаррам ойинда хат битилди. Сана 1835 йил. Шуд ба тавфиқи худойи ло инам. Ин китобат рўзи душанба тамом.

Гар хато бўлса айб этмангиз,
¡зимга сўк, отамға сўкмангиз

Маликаи Завриё

Ушбу достон биринчи марта эълон қилинмоқда. унинг 1224 йил ҳижрий.

1809 мелодий йилда Хоразмда кўчирилган қўлёзмасининг фото нусхаси бизнинг шахсий архивимизда сақланади. Достон мазмун жиҳатидан «Маликаи Дилором» шунингдек Ашхабодда 1976 йилда нашр қилинган «Қосим ўғлон» достонларига яқин келади. Достон бахшиларнинг оғзаки репертуарида сақланиб қолмаган. Ушбу асар ҳақида ҳозиргача бирорта тадқиқотда маълумот берилмаган. ¡з навбатида қардош туркий халқлар фольклоршунослари томонидан ҳам нашрга тайёрланмаган.

Маликаи Дилором

Ушбу достон 1908 йилда Тошкентда тошбосма усулида босилган. 1946 йилда эса Ашхабодда чоп этилган. Унинг бир нусхаси Хонқа туманида яшовчи Сўна халфа бисотида, яна биттаси шовотлик Ниёзжон халфа бисотида сақланади. Достон мазмуни Ислом шоир Назар ўғли репертуаридаги «Орзигул» достонига жуда ўхшаш келади. Унинг бошқа туркий халқлар фольклорида мавжудлиги тадқиқотларда қайд қилинмаган. Бизнинг қўлимиздаги нусханинг охири қуйидагича тамомланган: 1328 йилда 8-рабби ул аввал ойида тамом шуд.

МУНДАРИЖА:

1. Ишқий-фантастик достонлар ҳақида.
2. Саёд ва Ҳамро
3. **Ҳурилиқо ва Ҳамро**
4. Ройи Чин
5. **Эдиго**
6. Маликаи Завриё
7. Маликаи Дилором
8. Луғат

9. Достонлар нашри ҳақида маълумот.

Абришин-ниқобин олинг юзиндин (СҲ)
Алақисса Маликанинг **ангуштари** бор эди. (МД)
Билса зиндонбон Сўнанинг ёридур **абру камон**. (МЗ)
Маст, мудҳиш, **бебок** ўлуб айрилдим (РЧ)
Ботил йўлларни очмоқа. (МЗ)
Бадъазон булбулигўё Ҳамронинг аҳволини подшоға баён этиб бир сўз айди: (СҲ)
Қодир олло **бадр** айламиш жамолин. (СҲ)
Сўзим қабул айлаб тинглағил **борҳо. (Э)**
Ширин **гуфтор**, шаккар забона мангзар. (МЗ)
Гисубуридани биёбонға элтиб ташлангларким, анда ҳеч одам бўлмасин ва сув ҳам бўлмасин, деди. (МД)
Эй фарзанди **гузидам (**РЧ**)**
Сенинг ишқинг этди **дали** девона. (СҲ)
Ҳамро деяр оёғинда **дупойи** (СҲ)
Айшу-даврон хўб **дубора** ёронлар. (Э)
40 кун йўл юриб Хоразм юртина **дохил** бўлдилар. (МЗ)
Дерсина равондир ёр сани кўзлар.(СҲ)
Тутди оҳим **доғу** дузларинг бирла. (СҲ)
Дийдам ёши оқа-оқа сел бўлди, (СҲ)
Дубиржоқ-**дубиржоқ** ол ёноқларда. (СҲ)
Оқ юзинда жўра-**жўра хол**ина. (СҲ)
Саёдхон дер, мани этдинг **зоринжи**. (СҲ)
Жумла ашё санинг бирла **иҳёдур.** (РЧ)
Ҳамроҳни **каж** бахти-қўли –Саёднинг (СҲ)
Анинг-ла **коми дил** ҳосил айлаған (РЧ)
Кишти кор айладинг жона, Салбиниёз (СҲ)
Ғариб бўлур ғарибларнинг **лопаси**. (ҲҲ)
Қафас ичра кўрдим булбул **мунаққаш**. (ҲҲ)
Кўк юзинда меҳри **моҳни** севарсан (СҲ)
Мужгонинг эндириб, читма қошингни (СҲ)
Ғофил, оқ юзиндин олдим **муччини**.(СҲ)
Тепасинда бордир қўша **мўгузи**. (СҲ)
Кўк юзинда **меҳри моҳни** севарсан. (СҲ)
Минқори бирла тўрт япроғини олиб қочди. (МЗ)
Сизлар келиб эмди **мўъшод** айлангиз. (МЗ)
Нобино кўзларим айлагил равшан. (МД)
Норинч энди, турунч энди, нор энди. (СҲ)
Нурбат қайси, омон қайси билмадим. (СҲ)
Ошиқ Ҳамро **обдил** бўлиб, айланиб,

Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони. (СҲ)
Армон қолди мен **орқайин** ётмадим. (СҲ)
Эрса Рой эшитиб, **ошуфта**ҳол бўлди, таваккал ақлини етурди. (РЧ)
Оройиш айламиш будоғи олма.(СҲ)
Осори ширин-ширин нарса. Аммо ровиёни ахбор, **осори ширин** гуфторлар сўз тайин қилурларким, Чин Мочин шаҳринда бир подшоҳ бор эрди. (РЧ)
Пир-кекса. **Пирлар** дош қолди, дош қолди. (СҲ)
Пуррон-учувчи. **Пуррон** каби ўтди ёз ҳамда қишим. (МД)
Раҳо-йўл, қутқариш. Андин шира-шарбат **раҳо** айлади. (РЧ)
Сангсор-тошбўрон. Алқисса, андин сўнг, маликани **сангсор** қилғандин сўнг.
Саринга дўнайин-бошинга қурбон бўлайин. Ҳар саҳарлар ман **саринга дўндигим**. (СҲ)
Сухан-сўз. -Эй Ҳамрожон, сардорға бир **сухан** достон айтиб бер.
Самум-заҳарли. Ишқ боди **самум** андин бошиға қуюн етти. (РЧ)
Сўзан-игна. Бобо маликани жароҳатларини **сўзан** бирла артиб, неча кунлар парвариш қилдики, малика сиҳат ва саломат бўлиб, ўрнидин турди, бобои ғарибни малика қиёматлик отам деди, бобо ҳам қиёматлик қизим, деди. (МД)
Сажар-дарахт. Ман билманам **сажарларда** бор ўла. (СҲ)
Салотин-султонлар. Бир **салотин** бўйлим соллониб келди. (СҲ)
Сижут-сиғинмоқ. Соллонғонда **сижут** энар қошингга. (СҲ)
Сарнигун –боши эгик. Алқисса, ул ўғлон соҳиб хуруж бўлдиким, ҳар ўқ отилғонда икки шер, қоплонни йиқар эрди, тўрт кўҳворни **сарнигун** қилур эрди. (РЧ)
Сирож-чироқ. Қанду асал таним шаккар **сирожим.** (РЧ)
Сабук-енгил. Бу жудоликдин ўларман ким **сабук** борим манинг. (МЗ)
Тарсо-ғайридин. Бир **тарсо** қизидир, ҳеч кирмас дина. (СҲ)
Тиру камон –камон ўқи. Ғаним бирла **тиру камон** отишдим. (СҲ)
Тафаҳҳус-аниқламоқ. Рой **тафаҳҳус** қилиб эшитса, турфа хуш овоз ва нағма танори қулоғиға етушди. Ажаб хуш келиб қулоқиға тутди. Эрса ел бу ғазални ўқиди: (РЧ)
Тамаллуқ-юмшатмоқ. Пинҳон қилсанг деб **тамаллуқ** қилдилар. (РЧ)
Тўпичоқ-ошиқ, тўпиқ. **Тўпичоқ**ли рустамсифат эр йигит. (МД)
Хор-тикан. Қизил гулни теграсинда **хор** битар. (СҲ)
Хунгашта-қонга булғанган. Буларнинг ораларинда бир **хунгаштаси** бор эрди. (РЧ)
Хўбон-яхшилар. Сайёдхон қиз, дерлар, шоҳи**, хўбондир. (СҲ)**
Чашм-кўз. **Чашми** гирёнам намлар ичинда. (СҲ)
Чўх –жуда. Энди билдим **чўх** истабсан Ҳамрони. (СҲ)
Чаноқ-тавоқча. -Эй канизлар, бу ўғлонга бош-оёқ сарупо бирлан бир **чаноқ** тилло беринг,-деди. (СҲ)
Шидда-устки кийим. **Шидданг** ечилмасин белдин, айбдир. (СҲ)
Шомор-шоҳ илон. Икки зулфи **шомор** каби. (СҲ)
Қандола-кана. Бу боғларнинг гул-лоласи,
Чўлу даштлар **қандоласи**, (СҲ)

Қибоби-ҳийла. Ошиқлиғим билсанг кўпдир, **қибоби**. (СҲ)
Қаҳбо-зулмкор. **Қаҳбо** фалак неча ишлар қайирди. (СҲ)
Қилу қол-айтилган. Сани кўрганларнинг ақли лол бўлур,
Топилмас ким, иши **қилу қол** бўлур, (СҲ)
Ғалат-ҳато. **Ғалат** айлаб бу ўлкага келмишам. (СҲ)
Ғоза-парда. Ўрдаклари **ғоза** мангзар. (МЗ)
Ғалтон-ҳаракат илмоқ, синкинмоқ. Бир **ғалтон** урди, дев бўлди, яна **ғалтон** урди, заиф бўлди, яна осмондин бир кабутар келди. (ҲҲ)
Ҳарис-очкўз. Кўп **ҳарис**дан жудо қилар. (МЗ)
Ҳубоб-кўпик. Дарёйи вафосиздин бир қатра **ҳубоб** авло. (РЧ)